

Ш.Наралиева, Н.Досметова, Ш.Алиакбарова

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг
8-синфи учун дарслик

1-қисм

8



Алматы
«Жазушы», 2018

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922
Н 23

Наралиева Ш. ва бшқ.

Н 23 Ўзбек тили. Умумтаълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. 1-қисм / Ш. Наралиева, Н. Досметова, Ш. Алиакбарова. – Алматы: “Жазушы” баспасы, 2018. – 248 бет, расмли.

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922

ISBN 978-601-200-613-1 (1-қисм)
ISBN 978-601-200-618-6 (жами)

© Наралиева Ш., Досметова Н.,
Алиакбарова Ш., 2018
© “Жазушы” баспасы, 2018

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкый ҳуқуқлари
“Жазушы” нашриётига тегишли.

КИРИШ

Азиз ўқувчилар! Ушбу «Ўзбек тили» ўқув фани функционал-коммуникатив йўналишга асосланиб ясалган бўлиб, у сизларнинг тил тўғрисидаги тушунчаларингизни кенгайтиради, тилнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини англатади.

Мазкур ўқув фани билим даражаси юқори, ўй-фикрлари теран, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён эта оладиган, юзага келган муаммоларни бартараф эта оладиган ҳамда ҳаётда ўз ўрнига эга бўла оладиган янги авлодни камол топтириш вазифасини кўзлайди.

Дарслик сизларнинг маънавий дунёқарашларингизни шакллантириш, ўзингизни ва ўзингиз ҳаёт кечираётган оламни баҳолай оладиган, миллий дунёқарашингизни кенгайтирадиган, ижодкорликка йўналтирадиган, атрофингиздаги одамлар билан тўғри муносабатда бўлишни ўргатадиган, сизни шахс сифатида шакллантирадиган билимларни такомиллаштиришдан иборат.

Бундан ташқари сиз қуйи синфларда тилимиздаги нутқ товушлари, сўзлар, иборалар, уларнинг маъно ва грамматик белгилари жиҳатидан фарқ қилувчи гуруҳлари, сўз туркумлари билан танишган эдингиз. Ўзбек тилининг фонетика, лексикология, морфология, орфография бўлимларини ҳам ўргандингиз. 8-синфда эса тилнинг одамлар орасида фикр алмашиш воситаси бўлиб хизмат қилишдан иборат асосий ижтимоий вазифаси қандай рўёбга чиқишини ўрганиш навбати етди. Яъни «Ҳозирги ўзбек адабий тили»нинг синтаксис бўлими билан танишасиз. Синтаксис фанининг мақсади ўқувчиларга ўзбек тилининг асосий синтактик хусусиятларини ўргатиш асосида уларда турли хил фикр, ҳис-туйғу, гоёларни мақсадга мувофиқ, вазият-ҳолатга мос ҳолда ҳар хил шаклларда ифодалашга кўникма ва малака ҳосил қилишдир. Ана шу асосий мақсаддан келиб чиқиб, синтаксисда сўз бирикмаси, содда гап каби синтактик бирликлар, уларнинг тур ва типлари, бу бирликларнинг юзага келиш жараёнлари, синтактик алоқа ва муносабатлар ўрганилади.

Ушбу дарслик асосий ўрта мактаб ўқувчисига ўзбек тилини она тили сифатида алоқа тили ва билим олиш воситаси сифатида ўқитишни, сўз, сўз бирикмалари, гапларнинг матн ҳосил қилишдаги хизматини танитиш, тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда матнлар ҳосил қилишга, матн ҳосил қилишдаги қонуният ва қоидаларга амал қилишга ўргатишни, тил фаолияти давомида оғзаки ва ёзма нутқ меъёрлари, таъсирчан нутқий фаолиятнинг грамматик меъёрларини ўзлаштиришни мақсад қилиб кўяди.

Азиз ўқувчилар, таълим соҳасидаги фаолиятингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз!

Муаллифлар

Шартли белгилар

	<i>Ёдда сақланг!</i>		<i>Сўзлаш</i>
	<i>Билиб олинг!</i>		<i>Ёзиш</i>
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
	<i>Тақдимот</i>		<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>
	<i>Савол ва топшириқлар</i>		<i>Мулоқот</i>
	<i>Тинглаш</i>		<i>Жуфтликда ишлаш</i>
	<i>Ўқиш</i>		<i>Якка тартибда ишлаш</i>
			<i>Донолар ўғити</i>

I БЎЛИМ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁЗУВЛАР ВА ЎЗБЕК ЁЗУВИ



ЧУНКИ ТОПТИМ УЛ КАЛОМ ИЧРА КАМОЛ,
ТУРК АЛФОЗИ БИЛА СУРДУМ МАҚОЛ...
ТУРК НАЗМИДА ЧУ МЕН ТОРТИБ ҚАЛАМ,
АЙЛАДИМ УЛ МАМЛАКАТНИ ЯКҚАЛАМ...

Алишер Навоий

1

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁЗУВЛАР – ТИЛИМИЗ АСОСИ



Ўқиш



Тинглаш

1-машқ.

Навойи ғазалин ҳар бир сатрида,
Нафосат, гўзаллик шарқ тилга хосдир.
Шунчалар қудрат бор сўзнинг атрида
Ҳар бир сўз дурдона ёки олмосдир.

Тонготар файзини, най навосини,
Далалар шуқуҳин об-ҳавосини.
Висол чоғларини, дил садосини,
Одамнинг жамики муддаосини.

Барини, барини куйламоқ мумкин,
Одамда не бўлса ўйламоқ мумкин.
Шу қодир сермаъно она тилимсан
Таржимон, энг доно она тилимсан.

Ҳ. Нуриев



Савол ва топшириқлар



Гуруҳда ишлаш



Тинглаш

1. Шеърни ифодали ўқинг ва “**Соябон**” усули ёрдамида мазмунини очинг.
2. Шеърга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?



Якка тартибда ишлаш



Ёзиш

2. Ушбу шеърнинг насрий баёнини ёзинг.



	Жуфтликда ишлаш		Мулоқот
---	------------------------	---	----------------

3. “Ассоциация” усули асосида она тилига хос хусусиятларни тўплаштиринг.



4. “Ақлий ҳужум”. Одамнинг жамики муддаосини куйламоқ нима учун зарур?



	Ўқиш		Сўзлаш
---	-------------	---	---------------

2-машқ.

Қадимги туркий адабий тилнинг ёзма ёдгорликлари турк-руний (Ўрхун-Энасой) ва турк-уйғур ёзуви орқали бизгача етиб келган. Уларда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи туркий халқларга тегишли фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларни учратамиз.


Масалан: *Култагин йоқ, әрсәр, көпләлтари әртигиз. Иним Култагин кәргәк болты, өзим сақынтым; көрүр көзүм көрмәзтәг, билир билигим билмәзтәг болты, өзүм сақынтым. Од тәңри йасар, киси оглы көп олгәлы (ёки өлүгли) торумыс.*

Култагин обидасидан келтирилган бу парчада қарийб ҳамма сўзлар тушунарлидир: *Култагин бўлмаганда эди, сиз ҳаммангиз ўлар эдингиз. Иним Култагин керак бўлди, ўзим соғиндим, кўрар кўзим кўрмасдек, билган билимимни билмагандек бўлдим, ўзим соғиндим. Оҳ, тангри, инсон ўгли ўлиш учун туғиладими?*

Кўриниб турибдики, қадимги туркий ёзув ёдномалари умумтуркий тиллар учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ёзма ёдгорликлар бизга ёзув орқали етиб келган. Шундай экан, туркий халқлар қандай ёзувлардан фойдаланган? – деган савол туғилади. Тарихий ва





археологик манбаларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий халқлар оромий, сўғдий, хоразмий, ўрхун-энасой ёки руний, уйғур, араб ёзувидан фойдаланганлар.

Оромий ёзувининг таъсирида шаклланган сўғдий ва хоразмий ёзувлари эрамизнинг I–V асрларида ишлатилган. Шунингдек, оромий ёзуви таъсирида эрамизнинг биринчи асрида уйғур ёзуви шаклланади. V асрга келиб эса, руний номи билан аталган ўрхун-энасой ёзуви пайдо бўлади.

Руний ёзуви оромий ёзуви таъсирида пайдо бўлган сўғдий ва хоразмий ёзувлари асосида шаклланган. Бунга туркий тиллар товушларини ифодаловчи тамға шаклидаги ҳарфлар ҳам қўшилган.

Бу ёзувларнинг борлиги фан оламига XVIII асрдагина маълум бўлди. Уларнинг намуналари Энасой дарёси бўйида топилади. XIX аср охирида рус сайёҳи ва ёзувчиси Н.М. Ядринцев Ўрхун дарёси бўйидан шу хилдаги ёзувларни топади ва тузилиши жиҳатидан Герман руник ёзувларига ўхшагани учун **руний ёзув** деб атайди. Руний ёзувдаги ёдгорликлар катта ҳудудга тарқалган бўлиб, улар феодал ҳукмдорлар ва уларнинг қариндошлари қабри устига қўйилган тошлар, идишлар, ёғоч ва тоғ қояларда сақланган. Бу ёзувдаги битиклар Энасой дарёси бўйларида, Қирғизистоннинг Талас водийсидан, Ўрхун дарёси Селенга ҳавзаси ва унга яқин жойлардан, Байкал кўли атрофларидан топилган.

Уйғур ёзуви янги сўғд ёзуви асосида шаклланган бўлиб, у кейинчалик мўғулларга ва мўғуллардан манжурларга ўтган. *Уйғур* ёзуви VI асрдан тортиб XV асргача туркий халқларда ва буддавийлар орасида XVIII асргача ишлатилиб келинган. Уйғур ёзуви асосида IX–X асрларга тегишли бўлган туркий тилларнинг ёзма ёдгорликлари пайдо бўлади. Улар диний, фалсафий хусусиятга эга бўлган асарлардир.

Уйғур алфавити билан ёзилган ёдгорликларнинг хусусияти ва мазмунига қараб, қуйидагиларга бўлиш мумкин: 1. Уйғур ёдгорлиги. 2. Маънавийлик ёдномаси. 3. Буддий ёдномаси. 4. Христиан ёдномаси.

XI–XV асрларга оид кўпгина йирик асарлар турк уйғур ёзувида тартиб қилинган. Масалан, “Меърожнома”, “Тазкираи авлиё”, “Бахтиёрнома” каби бир қатор асарлар шу ёзувда кўчирилган. “Қутадғу билиг”, “Ҳибатул ҳақойиқ”, “Муҳаббатнома” каби асарларнинг уйғур ёзувида кўчирилган нусхалари ҳам мавжуд.

Академик В.В. Радлов биринчи марта қадимги туркий адабий тилнинг ўзига хос диалектларини ўрганиб чиқди ва уни шимолий, жанубий ва аралаш диалект деб уч гуруҳга бўлди. Шимолий туркий адабий тилга руний ёки Ўрхун-Энасой ёзувлари асосида вужудга келган тил киритилади. Бу тилга хос хусусиятларидан бири сўз бошида ва сўз охирида жарангли ундошлар ўрнида кўпроқ жарангсиз ундошлар келишидир. Лекин бундан б ундоши истиснодир, чунки сўзнинг охири *н* ва *нг* товушлари билан тугаган сўзларда сўз бошидаги жарангли *б* ундоши сақланади: *бән-мен, бинг-минг, бин-мин* каби. Масалан *Тонйўқуқ бәнэг айды – Тойўқуқ менга айтди (Тонйўқуқ). Багну таш тақытдым – Мангу тош тикдим* (Култагин).

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------	--	---------------	---	-------------

1. Матнни “*Жигсо*” усули асосида ўрганиб чиқинг.
2. Режа тузинг.

	<i>Тақдимот</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-----------------	---	----------------	--	-------------


2. Матн тузилишини сақлаган ҳолда нутқ турларидан фойдаланиб, матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>
---	------------------------	---	----------------

3. Матннинг тезисини тузинг.
4. Ўзбек тили тарихига оид қандай маълумотларга эга бўлдингиз? Фикрингиз билан ўртоқлашинг.
5. “Адабий тил ва шева” мавзусида суҳбат ташкил этинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

6. “Адабий тил ва шева” мавзусида фикрларингизни жамлаб, ихчам эссе ёзинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

3-машқ.

ОНА ТИЛИМ

Она тилим – юрак қатимдан
 Меҳр бўлиб сочилган жаранг.
 Қулоғимга гўдак пайтимдан
 Алла бўлиб сингиган оҳанг.

Она тилим – неча асрлар
 Курашида енгган полвоним.
 Неча аждод, неча насллар
 Суйиб ўтган туркий забоним.

Она тилим – дўппи кийган Сўз,
 Доим янги йўлча-атласи.
 Бир сатрига ташласангиз кўз,
 Товланади минг-минг қирраси.

Она тилим – асалчой таъмли,
 Булбулталқин, муҳаббатшева.
 Лабларимга кўчиргум доим
 Талаффузин мен сева-сева.

Она тилим – юрак қатимдан
 Меҳр бўлиб сочилган жаранг.
 Қулоғимга гўдак пайтимдан
 Алла бўлиб сингиган оҳанг...

И. Умарова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>

Матнни ўқиб, услубини аниқлаб, қисқача тақдимот тайёрланг, мазмунини ёритинг.

*Ўқиш**Сўзлаш***4-машқ.**

Ўзбек тили, унинг адабий шакли узоқ давр ва асрларнинг тарихий маҳсулидир. У тарихда маълум бўлган бошқа тиллар каби уруғ тилидан қабила, қабила тилидан халқ ва халқ тилидан миллий тилга қараб тараққий этди. Узоқ асрлар давом этган бу жараёнда ўтмиш асрлардаги тил ҳодисалари кейинги даврлардаги тил ҳодисаларидан фарқланиб қолди. Ижтимоий тарихий тараққиёт талабларига жавоб беролмаган тил ҳодисалари аста-секин умумтил алоқасидан чиқиб кетди. Уларнинг ўрнини замон талаби билан юзага келган янги тил ҳодисалари эгаллади. Шунинг натижасида юқорида айтилганидек, ҳозирги замон ўзбек тили ўзининг ўтмишидан узоқлашиб кетди. Бу ҳолатни ёзув ёдгорликларида акс этган ҳодисалар билан қиёслашда яққол кўриш мумкин.

Ўзбек адабий тили тарихи бир қатор фанлар билан боғлиқ равишда ўрганилади ва улар билан узвий боғланади. Биринчи навбатда, ўзбек тилшунослиги доирасига кирадиган фанлар билан узвий боғланади. “Ўзбек адабий тили тарихи”, “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси”, “Ўзбек диалектологияси”нинг берган илмий хулосаларига суянади. Айни замонда, ҳозирги ўзбек адабий тили курсига илмий замин ҳозирлайди. Иккинчи навбатда, “Адабиёт тарихи” фани билан боғланади, чунки улкан ва бой маданий ёдгорликларимиз шу давр тилини ташувчи манба ҳисобланади.

Ўзбек адабий тили тарихининг асосий манбаларига ёзма обидалар – бадий, илмий асарларнинг матнлари, шева материаллари, жой номлари, киши исмлари, ҳозирги ўзбек адабий тили материаллари, тарихий лингвистик луғатлар, туркшуносликка оид ўзбек, рус ва хорижий олимларнинг тадқиқот ва қўлланмалари киради.

*Савол ва топшириқлар**Якка тартибда ишлаш**Ёзиш*

1. Ўзбек адабий тилининг тараққиёти ҳақида қандай маълумотлар олдингиз? Матн мазмунини ёритувчи бош ахборотни топинг ва кўчириб ёзинг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

2. Ўзбек адабий тили тарихининг асосий манбаларига нималар киради? “Кластер” усули асосида тасвирланг.




	<i>Тақдимот</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-----------------	---	---------------	---	----------------

3. Матн юзасидан хулосаларингизни жамлаб, тақдимот тайёрланг ва шарҳланг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

4. Матндан ҳар бир мустақил сўз туркумига иккитадан мисоллар топиб, боғланган сўзи билан бирга ёзинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

5-машқ. Қуйидаги топшириқларни бажаринг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	-------------

1. “Ўзбек адабий тили тарихи” мавзусидаги иншога мураккаб режа тузинг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-----------------------	---	---------------	---	----------------

1. Тузган режани бошқа гуруҳ аъзолари билан муҳокама қилинг.
2. Режа асосида тахминий фикрларингизни оғзаки баён қилинг.




Ўқиш



Сўзлаш

6-машқ.

АДАБИЙ ТИЛ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ



Адабий тилнинг юзага келиши шу тилнинг халқ ва миллий тил босқичлари билан боғлиқдир. Маълум бўладики, адабий тил халқ ёки маънавий тил замида яратилади. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тилининг шаклланишини XIII аср охири ва XIV аср бошлари билан, эски туркий адабий тилнинг (қорахонийлар давлати адабий тили) шаклланишини XI – XIII асрлар билан боғлайдилар.

Адабий тил асосий эътибори билан умумхалқ тилидир, лекин у сўз усталари томонидан ижодий бойитилган ва қайта ишлангандир. Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари бор. Маълумки, ёзувсиз адабий тил бўлиши мумкин эмас. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва силлиқланиши Ўрта Осиёда ёзувнинг пайдо бўлиши билан ёзувдан олдинги халқ оғзаки поэтик ижодини оғзаки адабий тилнинг кўриниши деб қараш мумкин. Демак, адабий тилнинг оғзаки шакли ёзма адабий тилнинг вужудга келишига замин яратган. Бу эса сўз адабий тил ёзувдан олдин юзага келди деган

хулосани бермайди. Ёзма адабий тил оғзаки адабий тилнинг маълум меъёрида сақланиб туриши учун хизмат қилади, чунки адабий тил ёзув билан шакллангандагина ўзининг меъёрларига қатъий эга бўлади. Адабий тилнинг меъёрлаштирилган тил дейилишининг боиси ҳам шундадир. Адабий тил диалект ва жаргонлардан ўзининг меъёрига солинганлиги билан фарқ қилади.

Адабий тил услубда, сўз қўллашда, морфологик ва синтактик моделларга риоя қилишда ҳар бир тилнинг ўз ички қонунлари доирасидан чиқмайди.




Оғзаки адабий тил эса, тил тараққиётининг маълум даврида бир хил талаффуз меъёрларига амал қилишни талаб қилади.

Тилнинг тараққиётига боғлиқ равишда адабий тил меъёри ҳам ўзгариб боради. Масалан, ўзбек адабий тилида Алишер Навоий давридан бери унинг луғат таркибида ва грамматик қурилишида турли ўзгаришлар бўлди.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>

1. “*Ақлий ҳужум*”. Адабий тилнинг юзага келиши нимага боғлиқ?
2. Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шаклларини Венн диаграммаси ёрдамида таққосланг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------------	---	----------------

3. Матннинг тезисини аниқланг.
4. Матндаги ёрдамчи сўзларни топинг ва шарҳланг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	-----------------	--	---------------	---	-------------

5. 3- ва 4-машқлар юзасидан гуруҳда муҳокама юритинг ва хулоса чиқариб синфда тақдимот ўтказинг.



Донолар ўғити

*Икки нарса керак вужуд учун бил,
Биринчиси дилдир, иккинчиси – тил.
Дилни сен меҳр ила шафқатга тўлдир,
Тилни ҳақиқатнинг ўткир тиғи қил.*

Х.Ҳаттақ



	<p>Ўқиш</p>		<p>Сўзлаш</p>
--	-------------	--	---------------

7-машқ.


Сиз *халқ тили, адабий тил* атамаларини эшитгансиз. Халқ тили халқнинг жонли тилидир.

Халқ тили таркибида адабий тил ҳам бўлади. Халқнинг асосий тил бойлиги адабий тил ҳисобланади. Адабий тил халқ тилининг меъёрлаштирилган энг юқори шаклидир. Бошқача қилиб айтганда, адабий тилда халқ тилидаги нутқ товушларининг талаффузи, сўзларнинг, грамматик шаклларнинг ишлатилиши маълум меъёрга келтирилган бўлади, масалан, ўзбек халқ тили таркибидаги шеваларда ҳозирги замон давом феъли *кевотти, келопти, келутти, келаёттир, кеятти, каляпти, келяпти, келмоқда* каби шаклларда қўлланилади. Адабий тилда эса булардан *келяпти, келаёттир, келмоқда* шаклларигина ишлатилади. Адабий тил қоидалари ва меъёрлари шу халқ тилида сўзловчилар учун умумий, мажбурий бўлади. Бу эса уларнинг бир-бирларини тушунишларини осонлаштиради.

Адабий тилда ҳар хил газета-журналлар чиқарилади, китоблар ёзилади; мактабларда таълим-тарбия ишлари олиб борилади. Турли идораларда, радио, телевидение, кинотеатрларда адабий тилдан фойдаланилади.

Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакли бор. Ёзма адабий тил – китобий тил бўлиб, адабий тилнинг асосий шакли ҳисобланади. Ёзма адабий тил учун хос бўлган меъёр – орфография(имло) ва пунктуация (тиниш белгилар).

Оғзаки адабий тил учун меъёр – талаффуздир.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

1. Адабий тил нима?
2. Адабий тил билан халқ тили ўртасидаги фарқни “*Т-жадвали*” орқали мисоллар билан айтиб беринг.

<i>Тиллар ўртасидаги фарқ</i>	
Адабий тил	Халқ тили

	<i>Сўзлаш</i>
---	---------------

3. Адабий тилдаги *менга, олиб кел, олиб бор, Қодир билан* сўзлари халқ тилида қандай айтилишини кузатинг ва мисоллар келтиринг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------------	---	----------------


4. Ёзма ва оғзаки адабий тилнинг меъёри нима экан, хулоса чиқаринг.

	<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	---------------	---	-------------

5. Матннинг ўзига хос жанрини инобатга олган ҳолда оддий цитатали режа тузинг.

	<i>Видеолавҳа томоша қилиш</i>
---	--------------------------------

6. Интернет манбаларидан фойдаланиб, “Минг бир ривоят” туркумидан видеолавҳа томоша қилинг. Фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

	Ўқиш		Сўзлаш
---	------	---	--------

8-машқ.

ҚАНОАТЛИ ВАЗИР

Бир подшоҳнинг жўмард, ақлли, хушфеъл вазири бор экан.

Ичи-таши бир хил экан. Ҳеч кимнинг орқасидан гапирмас, ҳамманинг айбини юзига айтаркан.

Вазирнинг бу характери подшоҳга унчалик ёқмас экан. Бир куни подшоҳнинг роса жаҳли чиқибди. Шу даражада аччиқланибдики, вазирнинг бор молу мулкани мусодара қилдирибди ва унинг ўзига жазо берилишини буюрибди.

Подшоҳнинг ишончли одамлари вазирнинг ўтмишдаги яхшиликларини унутишмаган, ўзларини вазирдан қарздор ҳисоблашар экан. Шунинг учун берилган жазони амалга оширишда жуда ҳам эҳтиёткор бўлишибди. Вазирга яхши муомалада бўлиб, уни хафа қилиб қўйишдан сақланишибди.

Вазирнинг мусодара қилинган мол-мулки берилган жазони моддий қоплашга етмабди. Жазонинг қолган қисмини ўташ учун зиндонга тушишга мажбур бўлибди.

Бир куни қўшни мамлакатнинг подшоҳларидан бири унга яширинча мактуб жўнатибди. Мактубда қуйидагилар ёзилган экан:

– Подшоҳингиз сиз каби буюк зотнинг қадрига етмади. Аллоҳ ҳамма ишларимизнинг охирини бахайр қилсин. Агар кўнглингиз биз тарафларга келишга майл этса, сизни хурсанд этиш учун қўлимиздан келганини қилишга тайёرمىз. Юртимиздагилар сизни кўриб хурсанд бўлишади. Ҳаммамиз сизнинг жавобингизни кутяпмиз.



Донолар ўғити

**ТИЛ ТИҒИДАН ЖАРОҲАТЛАНГАН КўНГИЛГА МУЛОЙИМ СўЗ
ВА ШИРИН ТИЛ МАЛҲАМ ВА РОҲАТДИР.**

Алишер Навоий

Вазир бу мактубни олиши билан туғиладиган таҳликадан қўрқибди. Қоғознинг орқасига ўзи лозим топгандек қисқа жавоб ёзиб жўнатибди.

Подшоҳнинг бир неча одами бу воқеадан хабардор бўлишибди. Тезда подшоҳга югуришибди. Воқеани айтиб:

– Қамоқдаги вазир қўшни мамлакат ҳукмдори билан мактуб ёзишяпти, – дейишибди.

Подшоҳнинг қаттиқ жаҳли чиқибди. Бу ишни суриштиришни буюрибди. Мактуб олиб келган одамни ушлашибди. Мактубни топиб, подшоҳга етказишибди. Мактубда қуйидагилар ёзилган экан:

– Мен каби кичкина одам сиз каби буюкларнинг таҳсинига лойиқ эмас. Бу ожиз қул сизнинг таклифингизни қабул қилиши мумкин эмас. Чунки шу мамлакатнинг, шу ҳукмдорнинг ҳиммати, неъматига билан ризқландим. Инсон озгина кўнгли ўзгариши билан ўз валинеъматига вафосизлик қила олмайди. Айтишганки: “Доимо сенга яхшилик истаган киши шунча вақтда сенга бир марта зулм қилса, шукр қил!”




Вазирнинг бу жавоби подшоҳга маъқул бўлибди. Дарҳол уни зиндондан чиқарибди. Уни яна вазир этиб тайинлабди. Вазирдан узр сўраб:

– Мен хато қилдим. Гуноҳинг бўлмаса ҳам, жаҳл устида сени ранжитиб қўйдим, – дебди.

– Подшоҳим қулингиз бу ишда сизнинг ҳеч қандай гуноҳингизни кўрмаяман. Балки буюк Аллоҳнинг хоҳиши озгина бўлса ҳам қийинчилик кўришимни хоҳлагандир. Шундай экан, бу ишнинг сиз тарафингиздан амалга оширилиши янада маъқулдир. Чунки қулингиз сизнинг марҳаматингиздан кўп баҳраманд бўлган, – деб жавоб берибди вазир.

Ўша воқеадан кейин подшоҳнинг вазирга нисбатан ишончи ортибди. Юртини яна одиллик билан бошқара бошлабди.

(Тарбия китобидан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>

1. Матннинг тузилишини сақлаган ҳолда мазмунини қайта ҳиқоя қилинг. Матннинг бош ва яширин берилган ахборотини аниқланг, мақсади ҳақида фикр билдириг.
2. Матннинг мазмунига хос оддий цитатали режа тузинг.
3. Вазирга хос фазилатларни “*Кластер*” усули орқали ёритинг.



4. Подшоҳнинг бошқа ишончли одамлари жазони амалга оширишда қандай эҳтиёткорлик чораларини қўришди?



Муҳокама қилиш

5. **Тадқиқот иши.** Нега қўшни мамлакатнинг подшоҳларидан бири унга яширинча мактуб жўнатди?
6. Нима учун вазирнинг жавоби подшоҳга маъқул бўлибди?



Ёзиш

7. Матндан равишларни топиб, ўзи билан боғланган сўзлар билан бирга кўчиринг.



Видеолавҳа томоша қилиш

8. Интернет манбаларидан фойдаланиб, “Ибратли фильм” туркумидан “Икки йўл” видеолавҳасини томоша қилинг. Фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



Ёдда сақланг!

Таянч тушунчалар:

Қадимги туркий тил – барча туркий қавмлар учун муштарак саналган турк руний ёзма ёдгорликлари, уларнинг фонетик ва лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларини ўрганувчи фан.

Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси – ўзбек тилининг фонетик, лексик-семантик, морфологик ва синтактик тизимини ўрганувчи ўзбек тили тарихининг узвий қисми.

Ўзбек адабий тили тарихи – ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиётини, меъёрлари тарихини ўрганадиган ўзбек тили тарихининг узвий қисми.

Ўзбек адабий тили тарихи фанининг манбалари – буюк сўз усталари томонидан яратилган адабий ёдгорликлардир.

1

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ МУКАММЛЛАШИШИДА БУЮК СЎЗ САНЪАТКОРЛАРИНИНГ РОЛИ




	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	----------------	---	---------------

9-машқ.

Ўзбек тили – туркий тил. Туркий тилнинг тарихи жуда қадим даврларга бориб тақалади. Бу тилда мулоқот қилувчи кўчманчи туркий қабилаларнинг майдони тарихда энг катта ҳудудларни қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Шу маънода туркий тил дунё тилларига таъсири жиҳатидан илғор тиллардан ҳисобланади. Туркий тилдаги илк ёзма бадий манбаларни қадимги Ўрхун-Энасой битикларида ёки “Девони луғотит турк”, “Қутадғу билиг” асарлари билан танишиш жараёнида учратамиз.

Туркий тилнинг ривожига туркийзабон ижодкорларнинг қўшган ҳиссаси беқиёс. Хусусан, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Саккокий ва Лутфий каби мутафаккирлар бу борада пешқадам саналадилар. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) асарида тил ҳақида шундай ёзади:

Заковат, билимнинг таржимони – тил,
Эрни улуғловчи равон тил деб бил.
Тил ила эр улуғ, бўлур бахтиёр,
Тил ила беқадр, ғамга гирифтор.
Тил арслондир, боқ, эшикда ётар,
Макқору ваҳшийдир, бошинг йўқотар.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		

1. Матнни ўқиб, қайси услубда ёзилганлигини аниқланг.
2. Матндаги таянч фикрни топиб, изоҳланг.
3. Шеърий мисрани қайта ўқинг, тил ҳақидаги фикрни ўз сўзингиз билан айтинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------------	---	---------------	---	----------------

4. Берилган насрий ва шеърий матн қайси услубга хослигини фикрингизни асослаган ҳолда тушунтиринг.

	Ўқиш		Сўзлаш
---	------	---	--------

10-машқ.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЛУТФИЙ ИЖОДИНИНГ РОЛИ



Ўз даврининг “Малик-ул каломи” деб аталган Лутфий ўзининг улкан фаолиятини ўзбек дунёвий адабиётига бағишлади ва шу йўл билан ўзбек адабий тилининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. У ўзбек ва форс-тожик тилидаги лирик шеърлар, девонлари “Гул ва Наврўз” ҳамда “Зафарнома” таржималарининг муаллифидир.

Лутфий ғазаллари, дostonларининг тили жуда енгил ва халққа тушунарлидир. Лутфий ғазалларининг ва, умуман, шеъриятининг мазмунлилиги, бадийлиги халқ оғзаки ижоди материалларидан ҳамда жонли тилга хос бўлган сўз ва иборалардан унумли фойдаланганлигидадир.

Лутфий шеъридаги мисралар маъносини кучайтириш, таъкидлаб кўрсатиш учун кўпроқ туркий сўз ва сўз бирикмаларидан радиф сифатида фойдаланади. Масалан;

Партаведур ул табассумдинки жон дерлар ани,


Соёи сарвинг дурур ҳамки равон дерлар ани.

Ёки: Маҳвашим, бир назар этсанг, не ниманг ўксугуси,

Банда сари гузар этсанг, не ниманг ўксугуси ва ҳк.

Лутфий асарлари лексикасида асосий ўринни туркий сўзлар ташкил этади. Маълумки, ўзбек мумтоз адабиёти асарлари лексикасида форс-тожик ва арабча сўзлар умумлексиканинг аксарият қисмини ташкил қилади. Лекин Лутфий ижодида бунинг акси кўринади. Масалан, “То жамолингдин тушубтурмен”, “Ўлтурур ҳижрон мени” жумлалари билан бошланувчи ғазалларида 191 лексема катнашган бўлиб (айрим сўзларнинг такрори ҳам ҳисобга олинган), шундан 104 таси туркийдир. Маълум бўладики, Лутфий ижодида туркий сўзлар 55 ва ундан ортиқроқ фоизни ташкил этади.

Маълум бўладики, Лутфий асарлари тили эски ўзбек тили хусусиятларини бошлаб берувчи восита бўлиб хизмат қилса, асарларининг соддалиги, халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланиши асар тилининг ҳам содда ва халққа тушунарли бўлишини таъминлаган.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------	---	-----------------------

1. Ўзбек адабий тилининг мукаммаллашишида Лутфий ижодининг роли нимада экан? Тушунчаларингизни далиллар билан “*Кластер*” усули ёрдамида баён этинг.





	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	----------------	---	---------------	---	----------------

2. Лутфийнинг қайси асарлари ўзбек адабий тилининг ривожига катта ҳисса қўшган?
3. Матндаги шеърини парчани гуруҳда талқин қилинг ва фикрларингиз билан ўртоқлашинг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	------------------------	--	-------------

4. Мустақил ва ёрдамчи сўзларни топиб ёзинг, изоҳланг.
5. Лутфийнинг ўзбек адабий тили тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида маҳаллий газетага мақола ёзинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

11-машқ.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ РОЛИ


Алишер Навоий замонасидаги бадиий адабиётнинг турли жанрларида ижод этган ва шу соҳаларда оригинал асарлар яратган буюк сўз санъаткоридир. У ўз асарлари орқали сермазмун мактаб яратган буюк истеъдод эгасидир. Навоий Хусайн Бойқаро саройида иш қўрган адабиёт жамиятининг ташкилотчиси ва устози эди. Шу жамиятдан ўз атрофига замондош шоир ва ёзувчиларни тўплаб, улар билан форс-тожик ва турк-ўзбек шоирларининг ижодлари ҳақида,



адабиётнинг турли масалалари тўғрисида, тил ва услуб ҳақида сермазмун ва жозибали суҳбатлар олиб борар эди. Бу суҳбатлар Навоийнинг айтишича, жонли мунозараларга айланиб кетар эди. Бундан эса Навоий ҳар чоқ хурсанд ва мамнун бўлган. Навоий замондош шоир, ёзувчиларнинг буюк ҳомийси ва устози эди. Шоир ва ёзувчиларнинг шахсий мунозаравий суҳбатларида бирор чигил масала туғилиб қолгудек бўлса ҳамда ўртада ҳал қилинмаса, шу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун суҳбатдошлар Алишер Навоийга мурожаат қилардилар. Улар Навоийнинг тийран фикридан ҳар доим ўзларига керакли фикрларни топа олар эдилар. Деярли 40 йил давомида олиб борилган шу суҳбатлар турк-ўзбек

бадий адабиётида тўпланган бой тажриба, адабиётнинг турли жанрларида тўпланган ўзининг шахсий тажрибалари кейинчалик “Хамса”, “Хазойин ул-маоний”, “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби асарларни ёзиш учун Навоийга асос бўлгандир.

2. “Хамса”, “Хазойин ул-маоний”, “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларининг ёзилиши учун жиддий сабаблар бўлган, бу эса Навоий яшаган ва ижод этган даврдаги тарихий шароитлар билан боғлиқдир. Бир вақтлар шухрат қозонган ва қўшни давлатларга қўрқинч туғдириб келган теурийлар давлати Навоий кўз олдида инқирозга юз тута бошлади. Теурийлар ўртасидаги узлуксиз курашлар давлатнинг ҳарбий-иқтисодий қудратини заифлаштириб юборган эди. Адабиётда ва адабий тилда етакчилик ҳамон анъанавий форсигўй шоирлар қўлида эди. Мактаб ва мадрасаларда араб ва форс тили ўрганилиб, улар билан бирга форс поэзияси ҳақида маълумот



олинар эди. Ўзбеклар орасидан чиққан шоирлар ўзларининг дастлабки асарларини она тилида эмас, балки форс тилида ёзар эдилар. Форс тили эса асрлар мобайнида форс тилида ёзган сўз усталари тарафидан ишланиб, сайқал бериб келинган тил эди. Шунинг учун ҳам форс поэзиясида тарбияланган турк-ўзбек шоирлари учун ўз она тилида ёзишдан кўра бадиий жиҳатдан ишланган форс тилида ёзиш осон эди. Бунга одатланиб қолган кўпгина турк-ўзбек шоирлари ўз асарларини форсий тил билан ёзиб келган. Алишер Навоий “Мажолис-ун-нафоис” асарида 459 та шоир ҳақида маълумот бериб, шундан 2-мажлисида 91 шоирдан 16 та шоирнинг турк-ўзбек тилида, 3-мажлисида 175 та шоирдан фақат 3тасигина туркигўй эканлигини айтади. Шу келтирилган маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, ўзбеклар ичидан етишиб чиққан сўз усталари ўз она тилида асар ёзишга кам эътибор берганлар. Бу ҳол сиёсий жиҳатдан ҳам тегирийлар давлатига маълум даражада путур етказар эди. Шундай шароитда ўзбек тилини менсимас, унинг бурдини туширишга, бу тил авом тили, дағал тил, илмий ва бадиий тушунчаларни ифода қилиш қудратига эга бўлмаган тил, деган фикрлар илгари сурилар эди.



3. Навоий ўзбек тилининг бадиий қудратини адабиётнинг бутун воситалари орқали исбот этди. У юксак бадиий ижодиётнинг тимсоли сифатида “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса” ва шу каби шарқ поэзиясида шухрат қозонган мавзуларда асар ёзиб, ўзбек тилининг қудратини кенг намойиш қилди ва шухратини ёйди. Шу асосда ёзув тилини умумхалқ тилига мослаштирди. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи ҳам кўп асарларида кўрсатиб ўтган ўзбек тилининг қудратини оширгани ва халқ тилини китобий тил билан яқинлаштиргани ҳақида “Лисон-ут-тайр” асарида шундай дейди.

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.


Навоий халқ маданиятини кўтара олишдаги қудратли воситалардан бири она тили эканини замондошлари орасида биринчи бўлиб тарихий жиҳатдан тушунди ва ўзининг шу фикрига бутун фаолияти давомида содиқ қолди. Навоийнинг мақсади бадиий жиҳатдан ишланмаган халқ тилини бадиий ишлаш ва уни форсий тил даражасига кўтариш ҳамда шу асосда она тилининг шон-шухратини кенг

ёйишдир. Навоий деярли ҳар бир достонида, тил масаласига алоҳида эътибор берган. Масалан: “Лайли ва Мажнун”да шундай дейилади:

Чун форси эрди нуқта шавқи,
 Озроқ эрди анда турки завқи.
 Мен туркча бошлабон ривоят,
 Қилдим бу фасонани ҳикоят.
 Ким шуҳрати жаҳонға тўлғай
 Турки била дағи баҳра олғай.

Навоий бадиий адабиётнинг бутун соҳасида ижод этиб, ҳар соҳада ўзига хос бетакрорлик яратган ва шу асосда ўзбек тилининг бадиий қудратини, имкониятини кенг намоиш қилди.

Навоий ўзбек тилининг ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам назарий, ҳам амалий ишларни амалга оширди, шунинг учун буюк турколог Н.И. Ильминский уни “Она тили учун курашда ягона ва баҳодир жангчи эди”, – деб таърифлаган эди.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------	--	-----------------------	--	-------------

1. Маттни “*Жигсо*” усули асосида қайта ҳикоя қилинг. Услубини аниқланг. Режа тузинг.
2. Матнда муаллиф қандай масалани кўтарган? Матнда қўлланган ҳиссий-эмоционал сўзларнинг вазифасини аниқланг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	---------------	---	----------------

3. Нима учун Алишер Навоийни ўзбек тилининг асосчиси, деб атаймиз?
4. “*Ақлий ҳужум*”. Алишер Навоийнинг асарларида ўзбек тили меъёрларининг белгиланишини қандай шарҳлайсиз?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

5. Алишер Навоийнинг асарларида “туркий”, “туркча” атамаларининг қўлланиши ва маънолари ҳақида изоҳ беринг.
6. Матндан атоқли отларни топиб кўчиринг ва уларга изоҳ беринг. Гапдаги вазифасини аниқланг.



Ўқиш



Сўзлаш

12-машқ.

АДАБИЙ НУТҚ ВА УНИНГ УСЛУБЛАРИ

Тил кишилик жамиятида фикр алмашиш, алоқа-аралашувнинг энг асосий воситасидир. У ёзма ва оғзаки нутқ жараёнида ўз ижтимоий вазифасини бажаради. Нутқнинг адабий ва шевага хос кўринишлари бор.

Адабий нутқ сўз санъаткорлари: ёзувчилар, шоирлар, олимлар томонидан ишланган, қатъий меъёрларга эга бўлган нутқ кўринишидир. Адабий нутқда ҳар бир сўз ва қўшимчанинг талаффузи, имлоси, қўлланилиши, маънолари аниқ меъёрлар билан чегараланган. Бу меъёрларни бузиш қўпол хато саналади. Одатда, барча расмий ёзишмалар, ҳужжатлар, ўқитиш ишлари, матбуот хабарлари адабий нутқда амалга оширилади. Адабий нутқ меъёрларини бузиш нафақат саводсизлик ва маданиятсизлик, балки ўз она тилига нисбатан ҳурматсизлик белгисидир. Мана шу сабабдан умумтаълим мактабларида “Ўзбек тили” асосий ўқув фанларидан бири саналади. Зероки, бу фан адабий нутқ меъёрларини ўргатади, сизда ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради.

Адабий нутқнинг муайян соҳадаги мулоқот учун мослаштирилган, бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб турадиган кўринишлари – услублари мавжуд.

Булар қуйидагилар:

- 1) бадий услуб;
- 2) илмий услуб;
- 3) расмий-идоравий услуб; оммабоп (публицистик) услуб;
- 5) сўзлашув услуби.

**Ёдда сақланг!**

Адабий нутқ сўз санъаткорлари – ёзувчилар, шоирлар, олимлар томонидан ишланган, қатъий меъёрларга эга бўлган нутқ кўринишидир.

**Савол ва топшириқлар**

1-топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Адабий нутқ нима?
2. Адабий нутқ меъёрлари ҳақида нималарни биласиз?



Видеолавҳа томоша қилиш

3. Интернет манбаларидан фойдаланиб, “Минг бир ривоят” туркумидан видеолавҳа томоша қилинг. Лавҳанинг тил услубини аниқланг.



Гуруҳда ишлаш



Сўзлаш



Тинглаш

4. Адабий нутқнинг услублари деганда нимани тушунасиз?

5. Адабий нутқимизнинг кенг қўлланувчи услублари қайсилар?



Жуфтликда ишлаш



Муҳокама қилиш



Ёзиш

2-топшириқ. Адабий нутқда ва шеваангизда талаффузда фарқ қилувчи сўзларни икки устунга ажратиб ёзинг.

Адабий тилда	Жанубий Қозоғистон вилоятидаги шевалар	
	Шимкент	Сайрам
ота	дода	ада
она	опа	ойи

Адабий тилда	Жанубий Қозоғистон вилоятидаги шевалар	
	Туркистон	Иқон
ота	дада, ака	ада
она	ая	ойи
борсанг-чи	борсий	борсай
кел	ка, касий	касай

Адабий тилда	Жанубий Қозоғистон вилоятидаги шевалар	
	Манкент	Қорамурт
ота	ота	ота
она	биби	она
тошкентлик	ташканник	ташкантлиғ
қорамуртлик	қорамурттиқ	қорамуртлиғ



Билиб олинг!

Демак, адабий тилнинг маълум соҳаларда қўлланиладиган кўриниши адабий тил услубларидир.

Тилнинг маълум нутқ шаклларида қўлланилиши асосида нутқ услублари вужудга келади.

Жанрларга қараб адабий тилнинг услубларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Адабий-бадий услуб. Бу икки гуруҳга бўлинади: назмий услуб ва насрий услуб.
2. Ижтимоий-публицистик услуб. Бунга газета-журнал, адабий-танқидий ишлар, мақолалар ва очерклар услуби киради.
3. Илмий баён услуби. Бунга бутун фанларга доир илмий асарларнинг услуби киради.
4. Профессионал техник услуб. Бу турли касб-ҳунар соҳасида иш юритувчилар учун хизмат қилади.
5. Расмий ҳужжатлар услуби.
6. Ҳар хил ёзишмалар, кундалик ва хатларга хос бўлган услуб.



Ўқиш



Сўзлаш

13-машқ.

I. Беш асрким назмий саройни
 Титратади занжирбанд бир шер.
 Темур тиғи етмаган жойни,
 Қалам билан олди Алишер.

А. Орипов

II. Ҳа, бу занжирбанд шернинг шеърлари шухрати неча асрлардан бери жаҳонни мафтун этиб келяпти. Ҳазаллари порлоқ қуёш сингаридир. Унинг бетакрор назми олдида ҳатто Саъдий ва Ҳофизнинг шеърят осмонидаги юлдузлари хира тортди. Низомий панжасига панжа уриб бунёд қилган “Хамса”си “Панж Ганж” шухратига соя солди. Форсигўйлар уни туркий тилда ёзганлигидан шукроналар айтдилар.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий 1441 йилда туғилди. Шоирнинг шеърлари XV асрнинг 60-йилларидаёқ машҳур бўла бошлади. Шоирнинг илк девонлари бундан дарак бериб турибди.

Йиллар ўтиши билан Алишер Навоий асарларининг шухрати ортиб борди ва бутун жаҳонга тарқалди. Европа ва Осиёдаги барча давлатларда Алишер Навоий китобларининг ёйилиши, уларнинг ўнлаб тилларга таржима қилинганлиги бунинг далилидир.




Алишер Навоий асарлари ўзининг бадиийлиги, мазмундорлиги ва гўзаллиги билан Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий асарларидан устун турар эди. Шунинг учун унинг устози, форс-тожик адабиётининг улкан намояндаси Абдурахмон Жомий Алишер Навоий ижоди хусусида шундай деб ёзган: “Шукурлар бўлсинки, у шеърларини туркий (яъни ўзбек – муаллифлар) тилида ижод қилган. Агар у форсий тилда ижод қилганда, бизнинг асарларимизни ҳеч ким ўқимас эди”.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
--	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>
--	----------------------	--	-----------------------	--	----------------

1. Юқоридаги икки матни қиёслаб, шакл ва мазмундаги ўхшаш ва фарқли томонларини Венн диаграммаси асосида айтинг.



2. Бунинг сабабини тушунтиринг ва саволларга жавобни “*Иссиқ ўриндиқ*” усули ёрдамида беринг.



	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>		<i>Сўзлаш</i>
--	------------------------	--	----------------	--	---------------

3. “*Ақлий ҳужум*”.

- А. Қайси матнда ҳиссиёт кучли?
- Б. Қайси матнда фикрлар аниқ ва исботлар билан берилган?
- В. Ҳар иккала матндаги ахборот деярли бир хилми?

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-------------	---	----------------


14-машқ. Ўқинг ва хулоса чиқаринг. “*Якуний сўз – сизга*” усули орқали жавоб беринг.

Бадий услуб луғавий жиҳатдан кўп маънолилиқ ва кўчма маънолилиқка таянади.

Бадий услубнинг таянч сўзлари: *борлиқ, бегубор, эзгу, мангу, мунис, мусаффо, диёр, ёрқин, сукунат, хазин, маънос* каби бадий-китобий сўзлардир. Бу услубда *гардун, очун, кишвар, забун, ялов, агёр, ганим, сарбаст, дудоқ* каби *архаик; ясовул, доруға, миришаб* каби тарихий сўзлар ҳам кўп қўлланилади.

Бадий услуб кўпинча адабий тил меъёрларига бўйсунмайди. Бу услубда гапда сўзларнинг ўрин алмашиши (инверсия) кўп учрайди. Масалан, *Сўйлаб берай, Зайнаб ва Омон, Севгисидан бир янги дoston* (Ҳ.Олимжон).

Қуйидаги матн бадий матндир. *Сокин тун. Осмон тўла юлдуз, лекин ёруги йўқ. Йўл бошидаги дарахтлар ҳурпайган товуққа ўхшаб кўринади, қоп-қора* (Шуҳрат).

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
--	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	------------------------	---	---------------	---	-----------------------

1. Бу матн қайси услубга хос? Нима учун?
2. Бадий услубга хос хусусиятларни “*Кластер*” усули ёрдамида ёритинг.
3. Нега бадий услубда кўпинча гап бўлаклари ўрни алмашади?



Билиб олинг!

Бадий услуб. Бадий услуб адабий тилнинг ривожланиши учун муҳимдир. Бадий услуб бадий адабиёт, бадий асарларга хос бўлиб, унда бадийлик, ифодавийлик, таъсирчанлик кучлидир. Бадий услуб тилнинг тасвирий воситалари (метафора, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш) ёрдамида бадий-образлилиқ ҳосил қилади ва кишига эстетик таъсир этади.

Шу боисдан бадий услубнинг асосий вазифаси бадий (эстетик) таъсир этишдир.

*Ўқиш**Сўзлаш***15-машқ.**

Ҳазрат Алишер Навоийнинг: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз” деган ҳикматли сўзлари чинакам миллатсеварлик, ватанпарварлик туйғулари билан йўғрилгандир. Зеро, она тилини ҳурмат қилмаган киши нафақат ўзини, балки элини ҳурмат қилмаган бўлиб чиқади. Ўз даврида Навоий туркий тил равнақи учун улкан хизматлар қилади. У туркий тилнинг ифода кўлами форсий тилдан бир неча бор устун эканлигини “Муҳокамат ул-луғатайн” номли асарида исботлаб берганлиги барчамизга маълум. Француз олими М.Беллин (XIX аср) Навоийнинг она тилига бу қадар эътибор қаратишини ватанпарварлик деб атайди. Биласизми, ҳар қандай миллатнинг даҳолари ўз қадриятларини мустаҳкамлаш йўлида, аввало, миллий тилга кучли эътибор қилиб, уни қаттиқ ҳимоя қилганлар. Масалан, Ф.Рабле “Гаргантюа ва Пантагрюэль” романи билан француз тилининг тараққиётига ҳисса қўшган бўлса, А.Данте “Илоҳий комедия”, “Халқ тили ҳақида трактат” номли асарлари билан италян тили лотин тилидан афзал эканлигига ишора қилади. У италян адабий тилига асос солиш орқали италян миллатини улуғлайди. Ёки А.Пушкин, Л.Толстой каби даҳолар француз тили таъсирида бўлиб, ўз миллий маданиятини йўқотган рус аслзодаларини кескин танқид қилади. Айтмоқчи бўлганимиз, тилга эътибор шу миллатнинг шаъни, қадриятлари, урф-одатларини ҳимоя қилишнинг асосий негизидир.

*Савол ва топшириқлар*

1. Алишер Навоийнинг: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз” деган ҳикматли сўзини қандай шарҳлайсиз?

*Жуфтликда ишлаш**Муҳокама қилиш*

2. Матндаги тезис-калит сўзларни аниқланг ва ёзинг.
3. Матн юзасидан “*Елпигич*” усули асосида шахсий муносабатингизни далиллар асосида ёритинг.



	<p><i>Сўзлаш</i></p>		<p><i>Тинглаш</i></p>
---	----------------------	---	-----------------------

4. Матннинг ёзилиш услубини аниқланг ва тушунтиринг.





Ёдда сақланг!

Адабий услублар учун нималар умумий ва нималар ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб туради?!

Адабий тил услуби учун умумий бўлган хусусият тилнинг структура элементларидан – тилнинг фонетик, грамматик ва лексик элементларидан фойдалана олишидир. Тилда шундай сўзлар борки, улар адабий тилнинг барча услубларида қатнаша олади. Бу каби сўзларни илмий адабиётларда стилистик нейтрал сўзлар деб ҳам юритилади. Масалан, **оқ, сув, ўтирмақ, бормақ**. Бундай умумийлик лексикада чегараланган бўлса, фонетик ва морфологияда деярли чегараланмаган. **Услублар қуйидаги хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қилади;**

1. Сўз танлаш хусусиятига кўра. Расмий қоғозларда услубистик нейтрал сўзлар кўп қўлланса, шеърятда образли сўзлар кўп қўлланади.
2. Терминологик маъноларига кўра. Масалан, морфология тилшуносликда сўз формаси ҳақидаги таълимотни билдирса, медицинада ҳужайралар ҳақида фикр юритиладиган соҳани билдиради ва ҳк.

	<p><i>Ўқиш</i></p>		<p><i>Сўзлаш</i></p>
---	--------------------	---	----------------------




16-машқ.

Тил шундай мўътабар неъматки, у инсониятга тафаккур гулшанлари дарвозасини катта очиб берувчи, тенги йўқ робитаи оламиёндур.

Мусулмон Шарқининг буюк алломаси Қайковус ўзининг “Қобуснома” асарида шундай бир ҳикоятни айтади: “Бир кеча халифа Хорун ар-Рашид туш кўради. Тушида унинг барча тишлари тўкилиб кетган эмиш. Халифа муаббирдан тушининг таъбирини сўради. Муаббир шундай дейди: – Эй амиралмўминин, сенинг олдингда барча яқинларинг, қариндош-уруғларинг ўлади. Сендан бошқа

ҳеч ким қолмайди. Буни эшитган Хорун ар-Рашид: “Менинг юзимга шундай гапларни айтдинг”, – деб уни юз таёқ уришни буюради. Кейин бошқа муаббирни чақириб, ундан тушнинг таъбирини сўрайди. Муаббир бундай дейди: “Эй амиралмўминин, сенинг умринг барча қариндошларинг умридан узоқ бўлади”. Шунда халифа Хорун ар-Рашид: “Барча ақлнинг йўли бирдир ва ҳар икки таъбирнинг негизи бир жойга бориб тақалади, аммо у ибора билан бу иборанинг орасидаги фарқ бағоят кўпдир”, – дейди ва уни ўз уламоларига намуна қилиб кўрсатади.

(Ибратли ривоятлар)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>

1. Бу ибратли ривоятнинг бош ғоясини аниқланг.
2. Тушга берилган икки таъбирни “*Т-жадвали*” усули орқали тасвирланг.

<i>Туш таъбирлари</i>	
<i>1-таъбир</i>	<i>2-таъбир</i>

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	------------------------	---	-------------	--	-----------------------

3. Ривоят мазмунига мос мақоллар топиб ёзинг ва бу мақолларнинг қай бири матнга сарлавҳа бўла олишини маслаҳат қилинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------------	---	---------------	--	----------------

4. Сиз ҳаётингизда бошқаларга ибрат бўла оладиган қандай воқеаларнинг гувоҳи бўлгансиз?

<i>Илмий ва расмий услублар</i>	
<i>Ўхшаш томони</i>	<i>Фарқли томони</i>



Билиб олинг!

Илмий услубга мантиқлилик, аниқлик, илмий атамаларнинг кенг қўлланилиши хос бўлиб, барча илмий асарлар, жумладан, мактаб дарсликлари ҳам шу услубда ёзилади.

Илмий услубнинг таянч сўзлари ҳар бир фаннинг ўзига хос бўлган атамаларидир. Масалан, **товуш, урғу, бўғин, гап** (тилшунослик) **учбурчак, параллел, синус, косинус** (математика) атамаларидир.

Илмий услуб формулаларга, таблица ва схемаларга, шартли белгиларга (Н-водород, H_2O -сув, Х-икс,) таянади.

Илмий услубда умумистеъмол сўзларидан, кўмакчилар (учун, каби, сингари), боғловчилар (ва, аммо), кириш сўзлар кўп қўлланилади.

Бу услубда сўзлар кўчма маъноларда ишлатилмайди.

Илмий услубнинг грамматик қурилиши изчил, мантиқан боғланган, фикр аниқ ифодаланган бўлади.

Қуйидаги матн илмий услуб намунасидир. **Тоғ ва адирларда тўппигул деган ўсимлик бўлади. Май, июнь ойларида гуллаб етилади: ҳиди йўқ, гули тўқ ҳаворанг бўлиб, устки қатлами жигарранг.**



Сўзлаш

4. Мақола ва очерклар қайси услуб асосида ёзилади? Фикрингизни оғзаки баён этинг.



Билиб олинг!

Расмий-идоравий услуб ўзига хос нутқ услубидир. Барча қонунлар, фармонлар ва қарорлар, турли ҳужжатлар, иш қоғозлари, идоралараро ёзишмалар ва шу кабилар расмий-идоравий услубда ёзилади. Расмий услубда гаплар ихчам ва аниқ бўлади. Бу услубда **қарор қилинди, инobatга олинсин, ижро учун қабул қилинсин, тасдиқланади** каби қолиплашган сўзлар ва сўз бирикмалари кенг қўлланилади.



Ёдда сақланг!

Расмий-идоравий услубнинг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хилдир. Қарорлар, давлат идоралари, суд-прокуратура ҳужжатлари, шартномалар, расмий эълонлар, шунингдек иш қоғозлари (ариза, тилхат, маълумотнома) расмий услуб намуналаридир. Расмий услуб ҳужжатларга таянувчи услуб.

Намуна

ТИЛХАТ

Мен, Шимкент шаҳри, Ойбек номли 1-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Алиев Шерзод Қодирович 2017 йил 14 август куни соат 10:00-да мактабнинг иш юритувчиси Салимова Матлюба Каримовнадан ўрта махсус ўқув юртига ҳужжат топшириш учун асосий ўрта мактаб курсини битирганлик хусусидаги “Гувоҳнома”ни қабул қилиб олдим.


14.10.2017 й. _____ Ш. Алиев



Ёдда сақланг!


Расмий услубда жумлалар маълум қолипда ва изчил бўлади. Масалан, ариза ёзиш лозим бўлса, биринчи қаерга, кимга, ариза ёзувчининг манзилгоҳи, лавозими, кимлиги кўрсатилиб, матн берилади. Бу тартиб барча ариза ёзувчилар учун бир хил.

Расмий услуб тез-тез такрорланиб турувчи бир хилдаги жумлаларга бой. Бу услубда синонимлар, кўчма ва кўп маъноли сўзлар, образли воситалар қўлланилмайди. Кўпинча, дарак, буйруқ гаплардан фойдаланилади, гап бўлақларининг одатдаги тартибига амал қилинади.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------


17-машқ.

1. Чин сўз – мўътабар; яхши сўз – мухтасар. 2. Кўп сўзловчи – зериктирувчи; қайта-қайта гапирувчи – ақлдан озган. 3. Айб изловчи – айбли; киши айбини гапирувчи – ўзига ёмонлик соғинувчи. 4. Тўғрилиқ билан қаровчи – покиза назарли; кишиларнинг яхши томонларини кўрувчи – тўғри назарли. 5. Кимнинг миясида иллат бўлса – сўзида мантиқ бўлмайди. 6. Мияси соғлом бўлса, гап-сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади. 7. Сўзи ҳисобсиз – ўзи ҳисобсиз. 8. Сўзида паришонлик – ўзида пушаймонлик. 9. Агар сўз гўзаллик зийнати билан безалмаган бўлса, унга чинлик безаги етарлидир! 10. Ёлғончининг гапи қанчалик чиройли бўлса, шунчалик қабиҳдир. 11. Чин сўз қанчалик бетакаллуф бўлмасин, сўзловчи учун таассуф йўқдир. 12. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёнсиз; садаф хунук бўлса ҳам инжу учун нуқсонсиз.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тақдимот</i>
--	-----------------------	--	-----------------

1. Машқда қандай гаплар берилган ва улар қайси услубда кўпроқ ишлатилади?

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

2. Ўзингиз ёқтирган 4 гапни танлаб, шарҳланг. Синфга тақдим этинг.

3. “*Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёнсиз; садаф хунук бўлса ҳам инжу учун нуқсонсиз*” мавзуси бўйича очиқ саволлар тузинг ва шу асосда синфдошларингиз ёки ўқитувчингиздан интервью олинг. Олинган интервью маҳсулотини маҳаллий газеталарнинг бирида эълон қилинг.





Донолар ўғити

Тил инсонлар бир-бирини тушуниши учун зарур энг асосий воситадир. Кўп тил билиш ҳам жуда муҳимдир.



Ўқиш



Сўзлаш

18-машқ.

Буюк алломалар, шоиру адибларимиз сўзни, тилни ўз асарларида ҳамиша мадҳ этганлар. Мамлакатнинг табиати ва халқнинг тарихи инсон қалбидан жой олиб, сўзлар орқали ифода этилади. Тилдаги ҳар бир сўз инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир: ўша тафаккур ва туйғулар орқали сўз ёрдамида мамлакат табиати ва халқ тарихи ифода этилган. Тил билган эл билади, дейди халқимиз. Тилшуносларнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган конгрессида профессор Карло Тальявини ҳаммани ҳайратда қолдирди. У минбарга чиқиб, 50 тилда бирин-кетин табрик сўзлади. У филология фанлари доктори, жаҳондаги 50та фанлар академиясига аъзо. У етти ёшидан бошлаб бошқа тилларни ўрганган: дастлаб 7 тилни билган, 22 ёшида 15 тилни билгани учун унга докторлик дипломи берилган. Олим ҳар йили 3-4 тилни ўрганади.

Демак, тил ўрганиш учун, аввало, ўз она тилини мукамал билиш зарур.



Савол ва топшириқлар



Гуруҳда ишлаш



Сўзлаш

1. Матнни диққат билан ўқинг.
2. Матн мазмунини очадиган 5та калит сўз танланг.



Тинглаш

3. Ушбу калит сўз иштирок этган саволлар тузиб, “Иссиқ ўриндиқ” усули кўмагида жавоб беринг.



	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>
---	------------------------	---	----------------

4. **Тадқиқот иши.** Кўп тилни билиш нима учун зарур? Кўптилли таълим жараёнида она тилини ўрганиш-чи? Ҳаёт билан билан боғлаб, аниқ далиллар билан фикр билдиринг. Синфга тақдим этинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

5. Берилган матн услубини аниқлаб, фикрингизни далиллар билан баён этиб ёзинг.
6. Матндаги сонларни ўзига боғланган сўз билан кўчиринг ва турларига таъриф беринг.



Билиб олинг!

Оммабоп услуб. Бу услуб кундалик ҳаёт кўзгуси ҳисобланади. Публицистика “халқ” сўзидан келиб чиққан бўлиб, халқчил деган маънони беради. Матбуот (газета, журнал), радио-телевидение, нотиқлар нутқи оммабоп услубни ташкил этади.

Бу услуб кундалик расмий ва долзарб воқеалар, ҳаётдаги ижтимоий масалаларни акс эттиради.



Ёдда сақланг!

Оммабоп услубда фикр изчил ифодаланади, луғавий жиҳатдан ижтимоий-сиёсий: **сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол, ҳукумат, давлатлараро муносабат** каби сўзлар газета расмий хабарларига хос: **хабар, долзарб, мухбир, лавҳа, очерк, репортаж** каби сўзларга таянилади.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-------------	---	-------------

19-машқ.


XX аср хотимасида европалик тилшунос, психолог ва журналистлар, маданият ва санъат арбоблари билан биргаликда милодимизнинг иккинчи минг йиллигига яқун ясаб, бир масалани, у ҳам бўлса, башарият фаолиятининг турли соҳаларида одамлар томонидан италян, француз, инглиз ва немис тилларида талаффуз этилган қандай мавзулар инсон қулоғига хуш эшитилиб, шубҳасиз эътироф этилганлигини муҳокама қилишган экан. Айни вақтда, мулоҳаза юритилаётган масала, у ёки бу мавзунини эшитаётган инсон юқорида зикр этилган тиллар соҳиби бўлиш-бўлмаслиги, тил билиш-билмаслигидан қатъий назар ўртага ташланган. Муҳокама жараёнида эришилган натижаларга эътибор қаратинг. Италия тили – опера тили деб эътироф этилган. Зеро, дунёнинг ҳар қандай бошқа тилида ижро этилган опера италян тилида ижро этилгани каби тушунарли ва хуш эшитилмайди.

Француз тили – забони муҳаббат. Изоҳ беришга ҳожат бўлмаса керак, менимча.

Инглиз тили – драматургия ва рок-музыка тили. Ушбу хулосани ҳам мисол билан исботлаш ортиқчадир.

Немис тили – фалсафа тили. Немис миллатининг дунё халқлари томонидан тан олинган буюк файласуфларини ёдга олинг.

“Она тили – мусофирликда юрган ўзбек қалбига қудратли таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Қайсидир йили Атлантика океанида юрган эдим. Бир вақт жанговар кема карнайидан атайин мен учун эшиттириладиган бир жуфт қўшиқ эълон қилинди. Ўзбек халқига Парвардигор томонидан маданий неъмат сифатида ато этилган, дунё эшитса тебраниб ўтирадиган атоқли Шерали Жўраевнинг овози: “Андижоним қолди менинг” ва “Соч эмас бу, шаршара”си бутун вужудимни титратиб, ёриб, парчалаб юборгудай даражада янграб қолса бўладими! Ер куррасининг қарийб учдан бир қисмини эгаллаган Атлантика кўзларимга зиндон каби тор кўриниб кетди! Қиндик қони гўзалликда тенги йўқ Андижонга тўкилган, кема кубригига бекиниб олиб, юрак бўшатган ёш ўзбекнинг ҳолатини кўриш керак эди, ўшанда”.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	---------------	---	-----------------

1. “Тапирганим, эшитганим, ёзганим, ўқиганим сари томирларимдаги қонимни иссиқ тутадиган жонажон ўзбек тилимиз” ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни “Соябон” усули ёрдамида баён этинг.




	<i>Тақдимот</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-----------------	---	---------------	---	----------------

2. **Тадқиқот иши.** Нима деб ўйлайсиз, қайси мавзу ўзбек тилида талаффуз этилса, тилимиздан бохабар ёки бехабар инсон қулоғига хуш эшитилиб, халқимизнинг ўзига хос жиҳатлари эътироф этилади? Тақдимот ўтказинг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------------	--	-------------

1. Матнни ўқиб, қайси услубга хос эканлигини аниқланг, ўз фикрингизни далиллар келтириш орқали исботлаб ёзинг.
2. Матндаги ажратилиб кўрсатилган жумлалар бўйича ўз фикрингизни билдиринг.
3. Илмий ва расмий-идоравий услубларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини мисоллар келтириш орқали Венн диаграммаси ёрдамида тушунтиринг.



Ёдда сақланг!

Оммабоп услуб бадий услубга яқин бўлганлиги, бадий матнларга алоҳида эътибор берилганлиги учун унда образли воситалар, таъсирчан сўزلардан (заршунос, дала маликаси, оқ олтин, зангори экран) кенг фойдаланилади.


	<i>Ўқиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	-----------------------

20-машқ.

Миллати, урф-одати, дини, келиб чиқишидан қатъий назар, инсоннинг ўзлиги, энг аввало, она тили, она алласи орқали шуурига сингдирилади. Шу маънода айтиш мумкинки, сўз фикр қуролидир. Киши қанчалик кўп сўз билса, унинг фикрлаш доираси, дунёқараши ҳам шунчалик кенг бўлади. Сўз мулкининг султони ҳазрат мир Алишер Навоий сўзга “Кўнгил денгиздир, сўз эса кўнгил тубидаги олмосдир” дея таъриф беради. Кишилиқ жамиятида инсонлар ўртасидаги мулоқот воситаси ҳисобланган тил чиндан ҳам инсоннинг маънавий камолотини белгилайди, унинг ақл-заковати ва хулқ-атвори шаклланишига катта ёрдам беради.

Дарҳақиқат, сўзни ўз ўрнида ишлата билиш, адабий тил меъёрларидан тўғри фойдалана олиш, айтаётган ҳар бир сўзимизни атрофдаги инсонларга, уларнинг руҳиятига қандай таъсир кўрсатишини мушоҳада этган ҳолда бирор фикр билдириш инсоннинг қай даражада маънавий етук шахс эканлигини кўрсатади. Шу боис тилимизнинг қадрига етайлик, ардоқлайлик. Қолаверса, тилимизни миллат кўзгуси сифатида бутун бўй-басти билан янада такомиллашишига, келажак авлодларга ранг-баранглиги ва жозибасини йўқотмаган ҳолда етиб боришига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

(Муаллифлар)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тақдимот</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------	---	---------------	---	-----------------	---	----------------

1. Юқоридаги матн қайси услубда ёзилган, нима учун шундай деб ўйлайсиз?
2. Матндаги таянч сўзларни аниқланг ва фикрингизни шарҳланг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

3. “Кўнгил денгиздир, сўз эса кўнгил тубидаги олмосдир” мавзусида эссе ёзинг.



Билиб олинг!

Сўзлашув услуби – оғзаки нутқ услуби, қолган услублар – ёзма нутқ услубларидир. Сўзлашув услуби вазиятга кўра, ҳозиржавоблик асосида вужудга келиб, оҳанг, мимика ёрдамида шаклланади. Вазифа жиҳатидан бу услуб адабий тилга мос: алоқа-аралашув вазифасини бажаради.

Сўзлашув услуби кенг қўлланиладиган услуб бўлиб, унда нутқ диалог шаклида бўлади.

Сўзлашув услуби эркин муомала асосида қурилади. Шунинг учун қисқа, содда бўлиб, товуш тушиб қолиши: **гўшт-гўш, тўрт-тўр, ғишт-ғиш, бўлса-бўса**, товуш орттирилиши; **ечмоқ-чечмоқ, шкаф-ишкаф, отпуск-отпуска** асосан шундай услубга хосдир.





Ўқиш



Сўзлаш

21-машқ.

УЗУМ

Бир киши тўрт мардикорни ишлатибди. Уларга озгина пул бериб:

– Бу пулга бирор нарса олиб, қорнингизни тўйдиринг, -дебди.

Ишчилар пулни олишибди. Ажамий ишчи:

– Мен бу пулга “энгур” олмоқчиман, – дебди.

Иккинчи ишчи араб экан. У:

– Мен бу пулга “инеп”олишни хоҳлайман, – дебди.

Учинчи ишчи турк экан. У:

– Мен сиз айтганларнинг ҳеч бирини хоҳламайман, – дебди.

– Мен узум олмоқчиман, – дебди.

Тўртинчи ишчи эса римлик экан. У:

– Бекорчи гапларни йиғиштиринглар, – дебди.

– Мен бу пулга “истафил” олмоқчиман...

Шундай қилиб, ишчилар бир-бирини тушунмай бақириб-чақиришибди. Охири жанжал чиқибди ва бир-бирларини дўппослай бошлашибди.

У ердан ўтиб кетаётган бир одам бу жанжални кўриб қолибди. Уларни тўхтатибди. У одам ақлли экан. Жанжалнинг сабабини сўрабди ва ҳар бирини эшитибди.

Воқеани эшитган бир одам уларни етаклаб дўконга олиб борибди. Уларга узумни кўрсатибди. Ҳар биридан алоҳида-алоҳида:

– Шунга хоҳлайсанми? – деб сўрабди.

Ишчиларнинг ҳаммаси:

– Ҳа, – деб жавоб беришибди.

Аслида ишчиларнинг ҳаммаси бир нарсани хоҳлашаётган эди. Улар ҳар хил тилда сўзлашгани учун бир-бирларини тушунишмаганди. Ақлли одам сотувчидан ишчиларга узум беришини сўрабди. Ишчилар орасидаги жанжал ҳам шу тарзда барҳам топади.

(Тарбия китобидан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------	---	---------------	---	----------------

1. Матни диққат билан ўқинг ва бош ғояни аниқланг.
2. **Тадқиқот иши.** Шундай ҳолатдан чиқишнинг яна қандай йўллари бор? Расмлар орқали тақдимот ясанг.
3. Нима учун ақлли киши жанжалнинг сабабини сўраганида, бир-бирлаб уларнинг жавобларини эшитди?

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	------------------------

4. Нега тўртта мардикор ҳам қоринларини тўйдириш учун айнан узумни танлашди деб ўйлайсиз? Узумга хос хусусиятларни “**Ассоциация**” усули ёрдамида тасвирланг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

5. Матн қандай услубда яратилган? Далилларини аниқлаб ёзинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

22-машқ.



Донолар ўғити

Тил ширинлиги кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса – фойдали.

Алишер Навоий

Бир киши жанжал кўтариб, ёмон сўзлар сўзларди. Уни уриб, тепкилаб, ерга қориб ташлашди. Ёқавайрон бўлган киши бир чеккада йиғлаб ўтирди. Мўйсафид бир одам унинг аҳволини кўриб:

– Эй, ўзига бино қўйган киши, оғзинг гул ғунчаси каби ёпиқ турганда эди, хурмат кўрардинг. Аммо оғзинг бузуқ бўлгани учун калтак единг, ёқанг ҳам йиртилди.

Хулоса

Тилингизни аччиқ сўзлардан тиймасангиз, ҳаловатингизни йўқотасиз. Бошқаларнинг ҳам назаридан қоласиз.

Байт:

Совуқ ойғунча, эй халқи замона,
Забона хавфидан муҳр эт забона.
Ёмон тил икки оламда зарардур,
Гоҳи исён, гоҳи хавфу хатардур.
Қимки санчиқ сўз айтса, сан чиқ андин,
Ёмондан қоч, ёмондан қоч, ёмондин.

(Ибратли ҳикоялардан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>	
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>	
	<i>Сўзлаш</i>	
	<i>Тинглаш</i>	
		<i>Ёзиш</i>

1. Матнларнинг асосий мазмуни нимадан иборат? Матнларда яширин берилган ахборотни аниқланг, мақсади ҳақида фикр билдиринг.
2. Шеърый матн тузилишини сақлаган ҳолда нутқ турларидан фойдаланиб, матн мазмунини қайта ҳикоя қилинг.
3. Публицистик ва расмий услубдан фойдаланган ҳолда саволлар тузинг, устоз ва синфдошларингиздан (мавзу бўйича) интервью олинг.



Ёдда сақланг!

*Сўзлашув услубининг луғавий-грамматик хусусиятлари қуйидагилар.
Сўзлашув услубида китобий услубга хос: **имзо чекмоқ, таваллуд топмоқ, ташриф буюрмоқ** каби луғавий воситалар қўлланилмайди.*

Сўзлашув услуби умумистеъмол: *ота, она, қўл, оёқ, тез, бормоқ, емоқ, яхши, ой, юлдуз* каби барча учун бир хил қўлланиладиган сўзлар асосида шаклланади.

Сўзлашув услуби услубий бўёқдор бўлган: *дўндирмоқ, қойиллатмоқ (ишни), гупилляпти (қор), боласи тушмагур, шўр пешона, барака топкур, садағанг кетай, елим, хира пашша, тулки* каби образли сўзларга, ибораларга, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларга бой. Бундай воситалар сўзлашув услубининг образлилигини таъминлайди.

Сўзлашув услубида гаплар, асосан, содда гап шаклида тuzилади ва унда сўзларнинг жойлашиш тартиби анча эркин бўлади.



Ўқиш



Тинглаш



Сўзлаш

23-машқ.

Бир подшоҳ асирни ўлдиришни буюрибди.

Бечора асир умидсизликка тушибди. Ақлини йўқотай дебди. Жон ширин деганларидек асир типирчилаб, ўз тилида бир нималар деб ҳақорат қила бошлабди.

Подшоҳ аччиқланиб асир нима деяётганини сўрабди. Подшоҳнинг оқил вазирларидан бири:

– Жаҳллари энгган ва гуноҳкорни кечирган мард инсондир, деяпти, шоҳим, – деб жавоб берибди.

Подшоҳнинг асирга раҳми келибди ва қонини тўкишдан воз кечибди. Аммо оқил вазирни унчалик яхши кўрмайдиган бошқа вазир:

– Бизга ўхшаган одамларга подшоҳ ҳузурида ёлғон гапириш ярашмайди. Бу асир сизни ҳақорат қилди, шаънингизга ёмон гаплар гапирди, – дебди.

Подшоҳ вазирнинг бу гапларини эшитиб қовоғини солибди. Вазирга қараб шундай дебди:

– Менга унинг ёлғони сен гапирган рост гапдан кўпроқ ёққан эди. Чунки унинг ёлғони яхшилик учун эди. Сенинг бу ҳақиқатинг эса ёмонликка сабаб бўлади. Шунинг учун донишмандлар: “Яхшилик учун гапирилган ёлғон, фитна учун гапирилган рост гапдан яхшидир” дейишган.

Вазир подшоҳнинг бу гапларини эшитиб бошини эгиб қолибди.

(Тарбия китобидан)



Донолар ўғити

Баъзида битта гап билан икки дўстни душманга айлантириб қўясиз. Баъзида эса битта гап билан икки душманни яраштиришга сабаб бўласиз. Шунинг учун, албатта, ўйлаб гапириш керак.



Савол ва топшириқлар



Муҳокама қилиш

1. Матннинг асосий ғоясини ёритувчи 5та калит сўз топинг. Матн нима ҳақда? Хулоса чиқаринг.



Гуруҳда ишлаш



Тақдимот

2. “Яхшилик учун гапирилган ёлгон, фитна учун гапирилган рост гапдан яхшидир” мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг. Ҳар бир гуруҳ ўз фикрини далиллар билан исботласин.



Донолар ўғити

**ХАЛҚ ОЛДИДА СЎЗИНГ ГЎЗАЛ БЎЛСИН, УНИ ХАЛҚ
ҚАБУЛ ҚИЛСИН. ХАЛОЙИҚ СЕНИНГ СЎЗ БИЛАН БАЛАНД
ДАРАЖАГА ЭРИШГАНИНГНИ БИЛСИН, ЧУНКИ КИШИНИНГ
МАРТАБАСИНИ СЎЗ ОРҚАЛИ БИЛАДИЛАР.**

“Қобуснома” дан

ЎЗ БИЛИМЛАРИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

1. Кўпроқ ёзма нутққа хос услубларни аниқланг.
 - А. Расмий услуб
 - Б. Илмий услуб
 - В. Илмий ва расмий услуб
 - Г. Расмий ва бадиий услуб
 - Д. Барча услублар

2. Қуйидаги услублардан қайсилари кўпроқ оғзаки нутққа хос?
 - А. Сўзлашув услуб
 - Б. Илмий услуб
 - В. Расмий услуб
 - Г. Публицистик услуб
 - Д. Бадиий услуб

3. Давлат қонунлари, қарорлари, фармонлари қайси услубда ёзилади?
 - А. Илмий услуб
 - Б. Публицистик услуб
 - В. Бадиий услуб
 - Г. Расмий услуб
 - Д. Сўзлашув услублар

4. *Куч жисмга таъсир этиб, унинг тезлигини камайтирган ҳолда ҳам механик иш бажаради. Ушбу гапни қайси услубда ёзилганлигини белгиланг.*
 - А. Расмий услуб
 - Б. Илмий услуб
 - В. Бадиий услуб
 - Г. Сўзлашув услуб
 - Д. Публицистик услуб

5. Қуйидаги гаплардан қайси бирида сўз қўллашда услубий хатоликка йўл қўйилган?
 - А. Бу ишда сиз энг яқин дўстларингизга ёндошишингиз мумкин.
 - Б. Республикамининг аввалги қиёфаси кечагидан, эртаси эса бугунгидан гўзалроқ бўлади.
 - В. Оналар қайси рангда бўлмасинлар оқми, қорами, барибир оналигича қолади.
 - Г. Биз сиздан, азиз устоз, сабоқ олгани келдик.
 - Д. Муҳаббат ул ўзи эски нарса, аммо ҳар бир қалб уни янгилар.

- 6. Бошқаларга нисбатан кенгроқ шаклланган услубни белгиланг.**
- А. Бадиий услуб
 - Б. Публицистик услуб
 - В. Расмий услуб
 - Г. Илмий услуб
 - Д. Сўзлашув услуб
- 7. Қайси услуб бизнинг ҳис-туйғуларимизга таъсир кўрсатишини аниқланг.**
- А. Сўзлашув услуб
 - Б. Илмий услуб
 - В. Публицистик услуб
 - Г. Расмий услуб
 - Д. Бадиий услуб
- 8. Ким айтди сизга мени номард деб? Қани кўрсатиб қўйинг ўшани, баччагарни! Ушбу гап қайси услубга хос эканлигини аниқланг.**
- А. Бадиий услуб
 - Б. Расмий услуб
 - В. Сўзлашув услуб
 - Г. Публицистик услуб
 - Д. Илмий услуб
- 9. Хато фикрни топинг.**
- А. Бадиий услубда тасвирий бўёқдор сўзлар кўпроқ қўлланилади.
 - Б. Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзига хос атамалар ишлатилади.
 - В. Расмий услубда давлат ҳужжатлари, қонунлар, буйруқлар, фармонлар ёзилади.
 - Г. Сўзлашув услубига имо-ишоралар хос.
 - Д. Публицистик услубда асосан шевага хос сўзлар, жаргонлар қўлланилади.
- 10. Илмий услубда кўпроқ...**
- А. Иборалар қўлланилади
 - Б. Шевага хос сўзлар қўлланилади
 - В. Жаргонлар қўлланилади
 - Г. Шартли белгилар қўлланилади
 - Д. Мақоллар қўлланилади.
- 11. Услубий хатога йўл қўйилган жавобни топинг.**
- А. Бизни шайдо қиладурғон бу кўнгилдир, бу кўнгил.
Хору расво қиладурғон бу кўнгилдир, бу кўнгил.
 - Б. Оғзингизга қараб гапиринг, укажон.
 - В. Афтингизга қараб, яхши йигит эканлигингизни билувдим.

- Г. Тун ўзининг оғир қора кўрпасини аста йиғиб олмоқда.
Д. Ташқарида сизни бир киши кутиб турибди.

12. Берилган матн адабий нутқ услубининг қандай турига мансуб?

*Милоддан аввалги V–IV асрларда Хоразм мустақил давлатга айлан-
ди. Македониялик Искандар ва салавийлар даврида ҳам Хоразм дав-
лати мустақил эди. Бу давлат асосини деҳқончилик ташкил этган.*

- А. Бадиий услуб
Б. Илмий услуб
В. Расмий-идоравий услуб
Г. Сўзлашув услуби
Д. Тўғри жавоб йўқ.

13. Конституция қайси услубда ёзилган?

- А. Илмий услубда
Б. Бадиий услубда
В. Расмий-идоравий услубда
Г. Илмий-бадиий услубда
Д. Барча жавоб тўғри.

14. Бизгача етиб келган қадимий туркий адабий тилнинг ёзма ёдгорликлари...

- А. Турк-руний
Б. Култегин
В. Тарихий
Г. Турк-руний (Ўрхун-Энасой) ва турк-уйғур ёзуви
Д. Уйғур

15. Биринчи марта қадимий туркий адабий тилнинг ўзига хос диалектларини ўрганган олим...

- А. Радлов
Б. Ядринцев
В. Навоий
Г. Лутфий
Д. М.Қошғарий

II БЎЛИМ

ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ОЛАМ МАДАНИЯТИ



“ҚАДРИЯТ – ВОҚЕЛИКДАГИ МУАЙЯН ҲОДИСАЛАРНИНГ ИНСОНИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ АҲАМИЯТИНИ КЎРСАТИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТУШУНЧА. ҚАДРИЯТЛАР КИШИЛАР ТУРМУШИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЁКИ ИДЕАЛ НЕЪМАТЛАРИ БЎЛГАН ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИДИР.

...ЧУНКИ БУ ҚАДРИЯТЛАР ИНСОННИНГ ШАХСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТУРМУШИНИ БОЙИТАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ КИШИЛАР ЎЗ ТАСАРРУФЛАРИДАГИ ҚАДРИЯТЛАРНИ ҲИМОЯ КИЛАДИЛАР ВА ЎЗЛАРИ УЧУН МАҚСАД ВА ИДЕАЛ БЎЛГАН ҚАДРИЯТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ИНТИЛАДИЛАР.

П. Бакирова

1

ДУНЁДА ИНСОНДАН АЗИЗРОҚ НЕ БОР?!



Ўқиш



Тинглаш

24-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Дунёда инсондан азизроқ не бор?!
Не мавжуд инсондан гўзал, улуғвор?
Инсондир ҳаётнинг кўрки, гултожи
Яшамоқ маъноси – умр ривожи .

Одамлар, авайланг бир-бирингизни,
Асрангиз келажак тақдирингизни.
Юракдан юракка нур ёғсин фақат,
Инсонга бахшида меҳру муҳаббат.

Билинги, ҳаётда ҳар битта одам,
Инсондан кўнгилга ойдаи нур малҳам.
Эл-юрт тақдирдан бўлингиз огоҳ,
Ким огоҳ бўлгайдир, севгайдир Оллоҳ.

Одамлар, авайланг бир-бирингизни,
Асрангиз келажак тақдирингизни.
Юракдан юракка нур ёғсин фақат,
Инсонга бахшида меҳру муҳаббат.



(Қўшиқдан)



Савол ва топшириқлар



Жуфтликда ишлаш



Ёзиш

1. Матннинг асосий ғояси нима ҳақда ҳамда қандай услубда ёзилганлигини аниқланг.
2. Таянч сўзларни топинг. Шу сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Сўнгра мазмунини ўз сўзингиз билан ёзма равишда баён қилинг.



Видеолавҳа томоша қилиш

3. Интернет манбаларидан фойдаланиб, қўшиқни жўр бўлиб тингланг. Ўз ҳиссиётларингиз билан ўртоқлашинг.



Донолар ўғити

Инсон юзи ички оламнинг ойнасидир. Ичида яхшилик ёки ёмонликни кўзлайдиган одамнинг туйғулари юзида зоҳир бўлади. Чеҳраси очиқ одамнинг феъли ҳам гўзалдир.



Ўқиш



Тинглаш

25-машқ. Берилган матнни ўқинг, топшириқларни бажаринг.



Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради. Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш жоиз эмас. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билим ва маданий савиясини

ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг барчаси инсонлар турмуши фаровон, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

(Муаллифлар)



Савол ва топшириқлар



Жуфтликда ишлаш



Ёзиш

1. Матндаги таянч фикрни аниқланг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг.



Сўзлаш



Тинглаш

2. Матнга сарлавҳа қўйинг, қўйган сарлавҳангизни изоҳланг.

3. Нима учун инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------------	--	-------------

4. Матннинг услубини айтинг ва ижодий давом эттиринг, яъни кичик иншо ёзинг.
5. Иншо ёзишда қуйидаги эслатмага риоя қилинг.

Иншо ёзишга тайёргарлик хусусида эслатмалар:

1. Аввало, иншо учун мавзу танланг. Шунинг эса тутингки, мавзуга сарлавҳа танлаш муҳим аҳамиятга эга. Иншода нималар ҳақида фикр юритишингизни аниқлаб олинг.
2. Иншонинг режасини тузинг. Унинг асосий мазмунни акс эттириши, иншо мавзуси юзасидан ёритмоқчи бўлган фикрларингизга тўғри келиши ҳақида ўйланг. Мавзунинг ёритиш учун қандай шакл, қандай услубни қўллашингизни белгилаб олинг.
3. Мавзунинг ёритиш ва баён қилиш учун зарур маълумотларни, кўчирмаларни танланг.
4. Иншонинг қораламаси тайёр бўлгандан кейин уни ўқиб чиқинг: унда мавзу етарлича ёритилганми? Режада кўрсатилган бўлимлар тўлиқ ёритилмаган бўлса, уларни тўлдириг. Бунда мавзу (сарлавҳа) билан иншо мазмунининг мос келишига аҳамият беринг.
5. Иншонинг тили (баён услуби)га эътибор беринг. Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз қай тарзда ифодаланган: тилда бадиийлик, таъсирчанлик, ихчамлик ва жозибadorликка эришдингизми? Ёзилиши қийин сўзларни “Имло луғати” асосида текшириб чиқинг. Зарур ўринларга тузатишлар киритинг ва иншони оққа кўчиринг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
--	-------------	--	---------------

26-машқ. Матнни ўқинг. Уни оғзаки ҳикоя қилинг. Матн охирида берилган саволларга жавоб беринг.

“Иншо” арабча сўз бўлиб, унинг маъноси “яратиш”, “бино қилиш”, “қуриш”, “бошлаш” демакдир. Тилимизда бу сўзнинг маъноси анча торайиб, асосан, ўқувчи ва талабалар томонидан ёзиладиган ижодий ёзма иш маъносида қўлланади.

Иншо ўқувчининг маълум бир мавзунинг мустақил равишда очиб бера олиш, ўз фикрларининг ёзма шаклда тўғри, раван, саводли баён қила олиш кўникма ва малакаларининг, шу мавзу бўйича билимларининг намоёни этивчи ижодий матн, кичик бир асардир. Ёзувчи ва шоир, олим ва мухбир ўзи ёзадиган асар, илмий иш, мақолага катта масъулият билан қарагани каби ўқувчи ҳам иншо ёзишдан олдин унга ҳар томонлама тайёрланиши лозим. Зеро, иншо ўқувчи маънавияти

ва маърифати кўзгусидир. Унда ўқувчининг билимлари, ҳис-туйғулари, фикрларини баён этиш кўникма ва малакалари ўз аксини топади.

Иншо, асосан, уч турлидир:

- 1) адабий иншо;
- 2) адабий-ижодий иншо;
- 3) эркин иншо.

Иншонинг ҳар бир тури ўз шаклий ва мазмуний хусусиятларига эга.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------	---	---------------	--	----------------

1. Иншонинг муаллифи ким?


	<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	------------------------

2. Иншода бадиий асардан ва бошқа китоблардан айнан ўзгаришсиз олинган жумлалар қандай берилиши керак?
3. Икки ўқувчининг айна бир мавзуда ёзган иншоси бир хил бўлиши мумкинми?
4. Икки ўқувчининг айна бир мавзуда ёзган иншосида қандай умумийликлар, ўхшашликлар бўлиши мумкин? **“Т-жадвали”** ёрдамида баён этинг.

Иншо	
<i>Умумийликлар</i>	<i>Ўхшашликлар</i>

	<i>Тақдимот</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-----------------	---	---------------	--	----------------

5. Ёзма ахборотлар ва иншо ўртасида қандай ўхшаш ва фарқли томонлар бор? Венн диаграммаси орқали ёритинг.





Ўқиш



Сўзлаш

27-машқ. Матнолди топшириқ: Матни ўрганиб чиқинг ва ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

Ватан меҳри олий қадриятдир. Ўз Ватанини севмаган, миллатнинг қадрига етмаган киши ўзганинг ҳам, башариятнинг ҳам, курраи замин ободлигининг ҳам қадрига етмайди. Ватанга садоқат – ҳақиқатга садоқатнинг, миллатга меҳр, аҳли башарга меҳрнинг ибтидосидир. Бусиз на адолат ғалаба қилади, на ҳақиқат юзага чиқади, на инсоннинг ўз шахсига эҳтироми шаклланади. Чунки Ватан меҳрини йўқотган шахс оёғи тагидаги заминни йўқотади, гўё таянчсиз муаллақ қолади. Ватанга муҳаббат аجدодлар меросига қизиқиш, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўз шахсий салоҳиятига ишонч, умумбашариятга ҳурмат, келажак олдида масъуллик туйғуларини тарбиялайди. Демак, мустақиллик маънавияти она-юртга муҳаббатдан, миллат манфаатларига садоқатдан бошланади, ҳар бир шахснинг ўз ички имкониятларини Ватан манфаати йўлида унумли ривожлантириши билан намоён бўлади, унда миллий маънавий меросдан мукамал баҳрамандликка интилиш, умумбашарий қадриятлардан оғишмаслик, илғор тажрибаларни ижодий ўзлаштириш иштиёқи туғилади.




Қадрият кенг қамровли, кўп маъноли, ҳикматли сўздир. Ўз қадрини билган кишигина бошқаларнинг қадрига етади. Ўз миллий қадриятларини ҳурмат қилган, эъозлаган инсонгина ўша халқ вакили, деган улуғ унвонга сазовор бўлади. Миллий қадрият халқ ўтмишига, бугуни ва келажакка, фан ва маданият тараққиётига, миллий ахлоқ-одобга юксак ҳурмат белгисидир.

Қадрият инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган, шу боис инсоният томонидан қадрланадиган, маданий, маънавий мафкуравий, сиёсий, иқтисодий омилларнинг мажмуидир. Ҳар бир миллат ўз қадриятларининг нафақат яратувчиси, балки асраб-авайловчиси ва келажакка етказувчиси ҳамдир. Миллий қадриятларнинг сақланиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи масъулдир. Ушбу масъуллик миллий ривожланиш жараёнида шаклланган маънавий бурчнинг алоҳида шахсларга эмас, бутун миллатга хос намоён бўлишини англатади.

Умуминсонийлик туйғуси фақат ўз халқи қадриятини ардоқлаш, кўз-кўз қилишгагина асосланмайди. Балки ҳар бир халқ, элат, улуғ қадриятларини ҳурмат қилишдан бошланади. Дунёда сон жиҳатидан кўп ёки камроқ халқ бўлиши мумкин, аммо маданий ва маънавий соҳада бир-биридан кам ёки ортиқ миллат йўқ.


Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўтмиши, маданий ва маънавий қадриятлари, миллий қахрамонлари, бошқалар томонидан эътироф этилиши лозим бўлган урф-одатлари, қон-қардошлик белгилари мавжуд. Бу борада умуминсонийлик ҳамма миллат ва элатларнинг қадриятларини асраб-авайлаш, тарих тарозуси сақлаб қоладиганларини ҳурмат қилиш ва оламдаги миллий қадриятлар турли-туманлигининг табиий хилма-хиллик билан узвий алоқада эканлигини англашдан иборатдир.

(Муаллифлар)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	---------------	--	----------------

1. Қадрият тушунчасининг моҳияти ва фалсафий мазмуни ҳақида айтинг.
2. Миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан муносабати қандай экан?
3. Сизнингча, ушбу матн ижодий ишнинг қайси турига мансуб?

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	-----------------

“Ақлий ҳужум”. Умуминсонийлик туйғуси фақат ўз халқи қадриятини ардоқлаш, кўз-кўз қилишгагина қаратилганми, ёки...



Донолар ўғити

Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил, ватанга муҳаббат хусусида дуч келган жойда оғиз кўпиртирма. Яхшиси – унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил.

В. Сухомлинский



Ўқиш



Гуруҳда ишлаш



Тақдимот

28-машқ.

СИНФДА ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

Мавзулар билан танишинг, ўрганинг ва гуруҳда тақдимот тайёрлаб, ҳимоя қилинг.

қ/с	Иншо ва унинг турлари			
	Педагогик мақсадга кўра	Шаклига кўра	Мавзусига кўра	Ишлаш усулига кўра
1	Таълимий иншо	Оғзаки	Илмий иншолар	Тасвирий иншолар
2	Кўрик-танлов иншолари	Ёзма	Адабий иншолар	Ривоя-иншолар
3	Назорат қилишга қаратилган иншо		Эркин мавзудаги иншолар	Муҳокама иншолар
4				Тақризий иншо
5				Тавсифий иншо

1-гуруҳ иши

1. Таълимий иншолар ўргатишни кўзлайди. Тил ҳодисаларини амалда қўллашга ўргатиш, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланиш каби зарур малакалар деярли таълимий иншолар орқали шакллантирилади. Бу иншоларнинг қоралама ва оқлама нусхалари бўлмайди. Улар машқ дафтарида бир марта ёзилади.

2. Назоратга қаратилган иншоларни, одатда, катта бўлимлар ўрганилгандан кейин ёки чорак охирида, ўқув йили охирида ўтказиш мумкин. Улар билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Шунинг учун иншо мавзуси эълон қилинмайди, қоралама, оқлама нусхада ёзилади. Бундай иншоларга 2 соат вақт ажратилади.

3. Кўрик-танлов учун ёзилган иншолар синф ёки мактаб ғолибларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Мавзулар олдиндан эълон қилинади, танлов шартлари айтилади.

Иншолар шакл жиҳатидан икки хил: оғзаки ва ёзма. Кўпинча расм, экскурсия, кинофильм, сахна асарлари ҳақидаги таассуротлар аввал оғзаки, кейин ёзма баён қилинади. Иншонинг бу икки тури ўртасида мутаносиблик бўлиши шарт.

2-гурӯҳ иши

Илмий мавзудаги иншолар: “Маҳмуд Қошғарий”, А.Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари; “Фонетикани ўрганишнинг аҳамияти”, “Сўз бирикмаси ва гап”.

Адабий иншолар адабий асарлар бўйича ёзилади. М: “Маънодош ва қарама-қарши маъноли сўзлар” мавзусини ўтгандан кейин “Зумрад ва Қиммат” эртаги асосида иншо ўтказиш мумкин. “Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасини ўқиб”, “Тоҳир Маликнинг “Алвидо, болалик!” қиссасидан олган таассуротларим”... мавзуларидаги иншолар адабий иншолар жумласидандир.

Эркин иншолар – адабий иншоларга яқин турувчи ёзма иш тури. Бадиий адабиётдан яхши хабардор ўқувчи эркин иншони қийналмай ёзади. Адабий иншолар адабий асарларга асосланса, эркин иншолар ҳаётнинг турли соҳасига доир бўлиши мумкин. У ўзига хос кичик насрий асар бўлиб, унда ўқувчининг ўзлиги намоён бўлади.

3-гурӯҳ иши

Тасвирий иншолар – турмушдаги нарсалар, ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, одамлар, жонли-жонсиз мавжудотнинг муҳим белгилари, хусусиятларини ёритишга мўлжалланган иншолар.

Тасвирнинг 3 кўриниши мавжуд:

а) оддий тасвир;

б) илмий тасвир (сув, қуёш, пахталарнинг илмий тасвири);

в) бадиий тасвир (муаллиф учун муҳим бўлган белгиларгина кўрсатилади).

Илмий тасвирда нарсаларнинг номи, нима учун қўлланиши, унинг нимадан тайёрланганлиги, қандай қисмлардан иборатлиги, шакли, ҳажми, ранги кабилар кўрсатилади.

Тасвирий иншо кичик бадиий, ижодий асардир.

Ривоя-иншода мазмунан бир-бирига боғлиқ (сюжетли) воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр юритилади. Шунинг учун ривоя-иншо кичик ҳикоя деб ҳам юритилади. М.: “Мен кўрган воқеа”, “Ёнғин бартараф этилди”.

Ўқитувчи ёки ўқувчилар ўртага ташлаган ғоя иншо учун асосий материал бўлади. Ривоя-иншонинг мураккаб кўриниши берилган мавзу асосида ҳикоя

ёзишдир. Халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлар ҳикоя учун яхши мавзу бўла олади. М.: “Ит қутурса, эгасини қопар”...

Эртак-иншо ўқувчиларнинг тасаввур оламини кенгайтиради. Эртак жанрининг ўзига хос хусусиятларини, воқеанинг тугуни, ривожланган нуқтаси, ечимининг қандай бўлишини билган бола эртак-иншони ёза олади.

4-гуруҳ иши

Муҳокама иншо қиёслаш, баҳо бериш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, ўзининг ҳақлигини исбот қилишни талаб этиб, 3 таркибий қисмдан иборат бўлади:

- а) ўртага ташланаётган асосий фикрлар (кириш);
- б) фикрлардан тўғрисида далиллар билан асослаш;
- в) хулоса чиқариш (хотима).

Бундай иншо индуктив (аввал далил-исбот, кейин умумий хулоса чиқариш) ва дедуктив (умумий хулосадан хусусийга, умумийнинг бўлақларини исботлашга ўтиш) усуллари асосида ёзилади. М.: “Боғдорчилик – мен севган касб” (индуктив усулида ёзилган иншо) Муҳокама иншолар орасида тавсиф ва тақриз иншолар ҳам асосий ўрин эгаллайди.

Тавсифий иншо ўқувчидан ўқиган бадиий асар, кўрилган кинофильм қахрамонлари ҳақида шахсий фикр-мулоҳазаларини баён этишни талаб этади.

Муҳокама иншолардан яна бири мунозарали масалаларга бағишланган “Сарвар ва Маҳмуд ҳақиқий дўстми?” “Назира ҳақми?” тарзидаги иншолардир. Унда муносабат билдирилиб, шахсий фикр асосланилади.

Тақризий иншода бадиий асар, сахна асари ёки кинофильмга тақриз ёзилади ва турли мақсад ҳамда вазифаларни кўзлайди. Муҳокама иншо кўринишларидан яна бири **адабий-бадиий мақолалар тайёрлаш**дир. Унда муаммолар кўтарилиши, масалаларга муносабат билдирилиши мумкин.



Ёдда сақланг!

Демак, иншо ўқувчининг ақлий фаолиятини чархлайди, яхши билан ёмоннинг моҳиятини чуқур англашга, ўз фикр-қарашларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, ижодий фикрлаш қобилияти, дунёқарашининг ривожланишига, адабий тил меъёрларини нутқий шароитларда тўғри қўллай олишга, саводхонлик даражасининг ошишига хизмат қилади.



Донолар ўғити

Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир.

“Маҳбуб-ул қулуб”



Ўқиш



Ёзиш



Муҳокама қилиш

29-машқ.

“Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётнинг маъноси – қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир”.

Маънавий баркамол инсон ўзига муносиб кўрмаган бирон-бир ножўя ишни ўзгаларга ҳам раво кўрмайди, ҳеч бир кишига азият етказмайди. Ватанга ва миллатга содиқлик ҳам маданиятлилик, маънавий баркамоллик, ахлоқий покликнинг энг юксак намунаси ҳисобланади.

Жисмоний бақувват, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлмасдан туриб шахс баркамол бўлолмайди. Маънавий, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш бу борадаги ишларнинг асосий моҳияти ва йўналишини ташкил этади. Жисмоний соғлом, бақувват, лекин маънавий қашшоқ кишилар инсоният учун фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Соғлом ижтимоий муҳитгина шахсий камолот заминига айлана олади. “Бадан тарбиянинг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур, – дейди Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида, жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопоннинг устини қўйиб, астарини ювиб овора бўлмоқ кабидирки, ҳар вақт устига кир чиқадуру”.


Алломаларимиз асарларида таъкидланганидек, инсоннинг маънавий камолотида жисмоний ва бадан тарбиясидан ташқари ақлий тарбия ва гўзаллик тарбиясининг, шунингдек, ахлоқий, руҳий тарбиясининг ҳам аҳамияти шак-шубҳасиздир.

Маънавият тарбиясининг энг таъсирчан қуроли, унинг ўзаги – ахлоқдир. Илм инсоннинг зеҳнини ўткирлаштиради, ахлоқийлик унинг дилини равшанлаштиради. Инсондаги яхши хулқлар, ахлоқий фазилатлар руҳ ва

нафс тарбиясининг натижасидир. Шайх Баҳовуддин Нақшбанд “Адаб-хулқни чиройли қилиш сўзни ва феълни соз қилишдир, – деб таъкидлагани маълум.

Миллат ҳам гўзал ахлоқлари, яхши фазилатлари туфайли юксалади, ахлоқи бузилган миллат инқирозга учрайди, тубанлашади. Ҳар бир миллатнинг соғломлиги ва қудрати унинг ахлоқий софлигидандир.

(“Зиё устаган қалблар”дан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	---------------	---	----------------

1. Матнга сарлавҳа қўйинг. Асосий ғоясини аниқланг.
2. Маънавий қадриятларимизнинг қайта тикланишининг мақсади ва вазифаси ҳақида қандай фикрлар билдира оласиз?
3. Маънавий қадриятларни тиклаш борасидаги давлат ҳокимиятининг саъй-ҳаракатлари ҳақида нима биласиз?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

1. Миллат нима туфайли юксалади?
2. Маънавият тарбиясининг энг таъсирчан қуроли – нима?

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

3. Матнда ажратилган жумлаларга диққат қилинг, кўчириб олинг ва эсда сақлаб қолинг.



Донолар ўғити

**БИРОВНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ-ҚИЛМАСЛИК – БУ СИЗНИНГ
ХОҲИШИНГИЗ, АММО ҲУРМАТ БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ – БУ
СИЗНИНГ ТАРБИЯНГИЗ.**


ЭССЕ ВА ИНШО – ИЖОДИЙ МЕҲНАТ

Эссе	Иншо
<p>Эссе – француз тилида “essai” – “тажриба”, инглиз тилида “essay”, “assay” – интилиш, ижодий синов, очерк; латинча “exagium” – “ўйлаш” деган маънони билдиради.</p> <p>Эссе – ўқувчининг аниқ мавзу юзасидан шахсий фикр-мулоҳазалари асосида ёзиладиган ихчам ижодий иш ҳисобланади. Унинг ўзгачалиги мавзуда кўтарилаётган муаммога факт ва далилларни ўринли келтириш орқали ўз муносабатини билдириш.</p>	<p>Иншо – араб тилидан олинган сўз бўлиб, “бино қилиш”, “қуриш” деган маънони билдиради.</p> <p>Иншо ўқувчининг ўзбек адабиёти фанидан олган назарий билимларини ўз фикри ва дунёқараши билан боғлаб ёзадиган ижодий меҳнати. Бунда ўқувчидан ўқилган бадиий асарни чуқур ўйлаши, таҳлил қилиши, сўнг бадиий тил билан таъсирли ифодалашни талаб этилади.</p>
<p>Эссе – эркин композиция асосига қуриладиган, тузилиш жиҳатдан ихчам насрий асар бўлиб, бадиий-публицистик жанрнинг бир тури. Эссе муайян бир режа асосида ёзилмайди.</p>	<p>Иншо тузилиши жиҳатдан ҳажми кенг, фан бўйича эгалланган назарий билимлар асосида ёзиладиган ижодий иш. Иншо учун режа тузилади ва эпиграф ёзилади.</p>
<p>Эссенинг турлари бир неча хил бўлиб, у ёзилиш мақсадига кўра қай турга мансублиги аниқланади.</p>	<p>Иншо шартли равишда уч гуруҳга бўлинади: адабий, адабий-ижодий ва эркин мавзудаги иншолар.</p>
<p>Эссенинг мақсади – ўқувчини фаол фикрлашга ўргатиш, ўз мулоҳазаларини далиллашга йўналтириш, тил унсурларидан ўринли фойдаланиш орқали фикрни тўғри етказиб бериш кўникмаларини шакллантириш.</p>	<p>Иншодан кўзда тутилган мақсад ўқувчининг ёзма нутқини ривожлантириш.</p>



	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------	---	-----------------	---	----------------

1. Юқорида берилган жадвал асосида эссе ва иншонинг ўхшаш ва фарқли томонларини Венн диаграммаси орқали тушунтириб беринг.



2. *Тадқиқот иши.* Ижодий меҳнатнинг қайси бирида фикр эркин баён этилади ва нима учун?




	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

3. “*Оқилнинг олти қалпоғи*” усули ёрдамида эссега хос хусусиятларни баён этинг.



Ёдда сақланг!

Эссе ёзиш ўқувчиларга ўз фикрини эркин билдиришга, мавзуга алоқадор маълумотни онгли қабуллашга ва тушунишга, муаммонинг ечимини топишга тегишли далиллардан фойдаланиб, ўз хулосасини аниқ ва саводли баён этишга имкон яратади. Муҳими, келтирилган факт ва далилларнинг ўринли қўлланишидир.

	Ўқиш		Тинглаш		Сўзлаш
---	------	---	---------	--	--------

31-машқ.

Матнолди топшириқлар. Матнни овоз чиқариб ўқинг. Матн мазмунини бош қисмидаёқ нима ҳақда эканлигини билишга уриниб кўринг.

Қадим замонда бир мўътабар одамнинг уч ўғли бор эди. Бир куни уларни ўз ҳузурига чақариб олиб:

– Ўғилларим, сизларни синамоқчиман, бир ой саёҳат қилинг. Шу бир ойлик умрингизни халққа фойдали, яхши ишларга сарф этинг. Қайси бирингизнинг қилган яхшилигингиз энг улуғ фазилат касб этса, бармоғимдаги мана шу қимматбаҳо узукни унга бераман, – деди.

Ўғиллари ҳар тарафга тарқалиб, саёҳатга чиқиб кетдилар. Бир ой саёҳат қилиб юриб, яна оталарининг ҳузурига қайтиб келдилар. Ота катта ўғлидан сўради:

– Ўғлим, шу бир ой ичида қандай энг улуғ фазилатли иш қилдинг?

– Отажон, бир куни танҳо ўзим бир боғ кўчасидан ўтиб кетаётсам, бир ерда жуда ҳам қимматли олмос тушиб ётган экан. Уни олиб дарҳол тегишли маъмурларга топширдим. Маъмурлар бошлиғи менга ташаккур айтиб, қўлимга мана шу тақдирномани ёзиб берди, олмоснинг эгасини топтириб унга топширди. Шу қилган ишим тўғрилигимга бир далил, шу ҳаракатим энг улуғ фазилат эмасми? – деб жавоб берди катта ўғли.

Отаси айтди:

– Жуда тўғри иш қилгансан, ўғлим, виждоний вазифангни адо этгансан. Лекин у олмос сенинг хусусий мулкинг эмас-ку.

Кейин ўртанча ўғли сўзга киришди.

– Мен бир куни катта ариқ каноридан кетиб бораётган эдим. Шу чоқда бир ёш бола сувга тушиб кетиб, ҳалок бўлиш хавфи остида эканини кўриб қолдим. Дарҳол ўзимни сувга ташладим, кўп машаққат чекиб болани сувдан олиб чиқдим. Шу билан уни ўлимдан қутқазиб, ота-онасига эсон-омон топширдим. Ота-онаси мендан кўп миннатдор бўлиб, ҳақимга дуойи хайр қилдилар. Ҳаётим кўрқинч остида қолса ҳам ёш болани ўлимдан қутқазиб учун қилган шу ҳаракатим билан мукофотингизга лойиқ бўлсам керак, деб ўйлайман.

Отаси ўғлининг қўлини ушлаб:

– Офарин, ўғлим. Сени табрик қиламан, фақат шу гўзал ишинг туфайли қалбинг завқ-шавқ билан тўлганини ҳис этгансан, шунинг ўзи мукофот эмасми? – деди.

Кейин кичик ўғли отасига таъзим қилиб айтди:

– Отажон, менга доимо душманлик назари билан боқиб, зарар етказиб юрган бир одам бор. Мен унга ҳеч бир ёмонлик қилмаган бўлсам ҳам, у пайимда юради, ҳатто мени ўлдириш учун фурсат кутади. Кеча у душманнинг жуда паст бир жар ёқасида ухлаб ётганини кўрдим. Агар уйқусираб бир ёндан иккинчи ёнга ағдарилса ёки қаттиқроқ товуш чиқариб уйғотилса, туришга ҳаракат қилиб

жарга қулаб тушиши мумкин эди. Мен товуш чиқармасдан, секингина юриб унинг ёнига бордим. Жуда эҳтиёткорлик билан уни ушлаб, аста-секин ўз ёнимга торта бошладим. Анча берига келиб хавф-хатардан қутулгандан кейин руҳим кўтарилди, шодланиб йўлимда давом этдим.


Отаси ўғлининг бу гўзал ишидан, олижаноблигидан шодланиб кўзига ёш олди, уни қучоқлаб юз-кўзидан ўпиб:

– Бор бўл, ўғлим, яша, умринг узоқ бўлсин! Мукофотимни олишга сен ҳақлисан, чунки дунёда энг улуғ фазилат ёмонликка яхшилик қилишдир, – деб қимматли узугини ўғлининг бармоғига кийгизди, унинг ҳақиға дуо қилди.

Байт:

Отанг эрдир, сен ҳам эрдек қилиқ қил,
Ёмонлик айлаганга яхшилик қил.

(“Зиё устаган қалблар”дан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-----------------------	---	-------------

1. Матн мазмунини ёритувчи жумлани аниқланг. Дафтарингизга кўчириб олинг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
--	----------------------	--	-------------	--	---------------	--	----------------

2. Матн мазмуни юзасидан аввал ёпиқ саволлар, сўнгра очиқ саволлар тузинг. “Иссиқ ўриндиқ” усулини қўлланг.



	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	-----------------------	---	-----------------

3. “Ёмонликка яхшиликми?” мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг.

МАДАНИЯТ ДУРДОНАЛАРИ ИНСОН АҚЛ-ИДРОКИ, ИСТЕЪДОДИ ВА МЕҲНАТИ МАҲСУЛИДИР



Ўқиш



Ёзиш



Муҳокама қилиш

32-машқ. *Матнолди топшириқ.* Матнни “*Жигсо*” усули орқали ўрганиб чиқинг ва ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

Комил инсон дунёқарашини шакллантиришда маданият ва маърифат катта аҳамият касб этади.

Маданият кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларида ифодаланади. Жаҳон маданияти тушунчаси маълум бир тарихий даврлар, ижтимоий-иқтисодий тизимлар, жамиятлар, элат ва миллатлар тараққиёти, моддий ва маънавий ҳаёт даражаси, шунингдек, инсон фаолиятини ёки турмушини изоҳлаш учун қўлланилади.

Халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маънавий бойликлар маданиятга тааллуқлидир.

Маданият инсон фаолиятининг фақат моддий натижаларигина эмас, шу билан бирга, кишиларнинг меҳнат жараёнида жамланган билим ва кўникма-малакаларини, тажрибалари, қобилиятлари, ишлаб чиқариш ва касб малакалари, ўзаро муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Маданият 2 йирик турга бўлинади:

Моддий ва маънавий маданият.

Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни англаймиз.

Маънавий маданиятнинг қамрови беҳад кенг бўлиб, бу инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг илмий, бадий, ҳуқуқий, диний ва бошқа шакллари, жамиятдаги ғоялар ва таълимотларини, бадий асарлар, эстетик қарашларни ҳам қамраб олади.

Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар томонидан яратилади.

Маънавий бойликлар авлоддан авлодга бир тузумдан иккинчи тузумга мерос сифатида ўтади ва жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

Маориф, фан, ахлоқ, кино ва театр томошалари тасвирий санъат асарлари, мақолалар, мусиқа, аруз ва байтлар, лапар, рақслар, умуман, халқ ижодиёти – маънавий фаолиятнинг муҳим бўлақларидир. Мактаб ва олий ўқув юртлари, кутубхона ва музейлар, матбуот, радио, телевидение ва бошқалар ҳам шунга киради.

Маданий тараққиётнинг умумий қонунларидан бири – унинг тўхтовсиз равишда бойиб бориши ва ривожланишидан иборатдир. Маданият тараққиётида

моддий ишлаб чиқаришнинг ривожини асос бўлади.

Барча моддий ва маънавий маданият дурдоналари – инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Халқ оммаси маданият ижодкоригина эмас, балки уни тўхтовсиз равишда бойитувчи, ривожлантирувчи, авлоддан-авлодга етказиб турувчи ҳамдир.

Ҳар бир авлод ўзи учун махсус янги моддий негиз ташкил этмайди, илм-фан ва маданиятни янгидан яратмайди, балки ўзидан олдинги авлодлар томонидан яратилган манбадан, ишлаб чиқариш кучларидан, моддий ва маънавий маданият ютуқларидан фойдаланади. Олдинги авлодлардан қолган ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, маданий бойликлар кейинги авлодларнинг яшаши ва тараққий этиши учун моддий ва маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Қадимги юнон маданиятининг Гомер ва Геродот, Демокрит ва Софокл, Платон ва Арасту сингари мутафаккирлар тарих ва фалсафа, адабиёт ва саънат, астрономия ва математика, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик каби илм-фан ва маданиятнинг турли соҳаларига доир асарлари инсониятнинг энг катта маданий бойлигидир. Улар ўз аҳамиятини асло йўқотмайди.

Марказий Осиё халқларининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча йилларни ўз ичига олади.




Тарихдан маълумки, ўзбек, қozoқ халқи маданияти фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга, умуминсонийлик маданиятлари таъсири остида ҳам ўсди, ривожланди.

Марказий Осиё халқлари ҳам бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданияти тараққиётига ўзининг фаол таъсирини кўрсатди. Ўрта ер маданиятининг буюк намояндalари Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Абай ва бошқа алломалар таълимотлари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўла олади.

Ўзбек халқи ҳам ўзининг кўп асрлик бой тарихи билан ҳар қанча фахрланса арзийди. У жаҳон фани ва маданиятини тараққиётига шу қадар кўп ҳисса қўшганки, буни дунё аллақачон тан олган.

Дарҳақиқат, маданият ўз-ўзидан шаклланмайди. У жамиятда, оилада, жамоатчилик ўртасида таълим-тарбия натижасида шаклланади.

(“Зиё устаган қалблар”дан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>
	<i>Муҳокама қилиш</i>

1. **“Иссиқ ўриндик”** усули ёрдамида матн юзасидан очиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.




2. Матннинг ҳар бир парчасига сарлавҳа қўйинг ва режа тузинг.
3. “*Ақлий ҳужум*”. Инсониятнинг энг катта маданий бойлиги нимадир?
4. “*Ассоциация*” усули ёрдамида маданият сўзининг маъносини таърифланг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------------	--	---------------	--	-------------

5. Матн сюжетини “*Балиқ скелети*” асосида ёритинг.
6. “*Венн диаграммаси*” усули орқали маданият турларига хос хусусиятларни очинг.



7. Қайси алломаларнинг таълимотлари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади?

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>		<i>Тинглаш</i>
--	------------------------	--	----------------	--	----------------

4. *Тадқиқот иши*. Нима учун маданият инсоннинг келиб чиқиши билан узвий алоқадор деб ўйлайсиз?



Билиб олинг!

Эссе ёзишда қуйидаги талабларга қатъий риоя қилинади:

- шахсий муносабатнинг билдирилиши;
- тезис – калит сўзни тўғри аниқлаш;
- далиллар (аргументлар);
- назарияга асосланиш;
- атамаларни ўз ўрнида қўллаш;
- цитаталар келтириш;
- турли хил кўзқарашларни мисолга келтириш;
- мантиқий қонуниятнинг сақланиши;
- таққослаш ва хулосалаш усулларидадан фойдаланиш;
- саводлилик (услубий, имло, тиниш белгилари);
- юмор, ўткир ҳажв;
- фойдаланилган илмий манбаларга ҳаволалар.



33-машқ.

**ВАТАНИМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИ
ХАЛҚИМИЗНИНГ УМУМИНСОНИЙ
ҚАДРИЯТЛАРИГА СОДИҚЛИГИДАДИР**

Улуғ бобокалонларимиз буюк мутафаккир, алгебра фанининг асосчиси Ал-Хоразмий, иккинчи муаллим, Шарқ Аристотели деб тан олинган Абу Наср Форобий, улуғ ҳақим Шайх-ур раис Абу Али ибн Сино, қомусий олим Абу Райҳон ал-Беруний, астрономия фанининг етук юлдузи Мирзо Улуғбек, ўзбек адабий тилининг асосчиси шоир Алишер Навоий, беназир муҳаддис Исмоил Бухорий, тасаввуф илмининг буюк алломалари Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Ғаззолий, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий ва бошқаларнинг номлари жаҳон халқлари томонидан ҳанузгача ҳурмат билан тилга олиниб келинмоқда. Марказий Осиё мутафаккирлари яратган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар, қимматли фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавият дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилмоқдаки, бундан биз фахрлансак арзийди.



Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган бой маънавий меросни авайлаб, уни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини ошириш мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир.


“...Ҳеч бир халқ, ўз ўзини англамасдан, миллий маданияти, миллий қадриятларини авайлаб-асраб сақламасдан туриб, бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат-иззат билан қарай олмайди”.

Шунинг учун миллий қадриятларнинг тикланиши умуминсоний қадриятлар сари ривожланишнинг яккаю ягона йўлидир.

Мустақил Қозоғистонимизнинг куч-қудрати халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади. Бу ҳаётий ҳақиқатдир.

(“Зиё устаган қалблар”дан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
--	------------------------	--	---------------	--	----------------

1. Мустақиллик даврида аждодларимиз маънавий меросига муносабат тубдан янгиланди, деганда нимани тушунасиз?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

2. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот тушунчасини шарҳланг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	-----------------

3. Матннинг ажратилган қисми бўйича тақдимот тайёрланг .
4. Матнга келтирилган сурат мазмунига мосми? Фикр-мулоҳазаларингизни билдириңг.

ЮКСАК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЯТ ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИ БИР-БИРИГА ЯҚИНЛАШТИРУВЧИ ВОСИТАДИР



Ўқиш

34-машқ.

Аждодларимиз бошлаган улуғ ишларни очиқ кўз, соғлом ақл, давр шароитлари ва имкониятлари, эҳтиёжлари асосида ривожлантириш лозим. Ҳар қандай шароитда ҳам миллий манфаатлар устуворлигини сезиш ва уларни инсонпарварлик, дўстлик мезонларидан чекинмай ҳимоя қила олиш зарурлиги барчамизга аён.

Бугун замон ахлоқ, одоб борасидаги миллий, умуминсоний, диний қадриятларга риоя этиш, ота-она, қўни-қўшниларни, қариндош-уруғларни, ёру биродарларни чин самимият асосида ҳурмат қилишни тақозо этади. Ҳар бир инсон виждонли, инсофли, ҳалол, ўз манфаати учун меҳнат қилса ҳам, давлат, миллат, бошқа шахсларнинг ҳам манфаатини ҳурмат қилиш, инсонни улуғлаш, жамиятда осойишталик ва тинчлик, аҳиллик, тотувлик қарор топишига ҳисса қўшишни ўзига бурч деб билмоғи даркор.

Маданиятнинг барча турлари, урф-одат ва анъаналарнинг мажмуасидан ташкил топган миллий қадрият жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштиради, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар бир миллат ва элат катта-кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос миллий маданиятга, маънавиятга эга. Кўп асрлар давомида шаклланиб, мазкур халқнинг руҳий бойлигини, унинг урф-одатлари, анъаналарини мужассамлаштирган маънавият айни вақтда умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмини ташкил этади ва шу тариқа у жаҳондаги барча халқларнинг маънавий бойлиги ҳам бўлиб ҳисобланади.

Юксак миллий маданият, маънавият ҳамма вақт жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштирувчи восита бўлиб келган. Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришда осойишталик, барқарорлик каби ижтимоий-сиёсий қадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир.


(“Зиё устаган қалблар”дан)



Савол ва топшириқлар



Гуруҳда ишлаш



Сўзлаш



Тақдимот

1. Умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмларини “**Кластер**” усули асосида ёритинг.

2. Жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштирувчи восита нима экан ?
3. Берилган тест топшириқларини бажаринг, билимларингизни синаб кўринг.



Билиб олинг!

Эссе ёзиш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Кириш ва якуний қисмдаги фикр асосий масалага ўзвий боғлиқ бўлади. Масалан, кириш қисмида **“Мен... ҳақида шуни айтмоқчиман”** деб бошланса, якуний қисмда **“Мен ...хулосага келдим”** каби тугалланади.
2. Эссе ёзишда ҳис-ҳаяжонли таъсирчан ва бадий бўёқдор сўзлардан фойдаланилади.
3. Эссе кўламига эътибор бериш. **(8-, 9-синф ўқувчилари учун: 150–170 сўздан иборат бўлади. Кириш – 30–40 сўз, асосий қисм – 70–80 сўз, хулоса – 30–40 сўз)**



Ўқиш



Сўзлаш

35-машқ. Аввал қуйидаги топшириқларни бажаринг.

Эссе

УЛУҒЛАРНИНГ ҲАЁТ ТАРЗИ – БИЗ УЧУН ИБРАТ

Дунёда инсондан улуғ хилқат йўқ. Инсон жуда азиз. Одам гўзал, бу олам ҳам одам билан гўзал.

Ўз-ўзимдан сўрайман: “Одам нимаси билан бунчалар гўзал?” Одамнинг гўзаллиги хислату фазилатлари билан боғлиқми?

Улуғ донишмандларнинг фикрича, инсон одоби билан гўзал. Ўша донишмандларнинг яшаш тарзи, ҳар бир қилган иши, айтган гапи, тажрибаю сабоқлари инсоният ҳаётида намуна бўла олади. Мунаввар йўлга бошлайди.

Биз яшаб турган Туркистон ўлкаси дунёнинг инсон бино бўлган энг қадим тарихий бешикларидандир. Кўриняптики, кўп мингйиллик тарихга эга. Бу кўҳна тарихий заминдан не-не донишмандлар ўтмади, дейсиз? Уларнинг ҳаёт йўли, донолиги инсонни ўзаро хайрихоҳлик ва қардошликка, комил инсон бўлиб яшашга ундайди.

Туркий халқлар фахрланадиган, ўзларининг ўзлигини англашиб турувчи қомусий




олимлари бисёр. Улар нафақат туркий халқлар орасида, балки жаҳонда довруқ қозонди.

Имом Бухорий ўн бир ёшдан ўз зехни ва закоти, фавқулодда кучли хотираси билан эл оғзига тушган. 600 минг ҳадисни ёд билган машҳур ва буюк муҳаддис олимдир.




Ал-Хоразмий – буюк математик. Табиий фанларни, айниқса, математикани жиддий ўрганиб, алгебра фанига асос солди, буюк астроном даражасига етди. Бир қатор илмий китоблари билан дунё илмини бойитди. Ер меридианини ўлчашда иштирок этди.

Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғларимиз ҳам жуда кичик ёшларидан илм билан шуғулланиб, жаҳон илм-фани даҳоларининг бирига айланди. Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб каби алломаларимиз ахлоқий-панднома асарлари билан адабиётимизни бойитдилар.



Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, қомусий олимларимизнинг ҳаёт йўли, яратган ҳар бир асари халқ бойлиги, бебаҳо хазинадир. Улуғларнинг асрлар давомида инсон учун хизмат қилиб келаётган ҳаётий донишмандлиги биз, ёшлар учун, ибрат мактабидир.



Ф. Маҳмудова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>

1. Эссе билан танишмай туриб, мазмуни нима ҳақда эканлигини олдиндан айтиб кўринг.
2. Қандай сарлавҳа қўйган бўлар эдингиз? Нима учун сизнинг сарлавҳангиз афзалроқ деб ўйлайсиз?
3. Эссени қисмларга бўлинг. Кириш, асосий, хулоса қисмларининг чегарасини белгиланг.
4. Тезисини аниқланг.
5. Қандай далиллар келтирилган?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------------	--	-------------

6. Хулоса қисми тўғри яқунланганми? Сиз қандай яқунлаган бўлар эдингиз?

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

36-машқ.

Миллий маънавият – бошқа миллат маънавиятидан тубдан фарқ қилинадиган маънавият эмас. Чунки биздаги миллий маънавият бошқа халқларда муайян тарзда мавжуддир. Аммо миллий маънавиятда бошқа халқларнинг маънавияти айнан такрорланмайди. Шундай бўлганда эди, миллий маънавият бўлмас эди.


Миллат мавжуд экан, миллий маънавият бўлади. Миллий маънавиятни йўқотиш мумкин эмас. Шу ўринда қозоқ шоири Мухтор Шаханов айтган ривоятни келтириш мақсадга мувофиқдир: “Қадим замонларда бизнинг еримизга босқинчилар кириб келади. Чегарага етгач, хон қўшинларини тўхтатиб, олдида турган мамлакатдаги вазиятни билиш учун жосусларни юборади. Маълум вақтдан кейин улар қайтиб келиб, хонга маълумот беришади: Биз катта тўйнинг гувоҳи бўлдик. Унда мамлакат подшоҳи ҳам бор экан. Тўй қизиб бо-



раётган бир пайтда, қўлига дўмбира ушлаган бир ёш йигит кириб келди. Подшоҳ дарҳол йигитни ёнига чорлаб, ўзи ўтирган ердан унга жой бўшатиб берди. Биз ажабланиб, “Бу йигит ким?” деб сўраганимизда, – “Бу бизнинг шоиримиз-ку” деган жавоб олдик. “Э, жаноб олийлари, менга хужум қилишга рухсат беринг, бундай ақли паст подшоҳи бор мамлакатни биз осонгина босиб оламиз”, – дейди хоннинг лашкарбошиси.

“Йўқ, отни изимизга қараб ҳайдаймиз, чунки маънавий қадриятларни шунчалик зўр эъзозлайдиган мамлакатни асло енгиб бўлмайди”, – деб жавоб беради хон. Мазкур ривоятдан чиқадиган хулоса шуки, маънавияти юксак халқнинг илдизи мустаҳкам бўлади, уни ҳеч қачон тиз чўктириш мумкин эмас.

(“Зиё истаган қалблар”дан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
--	------------------------	--	---------------	--	----------------

1. Қозоғистондаги Миллий этномаданий бирлашмалари ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўзланг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

2. Миллий маънавиятимизнинг умуминсоний моҳияти ҳақида ўз қарашларингизни ёзма баён этинг.
3. Юқоридаги матнни ижодий меҳнатнинг қайси турига киритиш мумкин, нима учун? Фикрингизни далиллар орқали баён этинг.



Донолар ўғити

Ҳаёт эзгулик қилиш учун инъом этилган. Мен эзгуликдан тўхтаган куним ҳаётимни “қайтариб бераман”. Чунки сабаб тўхтаганда ҳаракат ҳам тинлоғи жоиз.

Монтескьё



Тест саволлари:

- 1. Ахлоқий қадриятлар – бу...**
 - а) илмий ғоялар
 - б) меҳнат воситалари
 - в) ахлоқий нормалар
 - г) табиий бойликлар
 - д) ер усти ва ер ости бойликлари

- 2. Энг олий қадрият...**
 - а) ўзаро ҳурмат
 - б) ҳамкорлик
 - в) жамият
 - г) инсон
 - д) билим

- 3. Маънавий қадриятларни тиклаш ... бошланади.**
 - а) адабиёт ва санъатни ривожлантиришдан
 - б) шаҳар ободончилигини яхшилашдан
 - в) маданий ёдгорликларни тиклашдан
 - г) сиёсий озодликни қўлга киритишдан
 - д) миллий ўзликни англашнинг ўсишидан

- 4. Умуминсоний қадриятлар нима?**
 - а) кишилик жамияти учун ўта қадрли нарса ва ҳодисалар
 - б) сиёсий қарашлар
 - в) экологик муаммолар
 - г) тинчлик, дўстлик ғоялари
 - д) гўзалликка интилиш
 - е) ахлоқий фазилатлар

- 5. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг муаллифини аниқланг.**
 - а) Фаробий
 - б) Мирхонд
 - в) Хондамир
 - г) Беруний
 - д) Улуғбек

6. “Ўқув қайда бўлса улуғлик бўлар,
Билим қайда бўлса, буюклик бўлар” мисраларининг муаллифини белги-
ланг.
- а) Юсуф Хос Хожиб
 - б) Маҳмуд Қошғарий
 - в) Замахшарий
 - г) Алишер Навоий
 - д) Абдураҳмон Жомий
7. Ёмғир чақириш маросимида айтиладиган қўшиқнинг номини топинг.
- а) “Бойчечак”
 - б) “Чой момо”
 - в) “Ё, рамазон”
 - г) “Ё, ҳайдар”
 - д) “Суст хотин”
8. “Қутадғу-билиг” мазмунан ... асар.
- а) Ватан ҳақидаги асар
 - б) тарихий-биографик асар
 - в) жангнома асар
 - г) панднома асар
 - д) ишқий-саргузашт асар
9. Маданият турлари:
- а) моддий ва маънавий
 - б) ахлоқий ва эстетик
 - в) ички ва сиртқи
 - г) тарихий ва сиёсий
 - д) моддий ва маданий

III БЎЛИМ

КАСБ ВА МЕҲНАТ. КЕЛАЖАКДАГИ КАСБЛАР



**...АСЛИДА, КАСБ ВА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ФАҚАТ
ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ ҲАМДА МОДДИЙ
ФАРОВОНЛИК МАНБАИ БЎЛИБ ҚОЛМАЙ,
КИШИЛАРДА ЯХШИ ХУЛҚ ВА ИЖОБИЙ
СИФАТЛАРНИНГ ҲАМ ВУЖУДГА КЕЛИШИГА
САБАБ БЎЛАДИ.**

С. Жалилова

1

КАСБ ВА МЕҲНАТ



Ўқиш



Тинглаш

37-машқ.

КИМ БЎЛМОҚЧИСАН?

Бу дунёда бисёр шарафли касблар:
Муҳандис бўлсамми ёки шифокор?
Ҳуқуқшунос – қизиқ касб дерлар менга,
Мен эса скрипка чалсам бетакрор!...

Касблар қатор-қатор танлай бошласанг,
Баҳс давом этади: “Ким бўлсам экан?”
Санъаткор, стюардесса, балки модельер?
Фазоларда учса орзулар улкан...

Бўлгинг келар катта, машҳур дипломат,
Банкир бўлсаммикан, дейди дўстларим.
Тонг отса, кун ботса, – завқ оламан, завқ,
Тинглаб еллар, жилға куйларини жим.

Бу дунёда кўпдир бебаҳо касблар,
Менинг орзум эса ягона, ахир.
Муסיқа тингламоқ учун ажойиб
Концертимга кирар банкчи, фазогир.



Савол ва топшириқлар



Муҳокама қилиш

1. Шеърни ифодали ўқинг ва асосий ғоясини аниқланг.



Якка тартибда ишлаш



Ёзиш

2. “Мен севган касб” мавзусида эссе ёзинг, иш жараёнида танишган эссе ёзиш қоидаларига тўлиқ амал қилинг.

3. Сиз ёзган эссе билан шеърий матндаги гапларда гап бўлақларининг жойлашиш тартибига эътибор беринг ва фарқини аниқланг. Фикрингизни далиллар билан асосланг. Шеърдаги бош бўлақларни аниқлаб, йиғиқ гап тарзида ёзинг.



Билиб олинг!

Синтаксис – грекча “тузиш” демакдир. Синтаксис сўзларнинг ўзаро бирикиши, сўз бирикмалари, гап ва уларнинг грамматик хусусиятларини ўрганади. Синтаксиснинг ўрганиш объекти сўз бирикмалари ва гапдир.



Ўқиш



Тинглаш



Муҳокама қилиш

38-машқ.

Дунёда минглаб касблар бор. Мана шу ранг-баранг касблар оламида қандай қилиб мўлжал олиш керак? Ҳаёт йўлини – меҳнат фаолиятини тўғри бошлаш учун қайси касбни танлаган маъқул? Касб танлаш учун, энг аввало, ўша касбнинг номини билиш керак. Ҳамма гап шундаки, кўп ҳолларда касбнинг номи,




унинг қандай аталиши касб танлаётган кишига маълум бўлмайди. Масалан, айтилик, сиз яхши расм чизасиз, бу машғулот сизга жуда ёқади ва сиз бундан кейин ҳам ўзингиздаги мана шу расм чизиш қобилияти керак бўладиган жойда ишлашни хоҳлайсиз. Хўш, айтинг-чи, сиз газмол ишлаб чиқаришда расмлардан нусха кўчирувчи деган касб борлигини, полиграфияда – колорист, яъни рангшунос, ретушёр касби, бадиий заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда – дизайнер касби борлигини ва у томонидан яратиладиган буюмларни дизайни яратилишини биласизми? Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин...




Касбларни яна улар халқ хўжалигининг қайси соҳасига тааллуқли эканлигига қараб ҳам кўриб чиқиш мумкин. Масалан, биргина тикувчилик саноатининг ўзида модельер-конструкторлар, технологик жиҳозларни созловчилар, чилангарлар, газмолни саралайдиган сараловчи дизайнерлар, қирқувчилар, тикувчи-мотористлар, бухгалтерлар, иқтисодчилар... сингари жуда кўп касблар мавжуд. Лекин кишининг шахсий фазилатлари (қи-зиқишлари, майллари, қобилиятлари,

ҳосил қилган тажрибаси) билан саноатнинг бир тармоғидаги касбларни бутунлай қамраб олиш мумкинми? Албатта, йўқ. Шунинг учун одамнинг ўзидан, яъни меҳнатда бевосита иштирок этадиган кишининг ўзидан келиб чиқадиган белгиларга, қобилиятига қараб танланган касб киши учун қулай бўлади. Умуман, меҳнат предметига қараб барча касблар бешта типга бўлинади:

“Одам – табиат”, “Одам – техника”, “Одам – одам”, “Одам – белгилар тизими”, “Одам – бадиий образ”.



1. Сиз келажақда ким бўлишни орзу қиласиз?
2. Сиз ёқтирган касб бўйича тўлиқ маълумотга эгамисиз?
3. Юқорида берилган матн асосида қандай касблар ҳақида маълумотлар олдингиз?



4. “Менга шу касб ёқади, чунки...” мавзуси бўйича тақдимот тайёрланг.
5. Тилимизда қандай сўзлар борлиги ҳақида маълумот беринг.



Билиб олинг!

Сўз гапнинг маъно ва грамматик хусусиятга эга бўлган энг кичик қисмидир. Тил элементи сифатида сўз маъно англатувчи бирликдир. Сўзнинг борлиқдаги нарса, предмет ёки ҳодисани ифодалаши унинг маъносидир. Масалан, **китоб, тош, гул** маълум предметларни англатса; **яхши, катта**, белгини; **ўқимоқ, юрмоқ, ишламоқ** ҳаракат маъноларини англатади.



Ўқиш



Тинглаш



Муҳокама қилиш

39-машқ.

САБРНИНГ МУКОФОТИ



Ўтлоқдаги барг устида ўтирган қуртча атрофидаги учиб юрган капалакларга, сакраётган чигирткаларга ва югуриб юрган чумолиларга ҳавас билан қарар эди. У ўзининг секин ҳаракат қиладиган қурт эканидан ҳижолат чекар, лекин ҳеч кимга ҳасад қилмай, ўз ишини бажарар эди. Унинг иши ипак тўқиб ўзига пилла ясаш эди. Қуртча вазифасини ҳафсала билан бажарар, чунки у ҳар кимнинг ўз бурчи бор, шу ишни мукамал қилиш лозим деб тушунар эди. Мана у пилласини тўқиб бўлди. Пилласининг ичига кириб охирги тешикни ҳам ёпди. “Энди нима қилар эканман?” деб ўйлай бошлаганида уни уйқу элтиб, қаттиқ ухлаб қолди. Бир қанча вақтдан сўнг у уйғонди. Энди у ўзини аввалгидай эмас, бошқача ҳис қилар эди. Бир амаллаб пиллани ёриб ташқарига чиқди. Ёруғ жойда ўзига қараб ҳайрон қолди. Чунки у энди қуртча эмас, гўзал капалак эди. Қуёш нурларида товланаётган ранг-баранг қанотларига атрофдаги ҳамманинг ҳаваси келаётгандек эди. Капалакка айланган қуртча буни ўзининг меҳнати ва сабри учун берилган мукофот деб тушунди ва гулзор бўйлаб учиб кетди.

(Тарбия китобидан)



Донолар ўғити

ЭЙ ФАРЗАНД, МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ВА САБРНИНГ, АЛБАТТА МУКОФОТИ БЎЛАДИ. БОШҚАЛАРГА ҲАСАД ҚИЛИБ, ЎЗ ИШИДА СУСТКАШЛИК ҚИЛИШ ЭСА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЯХШИЛИККА ОЛИБ КЕЛМАЙДИ.

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>		
	<p><i>Муҳокама қилиш</i></p>		<p><i>Ёзиш</i></p>

1. Матн мазмунини ёритувчи 3 та таянч сўзни топинг. Улар ёрдамида матннинг ғоясини аниқланг.
2. Таянч сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг.
3. Сўз ва сўз бирикмалари иштирокида гаплар ҳосил қилинг. Сўнгра гапларни мазмунан боғлаб матн яратинг. Мавзуга оид мақоллардан фойдаланиб, матн мазмунини бойитинг.
4. Ёзган матн билан берилган матнни солиштиринг.





Ўқиш



Тинглаш

40-машқ.

Инсониятни камолотга элтадиган шундай пурмаъно ўғитлар мавжудки, улар фарзандларимизни бефойда ҳою ҳавасдан узоқ, мукаммал ахлоқ-одобли инсонлар қилиб камолга етказишни кўзлайди. Олий мақсадга эришиш учун бундай муборак ўғитлар, олиму ҳукамолар ва мураббийлар кўрсатмаси асосида ҳаётий тажрибаларга омухта фикрлар орқали сингдирилиши керак бўлади.



1. Айтиш жоизки, оилада фарзандлар меҳнатсевар, фикр-мулоҳазали бўлиб шаклланиши учун, авваламбор, улар ота-оналари, устозлари, ҳаётларига эргашиб, уларнинг ўзларига намуна қилиб олишлари керак.

2. Ҳар бир фарзанд оилада топган тарбияси, билими, касб-камолоти, эришган ютуқ ва яхшиликларига миннатдорлик туйғусини ҳис эта олиши лозим.

3. Ёшлар баркамоллиги учун ўзларининг ички дунёсини бойитиши, имон-эътиқодини мустаҳкамлаши билан биргаликда,

қилган яхшиликларига дунёда эваз олишини қалбан тушунишлари зарур.

4. Яшаш тарзида, ҳар бир ишда иродали, идрокли, сабрли, тартибли, келажакка бўлган ишонч ҳисси билан ҳаёт кечиришга одатланиш жоиз.

5. Ёшлар мақтанчоқ, кибрли, ор-номуссиз бўлиб қолишдан сақланишлари жуда муҳим.

6. Болалар оила бағрида юрган пайтдан бошлаб, ўзгалар ҳақидан ҳазар қиладиган, оиласи, қариндошуруғи ва маҳалла аҳлига ҳурмат билан қарашга, ҳалоллик, ростгўйлик





ва софдилликка одатланиб боришлари керак.

7. Хонадон аҳли меҳнати билан яратиладиган оила жамғармасини кўпайтириб боришга кўмаклашиш, борини тежаш, рўзгорни эса касби, билими, тажрибасини ишга солиб, мулкчилик ҳисси билан яшашга одатланиши даркор.

Юқорида санаб ўтилган масалаларни меҳнат, касб-камолот, одобахлоқ даражалари хусусидаги бир кичик мулоҳаза дейишимиз мумкин. **Аслида, касб ва меҳнат фаолияти фақат ҳаётий зарурат ҳамда моддий**

фаровонлик манбаи бўлиб қолмай, кишиларда яхши хулқ ва ижобий сифатларнинг ҳам вужудга келишига сабаб бўлади.

Айтиш жоизки, ёшларнинг келажак тўғрисидаги фикрлари, орзулари мақсадли бўлиши жуда муҳим, ҳар бир инсон ким ва қандай ёшда бўлишидан қатъий назар, келажакка кўтаринки руҳ ва ишонч билан қараши лозим. Мисол учун “мен олим бўламан”, “мен учувчи бўламан”, “мен буюк инсон, катта устоз бўлиб етишаман” ва бошқа шунга ўхшаш илҳомбахш ва умидбахш сўзларни, яхши тилакларни доимо такрорлаб туришлари ҳам зарурдир. Чунки бу каби ишончли орзулар ҳар биримизни руҳий, жисмоний ва маънавий гўзалликка интилишга ундайди.

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>
--	------------------------------------

	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>		<p><i>Тақдимот</i></p>
--	-----------------------------	--	------------------------

1. Олий мақсадга эришиш учун нималарга амал қилмоқ керак?
2. Яшаш тарзида, ҳар бир ишда иродали, идрокли, сабрли, тартибли, келажакка бўлган ишонч ҳисси билан ҳаёт кечиришга одатланиш жоиз, деган фикрга қўшиласизми? Нега? Далиллар орқали фикрингизни баён этинг.

	<p><i>Якка тартибда ишлаш</i></p>
--	-----------------------------------

3. Матннинг ғоясига асосланиб, аниқ далил ва қарашларингизни ифодаловчи саволлар тузинг.
4. Матндаги ажратилган жумлани гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг. Шу жумлада нечта сўз бирикмалари борлигини аниқланг.
5. Синтаксис бўлимида нима ўрганилади? Изоҳланг.



Билиб олинг!

Икки ёки ундан ортиқ муस्ताқил сўзларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан маълум қонун-қоидалар асосида бирикиши сўз бирикмасидир. Сўз бирикмаси бир мураккаб тушунчани ифодалайди, таркибидаги сўзларнинг ҳар бири алоҳида гап бўлаги бўлиб келади.

Масалан, *кенг кўча, катта уй.*



Ўқиш



Тинглаш



Сўзлаш

41-машқ.


ОИЛАДА МЕҲНАТ ВА КАСБ-ҲУНАР

Ўсмирларда меҳнатга қизиқиш ва эҳтиёж анча барвақт, оила муҳитида туғилади, мактаб ёшидаги ўғил-қизларнинг меҳнат кўникмалари анча шаклланган бўлади. Ўқув жараёнидаги таълим ва тарбия таъсирида бу ҳолат янада уйғунлашиб боради. Бу нодир кўникмалар ўз вақтида тарбия қилиниб, маълум тизимга бўйсундирилса, юқорида айтганимиздек, жамиятнинг мунтазам меҳнатга лаёқатли, юқори малакали аъзоси вужудга келади. Ҳар бир йигит-қиз ёшлигидан яхши ниятлар, келажак учун истиқболли орзулар умиди билан яшаши, етук билимга эга бўлиш учун ҳаракат қилиши улар учун асосий вазифадир. Демак, инсоннинг шаклланишида жамиятнинг ҳеч қайси бўғини оила билан тенглаша олмайди. Оилада шундай сирли вазиятлар мавжудки, уни ташқи томондан ўқиб олиш, ўзлаштириш жуда қийин. Шу маънода баъзи касб-ҳунарлар ҳам фақат хос оилалар силсиласида давом этади. Хусусан, касаначилар ва майда ҳунарамандлар халқ ичидан етишиб чиқади. Оиладаги бу касб-ҳунар ижроси кишиларни болаликдан меҳнат қилишга ўргатиб, ўзига ёққан бирор касбни эгаллаб бориши ва келажакда меҳнатсевар инсон бўлиб етишишида таянч вазифасини ўтайди. Шу тариқа азалдан эл-юрт орасида одамлар эъзозлаб ҳурмат қиладиган, ўз касбининг кўп-лаб моҳир усталари, ажойиб ҳунар эгалари пайдо бўлиб келган. Ота-оналар болаларининг келажagini ўйлаб,



уларни илк ёшлик давридан бошлаб, меҳнатда чиниқтириб боришлари муҳим саналган. Аниқроғи, тарбиянинг энг таъсирли, энг самарали усули айти шу болаликдан, ёшликдан киришиладиган ҳунармандчилик, уста-шогирдлик жараёнида намоён бўлади. Аслида, ота-оналар болалар меҳнатига ҳамма вақт ҳам муҳтож бўлавермайдилар. Лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, меҳнатга кўниктириш улар зиммасидаги бурч ҳисобланади.

А. Турсунов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	------------------------

1. Матни ўқиб, қандай хулосага келдингиз? Оилада маълум касбга ўрганиш мумкинми?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

2. Сизнинг оилангизда қайси касб эгалари бор? Сизни кимнинг касби кўпроқ қизиқтириши ҳақидаги фикрингизни далиллар орқали ёзма баён этинг.
3. Ўқиётган мактабингизда қайси устозингизнинг маслаҳати билан маълум бир касбга сизда қизиқиш уйғонди?
4. Сўз бирикмасининг сўздан фарқини тушунтиринг, мисоллар келтиринг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-------------	---	----------------

42-машқ.

УСТОЗНИНГ ЎКИНЧИ



Кўзга кўринган бир рассомнинг шогирдлари ўз устозларининг охириги чизган расмининг олдида йиғлаб турганини кўриб ҳайрон бўлишибди ва:

– Устоз, нима сабабдан йиғлаясиз? – деб сўрашибди. Шунда рассом:

– Мен охириги чизган ишимдан ҳеч айб топа олмаяпман, – деб жавоб берибди.



- Бу яхши эмасми? – сўрашибди шогирдлар.
- Йўқ, бу менинг истеъдодимнинг сўнаётганидан дарак берапти, – дебди рассом.

(Тарбия китобидан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
--	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	------------------------	--	-------------

1. Матн нима ҳақда? Асосий ғоя нимадан иборат? Фикрингизни ёзма равишда баён қилинг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>
--	-----------------------

2. Устоз нимадан нега ўқинди? Қандай хулоса чиқариш мумкин?



Донолар ўғити

ЭЙ ФАРЗАНД, БИЛГИНКИ, ҲАР БИР УСТАНИНГ БАЖАРГАН ИШИ, ГАРЧИ АТРОФДАГИЛАРГА МУҚАММАЛ БЎЛИБ КЎРИНСА-ДА, УНИНГ ЎЗИ ҚАМЧИЛИГИНИ КЎРАДИ. КЕЙИНГИ ИШЛАРИДА ШУ НУҚСОНЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. БУ УНИНГ ЎЗ УСТИДА ИШЛАЁТГАНИНИ БИЛДИРАДИ.

“ОДАМ – ТАБИАТ” ТИПИДАГИ КАСБЛАР



Ўқиш

43-машқ.

1. “Одам – табиат”. Бу ерда меҳнатнинг асосий, етакчи предмети – **жонли** табиатдир. Бу типга, масалан, **қуйидаги** касблар киради: уруғшунос, мева-сабзавотшунос, чорвадор, химик-бактериолог, зоотехник, агроном. “Одам-табиат” типигаги касблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **ўсимликлар** организми меҳнат предмети бўлган касблар;
 - ҳайвонлар организми меҳнат предмети бўлган касблар;
 - микроорганизмлар меҳнат предмети бўлган касблар.




Масалан, ўсимликшунослар, жамоа орасида ишлайдилар, хилма-хил техникадан фойдаланадилар, **уларнинг** ўз меҳнатларини ҳисобга олиш, унга иқтисодий баҳо бериш масалалари билан ҳам шуғулланишларига тўғри келади, лекин барибир ўсимликшуносларнинг диққат-эътиборини жалб этадиган ва улар ғамхўрлик қи-

ладиган асосий предмет – бу ўсимликлар ва улар ўсадиган муҳит ҳисобланади. Мазкур типдаги касбни танлаш вақтида сиз ўзингиз табиатга қандай муносабатда бўлишингиз жуда муҳим аҳамиятга эгадир: сиз унга дам оладиган, кўнгилхушлик қиладиган жой деб қарайсизми ёки ўзингизни бутун куч-ғайратингизни бирор маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этишга шайланаётган устахона деб қарайсизми?

“Одам-табиат” типдаги касбларни танлаш вақтида ҳисобга олиш зарур бўлган яна бир жиҳат бор. Ўсимликлар ҳам, жониворлар ҳам, микроорганизмлар ҳам дунёга келиб яшайдилар, ўсадилар, ривожланадилар. Шунингдек, касалликка чалинадилар ва ҳалок бўладилар. Бу соҳада ишлайдиган ходим тирик организмлар тўғрисида жуда кўп нарсаларни шунчаки билибгина қолмай, шу билан бирга кўпинча муқаррар равишда содир бўладиган ёки содир бўлиши эҳтимол тутилган ўзгаришларни ҳам олдиндан кўра билиши керак.



	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

1. Биологиядан лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни бажаришни истайсизми?
2. Ўз томорқа боғингизда, полизда ишлаш сизга ёқадими?
3. Уй ҳайвонларини боқишни истайсизми?
4. Жонли табиат тўғрисидаги илмий-оммабоп, бадий адабиётни ўқишни севасизми?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

5. Ажратилган гапга диққат қилинг ва ўз шахсий фикрингизни далиллар орқали асослаб, ёзма баён этинг.
6. Тагига чизилган тобе сўз қайси ҳоким сўзни кенгайтириб, у билан сўз бирикмаси ҳосил қилишини аниқланг.



Билиб олинг!

Сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг боғланиши икки хил: **тенг боғланиш, тобе боғланиш**. Тенг боғланишли бирикмалар таркибидаги сўзлар тенг боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида боғланиб, бир хил гап бўлаги бўлиб келади.

Масалан, **Ўқтам ва Содиқ** бир синфда ўқийди. Тобе боғланишли сўз бирикмасида бир сўз бошқасига тобе бўлади. Бундай боғланишларда ҳоким ва тобе сўз бўлади. Тобе сўз ҳоким сўзнинг маъносини аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келади.

Тобе боғланишли бирикмаларда сўроқ ҳоким сўздан тобе сўзга берилади. Масалан, **баланд уй** (қандай уй?). Тобе бирикмаларда тобе сўз олдин, ҳоким сўз кейин келади, тобе сўз узۇқ тўлқинли (~~~~) ҳоким сўз **тире ва нуқта** (- . - . -) шартли чизиқчалар билан кўрсатилади.



Ўқиш




Тинглаш



Сўзлаш

44-машқ.

Меҳнат ҳамиша инсон ҳаёти ва маданиятининг асоси бўлган (*А.Макаренко*). Ҳамма нарса меҳнат шарофатидандир. Ҳамма нарса – инсон меҳнатидан, тарихнинг шиори шу (*Д.Менделеев*). Виждонан бажарилган ҳар қандай меҳнат фойдалидир, бинобарин, у ҳурматга лойиқ (*Стендал*). Ҳар бир одам нимадир бажармоқ учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор (*Э.Хемингуэй*). Қилаётган ишингни севишинг керак, ана шунда меҳнат – ҳатто энг оғир меҳнат ҳам – ижодга айланади (*М.Горький*). Дилдан меҳнат қилган одам ҳар қандай ишни ҳам санъат даражасига кўтарди (*Н.Чернишевский*). Улуғ кишиларни меҳнат етилтиради (*Сенека*). Биргаликда қилинган меҳнат кишиларда шунчалик ғайрат, шижоат уйғотадики, якка ҳолда камдан-кам бундай самарага эришиш мумкин (*Р.Эмерсон*). Инсон табиатида чуқур илдиз отган эҳтиёжлардан бири – кўнгил истаган ишни танлаш ва уни ранг-баранг қилишга интилишдир (*А.Бабел*). Оёғида тик турган деҳқон тиз чўккан олифтадан минг бора афзал (*Б.Франклин*). Бирдан-бир чинакам давлат инсон меҳнатидир (*А.Франс*). Одамни ҳеч нарса меҳнатчалик юксакликка кўтармайди. Одам меҳнатсиз ўз инсоний қадр-қимматини сақлай олмайди (*Л.Толстой*). Инсон меҳнат қилаётган вақтдагина том маънода инсонга айланади (*Ж.Гюго*).

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	-------------

1. Ҳикматли сўзларни диққат билан ўқиб чиқинг ва ўз мулоҳазаларингизни гуруҳда муҳокама қилинг. Умумий мазвусини аниқланг ва фикр-мулоҳазаларингизни ёзма равишда баён этинг.
2. Ўқилган жумлаларнинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда аниқ далил ва қарашларингизни ифодаловчи очиқ саволлар тузинг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-----------------------

4. “*Ақлий ҳужум*”. “Оёғида тик турган деҳқон тиз чўккан олифтадан минг бора афзал”, деган фикрни қандай шарҳлайсиз?


	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

5. Ҳикматли сўзлар таркибидаги (1–4) сўз бирикмаларини аниқланг ва бу бирикмаларнинг боғланишига кўра турини тушунтиринг. Ҳоким ва тобе сўзларнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини айтинг.



Ёдда сақланг!

Эга ва кесим боғланиши шаклан сўз бирикмасига ўхшаса-да, у сўз бирикмаси эмас, гап ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда фикр ифодаланади. Келишик, эгалик қўшимчалари, кўмакчилар тобе ва ҳоким сўзларни боғлаш вазифасини бажаради.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	----------------	--	---------------

45-машқ.

ОМАД ЧАРХПАЛАГИ

Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. Унинг ҳеч нимадан камчилиги бўлмай, бахтли ҳаёт кечираркан. Бир куни бу шоҳнинг мамлакатида қурғоқчилик бошланибди. Натижада, очарчилик юзага келибди. Бундан фойдаланган қўшни

мамлакатнинг подшоҳи шаҳарни босиб олибди ва подшоҳнинг яқинларини қатл қилибди. Подшоҳнинг ўзи базўр қочиб қутулибди. У ёшликда бирга ўсган бошқа бир подшоҳнинг мамлакати томон йўлга тушибди. Йўлда уни қароқчилар тутиб олиб, қул қилиб сотиб юборишибди.

Уч йил қул бўлиб меҳнат қилган подшоҳ охири қочиб дўстининг юртига келибди. Лекин уни дўстининг ҳузурига киритишмабди, чунки устидаги жулдур кийимни кўриб шоҳнинг дўсти эканига ҳеч ким ишонмабди.

Шоҳ кийим сотиб олиш учун шу шаҳарда бир йил меҳнат қилибди. Охири янги кийимларини кийиб дўстининг ҳузурига кирибди ва бошидан ўтган воқеаларни айтиб берибди. Дўсти унинг гапларини эшитиб бўлгач, хизматкорларини чақириб: “Бу одамга юз бош қўй беринглар, бориб уларни боқсин”, – дебди. Дўстининг бундай муомаласидан подшоҳ қаттиқ хафа бўлибди, лекин иложсиз бўлгани учун қўйларни боқишга мажбур бўлибди.


Бир ҳафтадан сўнг кечаси қўтонга бўри оралаб, ҳамма қўйларни бўғизлаб кетибди. Подшоҳ бошини эгиб дўстининг олдига келиб, воқеани айтиб берибди. Шунда дўсти: “Бунга элик бош қўй беринглар, бориб уларни боқсин”, – дебди. Яна бир ҳафта ўтгач, қўйлар серканинг орқасидан эргашиб, ҳаммаси жарга



қулаб тушиб ҳалок бўлибди. Подшоҳ яна дўстининг олдига келиб, бўлган воқеани айтиб берибди. Дўсти подшоҳга йигирма беш бош қўй беришни ва уларни боқишни буюрибди. Бу қўйларга ҳеч нарса қилмабди.

Бир қанча вақт ўтгач, подшоҳ дўстининг олдига келиб: “Берган қўйларинг кўпайиб мингтага етди, кейинги йилга улар икки барабар ортади”, – дебди. Буни эшитиб дўсти қувонибди ва подшоҳга дебди: “Энди қўй боқишни қўй. Ёнимдаги вилоятга подшоҳ бўлиб, ҳаммасини бошидан бошлайсан”, – дебди. Подшоҳ унинг гапларидан ҳайрон бўлиб сўрабди: “Нега бу ишни келган пайтимда қилмадинг?” Дўсти: “Мен сенинг ҳаётингнинг омадсиз қисми ўтиб кетишини кутдим. Агар вилоятни сенга келган кунинг берганимда ундан асар ҳам қолмас эди, мана энди ҳаётингнинг ёрқин тарафи бошланди. Қўйлар сенинг тақдирингнинг ўлчови эди, холос”, – дебди.

(Тарбия китобидан)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Мулоқот</i>
---	----------------

1. Матн нима ҳақда? Ўзингиз бошқа сарлавҳа қўйинг. Сизнинг сарлавҳангиз нима учун яхшироқ деб ўйлайсиз?
2. Матн юзасидан “Очиқ саволлар бекати”ни ташкил қилинг.
3. Матн мазмунини ёритувчи 1-2 жумлани кўчириб ёзинг. Фикрингизни асосланг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-----------------------	---	-------------

4. Нима учун подшоҳ аянчли аҳволга тушиб қолиб, дўстидан ёрдам сўраб борди?
5. Подшоҳнинг қул дўстига қилган муомаласига баҳо беринг.
6. Матн мазмуни бўйича ўзингизга қандай хулоса чиқардингиз?
7. Матндан тенг ва тобе боғланган сўзларга 2 тадан мисол келтиринг. Фарқини айтинг.



Донолар ўғити

ЭЙ ФАРЗАНД, ҲАЁТДА ҲАР ХИЛ КУНЛАР КЕЛАДИ. ОМАДСИЗ КУНЛАРНИ САБР БИЛАН ЕНГИБ ЎТСАНГ, АЛБАТТА, ОМАДЛИ КУНЛАРГА ЕТИБ КЕЛАСАН. ХАЛҚИМИЗ: “ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ БЎЛСА, ЎН БЕШИ ЁРУҒ”, ДЕБ БЕЖИЗ АЙТМАГАН.

“ОДАМ – ОДАМ” ТИПИДАГИ КАСБЛАР




Ўқиш



Сўзлаш

46-машқ. Қуйидаги расмлардан бирини танлаб, тасвирий матн тузинг, синфга тақдим этинг.

Таянч сўз ва сўз бирикмалар: сотувчи, хушмуомала инсон, ҳалоллик, инсоний муносабатлар, фирибгарлик, гамхўрлик, сохта муомала, тарози, шифобахш сўзлар, кутубхоначи, қизиқувчан китобхон, дорихона.







Ўқиш



Сўзлаш

47-машқ.




“Одам – одам” типдаги касбларга оид меҳнатнинг асосий мазмуни одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборатдир. Бундай бир-бирига таъсир кўрсатишнинг муҳим қисми ўзаро муносабатлар ҳисобланади. Мазкур типдаги касб бўйича муваффақиятли ишлаш учун одамлар билан алоқага киришиш ва улар билан доимий равишда мулоқотда бўлишни, одамларни тушунишни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб муомала қилишни ўрганиб олиш керак, шунингдек, ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва бошқа шу сингари тегишли соҳага оид билимларни эгаллаб олиш лозим.

Одамлар билан ишлаш унчалик осон ишлардан эмас. Мисол учун сотувчилик касбини олиб кўрайлик. Сотувчи иш вақтида минут сайин янги-янги одамлар билан муомала қилиши керак. Харидорлар ҳар хил бўлади: улар орасида ўта синчковлари ҳам, мол танлашда иккиланиб турадиганлари ҳам, ҳаддан ташқари кўп гапирадиганлари ҳам учраб туради ва ҳоказо. Харидорлар билан муомала қила олиш эса сотувчининг вазифасидир. Бу ерда сотувчига ўзига хос истеъдод: оғир-вазмин, хушмуомала, хушфеъл бўлиш маҳорати зарур бўлади.

“Одам – одам” типдаги одамларни ўқитиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган мактабгача тарбия муас-


сасаси тарбиячиси, ўқитувчи; автотранспорт корхонасининг диспетчери, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инженер иқтисодчи; сотувчи, сартарош; шаҳарлараро алоқа телефонисткаси, маълумотлар бюросининг ходими, экскурсовод; маданият уйи ходими, дирижёр; фельдшер, тиббиёт ҳамшираси, врач каби касб танлаш учун жуда муҳим ва зарур бўлган шахсий фазилатларнинг қисқача рўйхати қуйидагилардан иборат:

- одамлар билан ишлаш жараёнида барқарор яхши кайфиятда бўлиш;
- одамлар билан муомалада бўлишга ўзида эҳтиёж сезиш, жамоат, хайрия ишларида сидқидилдан иштирок этиш;
- бошқа кишиларнинг ниятини, ўй-фикрларини, кайфиятини тушуна олиш, фикран ўзини бошқа кишининг ўрнига қўйиб кўриш қобилияти; одамлар ўрта-сидаги ўзаро муносабатларни тезда билиб олиш, кўпчилик кишиларнинг шахсий фазилатларини яхши тушуниш ва билиш маҳоратига эга бўлиш;
- турли кишилар билан умумий тил топа олиш, яъни юқори савияда муомала маданиятига эга бўлиш талаб этилади.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

1. Юқорида айтилган қайси касб сизни кўпроқ қизиқтиради?
2. Қизиқтирган касбга оид матндан таянч сўзларни топинг ва улар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қилиб ёзинг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-----------------------	---	---------------

3. Устоз ёки шифокор бўлиш осон эмас, деган фикрни қандай тушунасиш? Ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
4. Матндан отли ва феълли бирикмаларнинг ҳар бирига мисоллар топиб ёзинг ва изоҳланг.



Донолар ўғити

Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатлилигидан нишона.

О. Бальзак

ЮҚОРИДАГИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ САВОЛЛАРГА “ҲА” ЁКИ “ЙЎҚ” ДЕБ ЖАВОБ БЕРИНГ ВА ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ:

1. Муомала вақтида пайдо бўлган кайфият (қувонч, хафагарчилик, қайғу) дан кўнглингида қолган нарсалар узок муддат сақланиб қоладими?
2. Сизнинг кайфиятингиз гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, яхши-ёмон кайфиятлар тез-тез алмашилиб турадими?
3. Сиз ўз номингизга айтилган танқидий фикрларни кўнглингида оғир олиб, узок вақт изтироб чекиб юрасизми?
4. Сершовқин, қувноқ одамлар орасига тушиб қолганда қаттиқ чарчайсизми?
5. Янги одамлар билан танишишга тўғри келиб қолган вақтларда қийналиб, истиҳола қилиб юрмайсизми?
6. Сиз бирор янги гапни бошқа кишилардан сўраб билишдан кўра уни китобдан ўқиб билиб олиш осон ва қулай деб ҳисоблайсизми?
7. Сизда ёлғиз ўзингиз қолиб, тинч-осойишта бир жойда дам олиш истаги тез-тез бўлиб турадими?
8. Биров билан гаплашаётган вақтингизда керакли сўзларни топиб айтиш учун узок вақт ўйлайсизми?

Агар мана шу саволларнинг кўпчилигига сиз “ҳа” деб жавоб берадиган бўлсангиз, у ҳолда, афтидан, одамлар билан боғлиқ бўладиган касблар сизга унчалик тўғри келмайди. Ҳар ҳолда бу соҳада муваффақиятга эришиш учун ўз устингизда кўпроқ ишлашингизга тўғри келади.



Билиб олинг!

Тобе сўз билан ҳоким сўзнинг боғланиши уч хил:

Бошқарув

Мослашув

Битишув




Ҳоким сўз талабига кўра тобе сўзнинг бирон келишик қўшимчасини олиб келиши **бошқарув** дейилади.

Бошқарув икки хил: **келишикли бошқарув, кўмакчили бошқарув.**

Келишикли бошқарувда тобе сўз қаратқич келишигидан бошқа келишик қўшимчаларини олган ҳолда бирикади: **уйни кўрмоқ, дарсга келмоқ, уйда ўтирмоқ, ишдан қайтмоқ.**

Кўмакчили бошқарувда тобе ва бош сўз кўмакчилар ёрдамида бирикади: **тинчлик учун курашмоқ.**

Баъзан бошқарувли бирикмада тобе сўз қўшимчасиз бўлиши мумкин: **китоб ўқиш, шаҳар бориш.**

	Ўқиш		Ёзиш		Муҳокама қилиш
---	------	---	------	--	----------------

48-машқ.

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБИ



Дунёда шундай касб эгалари борки, улар босиб ўтган ҳаёт йўли, қилган эзгу ишлари барча учун ибрат мактабидир. Жанубий Қозоғистон вилояти Сайрам туманига қарашли Сайрам қишлоғида дунёга келган, узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган иқтидорли шифокор Насрулло Шоназаровни ана шундай меҳридарё соҳиби инсонлардан бири десак, асло муболаға бўлмайди.

Насрулло Абдуллаевич ёшлигидан шифокорлик касбига меҳр қўйди. Шу сабаб у келажак тақдирини инсонларнинг дардига малҳам бўлиш, улар саломатлигини мустаҳкамлашдек оғир, шу билан бирга, шарафли бўлган шифокорлик касби билан боғлади.

1980 йили ўрта мактабни олтин медалга битиргач, 1981–83 йиллар оралиғида тақдир тақозоси билан ҳарбий хизматни ўташга Челябинск шаҳрига борган Насрулло Шоназаров, ҳарбий хизматни ўтай туриб, Челябинск давлат тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди-да, ўз касбининг фидойи ва заҳматкаш инсонларидан сабоқ олди, тиббиётга оид билимларни пухта эгаллади. Шу билан бирга, ўқиш билан амалиётни узлуксиз олиб борган бўлажак шифокор Челябинск вилояти онкология (ўсма, шиш ва уларни даволаш) диспансерининг жонлантириш ва интенсив терапия бўлимида фаолият юритди. Институтни муваффақиятли тамомлагач, 1989 йилда юқорида аталган диспансер базасида интернатурани ўтагач, мазкур шифохонанинг торакал (кўкрак кафаси) жарроҳлик бўлимида шифокор-ординатор сифатида иш фаолиятини давом эттирди.

Шифокорлик иши шарафли, олижаноб ва масъулиятлидир. Чуқур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган кишигина бундай ишга қодирдир. Шифокорлик касби тинимсиз ўқиб-ўрганишни, ўз мутахассислигини доимий равишда такомиллаштиришни талаб этишини юракдан ҳис қилган фидойи касб устаси 1997 йилда “Ошқозоннинг юқори қисми ҳамда қизилўнғачга ўтган саратонини жарроҳлик усули билан даволаш хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Малакали шифокор кўплаб беморлар дардига малҳам бўлди. Ёш бўлишига қарамай, қисқа вақт оралиғида қўли енгил шифокор сифатида элнинг назари-

га тушди. 2000 йилда Челябинск шаҳридаги Урал давлат медицина академиясининг тез ёрдам кўрсатиш медицинаси ва юрак-томир жарроҳлиги кафедраси қошидаги онкология курси ассистенти сифатида, 2001 йилда эса УДМАОД-нинг радиология ва онкология кафедраси доценти лавозимида хизмат қилди.

2002 йилда эса малакали онколог-шифокор Насрулло Шоназаровга олий тоифа берилди.

2003 йилда она шаҳри Шимкент шаҳридаги Жанубий Қозоғистон Давлат тиббиёт академиясининг онкология кафедраси доценти ҳамда поликлиника бўлимида шифокор-радиолог, консультант лавозимларида қўшимча меҳнат қилган бўлса, 2004 йилдан бошлаб кундузги стационар бўлими мудир лавозимида тайинланди.

Ўз касбига самимий меҳр қўйган меҳнаткаш шифокор 2005 – 2008 йиллар оралиғида Астана шаҳрининг “Онкология диспансери” давлат маҳкамасининг бош шифокори лавозимида фаолият юритди.

Билимдон, меҳнатсевар, касбий маҳоратли, юқори малакали мутахассис сифатида эътибор қозонган Насрулло Абдуллаевич 2006 йилнинг январь ойидан Астана шаҳри Соғликни сақлаш бошқармасининг штатдан ташқари бош онколог, сентябрь ойидан ҚозДТА шифокорлар малакасини ошириш факультетининг онкология кафедраси доценти сифатида қўшимча вазифани бажарди.

2008–2012 йиллар оралиғида эса тажриба алмашиш мақсадида Россия давлатининг Тюмень шаҳрида нур ташхиси ва нур терапия курси билан онкология кафедрасини бошқарди.

Илм ва амалиётни узлуксиз олиб бориб, тинмай ўз устида ишлашни, изланувчанликни шиорга айлантирган, ўз олдида олий мақсадлар қўйиб, унга эриша олган моҳир шифокор 2010 йилда “Маҳаллий тарқалган ошқозон саратони билан касалланган хасталарни даволашда кенгтармоқли ёндошиш” мавзусидаги докторлик диссертациясини юксак шараф билан ҳимоя қилди.



Ҳикоямиз қаҳрамони 2012 йилдан бошлаб Астана шаҳрида Республика тез ёрдам илмий марказининг онкология бўлими раҳбари сифатида фаолият юритса, 2014 йилдан буён Астана ММ ҲЖ жарроҳлик кафедраси профессори лавозимини қўша олиб бормоқда. 2015–2017 йй. Қозоғистон Республикаси Президенти Иш бошқармасининг Тиббиёт маркази шифохонасининг бош онколог сифати-



да меҳнат қилиб келди. Бугунги кунда шу муассасанинг илмий фаолият бўйича директор ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда.

Ҳа, “Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир”. Гиппократ томонидан айтилган ушбу фикр соҳа фидойиларининг шарафли, шунинг баробарида ўта масъулиятли вазифаларига берилган муносиб баҳо, десак янглишмаймиз. Дарҳақиқат, шифокорлик касби жасоратни, фидойилиликни,

қалб ва фикр софлигини талаб қилади. Соғлиқ эса инсонга тухфа этилган бебаҳо бойлик. Ана шу бойликни асраб-авайлашда, ёшларни ҳар томонлама соғлом, зукко ва комил инсонлар бўлиб камол топишида оқ халат соҳибларининг зиммаларидаги вазифалари муҳим аҳамиятга эгадир. Насрулло Абдуллаевич нафақат ўз устида тинимсиз ишлайди, балки устоз шифокорнинг ёшлар билан ишлаш тажрибаси, муассасада устоз-шогирд анъаналарини тўғри йўлга қўйган. Бу борада иш тажрибаси давомида унинг илмий раҳбарлиги остида ўнлаб илмий ишлар ёқлаганлиги фикримиз далилидир.

Ўта бой илмий-услубий, амалий тажрибага бой бўлган Насрулло Абдуллаевич шу кунга қадар 530дан ортиқ илмий ишлари, шулар қатори 70дан ортиқ илмий меҳнатлари Россия Федерациясининг Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган нашриётларда ёруғ кўрди. Бундан ташқари шифокор ва талабалар учун мўлжалланган 30дан зиёд ўқув-методик қўлланмаларнинг муаллифи ҳамда ҳаммуаллифи, 4 монография ва 3 патент соҳиби, шу билан бирга, республика, халқаро миқёсдаги турли конференция, форумларда 40дан зиёд мазмунли маърузалари билан қатнашиб, Ватанимиз шарафи, тиббиёти обрўйини ҳимоя қилди.

Насрулло Абдуллаевич ҳозирги кунда Россия, Европа, Америка онкологла-




ри ассоциациясининг фахрий аъзоси. Қозоғистоннинг кардиоторакал жарроҳлар ассоциациясининг вице-президенти сифатида қимматли тажрибаси билан ўртоқлашмоқда.


Кўп йиллик тинимсиз, самимий меҳнати туфайли турли унвонлар: “Қозоғистон Республикаси соғликни сақлаш соҳаси аълочиси” кўкрак нишони (2007й.), “Соғликни сақлаш соҳаси аълочиси” (2013 й.), Россия Федерациясининг “**Labore et Scientia (Меҳнати ва билими билан)**” ордени, “Қозоғистон Республикаси мустақиллигига 25 йил” юбилей медали ҳамда Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерацияси миқёсида кўплаб ташаккурномалар, мақтов қоғозлари соҳибидир.

Саломатлик – улуғ неъмат. Шу боис, халқнинг саломатлиги юртнинг бойлиги экан, халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шифокор фарзандидан отаси ҳам ҳамиша рози. Зеро, ота-онасининг дуосини олиб ўсган инсоннинг кўнгли доимо хотиржам, омад эса доим ёр!

Шаҳло Наралиева




1. Матн сизда қандай таассурот қолдирди, нимани англадингиз? Матннинг услуби, типи ва жанрини аниқланг.



2. Гиппократ номига қасам ичиш, деган фикрни қандай тушунасиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



3. Шифокорлик касбининг машаққатли ва шарафли меҳнатини кўз олдингизга келтиринг.
4. Юқоридаги матн қаҳрамонининг ютуғи нимада деб ўйлайсиз? У муваффақиятли инсонми?



5. Интернет манбалари асосида “Медицина. Фотодинамика терапияси” видеолавҳасини томоша қилинг. Шу лавҳа асосида ролларга бўлиниб, шифокордан интервью олинг.
6. Сиз таниган ёки яқинларингиз ҳаётини сақлаб қолишда бутун иқтидорини ишга солган шифокор ҳақида биласизми? “Мен ҳам шифокор бўлсам...” мавзусида эссе ёзинг. Бунда берилган маълумотлардан ва ҳаётий воқеалардан фойдаланинг.



Мулоқот

Расмларда тасвирланган касблар ҳақида нималар биласиз? Улар қандай касб гуруҳига киради?





Билиб олинг!

Тобе сўзнинг ҳоким сўзга қаратқич келишиги шаклида боғланиши **мослашув** дейлади. Мослашувда тобе ва ҳоким сўз шахс ва сонда мослашган бўлади. Тобе сўз олдин келиб, қаратқич келишиги қўшимчасини, ҳоким сўз кейин келиб, эгалик қўшимчасини олган ҳолда боғланади: **унинг уйи, бизнинг боғимиз**. Тобе сўз қаратқич келишиги қўшимчасисиз ҳам қўлланилади: **мактаб ҳовлиси, она меҳри**.




Билиб олинг!

Тобе сўзнинг ҳоким сўз билан қўшимчасиз, маъно жиҳатидан бирикиши эса **битишувдир**: **тиниқ сув, катта кўча, чиройли уй, тез юрмоқ**. Бундай бирикмаларда сўзнинг ўрни алмаштирилса, сўз бирикмаси гапга айланади: **тиниқ сув** (сўз бирикмаси), **сув тиниқ** (гап).

Битишувда тобе сўз сифат ва равиш, сифат вазифасида келадиган отлардан, ҳоким сўз эса от ва феъл туркумларидан иборат бўлади.

Сўз бирикмасининг бирикиш усуллари





Ўқиш



Ёзиш



Муҳокама қилиш

49-машқ.


“Одам – белгилар тизими”. Касбларнинг бу типда шартли белгилар, рақамлар, кодлар, табиий ёки сунъий тиллар асосий етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Ҳозирги замон кишиси белгилар ва белги тизимлари дунёсида – матнлар, чизмалар, хариталар, жадваллар, формулалар, йўл белгилари ичида яшайди. Бинобарин, буларнинг ҳаммасини биладиган тегишли мутахассислар ҳам зарур.


“Одам – белгилар тизими” типдаги касблар қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳужжатларни (она тилида ёки чет тилида) расмийлаштириш, иш юритиш, матнлар ва уларнинг қайта ёзилиши билан боғлиқ бўлган касблар: таржимон, ҳарф терувчи, телеграфчи, техник редактор; сонлар, миқдорий нисбатлар меҳнат предмети ҳисобланган касблар: ҳисоблаш машиналарининг оператори, назоратчи-ғазначи, АКТ бўйича дастурчилар, ҳисобчи, техник-режаловчи; шартли белгилар системаси, объектларнинг схематик тасвири кўринишидаги информацияларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган касблар: чизмачи, топограф, техник-геодезист, инженер ва бошқалар.

Мазкур типдаги касбларнинг бирортасида муваффақиятли ишлаш учун мана шу белгилар оламига, сиртдан қараганда қуруқ белги бўлиб кўринадиган оламга хаёлан шўнғиб кетадиган, теварак-атрофни ўраб олган ҳаётдаги предметли хусусиятларни бирдан унута оладиган ва бутун диққат-эътиборни у ёки бу белгидан иборат маълумотларга қарата оладиган даражадаги алоҳида қобилият зарур бўлади. Турли предметлар, саноклар, ҳисоблашлар, чизмалар, ёзувлар олиб бориш, ҳар хил турдаги маълумотлар (газеталардан қирқиб олинган мақолалар, ҳужжатлардан кўчирмалар), бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржималарнинг тартибга солиб тўпланиши ва



сақланиши бўйича бажарган ёзма ишингизда ўз тажрибангизга баҳо беришга ҳаракат қилиб кўринг. Агар мана шу ишларни сиз эринмасдан қизиқиш билан бажарган бўлсангиз, эҳтимол, бу сизнинг келгусидаги машғул бўладиган ишингиз – профессионал фаолият кўрсатадиган соҳангиз бўлиб қолиши мумкин.

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>
---	------------------------------------

	<p><i>Муҳокама қилиш</i></p>		<p><i>Сўзлаш</i></p>
---	------------------------------	---	----------------------

1. “Ҳозирги замон кишиси белгилар ва белги тизимлари дунёсида – матнлар, чизмалар, карталар, жадваллар, формулалар, йўл белгилари ичида яшайди” жумласини қандай тушунасиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

	<p><i>Якка тартибда ишлаш</i></p>		<p><i>Ёзиш</i></p>
---	-----------------------------------	---	--------------------

2. Сизни бундай касблар қизиқтирадими? Нега?
3. Ажратилган жумлани қайта ўқинг ва шарҳланг, шу жумладан тобе сўзнинг ҳоким сўзга бошқарув ва битишув йўли билан боғланишига мисоллар топиб ёзинг.



Билиб олинг!




Сўз ҳам сўз бирикмаси ҳам предмет, нарса, белги, ҳаракатни ифодалаш учун хизмат қилади. Сўз якка ҳолда луғавий маъно ифодаласа, сўз бирикмаси бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда предмет, нарса, белги, ҳаракатни ажратиб, аниқроқ қилиб кўрсатади. Масалан, **бола – яхши бола, китоб – нодир китоб.**



Донолар ўғити

Бир ишга киришган чоғингда оғирликлар юз берса, мақсадинг манзилига етишмоқ йўлида меҳнат ва машаққатлар чексанг, ноумидлик кўчасига қадам қўйма, шижоатли ва матонатли бўл, шундагина бу мушкул йўлни босиб ўта оласан.

*Ишларингда чарх бузса қайгу чекма, сабр қил,
Ҳар кийимни йиртадур тикувчилар тикмоқ учун.*

	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	-------------	--	-----------------------

50-машқ.

ЁШЛИК

Ёшлик, бир гунчасан, нозик, бокира,
 Чақмоқдай шиддаткор, қудратли тўлқин.
 Тимсолинг довулдан қолишмас сира,
 Фазога чўзсанг ҳам етгудай қўлинг.


Ғайратинг жўшқиндир, сенда иқтидор,
 Сенга ҳар дам элнинг ихлоси баланд.
 Мақсадларни забт эт, сенда ихтиёр,
 Сенинг юрагингда жўш урар талант.



Сенга юкингайдир ота-оналар,
 Мустаҳкам Ватанда бунёдкор авлод.
 Сенинг сафларингдан чиқар донолар,
 Сенсан эртамизни қилгувчи обод.

Ҳар лаҳза ғанимат, қадрли ҳар дам,
 Илму фан чўққисин эгалла, забт эт.
 Олға интил бўлиб сен бардам,
 Ижод қил, излангин, муродингга ет.

Н. Усмонова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

1. Шоира ўз шеърида ёшларга қарата қандай ғояларни илгари сурмоқда?
2. Ҳар бир тўртлик бўйича фикр-мулоҳаза юритинг ва шарҳланг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-----------------------	---	-------------

3. Ҳар лаҳза ғанимат, қадрли ҳар дам, деган гапни қандай тушундингиз? Далиллар орқали фикрингизни асослаб, кичик насрий матн яратинг.
4. Мослашув боғланиш нима, шеърдан мисоллар келтириш орқали изоҳланг.



Ўқиш



Ёзиш



Муҳокама қилиш

51-машқ.

Зебуннисо бегим Заҳриддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг панневараси Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (тахтбеаги) Оламгирнинг қизи. Унинг онаси Дилрасбону Шоҳнавозхоннинг қизи бўлиб, Бобурнинг Гулбадан бегим исмли қизига бориб туташади. Зебуннисо бегим (1048 ҳижрий йил шаввол ойи) 1639 йил милодий, феврал ойида Деҳлида туғилган.

Зебуннисо бегим ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям Бону қўлида савод чиқарган. Отаси Зебуннисонинг шоирлик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаҳоний ва Мулло Жовонни муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо бегим забардаст шо-




ира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир хаттот бўлиб етишадди. Араб-форс тилларининг сарфу наҳв (морфология ва синтаксис)ини, фикҳ (қонуншунослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштиради. у настаълик, насҳ ва шикаста хатларини зўр маҳорат ила битган. Қуръонни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва ёддан қироат билан ўқиган. Зебуннисо бегим араб ва форс тиллари сарфу наҳвини эгаллаб, шу тилларда ҳам ижод қилди.

Зебуннисо бегим олимларга, шоирларга ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. “Олами Ислом” тазкирасидаги **“Зебуннисо бегим отаси ҳукмдорлик билан қозонолмаган шуҳратни илм ва одоб билан қозонган”** жумлалари фикри-мизни тасдиқлайди.

Зебуннисо бегим бир қатор шогирд-пешаларни илм-маърифат, одоб ва ға-залиёт бобида тарбиялаб, камолотга ет-

казган, Шарқнинг машҳур шоири Мирзо Абдуқодир Бедил ўз қизини Зебуннисо бегим тарбиясига топширган.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	------------------------

1. Зебуннисо бегим қандай касбларни эгаллаган экан?
2. Зебуннисо бегим хислатларини ёритувчи таянч сўз ва жумлаларни аниқланг.



	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-----------------------	---	---------------	--	-------------

1. “Олами Ислом” тазкирасидаги “*Зебуннисо бегим отаси ҳукмдорлик билан қозонмаган шухратни илм ва одоб билан қозонган*” жумлалари юзасидан фикр юритинг. Ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.
2. Матндаги қўшма сўзларни топиб, ўзи боғланган сўз билан кўчиринг, қандай сўз бирикмаси ҳосил бўлганлигини изоҳланг.
3. Сўз бирикмаси ва гапнинг ўзига хос хусусиятларини атанг.



Донолар ўғити

ЭЙ ФАРЗАНД, СЕН ҲАЛИ ЁШСАН, БУТУН ҲАЁТИНГ ОЛДИНДА. ҚАЙСИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, ЖАМИЯТГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИГАН ОДАМ БЎЛГИН. БИР КУН КЕЛИБ ДУНЁДАН ЎТСАНГ, СЕНИНГ ҲАЁТИНГ ҚИЛГАН ЯХШИЛИКЛАРИНГДА ДАВОМ ЭТАДИ.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	-------------	--	-----------------------

52-машқ.

“Одам – бадий образ”. Касбларнинг бу типда эса бадий образлар, уларнинг тузилиш усуллари етакчи меҳнат предмети ҳисобланади. Бу ерда қуйидаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тасвирий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадий мебеллар ишлаб чиқариш бўйича дурадгор, тошга ўйиб гул солувчи, ёритиш электротехниги (театрда), пойафзал конструктор-модельери, график-рассом ва бошқалар;
- муסיқа фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: пианино ва роялларни созловчи, оркестр артисти, композитор;
- адабий-бадий фаолият билан боғлиқ бўлган касблар: бадий адабиёт редактори, адабий ходим ва бошқалар;
- актёрлик-саҳна фаолияти билан боғлиқ бўлган касблар: театр артисти, эстрада артисти.

Бу типдаги касбларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, ходим амалга оширган, сарф қилган меҳнатининг анчагина қисми ташқи томондан қараган кишининг кўзига кўринмай, яширинча қолади. Бундан ташқари, меҳнатнинг сўнгги натижасига эришиш учун, яъни ижронинг енгил, зўриқмасдан бажарилиши ва ўйналаётган ролнинг табиий чиқиши учун кўпинча махсус куч-ғайрат сарф қилишга тўғри келади. Чунончи, саҳнада бор-йўғи бир неча минут давом этадиган томошани кўрсатиш учун артист ҳар куни бир неча соатлаб меҳнат қилиши керак.

Мазкур типдаги касбни танламоқчи бўлсангиз, меҳнатнинг мана шу яширин томони тўғрисида ўйлаб кўринг.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>

1. Чиройли, ихчам ва қулай пойафзал кийганингизда, пойабзал конструктор-модельерининг меҳнатини кўз олдингизга келтирганмисиз?
2. Қўлингизга китоб олганингизда, бу китобни дунёга келишида муаллифнинг, муҳаррарининг, адабий ходимларнинг уйқусиз тунлари, машаққатли меҳнатларини тасаввур қила оласизми? Гуруҳда муҳокама қилиб тақдимот тайёрланг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-----------------------	---	---------------

3. Санъаткорлар меҳнатини осон деб ўйлайсизми? Нима учун?
4. **“Саҳнада бор-йўғи бир неча минут давом этадиган томошани кўрсатиш учун артист ҳар куни бир неча соатлаб меҳнат қилиши керак”**, жумласини қандай шарҳлайсиз?
5. Сўз бирикмаси ва қўшма сўзлар ҳақида фикр билдириш, фикрингизни мисоллар келтириш билан асосланг.



Билиб олинг!

Иборалар (турғун бирикма) тилда бир қолипга тушиб, қотиб қолган луғавий бирликлардир. Иборалар камида иккита мустақил сўзнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, **оғзи қулоғида, дўпписи яримта, жаҳли чиқди, тепа сочи тикка бўлди** каби.



Ёдда сақланг!

Иборалар таркибидаги сўзлар ўз мустақил маъносини йўқотиб, бир бутун ҳолда кўчма маъно ифодалайди. Масалан, **тепа сочи тикка бўлди** (аччиқланди), **капалаги учди** (қўрқди), **оғзининг таноби қочди** (хурсанд).




Иборалар оддий бирикмадаги сўзларга шаклан ўхшаб қолиши мумкин. Масалан, **оёғини тиради**-ўз маъносидда эркин бирикма, **оёғини тиради “кўнмади”** маъносидда турғун бирикма. Шунингдек, **қўли очиқ “сахий”** (турғун бирикма) **қўли очиқ “панжалари ёйилган”** (эркин бирикма), **тарвузи қўлтиғидан тушди** бирикмаси ҳам турғун ва эркин бирикма маъноларини ифода этади.

Иборалар сўз бирикмаси шаклида: **бўзчининг мокисидай, қўл кўтармоқ, ўзига келмоқ**.

Иборалар гап шаклида: **кўнгли ёришди, иши ўнгидан келди** каби ифодаланади.

Иборалар қуйидаги хусусиятларга эга.

1. Иборалар тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган луғавий бирликлардир.
2. Иборалар гапда бир гап бўлаги бўлади.
3. Иборалар кўчма маъно ифодалангани учун образлиликка бой. Шу сабабдан нутқнинг таъсирчанлигини оширади.
4. Иборалар бадиий ва сўзлашув услубларида қўлланилади.

	Ўқиш		Ёзиш		Муҳокама қилиш
---	------	---	------	---	----------------




53-машқ. Берилган иборалар иштирокида гаплар тузиб ёзинг. Ибораларнинг қайси бирлари эркин бирикма бўла олишини тушунтиринг.

Тилини тишламоқ, қулоғига қуймоқ, тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, тутган еридан кесмоқ, тўнини тескари киймоқ, қўли очиқ, тош отмоқ, оёғини тирамоқ, оғзини таноби қочмоқ, кўзи очилмоқ,...



Ёдда сақланг!

Тилда худди иборалардек тайёр ҳолда қўлланиладиган, бир қолипга тушиб қолган бошқа бирликлар ҳам мавжуд. Улар мақоллар ва маталлар. Иборалар, мақол ва маталлар бирикма ҳолида бўлиб, ўзгартириш мумкин бўлмаганлиги учун барқарор бирикмалар дейилади.


	Ўқиш		Ёзиш		Муҳокама қилиш
--	------	--	------	--	----------------

54-машқ.

Бугун озод ва обод юртимизда илм-маърифат юксалмоқда, айниқса, биз ёшларнинг пухта билим олишимиз, ўз имкониятларимизни юзага чиқаришимиз учун кенг имкониятлар яратиб берилган. Тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланаман, деган киши ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Фуқароларимизга, хусусан, кексаларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида ҳар қанча гапирсак, камлик қилади.

Ҳар бир маҳаллада истиқомат қилаётган ёши улуг онахону отахонларимиз, бахт ва иқболимизни, юрт тинчлигини тилаб, дуо қиладилар. Улар бор экан, уйларимиз нурли, ҳаётимиз файзли, йўлларимиз нурафшондир.

Биз, ёшлар мана шундай бағрикенг юртнинг фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз, Ватанга бўлган муҳаббатни қалбан ҳис этиш, кексаларнинг ўғитларига амал қилиш, ўқиб-ўрганиш, танлаган соҳамиз бўйича юксак мақсадларни кўзлаб олға интилиш бизнинг асосий бурчимиз эканлигини яхши англаймиз. Қолаверса, ёши улуг инсонларга иззат-икром кўрсатиш, уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш, доим хизматларида бўлиб, дуоларини олишга интиламиз. Зеро, халқимизда “Олтин олма, дуо ол”, деган нақл бежиз айтилмаган.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	-----------------

1. Берилган маттни ўқинг ва унга сарлавҳа танланг.
2. Матн бўйича фикр-мулоҳаза юритинг, бағрикенг юрт фарзанди сифатида ўз мулоҳазаларингизни ёзма баён этинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

1. Матндан образли, нутқий таъсирчанликни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларини топинг, изоҳ беринг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	------------------------

2. Матн асосида грамматик меъёрларга риоя этган ҳолда диалог тузинг.



Билиб олинг!


Предмет, нарсa-ҳодисанинг муҳим хусусиятлари орқали ифодаланиши **тасвирий** ифодадир. Масалан, **оқ олтин – пахта, дала маликаси – маккажўхори, бунёдкор – қурувчи.**



Ёдда сақланг!






Тасвирий ифода нарсa-ҳодисани образли ифодалаш асосида вужудга келади. Бундай ифодалар нутқий таъсирчанликни таъминлаш, нутқ жараёнида сўзларни такрорламаслик имконини яратади. Тасвирий ифода, асосан, от ва сифат туркумидаги сўзлардан ташкил топади.

КЕЛАЖАҚДАГИ МУТАХАССИС НИМАЛАРГА ҚОДИР БЎЛИШИ КЕРАК?

	<i>Ўқиш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	-------------	---	-----------------------

55-машқ.

Касбнинг беш типларини атанг ва мисоллар келтиринг. Қуйидаги расмларда қайси типдаги касб эгалари тасвирланган? Улар ҳақида маълумот беринг.



Донолар ўғити

Мурод, мақсад хазиналари меҳнат кўприги устидадир.

56-машқ.

КЕЛАЖАҚДАГИ МУТАХАССИС НИМАЛАРГА ҚОДИР БЎЛИШИ КЕРАК?



Савол ва топшириқлар




Гуруҳда ишлаш



Тақдимот

1. Юқорида берилган расмни шарҳланг. Матн тузинг.
2. Матн тузишдан аввал калит сўзларни белгилаб олинг.
3. Калит сўзлардан сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Сўнгра гаплар тузинг. Гапларни мазмунан бир-бирига боғлаб матн яратинг.





Донолар ўгити

*Қадимги юнон донишмандларидан Афлотун ҳаким айтади:
– Мен фидокорона қилинган роҳатни бошқа бирор нарсадан кўрмадим.
Вужудимнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини фақат меҳнатда топдим.*

*Меҳнат ила ҳал бўлардир ҳар мушкул,
Ками дил меҳнат ила бўлғай ҳосил.*



Ўқиш



Ёзиш



Муҳокама қилиш

57-машқ.



Савол ва топшириқлар

1. АКТ ёрдамида бугунги кунимизда аста-секин эҳтиёждан чиқиб, йўқолиб бораётган касбларни аниқланг ва жадвални тўлдиринг.
2. Сизнинг фикрингизча, келажакда қандай касблар пайдо бўлади, аниқланг ва жадвални тўлдиринг.

ФАЗОНИ ЗАБТ ЭТИШДАГИ ЮТУҚЛАР



**КОИНОТ СИРЛАРГА ТЎЛА. “ҚЎЛИНГИЗДА УШЛАБ ТУРГАН БИР
ВАРАҚ ҚОҒОЗДА ЧУМОЛИ ЮРАЁТГАНИНИ КЎЗ ОЛДИНГИЗГА
КЕЛТИРИНГ. ЧУМОЛИ УЧУН УНИНГ “КОИНОТИ” ИККИ ЎЛЧАМЛИ,
ЧУНКИ У ВАРАҚ ЮЗАСИНИ ТАРҚ ЭТА ОЛМАЙДИ. У ФАҚАТ
ШИМОЛ, ЖАНУЪ, ШАРҚ ВА ҒАРБ БОРЛИГИНИ, ВАРАҚ ЮЗАСИДА
ЭКАН, ҲЕЧ ҚАЧОН ЮҚОРИГА ЁКИ ПАСТГА ЮРА ОЛМАСЛИГИНИ
БИЛАДИ. ҚАНДАЙДИР МАЪНОДА БИЗ ҲАМ КЎП ЎЛЧАМЛИ
КОИНОТНИНГ УЧ ЎЛЧАМЛИ ОЛАМИДА ЯШАЙМИЗ.**

Ш. Долимов

“КОСМОНАВТИКАНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЧЕКСИЗ, КЕЛАЖАГИ ХУДДИ КОИНОТНИНГ ЎЗИ КАБИ БЕПОЁН”



Ўқиш



Тинглаш



Сўзлаш

58-машқ.

Матнолди топшириқлар: матннинг сарлавҳасидан унинг мазмуни ҳақида олдиндан хабар беринг.


КОСМОС ВА КОСМОНАВТИКА: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР, ОДАМЛАР ВА ҲОДИСАЛАР

Болалигимда ёзнинг илиқ тунлари ҳовлидаги сўрида ётиб қоп-қора бахмалга сочиб юборилган ялтироқ олмослардек товланаётган осмону фалакдаги ситораларни томоша қилар эканман, улғайгач, фазогир бўлиш, юлдузлар орасида саёҳат қилиб, биридан бошқасига учиб ўтиш, аҳли само орасидан дўстлар ортириш, уларни Ерга, уйимизга таклиф қилиб, ўзим яхши кўрган таом – ойим тайёрлаган манти билан меҳмон қилишни орзу қилганим ҳозиргидай эсимда. Ўспиринлик даврида шаклланган орзу-ҳавас етарлича кучли, аксарият ҳолларда кишининг келгуси тақдирини ҳал этиб юбориш қудратига эга бўлар экан. Юлдузлар орасида кечадиган саёҳат ҳаддан ортиқ узоқлик қилгани билан, жаҳон кезиш орзуси мени олий ҳарбий-денгиз билим юрти сари етаклади. Қисқа муддат бўлса-да, денгизлару дунё океанларига олис сафарларга чиқишга улгурдим. Бироқ юлдузли осмонга мафтун бўлишни ҳеч қўймадим... Муҳтарам хонимлар ва жаноблар, азиз ёшлар!

1961 йил 12 апрель – замин фарзанди космосга парвоз қилган, ўзининг атиги 108 дақиқали парвози ила жамики башариятнинг асрлар оша давом этган орзуси ниҳоят ушалган, инсоният бир даврдан бошқа даврга кескин сакраб ўтган, тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар-ла битилган улуғ кун бўлди!

Мазкур мавзунини очиш мақсадида бир қатор оммавий адабиётлар ва Интернет тармоғидан олинган маълумотларни йиғиб, умумлаштирдим, муайян тизимга солгач, она тилимизга таржима қилдим-да, бир қатор бўлимларга бўлиб чиқдим. Материалларни қўйида келтирилган изчилликда баён этаман, уларни бойитиш, тегишли бўлимлар учун асосий ва қўшимча маълумотлар тайёрлаб, эътиборингизга ҳавола этиш ишларини давом этаман. Мавзу материалларидан ўз рефератларингиз, илмий ишларингиз, тайёрлаётган тарихий ёки техник мазмундаги маълумотномаларингизда фойдаланишингиз мумкин, албатта. Кўзланган асл мақсад ҳам шу – фойдаланувчини ўзбек тилида баён этилган соҳага оид билимлар билан қуроллантириш!

Ш. Долимов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-----------------------	---	---------------

1. Ҳарбий пенсионер Шокир Долимовни мафтун этган нарса нима эди?
2. Муаллифнинг орзулари ҳақида фикрларингизни баён этинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

3. Матнда берилган маълумотни узлуксиз матн тарзида (чизма, жадвал, расм кўри-нишида) тақдим этинг.
4. Forum.uz да, унинг Ziyonet бўлимида баён этилган муаллифнинг тўлиқ маълумотлари билан танишинг ва “Фазогирлар, сизларга таъзим!” мавзусида эссе ёзинг (эссе ёзиш қодаларига тўлиқ амал қилинг).

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	----------------	--	-----------------------

59-машқ.

“КОСМОНАВТИКАНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЧЕКСИЗ, КЕЛАЖАГИ ХУДДИ КОИНОТНИНГ ЎЗИ КАБИ БЕПОЁН”

Барча тизимлар инкорсиз ишлаши, техникани ишлаб чиқарган минглаб ишчилар, Байконур космодромида кунни тунга улаб меҳнат қилганча “Восток” ракетасини парвозга тайёрлаб учирадиган ҳарбий ракетачи-синовчиларга панд бермаслиги учун, С. Королев томонидан мисли кўрилмаган илмий-техник, ташкилий-назорат, иқтисодий, тарбиявий ва психологик чора-тадбирлар олиб берилди.

Сергей Павлович инсон томонидан космик фазони ўзлаштириш муаммоларини ҳал этиш масалаларида ҳовлиқмади. Биринчи космик кема Ер атрофида атиги бир маротаба айланиб чиқди, зотан узоқ давом этадиган вазнсизлик шароитида инсон ўзини қандай тутишини, унга парвоз жараёнидаги психологик юкламалар, ҳали дуруст ўрганиб чиқилмаган космик саёҳат қандай таъсир этишини, нималарни бошдан кечиришини ҳеч ким аниқ билмайди.

1961 йил 6 август куни Герман Степанович Титов “Восток-2” русумли космик кемада бир сутка космосда парвоз қилди. Парвоз шароитларининг инсон организмига ўтказган таъсири боз синчковлик билан таҳлил қилинди.

1962 йил 11–12 август кунлари космонавтлар А.Г. Николаев ва П.Р. Попович “Восток-3” ва “Восток-4” русумли космик кемаларда космосга учиб, иккаласининг ўртасида бевосита радиоалоқа ўрнатилди.

1963 йил 14-16 июнь куни космонавтлар В. Ф. Биковский ва В. В. Терешкованинг “Восток-5” ва “Восток-6” космик кемаларидаги парвози амалга оширилиб, аёл кишининг космосга парвоз қила олиши ўрганиб чиқилди.

1964 йил 12-13 октябрь кунлари турли ихтисосликларга эга уч киши: кема командири, борт муҳандиси ва шифокордан иборат экипаж анча мураккаб яратилган кемада космосга учди.

1965 йил 18 март куни космонавт А.А. Леонов космосга парвоз қилганча, дунёда биринчи бўлиб “Восход-2” космик кемасининг шлюз камераси орқали скафандрда очиқ космосга чиқди.

Сергей Павлович ҳаётлигида амалга оширилган учувчи бошқарувидаги барча кемаларнинг космосга учishi муваффақиятли кечди.

Планеталараро космик фазо, Ой, Зухра ва Миррихни тадқиқ этиш учун дунёда биринчи бўлиб космосга учирилган дастлабки ўн бешта станцияни орбитага чиқариш ишларига С. Королёв шахсан ўзи раҳбарлик қилган ва таъкидлаб ўтмоқ жоизки, айнан Сергей Павловичнинг саъй-ҳаракати туфайли, мутлақо тинчлик мақсадларига қаратилган ушбу йўналишни янада ривожлантириш учун давлат мудофаасига оид йирик корхоналардан бири – С.А. Лавочкин номли авиасозлик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси соҳа тасарруфига ўтказилган. Шунингдек, С. Королёв дунёда биринчи бўлиб кўп ўринли космик кемалар парвозини амалга ошириш борасида ҳам дунёда етакчи саналади.


Вақт ўтиб, кўп мақсадли уч ўринли “Союз” космик кемаси, Ой атрофини айланиб ўтиш учун мўлжалланган Л-1 русумли кема, Н-1-Л-3 Ой экспедиция комплекси, “Звезда” оғир орбитал станцияси ва планеталараро оғир кеманинг хомаки лойиҳалари ишлаб чиқилди.

С. Королёв совет космос дастурини келгусида Н-1 русумли ўта оғир элтувчи ракета асосида амалга оширишни режалаштирган эди. Унинг вафотидан ва 1969–72 йиллардаги дастлабки муваффақиятсиз кечган парвозлардан сўнг, ушбу ракета синови сиёсий сабабларга кўра тўхтатилди. С. Королёв томонидан амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ҳажми бир кишининг ҳаёт даврига сиғмайди, бош конструкторнинг ризқи эса минг афсуски, мўл бўлмаган.

1966 йил 14 январь куни жарроҳлик операциясидан сўнг юраги тўхтаб қолган буюк конструктор-олимнинг бевақт ўлими совет космонавтикаси учун ҳам, жаҳон космонавтикаси учун ҳам ҳақиқий фожиа бўлди. Оқибатда, жамики космик дастурларнинг равнақ топиш суръати аста-секин сустлаша борди. Космонавтиканинг келгуси ривож кузатиладиган бўлса, на Совет Иттифоқида (ёки Россия Федерациясида) ва на АҚШда миқёсан Сергей Павловичга бас келадиган шахс пайдо бўлмади.

Шундай бўлса-да, космосни тадқиқ қилиш, узоқ муддатли орбитал комплексларда космик фазога мослашиб яшашга оид илмий ишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Буларнинг бари, ўз таъбири билан айтганда: “Космонавтиканинг истиқболи чексиз бўлиб, келажаги худди Коинотнинг ўзи каби бепоён” эканлигига ишонган С. Королёвнинг фаолияти тарихий аҳамиятга, битмас қимматга эга эканлигидан ишончли далолатдир.

Ш. Долимов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	-----------------

1. С.П. Королев ҳақидаги маълумотларни тўплаб, “Кластер” усулида таърифланг.
2. Сергей Павлович томонидан космонавтика бўйича қандай чора-тадбирлар олиб борилди?
3. Матннинг тезисини топинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

4. С. Королёв дунёда биринчи бўлиб қандай космик кемалар парвозини амалга оширди?
5. Матндан бош ва яширин ахборотларни топинг, кўчириб ёзинг.
6. Матндан мураккаб бирикмаларни топиб, сўз бирикмалари занжирини ҳосил қилинг.



Билиб олинг!

Сўз бирикмаси ва қўшма сўз.

Қўшма сўзнинг қисмлари ўз маъносини йўқотиб, биргалиқда бошқа маъно ифодалайди. Сўз бирикмаси таркибидаги сўзлар ўз маъносида қўлланилади. Шунинг учун қўшма сўз яхлит ҳолда бир сўроққа жавоб бўлади. Масалан, **музқаймоқ** (нима?)

Сўз бирикмалари таркибидаги сўзлар эса алоҳида сўроққа жавоб бўлади: **катта кўча (қандай кўча?, нима катта?)** каби.

Қўшма сўзлар ва сўз бирикмалари баъзан шакл жиҳатдан мос келади: Каттақўрғон, Учқўрғон – жой номлари (қўшма сўз) **катта қўрғон, уч қўрғон** жойни ажратиб кўрсатиш – сўз бирикмаси.



Ўқиш



Тинглаш



Муҳокама қилиш

60-машқ.

Тўхтар Онгарбаевич АУБАКИРОВ Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилояти, Қаркалин туманида 27 июль 1946 йилда дунёга келган. Собиқ СССРнинг сўнгги фазогири, қозоқ халқининг эса биринчи космонавтидир. Қозоғистон ХХК (ВВС) генерал-майори. Қозоғистон Олий Кенгаши XII чақириғи, Қозоғистон Республикаси Парламентининг депутаты (1995), Совет Иттифоқи Қахрамони (1988й), Қозоғистон Республикасининг хизмат кўрсатган спорт устаси.

1991 йил 2 октябрь куни экипаж командири Александр Волков ва Австрия космонавти Франц Фибек билан биргаликда “Союз ТМ-13” космик кемасида парвоз қилди. Бир ҳафта давомида “Мир” фазовий комплексида иш олиб борди.



Талгат Аманзельдиевич МУСАБАЕВ Қозоғистон Республикаси Алматы вилояти, Жамбул тумани, Қарғали қишлоғида дунёга келган. Россия Федерацияси космонавт-учувчиси. Қозоғистон Республикаси ҳаво йўллари генерал-лейтенанти (2007), Қозоғистон Республикаси Миллий космик ҳаво йўллари агентлигининг раиси.

СССР/Россиянинг 79-фазогири, жаҳоннинг 309-фазогири. Техника фанлари доктори (2008).

Парвозлари:

1-парвози 1994 йил 1.06.–04.11. оралиғида КК “Союз ТМ-19” ва 30–16 кемасининг бортинженери сифатида 125 кун, 22 соат, 53 минут, 36 секунд давом этди;

2-парвози 1998 йил 29 январдан 25 августгача КК “Союз ТМ-27” ва 30–25 космик кемасининг командири сифатида 207 кун, 12 соат, 51 минут, 2 секунд давомида фазода иш олиб бориб ер қайтдилар;

3-парвози 2001 йил 28 апрель 6 май оралиғида экспедиция боғишланган МКС “Союз ТМ-32” (парвоз) ва “Союз ТМ-31” (қўниш) космик кемасининг командири сифатида 7 куни, 22 соат, 4 минут, 3 секунд давомида фазода бўлиб қайтдилар.

Жами фазода бўлган вақт давомийлиги 341 кун, 9 соат, 41 секундни ташкил этган.

Мусабековга 3 почта маркалари бағишланган.



Айдин Аканович АИМБЕТОВ. 1972 йил 27 июлда дунёга келган. ҚР фазогири. ҚР Миллий космик агентлиги раисининг маслаҳатчиси.

Қозоғистоннинг Л.Гумилёв номи Евроосиё миллий университети қошидаги “Космик техника ва технологиялар” институти директорининг ўринбосари. Қозоғистон Республикаси Ҳарбий Ҳаво кучлари полковниги.

2015 йил 2 сентябрда парвозга режалаштирилган “Союз ТМА-18М” ва экспедицияга мўлжалланган Халқаро космик станцияси ЭП-18 кемасининг бортинженери сифатида тасдиқланган ва биринчи мартаба фазога парвоз қилди.



Солижон ШАРИПОВ, космонавт-учувчи, Россия қаҳрамони. 1964 йилнинг 24 августида Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Ўзган шаҳрида ўзбек оиласида туғилган. 1987 йили авиация билим юртини тугатганидан сўнг мураббий учувчи бўлиб ишлаган. Турли русумдаги самолётларда ҳаммаси бўлиб 950 соат парвоз қилган. 1990 йили совет космонавтлари отрядига қабул қилинган. “Союз ТМ” космик кемаси ва “Мир” орбитал станциясида парвоз учун экипаж командири сифатида тайёргарликдан ўтган. 1994 йили Москва давлат университетини картография мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1998 йилнинг 23 январидан 31 январигача АҚШнинг “Индевор” кемасида космосга парвоз қилган. Парвоз 8 сутка 19 соат 46 минут 54 секунд давом этган. Кўрсатган жасорати учун Россия ва Қирғизистоннинг олий мукофотлари билан тақдирланган.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
--	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тақдимот</i>
--	------------------------	--	-----------------------	--	-----------------

1. Матнларни зеҳн қўйиб ўқинг ҳамда ҳар бир матнга сарлавҳа қўйинг. Жуфтликда муҳокама қилинг.
2. Фазогирларнинг космонавтика соҳасидаги хизматлари ҳақида тезис-тақдимот тайёрланг.



Якка тартибда ишлаш

3. Уларнинг космонавтика соҳасидаги ютуқлари ҳақида қўшимча манбалардан фойдаланиб, газетага мақола ёзинг.
4. Матндан гапга тенг сўз бирикмаларини топиб ёзинг.



Билиб олинг!

Тобе бирикмалар тuzилишига кўра икки хил: **содда бирикмалар, мураккаб бирикмалар**.

Содда бирикмалар таркибидаги сўзлар иккита бўлади: **катта бино, яхши бола**.
Мураккаб бирикмалар таркибида иккитадан ортиқ сўз бўлади: **қизил гулли пиёла, кенг ҳовлили уй**. Бундай бирикмалар ўз ичида яна бирикмаларга бўлиниши мумкин: Масалан, **кенг ҳовли, ҳовлили уй**.

Булар сўз бирикмалари занжири ҳисобланади.



Ўқиш



Сўзлаш

61-машқ.

БАЙКОНУР космодромига оид маълумотлар: **БАЙКОНУР** – Қозоғистон Республикаси Қизил Ўрда вилоятининг 1995 йилга қадар Ленинск деб номланган Байконур шаҳри ёнида жойлашган, Россия Федерациясига қарашли космодром. Ушбу космодромга собиқ СССР Министрлар Кенгашининг 1955 йил 2 февралдаги қарори билан Ғарбий Қозоғистон темир йўлларининг Тура-Там разъезди яқинида асос солинган бўлиб, бугунги кунда 1994 йил имзоланган давлатлараро битимга асосан фойдаланилмоқда.

Россия Федерацияси таркибидаги алоҳида федератив аҳамиятга эга шаҳар мақоми берилган Байконур шаҳри 1994 йили космик комплекс билан биргаликда Россия тасарруфига узоқ муддатли ижара сифатида топширилган.

Байконур космодроми қитъалараро баллистик ракеталар ишини текшириб, меъёрига етказиш, “Союз”, “Молния”, “Зенит”, “Циклон”, “Протон” ва “Энергия” русумли элтувчи ракеталарни синовдан ўтказиб, космосга учуриш учун мўлжалланган. Таркибида бир нечта старт бериш комплекслари, техник майдонлар ва ўлчов пунктлари мавжуд.

Байконур космодромидан космик фазога:

1957 йил 4 октябрь куни Ернинг биринчи сунъий йўлдоши;



1961 йил 12 апрель куни жаҳоннинг биринчи космонавти Ю.А. Гагарин учган биринчи “Восток” космик кемаси;

“Восток”, “Восход”, “Союз”, “Союз-Т”, “Союз-ТМ” космик кемаларининг барча русумлари;

“Прогресс” автоматик юк ташиш космик кемасининг барча русумлари;
кўп маротаба қўллаш учун мўлжалланган “Энергия” – “Буран” орбитал ракета-космос тизими;

Ернинг қўплаб сунъий йўлдошлари ва сайёралараро космик аппаратлар учирилган.

(Муаллифлар таржимаси)

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>
--	------------------------------------

<p><i>Муҳокама қилиш</i></p>	<p><i>Сўзлаш</i></p>
------------------------------	----------------------

1. Байконур космодромига қачон ва ким томонидан асос солинган?
2. Байконур космодроми қитъалараро қандай хизматни бажаради?

<p><i>Якка тартибда ишлаш</i></p>	<p><i>Ёзиш</i></p>
-----------------------------------	--------------------

1. Олган маълумотга қўшимча яна Интернет материалларидан фойдаланиб, “Байконур космодроми – қитъалараро космосга учуриш майдони” мавзусида реферат тайёрланг.
2. Тагига чизилган гапни сўз бирикмаларига ажратиб ёзинг, ҳоким ва тобе сўзлар тагига чизинг.



Ўқиш



Ёзиш



Муҳокама қилиш

62-машқ.

Ой ва бошқа сайёралару ситоралар томон саёҳатга оид тасаввурлар инсон онгида азалдан ўрин эгаллаб келган бўлиб, фақат XX асрдагина Ер планетасини тарк этиш учун зарурий тезлик оладиган ракета техникаси яратилгач, унинг ушбу орзу-ҳаваслари рўёбга чиққан.

1881 йил 23 март куни рус инқилобчиси, подшо Александр II ҳаётига уюштирилган суиқасд иштирокчиси, авиация маршали Александр Головановнинг бобоси, қамокда ўтирган Николай Иванович Кибальчич қатл қилинишидан бир неча кун олдин тортишиш кучи векторини бошқариш мақсадида двигателининг ёқилғи ёниш камераси тебранувчан ракета учиш аппаратига оид ғояни ишлаб чиқиб, матнини қоғозга баён этди. Бироқ ушбу қўлёмасини Фанлар академиясига йўллаш борасидаги илтимоси тергов комиссияси томонидан бажарилмади. Вақт ўтиб, ушбу илмий лойиҳа 1918 йили “Былое” журналининг 4- ва 5- сонларида чоп этилди.

Ракетасозлик асосини XX аср бошида Константин Эдуардович Циолковский, Герман Оберт, Робберт Годдард ва Рейнхольд Тилинг яратишган.


Жумладан, назарий космонавтиканинг асосчиси К. Циолковский бўлиб, ушбу рус олими реактив ҳаракат тамойилларидан фойдаланган тарзда ракетани космосга учуриш имконияти борлигига оид ғояни илк бор (1883 йили) илгари суриб, илмий жиҳатдан (1886-1903 йиллари) сайёралараро учадиган ракета лойиҳасини яратган тарзда асослаб берди.

Ракета двигателининг тортиш кучи таъсири остида учиш аппарати оладиган тезликни белгилаб берадиган Циолковский формуласи бугунги кунда ҳам, ракета лойиҳаларини яратишда, хусусан, ракета вазнига оид асосий тавсифларни белгилаш мобайнида қўлланиладиган математик аппаратнинг муҳим қисмини ташкил этади.

Хусусан, 1887 йил 10 май куни К. Циолковский ўзининг “Ракета” қўлёзма-сида реактив ҳаракатнинг бир қатор муаммоларини тадқиқ этади. Бунда у, йўналиши ўзгармас ракета двигателининг тортиш кучи таъсирида, бошқа кучлар таъсир этмаган ҳолатда учиш аппарати олиши мумкин бўлган тезликни аниқлаб берди. Айнан мана шу якуний математик боғланиш “Циолковский формуласи”, деган ном олиб, 1903 йили “Научное обозрение” журналида чоп этилди.

1903 йили К. Циолковский реактив учиш аппарати – ракета воситасида сайёралараро парвоз этиш имкониятини илк бор назарий асослашга бағишланган

“Коинот маконларини асбоблар ила тадқиқ этиш”, деб номланган илмий ишини чоп этди. 1911–1912 йиллари ушбу ишнинг иккинчи қисми, 1914 йили эса қўшимчалари чоп этилди. К. Циолковский ва ундан мухтор равишда Ф.А. Цандер ўша даврда маълум энергия манбаларини қўллаган тарзда космосга парвоз қилиш мумкинлигига оид хулоса чиқариб, амалга ошириш йўлларини, жумладан, ракетанинг шакли, двигателини совиштиш тамойиллари, ёқилғи буғи сифатида суюлтирилган газдан фойдаланиш лозимлиги ва шу кабиларни кўрсатиб ўтишди.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	------------------------

1. Ой ва бошқа сайёралару ситоралар томон саёҳатга оид тасаввурлар инсон онгида қачон пайдо бўлган?



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

2. Ракетасозлик асосчиларидан кимларни биласиз?
3. Матннинг асосий ғоясини аниқланг. 1–2 жумла орқали баён этинг.
4. К. Циолковский ким ва унинг қандай хизматларини билиб олдингиз?
5. Матндаги содда гапларни топиб кўчиринг ва шарҳланг. Грамматик таҳлил қилинг.



Ёдда сақланг!

Сўз бирикмаси ва гап грамматик алоқа асосида вужудга келадиган синтактик бирликлардир. Сўз бирикмаси тушунча ифодалаб, аташ вазифасини бажаради, гап эса фикр ифодалайди.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	----------------	---	-----------------------

63-машқ.

ЗАМИН ВА ФАЗОГИР

Замин:

Сенга тахтиравон, кошонадурман,
Сенга мангу ватанман — хонадурман.
Таажжуб қилмагин бағримга тортсам,
Боламсан, ҳар на қилса онадурман.

Фазогир:

Кўкингда чақнаган дурдонадурман,
Саҳар Зухроси янглиғ ёнадурман.
Қуёш атрофида парвонасан, Ер,
Сенинг тегрангда мен парвонадурман.




Замин:

Самовот узра қалб монанд эрурман,
Сенинг меҳру ўйингга банд эрурман.
Фазода уч баландроқ, лочиним, уч,
Боқиб парвозингга хурсанд эрурман.

Фазогир:

Заминим, мен сенга фарзанд эрурман
Онамсан, тоабд дилбанд эрурман,
Ақл бирлан енгиб тортиш кучингни,
Кўнгил бирлан сенга пайванд эрурман.

Ҳ. Шарипов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>

1. Шеърни диалог тариқасида ўқинг. Замин ва фазогир диалоги юзасидан муҳокама юритинг ва ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.



Жуфтликда ишлаш

2. Шеърнинг асосий мазмунини ёритувчи таянч сўзларни аниқланг.
3. Таянч сўзлар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қилиб, насрий кичик матн яратинг ҳамда шарҳланг.
4. Насрий матн билан шеърый матн тузилишида қандай фарқлар бор эканлигини тушунтиринг.



Ўқиш



Ёзиш




Муҳокама қилиш


64-машқ.

1-топшириқ. Берилган “Фазогир” сўзи ёрдамида қуйидаги намуналар асосида “от + от” ва “сифат + от” қолиплари асосида сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

1-жадвал “От+от” қолиплари бўйича ҳосил қилинган сўз бирикмаларидан намуналар:



2. “Сифат + от” қолипи асосида ҳосил қилинган сўз бирикмалари:



2-топшириқ. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирокида гаплар, шеърқаторлар тузинг.

ХИТОЙ КОИНОТНИ ЗАБТ ЭТГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛДИ



Ўқиш



Тинглаш



Муҳокама қилиш

65-машқ.

2003 йил Хитойнинг “Жучуа” космодромидан фазога кўтарилган “Шенжоу – 5” космик кемаси ўзи билан хитойлик фазогирни ер орбитасига олиб чиқди. Шундай қилиб, Хитой Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларидан кейин одамни космосга учирган учинчи давлат бўлди.

Ракета учирилганидан 10 дақиқа ўтиб фазо кемаси ер орбитасига чиқар экан, унинг бортида бўлган Хитой фазогири Янг Ливэй “ҳаммаси жойида, эртага уч-рашамиз” дея ерга хабар беради. Учиш олдидан эса Хитой ҳаво кучлари ҳарбий зобити бўлган 38 яшар фазогир парвози муваффақиятли ўтишига ишончи комил эканини билдирди.


Янг Ливэй космосга парвози давомида 20 соат ичида ер орбитасини 14 марта айланиб, пайшанба куни ерга қайтиши керак. Хитой оммавий ахборот воситалари эса ҳозирданоқ парвоз муваффақиятли амалга ошгани ҳақда ёзмоқдалар. Чоршанба куни Хитойнинг биратўла беш телеканали барча телекўрсатувларни бекор қилиб, фақат парвозни мунтазам эфирда ёритиб борди.

Хитой Президенти Ху Жинтау давлат телеканали орқали халқига мурожаат этар экан, айти воқеани коинотни забт этишдаги “тарихий қадам” дея таърифлади. *“Ўртоқлар! Кўндан бери кутилган парвоз ниҳоят муваффақиятли амалга ошди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган фазо кемаси ва ўз фазогиримизни ҳеч қандай муаммосиз ер орбитасига олиб чиқди. Бу эса Хитой халқи глобал илм-фан ва технологиялар чўққиси сари тарихий қадамни ташлаганидан далолатдир”,* – деб таъкидлади Хитой Президенти.

Коинот илк бор инсон тарафидан забт этилганидан 42 йил ўтиб, одамнинг фазога учирилишини инсониятни ҳайратлантирувчи янгилик дейиш қийин. Бироқ Хитой замонавий технологиялар ривожланган давлатлар қаторига қўшилганини намойиш этди. Лондонлик фазошунос Александра Ашборн: *“Тушунишимча, улар эртанги кунга катта ишонч билан қарамоқдалар. Балки Хитой халқаро жамоатчиликка ўзини яхшироқ тақдим этишни яхшироқ ўргангандир. Қандай бўлмасин, биз гарбдагилар, буни олдинга ташланган катта қадам дея тушунишимиз керак”,* – дейди.

АҚШнинг НАСА фазо бошқармаси маъмури Син О’Киф Хитойни космосга муваффақиятли парвози билан қутлар экан, уни “қоинотни инсоният тарафидан забт этилишидаги муҳим воқеа” дея таърифлади. **Россия Фазо бошқармаси раҳбарининг биринчи ўринбосари Николай Моисеев эса Хитойнинг қоинотни забт этган давлатлар қаторига қўшилганини олқишлади.**

Ш. Долимов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	-----------------

1. Космосни забт этган биринчи давлат қайси давлат эди? Хитой давлати нечанчиси?
2. Хитой фазогири Янг Ливэй таассуротлари ва ҳаяжонини қандай баҳолайсиз?

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-----------------------	---	---------------

3. Хитой Президенти Ху Жинтаунинг ўз халқига йўллаган мурожаатини топинг ва изоҳланг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------------	--	-------------

4. Хитой давлати ҳаётидаги бу воқеа ҳақида айтилган фикр ва мулоҳазалар ҳақида сизнинг кўзқарашингиз. 1–2 жумлада ифода этинг.
5. Матндаги ажратилиб кўрсатилган гапни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг ва содда гап ҳақида изоҳ беринг.



Билиб олинг!

Гаплар бир ёки икки грамматик асосдан (эга ва кесим) иборат бўлади. Шунга кўра гаплар иккига бўлинади: **содда гаплар, қўшма гаплар**. Содда гаплар битта грамматик асосдан иборат бўлади. **Ўқтам Астанадан келди**. Қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ грамматик асосдан ташкил топади. **Ўқитувчи келди ва дарс бошланди. Аввал ўйла, кейин сўйла**. (Мақол)

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	----------------	---	---------------

66-машқ.


МЕН ФАЗОГИР БЎЛАМАН

Коинот билан Ерни боғлаган, улар орасида узвий алоқа ўрнатган муқаддас замин Байконур! Фазо кемалари парвоз қилаётган қанотлилар макони бўлган қозоқ ери – Байконур! Оламда Сенга тенг келадиган ер йўқдир, бепоён ўлкам, ажойиб юртим, Байконурим!

Ҳар сафар Байконурни ёдга олганимда, шу эл фарзанди эканлигимдан қалбим қувончларга тўлиб-тошади, орзуларим қанот қоқиб, гўё самоларда парвоз қиламан. Менинг ҳам болалигимдан орзуим фазогир бўлишдир. Кўкка кўз тикар эканман, хаёллар оламига фарқ бўламан. Эҳ, осмоним менинг, армоним менинг, мусаффо кенглик!

Кўксимни тўлдирган армоним бор, мен ҳам катта олим бўламан, ота-онам ишончини оқлайман. Ватанимга муҳаббатим беқиёс, шунинг учун садоқатли бўламан, элим-юртим учун толмай меҳнат қиламан! Эрта-кеч, билим олиб, илмининг қирраларини очиб, завқли ҳаёт сураман. Ардоқли Ватаним, бир кун келиб фазогир ўғлинг бўламан! Мақсадим қанотида ҳар куни самога парвоз қилишдан чарчамайдиган, коинот сирларини ўрганиб, оламга танитишдан толмас фазогиринг мен бўламан!


Орзу-армонларим ушалиши йўлида тинимсиз меҳнат қилишим, ўқиб-ўрганишим лозимлигини жуда яхши биламан. Бу йўлда ортга чекиниш йўқ, фақат олдинга ва олдинга ҳаракат қиламан, Тўхтар, Талғат, Айдин оғаларим сингари фазоларни қучаман!

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	------------------------	---	-------------	---	-----------------

1. Матн билан танишинг. Ўқилган матннинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда ўзингиз аниқ далил ва қарашларингизни ифодаловчи очиқ саволлар тузинг. Жуфтликда муҳокама қилинг.
2. Матн мазмунини ёритувчи 5та калит сўзларни аниқланг ва шу сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланиб, худди шу мавзуда ўзингиз монолог ёзинг. Синфга тақдим этинг.



	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	---------------	--	-----------------------


67-машқ.



2016 йил 30 октябрь эрталаб “Союз МС” сериясидаги космик кема Халқаро коинот станцияси экипажининг 3 аъзоси билан Қозоғистонда қўнди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар берди.

Ерга россиялик фазогир Анатолий Иванишин, америкалик Кэтлин Рубинс ва япониялик Такуя Ониси қайтдилар. Улар коинотда 115 кун бўлдилар.

Парвозларни бошқариш маркази экранда “Қўниш амалга оширилди” деган ёзув чиқиши билан қидирув-қутқарув отрядлари капсула қўнган жойга йўл олишди. Улар яқин орада фазогирларни капсуладан чиқариб олишади.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	------------------------	---	-------------	--	-----------------

- Интернет материалларидан фойдаланган ҳолда ХКС экипаж аъзоларининг 115 кун давомида бажарган ишлари ҳақида маълумот йиғинг ва тақдимот тайёрланг.
- Матндаги содда гапларнинг бош бўлақларининг иштирокига кўра қандай турлари мавжуд? Шарҳланг.



Ўқиш



Муҳокама қилиш

68-машқ.

Россия ўзининг “Клиппер” лойиҳасидан воз кечиб, учувчи бошқарадиган кўп мақсадли “Русь” космик кемасини яратиш устида иш олиб бормоқда. АҚШда Ер яқинидаги парвозларнинг “Спейс шаттл” тизими ўрнига қўллаш учун ҳам, 2019–2020 йилларда Ойга учиб учун ҳам, кўтаринки руҳда ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик бекор қилинган “Юлдузлар туркуми дастури” доирасида Миррихга учиб учун ҳам, учувчи бошқарадиган кўп мақсадли “Орион” амалий-тадқиқот космик кемаси лойиҳалаштирилмоқда. Ушбу кеманинг Ер яқинидаги орбитал парвозлари 2014–2015 йиллари бошланиши кўзда тутилган. Шу тариқа, 2011 йили ўз шаттларидан воз кечган АҚШ кам деганда беш йил давомида космик кемаларга эга бўлмай, ушбу вақт давомида ўз астронавтларини космосга Роскосмос билан ҳамкорликда ташийдди.

Хитой кенг миқёсли космик дастур ишлаб чиққанини эълон қилди. Мазкур дастур доираларида яқин келажакда учувчи бошқарадиган орбитал станция яратилиши, истиқболда эса кўп маротаба қўлланиладиган космик юк ташиш тизимларининг навбатдаги авлоди яратилиб, учувчи-космонавтлар Ойга парвоз қилиши кўзда тутилган.

Европа (Европа космос агентлиги) 2018 йилдан эътиборан фойдалана бошланадиган ўз учувчи бошқарадиган космик кемаларини ҳамда Россия билан ҳамкорликда ишлатиладиган космик кемаларни ишлаб чиқиш билан машғул. Кенг миқёсли “Аврора” дастурини ишлаб чиққан Европа режаларида АҚШ ва Россия билан ҳамкорликда ёки мустақил равишда 2025 йилдан эътиборан дастлаб одамларни Ойга, 2030 йилдан сўнг эса Миррихга йўллаш кўзда тутилган.

Ҳиндистон дунёнинг тўртинчи космик давлати бўлишга интилиб, 2016 йилдан эътиборан ўзининг учувчи бошқарадиган космик кемасини орбитага чиқаришни, узоқ келажакда эса Россия билан ҳамкорликда ёки мустақил равишда инсонни Ойга чиқаришни ният қилган.

Япония учувчи бошқарадиган, кўп маротаба қўлланиладиган космик юк ташиш тизимларини яратиш устида тадқиқот ишларини давом эттириб, 2025 йилдан сўнг, Ой томон учувчи бошқарувдаги парвозларни амалга ошира бошлашини эълон қилди.

Эрон 2020 йилга бориб ўзининг учувчи бошқарадиган кичик космик кемасини, келажакда эса кичик орбитал станциясини яратиш устида 2005–2008 йилдан эътиборан иш бошлаган.


Туркия 2020 йилдан кейин ўзининг учувчи бошқарадиган космик кемасини яратиш билан якунига етадиган космонавтикасини тизиш борасидаги босқич-ма-босқич амалга ошириладиган режасини тузган.

Малайзия мусулмон оламининг бирлашган космик дастурини, шу жумладан, учувчи бошқарадиган мухтор космонавтикани яратиш ташаббусчиси ва соҳа мувофиқлаштирувчиси бўлиш истагини эълон қилди.

Scaled Composites компанияси ва бир қатор бошқа компанияларнинг космик туризм дастури доирасида туризмга оид суборбитал ва орбитал космик кемалар ва ҳатто орбитал станциялар яратиш ва улардан яқин орада мунтазам фойдаланиш ишлари давом этмоқда.

Шу билан бир вақтда, сўнгги йилларда учувчи бошқарадиган космонавтиканинг истиқболсиз эканлиги, узоқ келажакда инсон заковатига бас келадиган сунъий интеллект яратилгач, ерда яшашга мослашган инсонни космосга учуриш мақсадга мувофиқ келмай қолиши мумкинлиги ҳақида тез-тез ёзиб турилмоқда. 2009 йили ушбу ғояни физик Олег Доброчеев илгари суриб, асослаб беришга уриниб кўрди.

Ш. Долимов



1. “Космонавтика соҳасида келажакка назар” деб номланган ушбу матнни диққат билан ўқинг, гуруҳларга бўлиниб, муҳокама қилинг.
2. 1-гуруҳ. “*Ақлий ҳужум*”. Келажакда космонавтика соҳасида режалаштирилаётган ишлар амалга ошишига ишонасизми?.. Ўзингиз космонавтика бўйича қандай маълумотларга эгасиз?
- 2-гуруҳ. “*Ақлий ҳужум*”. Қайси давлатлар бу лойиҳада иштирок этмоқчи? Сиз уларнинг муваффақият қозонишларига ишонасизми?



3. Бизнинг Қозоғистонимизда қандай ишлар амалга оширилиш кўзда тутилмоқда, изланг ва топинг. Тақдимот тайёрланг.



Ёдда сақланг!

Содда гаплар грамматик асоснинг (бош бўлақларнинг) иштирокига кўра икки хил:

1. **Икки бош бўлакли гап.**
2. **Бир бош бўлакли гап.**

Гапда эга ва кесим иштирок этса икки бош бўлакли гап дейилади. Масалан, **Фотима келди**. Гап асосидан бири (эга ёки кесим) иштирок этган гаплар бир бош бўлакли гап дейилади. **Магазиндан китоблар олдик**. Фақат эга ва кесимдан иборат бўлган гаплар **йиғиқ гап** дейилади: **Ёмғир ёғди, уй тинч**. Гапда бош бўлақлардан ташқари, иккинчи даржали бўлақлар ҳам иштирок этса **ёйиқ гап** дейилади: **Ёмғир кун бўйи савалаб ёғди**.

Содда гап фикр ифодалаш учун зарур бўлган бўлақларнинг иштирокига кўра икки хил: **тўлиқ гап, тўлиқсиз гап**.

Фикр ифодалаш учун зарур бўлақларнинг ҳаммаси мавжуд бўлган гаплар **тўлиқ гаплар** дейилади. Зарур бўлақларнинг бир қисми туширилган бўлиб, уни олдинги гапдан англаш мумкин бўлган гап **тўлиқсиз гап** дейилади. Масалан, **Сен бу китобни ўқидингми?** (тўлиқ гап). **Ўқидим** (тўлиқсиз гап). **Тўлиқсиз гаплар асосан диалогик нутқ таркибида бўлади**.



Ўқиш



Муҳокама қилиш

69-машқ.

Космоснинг тижорат мақсадларида ўзлаштирилиши


Амалий космонавтиканинг қуйидаги учта асосий йўналиши мавжуд:

1. Космик ахборот комплекслари йўналиши – замонавий алоқа тизимлари, метеорология, навигация, табиий манбалардан фойдаланиш жараёни устидан назорат олиб бориш тизимлари, атроф-муҳит муҳофазаси.

2. Илмий космик тизимлар йўналиши – илмий тадқиқотлар ва табиий шароитда ўтказиладиган тажрибалар.

3. Космос билан боғлиқ саноат йўналиши – фармакологик воситалар ишлаб чиқариш, электрон, электротехник, радиотехник ва шу каби бошқа турдаги саноат тармоқлари учун янги материаллар тайёрлаш.

Келажақда Ой манбалари ва Қуёш тизимига мансуб бошқа планеталар, астероидларнинг манбаларидан фойдаланиш, саноатнинг зарарли чиқиндиларини космик фазога чиқариб ташлаш кўзда тутилмоқда.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

1. Космоснинг тижорат мақсадларида ўзлаштирилиши деган фикрга қандай қарайсиз? 1–2 жумлада фикрингизни ёзма баён этинг.
2. Амалий космонавтика қандай йўналишларни ўз ичига олар экан?
3. Қандай гаплар тўлиқ гап дейилади? Мисоллар орқали фикрингизни асосланг.



Билиб олинг!

Кесим ва унинг ифодаланиши. Эга ҳақидаги хабарни билдириб, тасдиқ-инкор, замон, майл, шахс-сон маъноларини ифодаловчи бўлак кесим дейилади. Гапни юзага келтириш, фикрни ифодалашда кесимнинг роли катта бўлиб, у гапнинг асосини ташкил қилади ва бошқа бўлакларни ўзига боғлайди.



Ёдда сақланг!

Кесим турли сўз туркумлари билан ифодаланади. Қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра кесим икки хил: **феъл-кесим, от-кесим.**

Феъл, феълнинг сифатдош, равишдош шакллари билан ифодаланган кесим **феъл-кесим** дейилади. Масалан, **Мажлис охирлаб қолди. Болалар завқланиб, ютуқларини айтиб беришди. У шаҳарга бугун етиб борган.**

Феъл-кесимлар тузулишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Бир сўздан иборат бўлган кесим содда-кесим: **Меҳмонлар тарқалишди. Учрашув тугади.** Икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлган кесим мураккаб кесимдир: **Биз оғир кураш йўлини босиб ўтдик. Уруғлар униб чиқди.**


	<i>Ўқиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	-----------------------



70-машқ.



ЭЛТУВЧИ РАКЕТА (рус. ракета-носитель), космик фазога космик аппарат, Ернинг сунъий йўлдоши, космик кема, планеталараро автоматик станция каби фойдали юк олиб чиқиш учун мўлжалланган кўп поғонали баллистик ракета. Бошқача айтганда, космонавтика манфаатларида фойдаланиладиган ракета. Бундай ракета фойдали юк Ер яқинидаги паст, ўрта баландликдаги, юқори эллиптик ва катта айлана орбиталарга етказилаётганида зарурий (биринчи ёки иккинчи ёхуд ундан юқори) космик тезлик олишини таъминлайди. Ўз траекториясининг фаол қисмидаги бугунги элтувчи ракета парвозининг давомийлиги тахминан 17 дақиқани ташкил этади, старт олиш вазни 3000 тонна бўлиб, ушбу вазннинг 90 фоизи ёқилғи вазнидан иборат, Ер яқинидаги орбитага олиб чиқадиган фойдали юк вазни тахминан 140 тонна.

(Муаллифлар таржимаси)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-----------------------	---	---------------

1. Матнни ўқинг ва элтувчи ракета қандай мақсадда яратилганини шарҳланг.
2. “*Ақлий ҳужум*”. Матндаги сонлар сизни ўйлантирдими, фикрингизни баён этинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

3. Матндан от-кесим ва феъл-кесимга мисоллар топиб ёзинг ва изоҳ беринг.

КОСМОНАВТИКА СОҲАСИДА РЎЙ БЕРГАН ЭНГ МУҲИМ ҲОДИСАЛАР (1957–1966 ЙИЛЛАР)



Ўқиш



Муҳокама қилиш

71-машқ.

1957 йил – буюк конструктор Сергей Павлович Королёв раҳбарлигида Р-7 русумли биринчи қитъалараро баллистик ракета яратилди;

1957 йил 4 октябрь – фазо даврининг илк санасидир. Зеро, шу куни ССРИ томонидан Ернинг энг биринчи сунъий йўлдоши Спутник-1 космосга учирилди;

1957 йил 3 ноябрь – фазога илк бор тирик жонзод – Лайка лақабли итни олиб чиққан Ернинг иккинчи йўлдоши Спутник-2 учирилди;


1959 йил 4 январь – Луна-1 космик станцияси Ой юзидан 6000 км га узоқлашиб, гелиоцентрик орбитага чиқди ва бу билан Қуёшнинг биринчи сунъий йўлдошига айланди;

1959 йил 14 сентябрь – Луна-2 космик станцияси Аристит, Архимед ва Автолик кратерлари яқинидаги Ойдинлик Денгизи ҳудудида Ой юзига етиб, ССРИ герби тасвирланган вимпелни туширди;

1959 йил 4 октябрь – Ойнинг Ердан кўринмайдиган томонини суратга олган Луна-3 планеталараро автоматик станция учирилди, шунингдек, парвоз давомида илк бор гравитацион манёвр амалга оширилди;

1960 йил 19 август – тарихда илк бор Ерга тирик қайтган жонзодлар иштирокидаги орбитал парвоз амалга оширилди. Спутник-5 космик кемасида Белка ва Стрелка лақабли итлар парвоз қилишди;

1961 йил 12 апрель – инсоннинг космосга илк парвози амалга оширилди. Совет фазогири Юрий Алексеевич Гагарин Байконур космодромидан “Восток” русумли элтувчи ракета воситасида космосга учиб, “Восток-1” русумли космик





кемада Ер яқинидаги орбита бўйлаб 1 соат-у, 48 дақиқа давомида парвоз қилганча, Ер атрофини бир маротаба айланиб чиққач, Саратов вилоятининг Энгельс шаҳри яқинида соғ-саломат қўнишга муваффақ бўлди. Башари-ят тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар-ла битилган бў-либ, Космонавтика куни, деб эълон қилинган ушбу буюк ҳодиса – учиш аппарати бошқариладиган космонавтика-нинг амалда рўёбга чиқиши ва келгусида кенг кўламда тараққий топишининг таянч нуқтасига айланди;

1962 йил 12 август – илк бор Восток-3 ва Восток-4 кемаларида гуруҳ таркибидаги космик парвоз амалга оширилди. Ушбу космик кемалар бир-бирига 6,5 км га яқинлашди;

1963 йил 16 июнь – Восток-6 космик кемасида би-ринчи космонавт аёл Валентина Владимировна Терешкова ёлғиз ўзи космосга учди (АҚШнинг биринчи астронавт аёли Салли Райд космосга эркаклардан иборат экипаж таркибида 1983 йили учган);

1964 йил 12 октябрь – биринчи маротаба кўп ўринли Восход-1 космик кема-си учирилди;

1965 йил 18 март – инсон космонавтика тарихида илк бор очиқ космосга чиқ-ди. 11-совет космонавти Алексей Архипович Леонов ўзининг Восход-2 космик кемасидан 12 дақиқа-ю, 9 сония давомида очиқ космосда бўлди. Ушбу вақт даво-мида, айниқса, кўзда тутилмаган ҳолат юзага келганда, яъни эгнидаги шишиб кетган скафандр космик кемага қайтиб киришга тўсқинлик қилганда мазкур космонавт мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намунасини намоён этди. А. Леонов кема шлюзига скафандр ичидаги ортиқча ҳаво босимини чиқариб юборгандан сўнггина, шунда ҳам, кема люки орқали оёқ билан эмас, йўриқномада ман этил-ган ҳолатда – бош билан ўтиб киришга муваффақ бўлди;

1966 йил 3 февраль – Луна-9 планеталараро автоматик станцияси илк бор Ой юзига енгил қўниб, унинг кенг манзарали суратлари олинди;

1966 йил 1 март – Венера-3 сайёралараро автоматик станцияси илк бор Зухра юзасига етиб бориб, ССРИ вимпелини туширди. Бу билан космик аппаратнинг Ердан бошқа планетага биринчи космик парвози амалга оширилди;

1966 йил 3 апрель – Луна-10 космик станцияси Ойнинг биринчи сунъий йўл-доши бўлди.



Ш. Долимов

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>		
	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>		<p><i>Тақдимот</i></p>

1. Матнни диққат билан ўқинг ва Космонавтика соҳасида рўй берган энг муҳим ҳо-дисалар бўйича мулоҳаза юритинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

2. Матндан таянч жумлаларни топиб кўчиринг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-----------------------	---	---------------

3. Қачон ва ким томонидан инсоннинг космосга илк парвози амалга оширилди?
4. Сизда ҳам космонавт бўлиш орзуси пайдо бўлдимиди?
5. Тагига чизилган гапнинг кесимларини топиб тузилишини шарҳланг.



Билиб олинг!

Феълдан бошқа сўз туркумлари (от, сифат, сон, олмош, равиш, тақлид сўз, модал сўз, ҳаракат номи) билан ифодаланган кесим от-кесимдир.

От кесим қўйидагича ифодаланади:

<i>От билан:</i>	Унинг дадаси – ўқитувчи .
<i>Сифат билан:</i>	Бола – болдан ширин .
<i>Сон билан:</i>	Икки ўн беш – бир ўттиз .
<i>Олмош билан:</i>	Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадур .
<i>Равиш билан:</i>	Ҳали қиладиган ишлар кўп .
<i>Ҳаракат номи билан:</i>	Ўқимоқ – ўрганмоқ .
<i>Модал сўз билан:</i>	Сен билан менинг нима ишим бор?



Ёдда сақланг!

*От-кесим ҳам тузилишига кўра сода ва мураккаб бўлади. Мураккаб от-кесим икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ёрдамчи ёки кўмакчи феъл бирикишидан ҳосил бўлади. Масалан, Меҳнат билан топилган нон **ширин бўлади**. Яхшилик қилсанг, **яхшилик қолади** каби.*


*От-кесим таркибида кесимни шакллантирувчи ва уни эга билан боғлаш вазифасини бажарувчи ёрдамчи, кўмакчи, тўлиқсиз феъллар, **керак, лозим, зарур, шарт** каби модал сўзлар боғлама дейилади. Масалан, Данагидан мағзи **ширин** бўлади. У ўша йилларда талаба **эди**. Энди ишимизни яхшилаш **керак**.*

	<i>Ўқиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	-----------------------

72-машқ.

КОСМИК АППАРАТ ПАРВОЗИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Умуман олганда, космик аппарат парвозини уч қисмга, хусусан, орбитага чиқариш, орбитал парвоз ва қўниш қисмларига бўлиш қабул қилинган. Орбитага чиқариш қисмида космик аппарат белгиланган йўналишда зарурий космик тезлик олиши лозим. Парвознинг орбитал қисми аппаратнинг само механикаси қонунларига мувофиқ инерциал ҳаракатланиши билан тавсифланади. Қўниш қисми эса Ерга қайтаётган космик аппаратнинг тезлигини қўниш тезлигига қадар сўндириш учун хизмат қилади.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------


1. Космик аппарат парвозининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат деб ўйлайсиз?

	<i>Ёзиш</i>
--	-------------

2. Маттни кўчириб, гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг, кесимларига изоҳ беринг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	-----------------------

73-машқ.



1967 йил 30 октябрь – ССРИ нинг иккита космик Космос-186 ва Космос-188 учувчисиз аппаратларининг туташтирилуви илк бор амалга оширилди;

1968 йил 15 сентябрь – бортида жонли мавжудотлар, хусусан: тошбақа, мева пашшаси, қурт, ўсимлик,

уруғ ва бактериялар бўлиб, Ой атрофини айланиб чиққан Зонд-5 космик аппаратининг Ерга илк бор қайтиши рўй берди;

1969 йил 16 январь – Союз-4 ва Союз-5 бошқарилган космик кемалар илк бор ўзаро туташтирилди;

1969 йил 21 июль – инсон оёғи Ойга етган кун. АҚШ астронавтлари Н.Армстронг ва Э.Олдринг 1961 йил 16-24 июль кунлари амалга оширилган ой экспедицияси давомида илк бор Ойга тушишди. Космик кемадан Ернинг табиий йўлдошига тушар экан, Нил Армстронг: “Ёлғиз инсон учун бу кичик бир қадам, албатта, аҳли жаҳон учун эса янги милод томон кескин сакрашдир” -деган эди. Аполлон-11 космик кемасида ўтказилган ушбу экспедицияда Ой тупроғининг илк намунаси Ерга келтирилди;

1970 йил 24 сентябрь – Луна-16 космик станцияси Ой тупроғининг навбатдаги намунасини келтирди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, ушбу ҳодиса бошқа осмон жисмидан (хусусан, Ойдан) Ерга намуна келтирган биринчи учувчисиз бошқариладиган космик аппарат парвози бўлди;

1970 йил 17 ноябрь – Ердан бошқариладиган Лунаход-1 Ойга эркин қўндирилди. Энг биринчи масофадан бошқариладиган ўзююрар яримавтоматик космик аппарат Ой юзида иш бошлади;

1970 йил 15 декабрь – Венера-7 космик аппарати биринчи бўлиб Зухра юзига эркин қўнди;

1971 йил 19 апрель – космосга биринчи Салют-1 орбитал станцияси учирилди;

1971 йил 13 ноябрь – Маринер-9 космик станцияси Миррихнинг биринчи сунъий йўлдоши бўлди;

1971 йил 27 ноябрь – Марс-2 космик станцияси биринчи бўлиб Миррих юзига етиб борди;

1971 йил 2 декабрь – Марс-3 планеталараро автоматик станцияси Миррих юзига биринчи бўлиб эркин қўнди;

1972 йил 3 март – космосга учирилган Пионер-10 космик аппарати биринчи бўлиб Қуёш тизимининг сарҳадларини тарк этди;

1975 йил 20 октябрь – Венера-9 космик станцияси Зухранинг биринчи сунъий йўлдоши бўлди;

1975 йил октябрь ойи – Венера-9 ва Венера-10 космик аппаратлари биринчи бўлиб Зухра юзига эркин қўнган тарзда, юзасининг фотосуратларини Ерга узатди;

1981 йил 12 апрель – кўп маротаба фойдаланиладиган “Колумбия” космик юк ташиш кемаси илк бор космосга учирилди;

1986 йил 20 февраль – Мир орбитал станциясининг асосий модули орбитага чиқарилди;

1988 йил 15 ноябрь – “Энергия-Буран” дастури доирасида яратилган “Буран” кўп маротаба фойдаланиладиган космик ташиш тизимига мансуб орбитал космолан кемасининг “Энергия” русумли элтувчи ракета воситасида биринчи



ва сўнгги бор космик парвози амалга оширилди;

1995 йил 7 декабрь – “Галилео” космик станцияси Муштарийнинг биринчи сунъий йўлдоши бўлди;

1998 йил 20 ноябрь – Заря Халқаро космик станциясининг биринчи блоки космосга учирилди;

2000 24 июнь – “NEAR Shoemaker” космик станцияси 433 Эрос астероидининг биринчи сунъий йўлдоши бўлди;


2004 йил 30 июнь – “Кассини” космик станцияси Сатурннинг биринчи сунъий йўлдоши бўлди;

2006 йил 15 январь – “Стардаст” космик станцияси Ерга Вильда-2 кометасидан намуналар келтирди;

2011 йил 17 март – “MESSENGER” космик станцияси Меркурийнинг биринчи сунъий йўлдоши бўлди.


Космонавтиканинг бугунги даври космик фазони ўзлаштириш борасидаги янгидан-янги лойиҳа ва режалар билан тавсифланади. Космик саёҳат тобора кенг ривож топмоқда. Космик кемалар бошқариладиган космонавтика боз Ойга қайтишни ният қилиб, ўз нигоҳини Қуёш тизимига мансуб бошқа сайёралар, биринчи навбатда, Миррихга қаратмоқда.

Ш. Долимов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	-----------------

1. Космонавтика соҳасида 1957–1966 ҳамда 1967–2011 йиллар давомида рўй берган энг муҳим ҳодисаларга диққат қилинг. Қандай ўзгариш ва ривожланишни пайқадингиз? Гуруҳларда муҳокама қилинг ва тақдимот тайёрланг.
2. Маълумотларни узлуксиз матн тарзида: чизма, таблица, расм, диаграмма кўришида тақдим этинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	----------------------------	---	-------------	---	---------------

2. Сўнгги хатбоши устида фикр юритинг ва кўчиринг, гапдаги бош бўлақларни аниқлаб, шахс-сонда мослигини тушунтиринг.



Билиб олинг!

Эга билан кесим ўзаро шахс ва сонда мослашади: *Мен ўқидим, Сен ўқидинг.*

III шахсда феъл кесим ҳамма вақт шахс ва сонда мослашавермайди. Масалан, у ўқиди (эга ва кесим III шахс бирликда - мослашган), улар ўқиди (эга кўпликда, кесим бирликда мослашмаган). Дарахтлар гуллади (эга кўпликда, кесим бирликда).



Ёдда сақланг!

Эга билан кесимнинг мослашмаслиги қуйидагича:

1. Кесим **сифат, сон** билан ифодаланса, эга кўпликда, кесим бирликда келади: **Боғлар кўм-кўк. Бу ерда тўпланганлар мингта.**

2. Эга жамликни билдирган сўз билан ифодаланса, кесим бирликда бўлади. Масалан, **Халқ тўпланди. Ҳамма келди.**

3. Кесим ҳурмат маъносини бирдирганда, эга бирликда, кесим кўпликда келади. **Дадам келдилар.**

4. Эга жонсиз предметлар ва қушларни англатганда, кўпликда келса ҳам, кесим бирликда бўлади. **Дарахтлар гуллади. Қушлар сайради.**

Эга билан кесим орасида қуйидаги ҳолларда тире қўйилади:

1. Эга **от, олмош, сон** билан ифодаланиб кесимлик қўшимчасини олмаса: **Жаҳл – душман, Ақл – дўст, Бирники – бирга, Мақсадимиз – шу.**

2. Гапни эгаси ёки кесими ҳаракат номи билан ифодаланса. **Ўқиш – ўрганиш.**

3. Эга кўрсатиш олмоши билан ифодаланса. **Бу – ҳамма ишлардан қилинадиган хулоса.**

4. Эганинг маъноси таъкидлаб кўрсатилса. **Шулар – меҳнатда илғорлар.** Агар эга билан кесим орасида ҳам юклама келса, тире қўйилмайди. Масалан, **Булар ҳам меҳнатда илғорлар.**



Ёдда сақланг!

Содда ва қўшма гаплар таркибида ҳам бир хил маъно ифодаладиган **феълнинг шахс-сон, замон шаклидаги феъл- кесимлар**, шунингдек, **боғламасиз ва боғламали от-кесимлар мустақил кесимдир.**

Содда гап таркибида бошқа, қўшма гап таркибида бошқа маъно берадиган, феълнинг шарт майли шакли - **са, -са эди, -ганда эди**: **У борса эди, Бу китобни ўқиганда эди** каби шакллари **номустақил кесимдир.**



Ўқиш



Тинглаш

74-машқ.




ТИРИК САЙЁРАЛАР

Деразамдан тушган тола нур
Сомон йўли каби товланур.
Эй, мен билган, Билмаган дунё!
Заррадан то Коинот қадар,
Ҳам аён, ҳам тилсимот қадар
Фикрат бовар қилмаган дунё!
Мен ҳам сендан бир қисм бўлиб,
Ҳис, идрок, жон ва жисм бўлиб,
Яралибман, яшамоқдаман...
...Деразамдан тушган тола нур
Сомон йўли каби товланур.



Ҳайратки, шу тола нур аро
Минг-минг зарра кезар овора.
Ҳар бир зарра балки бир дунё,
Эҳтимол, бир ўзга сайёра...
Кўриб не бор ўз тақдирида,
Балки яшар минг-минг коинот.
Ҳеч ажабмас, шулар бирида
Мавжуд бўлса тараққий, ҳаёт.
Инсон-чи, дўст топмоқни ўйлаб
Танҳоликдан бу тор дунёда,
Юлдузларга кемалар йўллаб,
Жонзот излар чексиз фазода.
Бордек йироқ туркумлар аро
Ўзи каби оқил бир хилқат,
Инсон кўкка боқар доимо,
Тинтув қилар осмонни фақат.
Аммо билмас, қилмас тасаввур,
Хаёлига келтирмас башар,
Ўзга жонзот балки бўлиб нур,
Оҳанг бўлиб у билан яшар.
Ўзга ҳаёт балки сокин тун
Қамишларнинг шовиллашидир.
Тонготарда балки лолагун
Шафақларнинг ловиллашидир.
Ҳожат эмас кўкдан изламоқ,
Кемаларни қилмоқ овора.
Одамзоднинг ўз қалбидаёқ
Яшаётир ўзга сайёра.
Фазоларнинг қай бурчагига
Фикри билан етадир инсон,
Аммо не бор ўз юрагида
– Билмай ўтиб кетадир инсон.
У яшайди тилсимлар аро,
Ҳар кашфиёт янги маррадир.
Унинг ўзи сирли бир дунё,
Дунё эса фақат заррадир.
Деразамдан тушган тола нур
Сомон йўли каби товланур.

Э. Воҳидов

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>		
	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>		<p><i>Муҳокама қилиш</i></p>

1. Шеър сарлавҳасига эътибор беринг. Нима учун шундай номланган? Тирик сайёраларга нималар киради? *“Ассоциация”* усули асосида атанг.



2. Сиз шеърни қандай номлаган бўлар эдингиз? Нима учун сизнинг сарлавҳангиз афзалроқ деб ўйлайсиз?
3. Матннинг асосий ғояси нимадан иборат? Мазмунини шарҳланг.

	<p><i>Тақдимот</i></p>
--	------------------------

4. *“Фазоларнинг қай бурчагига
Фикри билан етадир инсон,
Аммо не бор ўз юрагида
– Билмай ўтиб кетадир инсон.
У яшайди тилсимлар аро,
Ҳар кашфиёт янги маррадир.
Унинг ўзи сирли бир дунё,
Дунё эса фақат заррадир”*,

мисраларини таҳлил қилинг. Хулоса чиқаринг. Ҳар бир гуруҳ ўз жавобини истаган кўринишда синфга тақдим этсин (слайд, постер, ижодий иш, тасвир ва ҳк).

5. Матндаги кесимларни аниқланг ва нима билан ифодаланганлигини белгиланг.

БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК ҚИЗИЛ КИТОБГА КИРИТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ВА ҶСИМЛИКЛАР



ТАБИАТ, СЕН БУНЧА ТАНТИ ВА БУЮК,
ТАБИАТ, СЕН БУНЧА СОДДА, БОҚИРА!
СЕНИНГ КОШОНАНГДА НИФОҚ-НИЗО ЙЎҚ,
ХУСУМАТНИ БИЛМАС ДАРГОҲИНГ СИРА...

...ТАБИАТ, СЕН – МАНГУ ТАСКИН ҲАМ ШИФО,
ИНСОНГА ЎЗИНГНИ ТУТМАГАНСАН ЁТ.
ЛЕКИН ҚАЧОН КЕНГЛИК ТОПИВ БУ ДУНЁ,
СЕНДАН ИБРАТ ОЛИВ ЯШАР ОДАМЗОД.

Мирнўлат Мирзо



Ўқиш



Тинглаш



Муҳокама қилиш

75-машқ.

КЎРКАМ ОНА ТАБИАТ

Табиат – сен онамиз,
 Ҳуснингга парвонамиз.
 Сендан олганмиз чирой,
 Ана айтсин тўлин ой.

Сен сахий, сен меҳрли
 Бари ишинг сеҳрли.
 Заррин қуёш, ер, осмон,
 Дарёю сой, кенг уммон.

Мева тўла боғ-роғлар,
 Кўкни ўпган алп тоғлар.
 Жами тирик мавжудот.
 Миттигина ҳашарот.


Жондан азиз болангдир,
 Гард қўнса у нолангдир.
 Завқингни туйиб яшаш,
 Неъматларингни ошаш.

Катта совға биз учун
 Бари ўғил-қиз учун.
 Кўркам она табиат,
 Сенга этай итоат.

Доим товланиб тургин,
 Кўп жилोलаниб юргин.

З. Ҳасанова





	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

1. Шеърнинг мазмуни нима ҳақда? Асосий ғоясини аниқланг.

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

2. Шеърний матннинг насрий баёнини 5-6та гап орқали ёзма равишда баён этинг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

3. Шеърний матн билан унинг насрий баёнидаги гапларда гап бўлақларининг жойлашиш тартибига эътибор беринг. Фарқи борми? Исботланг.

4. Тузган гапларингизнинг эгасини топинг ва тагига чизинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-------------	---	----------------

76-машқ. Матнни “*Жигсо*” усули орқали ўрганинг.

ТАБИАТГА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТ ИНСОНИАТНИ ЭКОЛОГИК ФОЖИАЛАРДАН АСРАЙДИ

Ҳар бир инсон табиатга ўз дунёқарашидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Аслида табиат нима-ю, инсон ким? Табиат – оламнинг, моддий дунёнинг бир қисми, ер юзидаги мавжудотнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи. Табиат билан жамият чамбарчас боғланган. Инсон ўзига керакли ҳамма нарсани табиатдан олади ва ўзи ҳам шу табиатда мавжуд.

Ер юзида аҳоли кўпайиб, тараққиёт жадаллашгани сари инсоннинг табиатга таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Оқибатда, табиий бойликлар камайиб, атроф-муҳит ифлосланяпти, минг йиллар мобайнида сақланиб келинган экологик мувозанат бузиляпти. Табиий офатлар, кутилмаганда юзага келаётган экологик тангликлар жаҳон аҳлини тобора ташвишга солаётир. Бу эса инсониятни табиат билан муносабатларни тўғри ва оқилона изга қўйиш, уни муҳофаза қилишда кечиктириб бўлмас чораларни кўриш ҳақида огоҳлантирмоқда.

Юртимиз аҳолиси қадимдан табиатдан, унинг бойликларидан ўз ўрнида фойдаланишда ибратли ишларни амалга ошириб келган. Чўлларда, оғир иқлимга эга жойларда обод воҳалар бунёд этган, табиатдан бирни олса, ўнни беришдек

фазилатга амал қилиб яшаган. Манбаларда мўътадил ва субтропик иқлим минтақаларида, чўл ва чала чўл зоналарида яшаган аҳоли милоддан аввалги икки мингинчи йиллардаёқ суғорма деҳқончилик билан шуғулланиб келгани ҳақида маълумотлар бор. Шу боис, маҳаллий ўтроқ аҳоли сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, шўр босишидан сақлаш, сел оқимларининг, қум кўчишларининг йўлини тўсиш тажрибасини бундан минг йиллар аввал пухта ўзлаштирган.

Хўш, бугунги кунда инсоннинг табиатга муносабати қай аҳволда? Она сайёрамиздаги экологик вазият тобора жиддий тус олаётган асримизда одамзодни қандай хавф-хатарлар кутмоқда?

Фан ва техника ҳали ривожланмаган даврларда инсоннинг табиатга таъсири маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, ўша ҳудуддагина сезилган бўлса, ҳозирда бир минтақадаги экологик инқироз бутун сайёрамиздаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, инсоннинг табиатга таъсирини уч гуруҳга: маҳаллий, регионал, сайёравий турларга бўлиш мумкин.

Табиатга маҳаллий таъсир кичик ҳудудда рўй беради. Масалан, бир дарё хавзасида сувнинг ифлосланиши, корхонанинг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли газлари таъсирида ҳавонинг бузилиши шу атрофдаги табиатга хавф солади. Текислик ерларда сув омбори қурилса, иссиқ ўлкаларда ер ости шўр сувлари сатҳи кўтарилиб, тупроқ шўрланади. Иқлими мўътадил, илиқ ўлкаларда эса ботқоқлик кўпайиб, ўсимлик ва ҳайвонот оламида салбий ўзгаришлар рўй беради.

Инсоннинг табиатга йирикроқ таъсири регионал хусусиятга эга бўлиб, бунга Орол ҳавзасида юзага келган экологик танглик оқибатида атрофдаги ҳудудларда тупроқнинг шўр босиши, тўқайларнинг қуриб бораётганини мисол қилиш мумкин. Орол денгизи сатҳи 1960 йилдагига қараганда салкам 30 метрга пасайди, сув шўрлиги 10 ҳисса ортиб, 110 г/л. га етди. Денгиз майдони 6 марта кичрайиб, 64 минг км² дан 10 минг км²га тенг бўлиб қолди. 50 минг км² майдонда туз билан қопланган чўллар пайдо бўлди.

Сайёравий таъсирга инсоннинг хўжалик фаолияти – саноат корхоналари ва транспорт воситаларидан кўп миқдордаги углерод (ис гази), азот, олтингугурт оксиди чиқарилиши оқибатида ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бораётгани, шимолӣ ва жанубий Қутбдаги асрий музликлар эриб, у билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг келиб чиқаётганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. БМТ маълумотига кўра, ҳозирги вақтда Ер юзиде қуруқликнинг 1/4 қисми чўллашиш хавфи остида қоляпти. Чўллашиш сабабли дунёда 250 миллиондан ортиқ киши озиқ-овқат етишмаслигидан жабр чекмоқда.

Ҳозирда инсоният ва табиат муносабатларида амал қилиниши зарур бўлган тўртта умумий географик қонуният мавжуд. Биринчиси, табиатнинг бир бутунлиги қонунияти. Табиатнинг барча таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро боғланиб, бир бутунликни ҳосил қилади. Яъни, Ер юзининг тузилиши (рельеф), тоғ жинслари, иқлим, сувлар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси доимо яхлитлик касб этган. Масалан, иқлим ҳаво массалари, шамоллар, ҳаво ҳарорати,

намлик, қуёш радиацияси, нур сочиб туриш вақти, ёгин-сочинлар, ўсимлик ва ҳайвонот тури, уларнинг миқдори ҳамда ҳаёт тарзидан таркиб топади.

Кейинги йилларда Ер юзида иқлимнинг исиб бораётгани олимларда катта ташвиш туғдирмоқда. Метеорологларнинг маълумотларига кўра, кейинги 15 йил сайёрамизда ҳарорат энг юқори йиллар бўлган. Оқибатда, ўтган асрнинг 60-йиллари охиридан бошлаб Ердаги қор ва муз қоплами 10 фоиздан ортиқ камайган. Чунончи, Ер иқлими кейинги 30–40 йил ичида ўзгариб, ўртача ҳарорат турли жойларда 0,60 дан 0,90 гача кўтарилгани қайд қилинган. Олимларнинг ҳисобига кўра, иқлим ўзгариши оқибатида ўсимлик ва ҳайвон турларининг 15 фоиздан 40 фоизгача қисми йўқолиши мумкин.

Масалан, кейинги йилларда олақанот (афғон майнаси)нинг кўпайиб кетиши туфайли қалдирғоч, чумчуқ, мусичалар сезиларли камайган, булбул, сўфитўрғай, сассиқпопишак умуман кўринмай қолган.

Иккинчиси, табиат таркибий қисмларининг ўзаро модда ва энергия алмашиши орқали бир-бири билан боғланганлигидир. Ҳар бир тирик организм нафас олиш чоғида атмосферадан кислород ютади ва карбонат ангидрид (углерод) чиқаради, яшил ўсимликлар эса уни ютиб, яна атмосферага тоза кислород чиқаради. Ана шу ҳаракат бузилса, табиатда модда алмашинуви издан чиқади. Инсон ўзининг хўжалик фаолияти билан табиатда модда ва энергиянинг миллионлаб йиллар давомида таркиб топган мувозанатининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу жараённинг маҳаллий кўринишига техника экинлари, чунончи, пахта етиштиришда зарарли ҳашаротларни йўқотиш учун ерга пестицид ва гербицидлар, дефолиантларнинг солиниши оқибатида тупроқ ҳосил қилувчи майда организмлар (масалан, чувалчанглар) қирилиб кетиб, тупроқнинг ўлик тупроққа айланишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ер юзида аҳоли 6 миллиард 700 миллионга яқинлашиб қолди. Шунча одамнинг эҳтиёжини қондириш баробарида, она сайёрамизни келажак авлод учун ҳам бус-бутунлигича сақлаб қолиш керак. Мамлакатимизда табиатдан оқилона фойдаланиш, унинг бойликларини муҳофаза қилиш, табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида тегишли қонунларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор берилмоқда.

Ер юзидаги ҳозирги геозэкологик вазият ҳар бир давлатдан табиат муҳофазасига ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга жиддий аҳамият беришни талаб этмоқда. Мамлакатимизнинг табиий шароити турлича бўлган ҳудудларида ҳам табиатдан фойдаланиш борасидаги нотўғри хатти-ҳаракатлар учун бир хил жазо белгиланган. Аммо табиий шароитига кўра бузилган ландшафтни тиклаш турли миқдорда харажат ҳамда вақт талаб қилади. Шу боис, табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларни ҳам тизимлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Ҳали дунёда ҳам, юртимизда ҳам табиатни муҳофаза қилиш, бойликларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳал этилмаган муаммолар талайгина. Уларни бартараф қилиш аҳолининг табиат муҳофазаси, географик қонуниятлар ҳақидаги билим даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Фуқароларнинг геозэкологик тарбия-

си юқори, билим даражаси етук бўлса, табиатдан фойдаланиш маданияти ҳам шунчалик ортади. Демакки, бу борадаги зарур билимларни ўрганиш, уларга қатъий амал қилиш ва салбий ўзгаришларнинг олдини олиш ҳозирги кунда энг долзарб вазифалардан биридир.

Н. Қосимова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>	
	<i>Муҳокама қилиш</i>	 <i>Ёзиш</i>

1. Ўзингизга (ҳар бир гуруҳ) ажратилган парчани овоз чиқариб ўқинг.
2. Парча мазмунини ёритувчи саволлар тузинг. Сўнгра бошқа гуруҳ аъзоларига ўзингиз ўқиган парча бўйича саволлар тузишни топширинг. Ўзингизнинг нусхангиз билан солиштиринг. Қандай фарқи бор?
3. Тузилган саволлар ёрдамида муҳокама ўтказинг. Матннинг умумий ғоясини аниқланг. Ҳаёт билан боғлаган ҳолда хулоса чиқаринг. Матн услубини аниқланг.
4. Ушбу мавзуда устоз ва мактабдошларингиздан интервью олиб, маҳаллий газетада эълон қилинг.



	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	----------------	---	-----------------------

77-машқ.

ТАБИАТНИ АСРАШ – ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗ


Табиат сўзига она сўзини қўшиб, “Она табиат” дейишга одатланганмиз. Чиндан ҳам, атрофимизни ўраб турган табиат, ер, сув, ҳаво биз учун меҳрибон, ғамхўр онадай азиз. Уни асраб-авайлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, келажак наслларга бор таровати билан етказиш – бизнинг фарзандлик бурчимиз. Бугун табиатни асраш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонларни сақлаб қолиш, дарё ва кўлларни тоза сақлаш, инсоният фаолияти натижасида табиатга етказилаётган салбий таъсирни камайтириш, энг муҳими, ечими кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб турибди.



Бунинг учун табиий, экологик жараёнларни муттасил ўрганиш, табиий муҳит мониторингини олиб бориш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, айни чоғда, сув ҳавзаларини sanoat чиқиндилари билан ифлослантираётган, атмосферага зарарли моддалар чиқараётган завод-фабрикалар, тижорат ташки-

лотлари, хусусий корхоналар раҳбарлари масъулиятини ошириш зарур бўлади. Бу иш билан жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари, айниқса, ёшлар фаол шуғулланишлари лозим. Азиз фарзандларимизга табиатни асраш лозимлигини қанча эрта тушунтирсак, шунча яхши. Оилаларда улғаяётган ҳар бир йигит-қиз табиат бу – бизнинг умумий уйимиз, эртанги келажагимиз эканини англамоғи керак.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳаётни бор гўзаллиги билан асраш, келажак авлодларга бус-бутун етказиш демакдир. Она сайёрамизни, мафтункор юртимиз табиатини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи керак.

М. Аҳмедов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

1. Она табиат олдида бизнинг яна қандай бурчларимиз бор?
2. Ўз вақтида она-табиатни асраб-авайламаслик оқибатлари нималарга олиб келиши мумкин?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	--	-------------

3. Матн мазмунини ёритувчи бешта таянч сўз топинг.
4. Матнда кўтарилган масалаларнинг ҳаққонийлиги, долзарблиги нимада? Шарҳланг.
5. Ушбу таянч сўзлардан гаплар тузинг ва гапларнинг эгасини аниқлаб, нима билан ифодаланганлигини кўрсатинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	----------------	---	-----------------------

78-машқ.

БИОХИЛМА-ХИЛЛИК НИМА?

XXI асрга келиб Ер шарида юзага келган ҳолат – Ердаги биологик хилма-хилликнинг кескин равишда камайиб боришидан далолат бермоқда. Бунинг натижасида, Биохилма-хилликни сақлаш – умумбашарий экологик муаммолардан бирига айланди.

Биохилма-хиллик – бу Ердаги турли-туман ҳаётнинг хилма-хиллигидир.

Биохилма-хиллик деганда кўз олдимизга ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг бой хилма-хил турфа олами келади.

Ҳозирги кунда биз кўраётган *биохилма-хиллик* Ердаги ташқи ва ички табиий жараёнлар натижасида юз миллион йиллар давомида кечган мураккаб эволюция жараёнининг натижаси ва ҳосиласидир.

Биохилма-хиллик бу сайёрамизнинг ҳаёт ресурсларини сақлаб қолиш демакдир.

БМТ маълумотларига биноан Ер юзи аҳолиси тез кўпайиб бораётган бир пайтда, ҳайвонот дунёси 3/1 қисмга камайиб бормоқда.

Хусусан, 21 фоиз сут эмизувчилар, 30 фоиз судралиб юривчилар, 12 фоиз қушлар, 17 фоиз акулалар ҳамда 27 фоиз кораллар Ер юзидан батамом йўқолиб кетиши мумкин. Айниқса, Европада индустриал ривожланиш туфайли қишлоқ хўжалиги ҳудудларидаги қушлар сони 40 фоизга, иқлим ўзгариши туфайли денгиз қушлари сони эса 44 фоизга камайган.

Бу маълумотларга қараганда, биохилма-хиллик мисли қўрилмаган даражада камайиб бормоқда, ўсимлик ва ҳайвонот турларининг йўқолиш суръати ниҳоятда юқоридир.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>

1. Биохилма-хиллик нима? Ўз сўзингиз билан таърифлаб беринг.
2. “*Ақлий ҳужум*”. Сиз қандай ўйлайсиз, нега айнан XXI асрга келиб Ердаги биологик хилма-хиллик кескин равишда камайиб бормоқда?

3. Матннинг тезисини топишга уриниб кўринг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

4. Сўнги хатбошини кўчириб ёзинг ва гапнинг бош бўлақларини аниқланг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-------------	---	----------------

79-машқ.

22 МАЙ – ХАЛҚАРО БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК КУНИ

Биологик хилма-хиллик – муайян яшаш муҳитида табиий келиб чиққан турли организмлар мажмуаси. Биологик хилма-хиллик жаҳондаги ҳар бир давлат учун муҳим ҳаётий манба ҳисобланади. Уни ҳимоялаш ва асраб-авайлаш келажак авлодлар ва курраи заминдаги ҳаёт барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. “Биологик хилма-хиллик” ёки “биохилма-хиллик” тушунчаси ердаги барча ҳаётнинг, яъни, ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар, уларнинг генлари ва экотизимлари хилма-хиллигини англатади. Биохилма-хиллик – жамиятнинг иқтисодий, экологик ва маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим ресурси ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб биохилма-хилликни сақлашга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ортиб бормоқда. Илмий кузатишлардан кўриш мумкинки, дунё генфонди, биологик турлар ва улар шакллантирадиган экотизимлар тезлик билан бир хиллашиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби – бутун дунё бўйлаб таъминот, ишлаб чиқариш, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ўта тез суръатларда ривожланиши, дунё аҳолиси сонининг кескин ортиб боришидир. Ушбу кун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1995 йилда байрам сифатида эълон қилинган. Бироқ қарорда 29 декабрь ушбу экологик санани нишонлаш куни дея белгиланган. Шу куни Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция кучга кирган. Хўш, унда нима учун Биологик хилма-хиллик кунини 22 майда нишонлаймиз? Гап шундаки, кўп байрамлар қиш ойларига тўғри келади ва кўп мамлакатларда экологлар Биологик хилма-хиллик кунини декабрнинг охирида нишонлаб, турли қийинчиликларга дуч келган. Шунинг учун 2000 йилда БМТ Бош Ассамблеяси бу байрамни 22 май, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенциянинг мувофиқлаштирилган матни қабул қилинган кунда нишонлашга қарор қилди.

Биласизми, “биологик хилма-хиллик” атамасини англиз табиатшуноси ва саёҳатчиси Генри Бейтс “Табиатшунос Амазонкада” асарида бир соатлик сайр






давонида капалакларнинг 700 турини учратгани ҳақида таассуротларини баён этаётганида илк бор қўллаган. Халқаро биологик хилма-хиллик кунининг асосий мақсади флора ва фауна вакиллариининг йўқолиб кетиш муаммосига жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида табиатга бўлган салбий таъсирлар соат сайин ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, дунё флорасининг 25 мингга яқин тури ёки 10 фоизи қисқариб, ҳимояга муҳтож бўлиб қолмоқда. Нью-Йорк ҳайвонот боғида ушбу кунга атаб рамзий қабристон бунёд этилган бўлиб, у ерга сўнгги 400 йил ичида Ер юзидан йўқ бўлиб кетган ҳайвонларнинг номлари туширилган 200 та қабртош ўрнатилган. Россияда Биологик хилма-хиллик куни кўпинча қўриқланадиган табиий ҳудудлар – қўриқхона ва табиат боғларида нишонланади. Белорусда мактаб ўқувчилари қуш ва кўршапалаклар учун уйчалар ясайдилар, кейин эса шу уйчаларда тасвирланадиган энг яхши экологик шиор танловларида иштирок этадилар. Мамлакатимизда ҳам Биологик хилма-хиллик куни кенг нишонланади. Тадбирда экология ва табиатни муҳофаза қилиш мавзулари бўйича чиқишлар,

қўшиқ, рақс ва танловлар бутун кун мобайнида давом этади. Биологик хилма-хиллик биосферани шакллантиради. Маълумки, биосферада бошқа биологик турлар билан бир қаторда инсон ҳам истиқомат қилади. Биосферанинг яшовчанлиги, шу билан бирга, биологик хилма-хиллик даражаси мавжудлиги кўпроқ инсон фаолиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўтмишда табиат жараёнлари инсон фаолияти билан унчалик боғлиқ эмас эди. Техника тараққиёти, иқлим ўзгаришлари, ер деградацияси, сув муаммолари ва шу каби қатор хавфлар сайёрамиз биохилма-хиллиги ёмонлашувига олиб келди.


Экологик вазиятни назорат қилишга салбий ёндашув келажакда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда кескин муаммоларни келтириб чиқаради. Бу эса келажак авлоднинг барқарор ҳаёт кечиришига таҳдид солади. Ана шулар ҳисобга олиниб, юртимизда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари давлатимиз томонидан назорат қилиб борилади.

Г. Менгзияева

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-----------------------	---	---------------

1. Матннинг тезисини топинг.
2. **Биологик хилма-хиллик жаҳондаги ҳар бир давлат учун муҳим ҳаётий манба ҳисобланади**, деган фикрни қандай тушунасиз? Ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашинг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	------------------------

3. Матндан 5та таянч сўз топинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

4. Таянч сўзлар иштирокида гап тузиб, гапнинг бош бўлақларини аниқланг.
5. Биохилма-хилликнинг ёмонлашувига олиб келган омилларни аниқлаш бўйича тадқиқот иши олиб боринг. Фикрингизни жадвалда баён қилинг.

Биохилма-хилликнинг ёмонлашуви		
Омиллар	Оқибати	Ечиш йўллари



Ўқиш



Муҳокама қилиш

80-машқ.



Сайёрамизда инсон фаолияти изсиз қолиб кетмайди, албатта. Унинг атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсири, кўпинча ва афсус, салбий таъсири каттадир. Биринчи навбатда, бундан тирик организмлар жабр кўради, чунки улар жуда ҳам нозик бўлиб, тез ўзгарувчан бу оламга мослаша олмайди. Шунинг учун у ёки бу ҳайвон ва ўсимликларнинг қисқа вақт ичида йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли бор эканлиги ҳақида одамларга эслатиш учун 1963 йили табиатни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро иттифоқнинг махсус “Қизил китоби” яратилди. Ушбу китобнинг Қизил китоб деб аталиши бежиз эмас. Маълумки, қизил ранг – хавотир, хавф-хатар ва рўй бериши эҳтимол таҳлика ҳақида огоҳлантириш белгиси. Бунинг натижасида турли даражадаги – миллий, халқаро ва ҳудудий “Қизил китоб”лар пайдо бўлди.

“Қизил китоб” – Қозоғистон ҳудудида табиий муҳитда яшайдиган ҳайвонлар, ўсимликлар ҳамда қўзиқоринларнинг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари, уларнинг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи ҳисобланади. “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларининг нобуд бўлиши, миқдори камайиб кетиши ёки уларнинг яшаш муҳити бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Ҳужжат “Қизил китоб”да қайд этиладиган ҳайвонлар ва ўсимликларга оид маълумотларнинг турларини, уларни “Қизил китоб”га киритиш ва ундан чиқариш асослари ҳамда тартибини, шунингдек, “Қизил китоб”ни юритиш чора-тадбирларини ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.


“Қизил китоб” 10 йилда камида бир марта илмий-оммабоп нашр сифатида чоп этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси “Қизил китоб”га киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши-



ни таъминлайди, уларни ўзининг сайтида жойлаштиради, шунингдек, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланувчилар ҳамда ушбу соҳада давлат назоратини амалга оширувчи ташкилотлар эътиборига етказди.

А. Юнусов

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>
---	------------------------------------

	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>
---	-----------------------------

1. “Қизил китоб” учун нега айнан қизил ранг танланган экан?
2. “Қизил китоб”нинг яратилишига қандай эҳтиёж туғилган?

	<p><i>Ёзиш</i></p>
---	--------------------

3. Матннинг асосий ғоясини аниқланг. 1–2 жумла орқали баён этинг.




Муҳокама қилиш



Сўзлаш

4. Венн диаграммаси орқали светофордаги чироқнинг қизил ранги билан ушбу китобнинг қизил рангидаги ўхшашлик хусусиятларини таққосланг.



Ёзиш

5. Матннинг охириги абзацини кўчириб ёзинг, бош бўлақларининг тагига чизинг.



Билиб олинг!

Эга ва кесим икки бош бўлакли гапнинг грамматик асосини ташкил қилади ва улар гапнинг бош бўлақлари деб юритилади.

Эга гапнинг бош бўлақларига грамматик тобе бўлмайди, кесим эса эгага тобе бўлади. *Қўшни қиз келди. Қизлар келдилар* гапларида феъл-кесимнинг шахс-сонига таънис билан ифодаланган эганинг шахс-сонига мос қилиб олинади.



Ёдда сақланг!

Демак, эга ва кесим ўзаро шахс ва сонда мос бўлади.

Гапнинг ким ёки нима ҳақида эканлигини билдириб, бошқа бўлақларга грамматик тобе бўлмаган бўлак эга дейилади.

Эга ҳақидаги хабарни билдириб, унга грамматик тобе бўлган бўлак кесим дейилади.



Билиб олинг!



Қизил ранг – хавотир, хавф-хатар, огоҳлантириш белгиси.

У светофорнинг қизил ранги каби “Огоҳ бўлинг! Фалокат юз бериши мумкин!” деб огоҳлантиради.




Бу фойдали маълумот!


Қизил китоб турли рангдаги саҳифалардан иборат:



– йўқолиб бораётган жониворлар



– сақланиб қолаётган, лекин уларнинг сони камайиб бораётган



– йўқолиш хавфи йўқ, лекин жуда камёб жониворлар



– олимлар томонидан кам ўрганилган, номаълум турлар



– муҳофаза қилиш орқали сақлаб қолинган турлар



– йўқ бўлиб кетган жониворлар

Қизил китоб мазмуни ҳамиша янгиланиб, ўзгариб туради.

Ҳайвонлар ва ўсимликларнинг турлари юқорида кўрсатилгандек, турли рангли саҳифаларда берилади. Бу китобдан фойдаланишда жуда қулайлик туғдиради.

Шунингдек, ҳозирги кунда йўқолиб бораётган жонивор турлари учун рақамли ва ҳарфли белгилар ҳам жорий этилган.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	----------------	---	-----------------------

81-машқ.






“Қизил китоб”га киритилган ўсимликлар тизими – Қозоғистон ўсимликлар оламининг асл хазинасидир. Ўсимликларнинг 140 турининг тарқалиши, уларни муҳофаза қилиш ва маданий турда ўстириши ҳақида маълумотлар берилган.

“Қизил китоб” – хавф-хатар, хавотир ишораси. Тириклик турининг бу китобга киритилиши унга алоҳида кўнгил бўлиш кераклигини билдиради, кўпинча махсус муҳофаза чоралари ҳожат, акс ҳолда, умуман йўқолиб кетиши мумкин. Қозоғистон ССР Ҳукумати “Қизил китоб”ни қуриш ҳақида фармон чиқарди.

Бунда қўзиқоринларни қўшганда 300 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. 1981 йили академик Б.А. Быковнинг етакчилигида нашр этилди. Охириги нашри 1999 йили чиққан бўлиб, ушбу нусха қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- ❖ умуртқали ҳайвонларнинг 128 тури ва кенжа тури;
- ❖ балиқларнинг 18 тури;
- ❖ ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчиларнинг 3 тури;
- ❖ судралиб юривчиларнинг 10 тури;
- ❖ қушларнинг 57 тури;
- ❖ сут эмизувчиларнинг 40 тури;
- ❖ ўсимликларнинг 303дан ортиқ турлари мавжудлиги қайд этилган.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		<i>Сўзлаш</i>
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		

1. Матнга сарлавҳа қўйинг.
2. Ўсимликларни маданий турда ўстиришни қандай тушунасиш?



	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>
---	------------------------	---	----------------

3. “Ассоциация” усули ёрдамида «Қизил китоб»га киритилган сизга маълум бўлган маҳаллий ўсимликларни тўплаштиринг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

4. Машқни кўчиринг ва гаплардаги эганинг нима билан ифодаланганлигини аниқланг.
5. Нима учун “Қизил китоб” яратилди? Қандай эҳтиёж бор эди?
6. Ўқилган матннинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда ўзингиз аниқ далил ва қарашларингизни ифодаловчи очиқ саволлар тузинг.

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тақдимот</i>
--	-----------------------	--	-----------------

82-машқ.

“Йўқолиб бораётган ҳамда камёб ҳайвон ва ўсимликларни сақлаб қолиш учун нима қилиш керак?” мавзусида тадқиқот иши олиб боринг.

Ҳар бир гуруҳ ўз тахминий фикр-мулоҳазаларини синфга тақдим этсин.


“Йўқолиб бораётган ҳамда камёб ҳайвон ва ўсимликларни сақлаб қолиш учун нима қилиш керак?”



83-машқ. Қуйидаги расмларни кузатинг. Нималар тасвирланган? Қандай муаммолар кўтарилган деб ўйлайсиз?





	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>
---	------------------------------------

 <p><i>Жуфтликда ишлаш</i></p>	 <p><i>Мулоқот</i></p>
--	--

1. Матн тузишдан аввал расмни синчиклаб кузатиб, мавзусини аниқлаб олинг. Қандай сарлавҳа қўйиш мумкин? Расмга оид таянч сўзлар танлаб олинг. Улар ёрдамида сўз бирикмалари, алоҳида жумлалар ҳосил қилинг.

 <p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>	 <p><i>Муҳокама қилиш</i></p>
---	--

2. “*Елпигич*” усули орқали расмга оид очиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.
3. Савол-жавоб давомида матнга оид тезисни аниқлаб олинг.
4. Матн мазмунли чиқиши учун фикрингизни далиллар билан, адабий материаллардан фойдаланган ҳолда баён қилинг.



 <p><i>Якка тартибда ишлаш</i></p>	 <p><i>Ёзиш</i></p>
---	--

4. Юқоридаги тайёргарликдан сўнг фикрингизни жамлаб матн тузинг. Уни қайта таҳрир қилиб, дафтарингизга кўчиринг.

БУ ФЙДАЛИ!



<p align="center">ҚЎРИҚЛАШ УСУЛЛАРИ</p> <p align="center">Камёб ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаш жойини муҳофаза қилиш мақсадида қўриқхоналар барпо этилган:</p>			
1		Оқсув-Жабағли давлат табиий қўриқхонаси	Жанубий Қозоғистон ва Жамбул вилоятлари
2		Алмати давлат табиий қўриқхонаси	Алмати вилояти
3		Наурзум давлат табиий қўриқхонаси	Қостанай вилояти
4		Борса-келмас давлат табиий қўриқхонаси	Қизил Ўрда вилояти
5		Қўрғолжин давлат табиий қўриқхонаси	Ақмўла ва Қарағанда вилоятлари

6		Маркакўл давлат табиий қўриқхонаси	Шарқий Қозоғистон вилояти
7		Устюрт давлат табиий қўриқхонаси	Манғистов вилояти
8		Ғарбий-Олтой давлат табиий қўриқхонаси	Шарқий Қозоғистон вилояти
9		Олақўл давлат табиий қўриқхонаси	Алмати ва Шарқий Қозоғистон вилоятлари
10		Қоратов давлат табиий қўриқхонаси	Жанубий Қозоғистон вилояти

84-машқ.

Расми кузатинг. Сарлавҳа қўйиб, ижодий ёндошган ҳолда тасвирий матн тузинг.



	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>
	<p><i>Жуфтликда ишлаш</i></p>

1. Мавзуга оид таянч сўзлар танланг. Шу сўзларнинг уядош, маънодош, шаклдош сўзлари ҳамда зид маъноли сўзларини топинг. М.: табиат, экология, ғамхўрлик, лоқайдлик, нидо, садо, ер, меҳнат ва ҳк.
2. Сўз бирикмалари ҳосил қилинг. М.: она табиат, табиатга ғамхўрлик, сувсизликдан қақраган ер, инсоннинг тинимсиз меҳнати самараси ва ҳк.
3. Гаплар ҳосил қилинг. М.: 1) *Инсон ва табиат – эгиз тушунча.* 2) *Инсон ҳамيشа табиатга ғамхўрлик кўрсатиши керак.*

4. Тузган гаплардан фойдаланиб, бадий матн яратинг. Матн қисмларига риоя қилган ҳолда изчиллик ва босқичли кетма-кетликда: кириш, асосий қисм, хулоса тизимида жойлаштиринг.
5. Сўнгра тузилган матнни яна бир кўздан кечириб таҳрир қилинг. Оққа кўчириг.



85-машқ.

ЯНГИ УНГАН МАЙСА

Янги униб чиққан майсани кўриб,
Юрагимга янги туғёнлар кирди.
Бошида қолдим мен хаёллар суриб,
Бошида бошимда минг ўй чарх урди.

Янги унган майса! Турардим туйиб
Дилимнинг қувончу титроқларини.
Чақалоқ онаси янглиғ мен суйиб –
Ўпдим унинг мурғак қиёқларини.

Унга ҳам қувонч, ғам дўллари ёғур –
Дуч этиб юксаклик, гоҳо пастликка.
Гоҳо танимай ҳам очарлар бағир –
Гоҳ таниб, оларлар танимасликка.

Бизлар танимоқни истамасак гар,
Шуъла эмас, доғлар кўрамиз ойда.
Кўнглимизда ётган сўқир сезгилар
Фарқ эта билмайди гавҳарни лойдан.

Ўз майда ташвишлар билан доим банд –
Илғай олмаймиз гоҳ чақнаган нурни.
Бир пайт эски, лоқайд нигоҳлар билан
Йўқотиб қўямиз янги сурурни.


Дарвоқе, бу майса, ҳа, янги майса, –
Қуёш, уни ўзинг ардоғингга ол.
Дейман бу гўдакнинг умри узайсин, –
Гуркираб ўссин у, билмайин завол.





Эй, Сиз, чақноқ кўзлар, тортмангиз хира,
 У сўзлар янги бир дунё эртагин.
 Таний олинг қандай тоза, бокира –
 Бу таниш – кўклатсин майсани тагин.


Бир зум суронларин тиндирсин-да жим,
 “Хуш келдинг”, деб унга эгилсин олам.
 Энди тетапоя бўлган гўдагим,
 Янги унган майса – болажон, салом!

Ҳ. Худойбердиева

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

1. Шеър мазмуни нима ҳақида? Янги унган майсани нимага қиёслаш мумкин? “Кластер” усули ёрдамида ёритинг.



	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	-----------------------	---	-------------

2. Нима учун қуёш майсани ўз ардоғига олиши керак? Шеърда қандай бадий тасвир воситалари қўлланилган? Шеърнинг таъсирчанлиги нимада? Шарҳланг.
3. Матндан бта таянч сўзни топинг ва ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

4. Шеърнинг мазмунидан фойдаланиб, таянч сўзлар ёрдамида кичик матн тузинг. Гапнинг бош бўлақларининг тагига чизинг.



Бу қизиқ!

ИСБОТ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИГАН ФАКТ!

- ❖ Пингвинлар ўзи қўйган тухумни 134 кун овқат емай, иссиқ қилиб босиб ётиши мумкин экан.
- ❖ Мовий кўзли инсонлар оғриқларни бошқача кўзли инсонларга нисбатан кўпроқ сезувчи бўлади.
- ❖ Инсонларнинг ўнг томон ўпкаси, чап томон ўпкасига нисбатан кўпроқ ҳаво сиғдира олади.
- ❖ Асаб импульслари танамиз бўйлаб секундига 90 метр масофа йўлни босиб ўтиб ҳаракат қилади.
- ❖ Вояга етган инсон танасида 75 км узунликка тенг асаб толалари мавжуд.
- ❖ Дунёдаги энг узун баргли ўсимлик Рафия пальмаси бўлиб узунлиги 20 метрға етади.
- ❖ Охирги 4000 йил ичида инсонлар биронта ҳайвонни хонакилаштирамаган экан.
- ❖ Бешиктерватар ҳашаротлар орасида бошини чап ёки ўнгга бура олувчи жонзот ҳисобланади.
- ❖ Юмронқозиқ бир кечада 76 метрғача ўзига ер қазиб, йўл оча олар экан.
- ❖ Камод варани (энг катта калтакесак) сўлаги таркибида 50 хил бактериялар бўлиб, еттитаси инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлиши мумкин. Тилидаги ҳид билиш рецепторлари 11 км узоқликдаги ўлжани қидириб топа олади. Думи ёрдамида бир зарбда катта буқани йиқита олади. Бир дақиқа ичида 2,5 кг гўшти ейиши мумкин экан. Танасидаги ортиқча вазн унинг думида жойлашган. Ошқозон шираси кислоталиги шунчалик кучлики, ҳайвон шохи, тўғи, суяклари ва териларини осон ҳазм қилиб юборади.
- ❖ Йўл-йўл денгиз илони – сув остида 10 метр чуқурликда ярим соат давомида тура олади. Унинг ўнг ўпкаси бутун танаси бўйича жойлашган. Бу илоннинг заҳри кобра илонининг заҳридан бир неча баробар заҳарлироқдир.
- ❖ Вилли Бранд касаллиги – генетик қон тўхтамаслиги касаллиги бўлиб, тромбоцитлар бирикиб, тромб ҳосил бўлиши билан боғлиқ.
- ❖ Хлорилгидрат – дунёда яратилган энг биринчи таблетка ҳисобланади.
- ❖ Қурбақа сувни ичмайди, у сувни териси орқали шимиб олади.
- ❖ Жирафа тили қора рангда бўлиб, узунлиги 50 см.га етиши мумкин



Ўқиш



Тинглаш

86-машқ.

Матнни “Жигсо” усули орқали ўзлаштиринг.

БОРЛИҚНИНГ ТИРИК ТОМИРИ



Аслида ер юзидаги мўъжазгина майсадан тортиб, барча дов-дарахтларнинг барқарор ҳаёт учун ўзига хос ўрни, хусусияти ва бетакрор муҳим аҳамияти бор. Таъбир жоиз бўлса, ўсимликлар дунёсини тирикликнинг жон томири дейиш мумкин.

Мўъжизавий яшил хилқатлар – дарахтлар миллиардлаб тонна кислородни бизга етказиб бериши билан ҳам ардоқда. Эътибор беринг-а, она ўз фарзандига оқ сут бериб, меҳр-муҳаббат билан парвариш қил-

гани каби кўкка бўй чўзган дарахтлар гўёки кўк гумбазидан қўлларида ҳовучлаб бизга жон озуқаси – мусалффо ҳавони етказиб беради.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 1 гектар ўрмон 600 килограмм кислород чиқаради. Ҳа, ер юзида ҳаёт мавжудлигининг асосий омилларидан бири, тирикликимиз таянчи бўлган дарахтларни қадимий туркий халқлар бежиз барҳаётлик тимсоли, дея талқин қилишмаган. Бугунги кунда курраи заминимиздаги дарахтларнинг атиги 300 мингдан ортиқ тури фанга маълум бўлиб, шулардан 4,5 мингтасини юртимиздаги дарахтлар ташкил этади. “Қизил китоб”га мингдан ортиқ дарахт турлари киритилган. Бугунги кунда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган тоғ ёнғоғи, тоғ пистаси, сарв, шамшод, гужум, қайрағоч каби юзлаб дарахт турлари давлат муҳофазасига олиниб, кўпайтирилмоқда.

Сайёрамизнинг тинч ва сокин жойларида ўсувчи дарахтларнинг жуда кўп турлари ҳозирги кунга қадар фанга маълум эмас. Аммо ўсимликлар дунёсини ўрганиш тўхтаб қолгани йўқ. Дунё олимлари томонидан дарахтларнинг янги-дан-янги турлари ва хусусиятлари кашф этилмоқда.

Биз юқорида дарахтларнинг хусусиятларидан атиги биттасини, бутун жонзотни кислород билан таъминловчи асосий манба сифатида айтиб ўтдик.

Бундан ташқари, дарахтлар ҳаётимиз учун хавfli бўлган газ, чанг, кислотали ёмғир каби турли хил заҳарли микроэлементларга балогардон, яшашимиз

учун тоза ва қулай муҳит яратади. Оддийгина бир мисол. Саратоннинг жазирама иссиғидан қочиб, ўзингизни дарахт соясига олганингизда, тани-жонингиз ҳузур-ҳаловат топади. Бу ҳолат халқимиздек бағрикенг, меҳри уммон дарахтларнинг биз, инсонларнинг ҳаётини эҳтиёжлари учун бажараётган беқиёс хизматларидан атиги бир зарраси, холос.

Ибтидоий даврларда аждодларимиз учун бошпана, беҳатар, тинч-осойишта маскан, озиқ-овқат манбаи, меҳнат ва жанг қуроли, кийим-кечак ва ҳимоя воситаси сифатида беминнат хизмат қилган дарахтлар то шу кунга қадар қимматли қурилиш маҳсулотиди, қоғоз хом ашёси, дори-дармон, косметика, қўйингки, турмуш тарзимизнинг барча соҳаларида қадри баланд неъматлардан бири саналади. Дарвоқе, биз фақатгина мевасиз дарахтлар сифатларига тўхталиб ўтмоқдамиз. Халқимиз мевали ва мевасиз дарахтларни бирдай эъзозлаб, уларни заруратсиз кесиш гуноҳи азим, деб билади. Ҳатто, чинор, қайрағоч, тут каби айрим дарахтлар муқаддас саналиб, илоҳийлаштирилган.

Зеро, ота-боболаримиз ва момоларимиз “чинордай умр берсин”, “қайрағочнинг қарғишига қолма”, “шамшоддай қадди-қомат” ёки “бўйлари сарвдай” деган дуо ва панд-насихат ва ўхшатишлар бежиз айтилмаган.

Шу ўринда кундалик турмуш тарзида қўлланиладиган ёғоч буюмларининг инсон саломатлигига ижобий таъсир ўтказишини яна бир бор эслаб ўтишни мақсадга мувофиқ топдик. Маълумки, қадимда, яъни техника тараққий топган давргача одамлар жисмоний бақувват, руҳан тетик бўлиб, узоқ умр кўрганлар. Археологлар томонидан кўҳна қабристонлардан бирида топилган одам скелети тахминан 80–90 ёшлардаги инсонга тегишли бўлиб, унинг тишлари мустаҳкам ва бутунлиги тадқиқотчи мутахассисларнинг эътиборини тортди. Олимлар бунинг сири дарахт хосиятида деб билдилар. Чунки ўша даврларда ёғоч идиш-товоқ ва буюмлардан кенг фойдаланганлар. Замонавий тиббиёт мутахассислари томонидан эътироф этилаётган бу ҳақиқат негадир бугунги кунда эътиборимиздан четда қолмоқда.

Миллий ҳунармандларимиз томонидан ёнғоқ, тут, тол, заранг дарахтидан ясалган ёғоч коса ва қошиқ, ҳовонча, кели-келисоп, сават, тароқ каби буюмлар рўзгоримизга файзу барокат, тани-жонимизга тетиклик бағишлаши бор гап. Қолаверса, буюк аждодларимиз фойдаланган азалий буюмлар ҳар биримизнинг қалбимизда миллий ғурур, фахр-ифтихор туйғуларини ошириши шубҳасиз. Заранг коса, шамшод тароқ, тол човли деган сўзлар нутқимиздан тобора чиқиб бораётганлиги ҳам афсусланарли ҳол.

Жаннатмакон юртимизнинг табиати бетакрор, ўсимлик дунёси бой ва хилма-хил, яшаш олами мўъжи-



завий, ҳар бир гиёҳ ва дарахтнинг ўзига хос хислати ва хосияти бор. Халқимиз эъвозлаган дарахтлардан бири чинор – умрбоқий дарахт. Юртимизда “Чинор бобо”, “Чинори калон” деб ном олган минг йиллик чинорлар борки, улар нодир тарихий ёдгорлик ҳисобланади. Қадимда чинор дарахтларининг таги одамлар турли тадбирлар ўтказиладиган манзилгоҳ, кўнгилоҷар жой, чойхона бўлган.

Афсус билан қайд этиш лозимки, неча юз йиллик тарихий ёдгорликлар сирасига кирувчи кўҳна дарахтлар сони камайиб кетмоқда. Асрлар оша яшаб, беаёв аёз ва жазирамаларга дош бериб, бизгача омон етиб келган забардаст дарахтларнинг шафқатсиз кесилаётганини кўрган ҳар бир инсоннинг юраги зирқ этмай иложи йўқ. Бундай аянчли манзарага лоқайдлик ва эътиборсизлик эса ундан ҳам аянчли ҳол. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви ва бошқа турли сабабларга кўра, камайиб кетган ноёб дарахтларнинг ниҳолларини етиштириш, бугунги кундаги долзарб вазифадир.

Атмосферани тозалаш, кислород етказиб беришда арча дарахтига тенг келадиган ўсимлик бўлмаса керак. Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, 1 гектардаги игна баргли дарахтлар битта шаҳарчани тоза ҳаво билан таъминлаш қувватига эга.

Табиатда арча дарахтининг бир қанча турлари учрайди. Тоғларда шундай арчалар борки, алоҳида ўзига хос хусусиятлари сабабли “Чўпон арча” деб аталади.

Маҳаллий аҳолининг фикрига кўра, бу турдаги ҳар қайси арча бир қудуқ қийматига тенг келади – у қишда қорни, ёзда намликни сақлайди. Бундай арчалар жуда нодир бўлиб, ниҳоятда эъвозланади.

Қуйидаги қизиқарли маълумот ҳам арча дарахтининг серхосият эканлигидан далолат беради.

Ўзбек академиги А.Асқаровнинг узоқ йиллар олиб борган тадқиқотига кўра, бронза даврларида Шарқ аёлларининг безакларида арча сурати тасвирланган.

Аёлларнинг мангу ёшлик, латофатга бўлган интилишларини назарда тутадиган бўлсак, бунинг рамзий маъноси ўз-ўзидан аён бўлади. Ахир, арча дарахти абадий ҳаёт ва доимий яшариш рамзи-ку. Ўзбекистонда ҳозир ҳам икки минг

ёшдан ошган арча дарахтлари бор. Тарихий манбаларда ёзилишича, бу арчалар Александр Македонский юришидан олдин ҳам мавжуд бўлган.

Юртимиз бўйлаб кенг миқёсда олиб борилган ободончилик ишлари натижасида барча шаҳар ва қишлоқ марказларига турли хил арча кўчатлари экилди. Она табиатнинг бу нодир неъматини Ватанимиз кўркига кўрк қўшиш баробарида аҳолини тоза ҳаво билан таъминлашда ҳам



беқиёс роль ўйнайди. Истиқлол ёши билан тенг ям-яшил арчалар асрлар оша келажак авлодларга беминнат хизмат қилиши шубҳасиз.

Халқимизнинг ҳаёт тарзи дарахтлар билан шу қадар уйғунлашиб кетганки, ҳар бир дарахтнинг ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда аталиши замирида чуқур маъно-мазмун бор: сабр дарахти, мажнунтол, шумтол, туғдона, заранг, гужум ва ҳоказо.


Туғ – ялов, байроқ, дона эса дарахт маъносини билдиришини яхши биламиз. Лекин нима учун туғдона, яъни байроқ дарахт деб номланиши кўпчилигимизга номаълум.

Ривоят қилишларича, тоғ қўйнида жойлашган мамлакатларнинг бирига ёв юриш қилибди. Хабарчилар барча қишлоқ, овулни хатардан огоҳ этиб, жангга чорлайди. Одамлар шу атрофда ўсадиган дарахтлардан калтак ва чўқмор ясаб, ватан учун ҳаёт-мамонт жангига киради. Ҳатто, қариялар ва ёш болалар ҳам қўлларида дарахт новдаларини байроқ каби бошлари узра баланд кўтариб, ҳайқирганларича, жангчиларига мадад беришади. Биргалашиб ёвни бутунлай мағлуб этган эл, оғир кунларида мадад бўлган дарахтни эъзозлаб, туғдона – байроқ дарахт деб атайди. Туғдонанинг тош каби мустаҳкамлиги унинг хусусиятларидан биридир. Қадимда халқимиз муқаддас тутган бу дарахтдан ясалган кўз тумор, эгар-жабдуқ ва турли хил рўзғор буюмларидан жуда кўп йиллаб фойдаланиш мумкин бўлган. Туғдона дарахтининг ёғочидан йўниб ясалган дўмбиранинг тоза ва жарангдор товуши одамларга куч-ғайрат, шижоат, кўнгилларга ором бағишлаган. Тоғу тошлар орасида ўсувчи бу камёб дарахт ҳозирда йўқолиб кетиш хавфи остида. Бу ташвишли ҳолат бошқа серхосият дарахтларга ҳам дахлдор. Миллий бойлигимиз сифатида уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш долзарб масалалардан биридирки, токи дарахтларимиз ҳақида фақат афсоналар эмас, яшил олам ўз хусусиятларини йўқотмаган ҳолда буст-бутунлигича авлоддан авлодга етиб бораверсин.

Бугунги кунда экологик вазият бузилганлиги, она табиат тобора камбағаллашиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. БМТ манбаларида қайд этилишича, техник тараққиёт ривожланиб боргани сари, ўрмонларга салбий таъсир кучайиб бормоқда. Ҳар йили тахминан 13 миллион гектар ўрмон ер юзидан йўқолиб бораётганлиги дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Она сайёрамиз тақдири ўсимлик дунёси билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда дунёда халқаро ташкилотлар яшил ҳудуд ҳимояси учун оёққа турди. Мамлакатимизда ҳам бу борада кенг қамровли ишлар йўлга қўйилди. Давлатимиз томонидан она табиатни ва унинг бебаҳо неъматларини асраш ва муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Дарҳақиқат, ҳаётимиз яшил олам билан, атроф-муҳитнинг мусаффолиги, бир сўз билан айтганда, она табиатга бевосита боғлиқ экан, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш инсоний бурч ва виждон амрига айланмоғи керак.

Ф. Қорақулова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	----------------------	---	-----------------------	---	---------------

1. Ўзингизга ажратилган матн қисмининг мазмунини ёритиб берувчи 5-6та калит сўзлар танланг.
2. Калит сўзлар ёрдамида матннинг асосий ғоясини аниқланг.
3. Матнда қандай муаммолар кўтарилган?

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

4. Инсоннинг она табиат олдида қандай бурчлари бор?

	<i>Тақдимот</i>
---	-----------------

5. “Дарахтларнинг хусусиятлари” мавзусини постерда ёки слайд орқали синф олдида ҳимоя қилинг.



Билиб олинг!

1600 йилдан бери сайёрамизда 150 дан ортиқ ҳайвонлар (уларнинг ярми эса сўнгги 50 йил ичида) ер юзидан йўқ бўлиб кетди.

Ушбу ҳайвонлар, асосан, инсон айби билан ҳалок бўлган.



Билиб олинг!

Эганинг ифодаланиши

Эга бош келишида бўлиб, одатда қуйидагича ифодаланади.

1. От билан: Ёқимли шабада гул ҳидларини бутун ҳовлига таратди.
2. Олмош билан: Улар қўшимча дарсларга мунтазам қатнашадилар.
3. Отлашган сўзлар билан: Яхшига ёндош, ёмондан адаш.
4. Ибора билан: Онахоннинг юзига оёқ қўйиш бизнинг ахлоқимизда йўқ.



Ўқиш



Тинглаш

87-машқ.

“Биохилма-хиллик қай даражада инсон ҳаёти учун муҳим? Биохилма-хилликни сақлаб қолиш нима учун керак?” деган саволларга жавоб бериш бугунги кунда муҳим бўлиб, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш табиатдаги мувозанатни сақлаш, уни асраб-авайлашга ёрдам бериши, шубҳасиз. Биохилма-хиллик анча кенг тушунча бўлиб, у сайёрамизда мавжуд барча табиий тизимларни ўз ичига олади. Ушбу тушунчанинг уч даражаси фарқланиб, у ўз ичига барча ўсимликлар ва ҳайвонларнинг, шу жумладан турли бактериялар ва микроорганизмларнинг ранг-баранглиги; турлардаги генетик материалнинг ранг-баранглиги ва уларнинг ўртасидаги биохилма-хиллик; экологик тизимларнинг бойлигини қамраб олади.

Биохилма-хиллик мамлакатимизда халқнинг иқтисодий, эстетик, соғлиқни сақлашга оид ва маданий фаровонлигининг муҳим манбаи ҳисобланади. Аммо бутун дунёда биохилма-хиллик камайиб бораётгани, чунончи: ноёб генлар, турлар ва экологик тизимлар йўқ бўлиб кетаётгани мамлакатимизга ҳам таҳдид солмоқда. Бунинг сабаби битта – инсондир!!! Инсон ўзи яшаб турган муҳитни ўзгартириб юбориб, табиатдаги экотизимни издан чиқарди. Бугун йўқ бўлиб кетган турлар миқдори 65 миллион йил олдинги динозаврлар давридан бошлаб бутун тарих мобайнида йўқолган жониворларнинг турларидан кўпроқдир. Агарда биохилма-хиллик йўқолишининг ҳозирги тезлиги сақланиб қолса, одамларнинг табиий яшаш жойларини бузиш, ифлослаш, иқлимни ўзгартириш борасидаги ҳаракатлари натижасида сайёрамиздаги турларнинг ярми 100 йилдан ҳам камроқ вақт ичида йўқ бўлиб кетади. **Биохилма-хилликни сақлаб қолишда биоахлоқ зарур эмасмикан? Нима у – биоахлоқ?**



Савол ва топшириқлар



Гуруҳда ишлаш



Тақдимот

Юқоридаги маълумотлардан фойдаланиб, “Биохилма-хилликни сақлаб қолишда биоахлоқ зарур эмасмикан? Нима у – биоахлоқ?” саволлари ёрдамида гуруҳлараро ўзаро интервью суҳбатини амалга оширинг. Энг мазмунли суҳбатни синфга тақдим этинг. (Интервьюни танаффусда бошқа мактабдошларингиз ҳамда устозларингиздан олишингиз мумкин).

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	----------------------------	---	-------------	---	---------------

1. Интервью суҳбатини кузатиб бориб, ўзингизга ёққан мазмунли жавобни дафтарингизга қайд этиб боринг.
2. Нима учун ёққанлигини шарҳланг.
3. Гапларнинг бош бўлақларини аниқлаб, нима билан ифодаланганини кўрсатинг.




	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	-------------	---	---------------	---	-----------------------

88-машқ.

Қозоғистоннинг ўсимлик олами жуда бой ва хилма-хилдир. Бизни ҳамма жойда ана шу ажойиб ўсимликлар ўраб олганлигини кўрамиз. Қумли, соз тупроқли ва шағалли сувсиз чўлларда, дарёларнинг сув босадиган қайирларида, улкан тоғ тизмаларда ўсимликларнинг 6 мингдан ортиқ тури тарқалган. Инсон ерларни ўзлаштириб табиатни ўзгартирмоқда. Бу эса кўп ўсимликлар турининг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. Қозоғистонда ўсадиган ўсимликларнинг 375 дан ортиқ тури «Қизил китоб»га киритилмаган. Демак, уларни бутунлай кўпайиб кетишдан сақлаш керак. Бу биздан табиатни эҳтиёт қилишни ва ҳимоясига олишни талаб қилмайди.

Ушбу ўсимликлар жуда ҳам нозик, шунинг учун уларни сақлашга алоҳида эътибор бермаслик лозим.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>
---	----------------------

1. Матндаги ғализ тузилган жумлаларни аниқлаб, мантиқий хатоларини тузатинг. Сўнгра матн мазмунини давом эттиринг. Мақол ва шеърлардан фойдаланишингиз мумкин.
2. Матнни кўчириб ёзиб, синтактик таҳлил қилинг.



Ўқиш



Тинглаш

89-машқ.

Дунё ишларидан безиб мен гоҳо,
Юрагим чекканда озор-азият.
Чиқиб кетгим келар бағрингга танҳо,
Юпанчим бўласан ўзинг, табиат.

Юксак тоғларингнинг қошида бесас,
Ўйларга толаман – сокин, улуғвор.
Мовий сойларингга термилсам бирпас,
Тарқайди дилимдан кудурат, ғубор.

Яйдоқ қирларингда кезиб елвагай,
Ловуллаган кўксим совутсам дейман.
Қабир чинорларинг остида қушдай,
Толиққан кўнглимни овутсам дейман.

Тортинчоқ чечакка дуч келиб бирдан
Худди дўст топгандек кўзга суларман.
Болалик сирдошим гиёҳлар билан
Қулф-дилим очилиб суҳбат қуларман.

Табиат, сен бунча танти ва буюк,
Табиат, сен бунча содда, бокира!
Сенинг кошонангда нифоқ-низо йўқ,
Хусуматни билмас даргоҳинг сира.

Сенда беғараздир сафдош дарахтлар,
Ёбонингда гуллар ҳусн талашар.
Бари бир-бирларин суяр, ардоқлар,
Зинҳор бир-бирига завол тилашмас.

О, улуғ табиат – мўътабар хилқат,
Боқий удумларинг зикр этдим бир он.
Сен сўнгсиз фараҳга ёр эдинг, фақат,
Бузди ҳаловатинг таъмакор инсон.

Ахир, каж тафаккур, кибр, юҳо нафс,
Олдида ожиздир уммон ҳам, тоғ ҳам.






Бу кун коинот ҳам топди-ку шикаст,
Заҳарга йўғрилди тошу тупроқ ҳам.

Аммо сен исёнлар қилмайсан нечун –
Ютарсан ҳар қачон ичга қаҳрингни?!
Ахир, онасан-да – фарзандинг учун
Очмоқчи бўласан мудом бағрингни.

Табиат, сен – мангу таскин ҳам шифо,
Инсонга ўзингни тутмагансан ёт.
Лекин қачон кенглик топиб бу дунё,
Сендан ибрат олиб яшар одамзод.

М. Мирзо



	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>

Шеърдан фойдаланиб, “Энг яхши муҳаррир” танловини ўтказинг. Қуйидагича шартларини бажаринг.

1. Шеър мазмунини шарҳланг. Шеърдаги услубий нуқсонни аниқланг. Ҳикояга айлантириб, қисқача мазмунини дафтарга ёзинг.
2. Шеърдан хоҳлаган тўртликни танлаб, матни устида ишланг, ундаги от, сифат, олмош туркумларига оид сўзларни ажратиб, уларга маънодош ва уядош сўзлар танланг.
3. Шеърдаги асосий мазмун ва ғоя, бўғин ва қофияни сақлаган ҳолда от, сифат, олмош ва феълларни бошқа муқобиллари-маънодошлари билан алмаштириб кўринг.
4. Сиз қайта ишлаган, таҳрир қилган нусхаси нима учун муаллифникидан афзалроқ деб ўйлайсиз?

Ғолибни аниқлаш усуллари:

- таҳрир ва таҳлил қилиниб, қайта ишланган тўртликни интерфаол тахтада кўрсатиб, муҳокамага ташлаш;
- танқидчи ўқувчиларнинг таклиф ва тавсияларини танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқиш;
- “Энг яхши таҳрир қилинган тўртлик” деб эътироф қилинган назмий матн муҳарририни рағбатлантириш.

Намуна:

Дунё ишларидан бешиб мен гоҳо,
Юрагим чекканда озор-азият.
Чиқиб кетгим келар бағрингга танҳо,
Юпанчим бўласан ўзинг, табиат.

*Олам ташвишидан безиб мен баъзан,
Қалбим чекканида жабру ситам.
Кетиб қолгим келар қаршингга якка,
Овунчим бўласан, табиат – онам.*

*Чарх гавзоларидан безиб мен гоҳо,
Кўнглим қийналганда кўриб уқубат.
Югуриб боргим келар ўзинг қил парво,
Қувончим бўл менга, она табиат!*



Ўқиш

90-машқ.

ЧИНОР

Қадим чинор бор эди. Унга “Давлат томонидан муҳофаза қилинади” деган тахтача осиб қўйилган эди. У жуда улкан, шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб кетган, ёз бўйи болаларга, қиш бўйи қушларга ошён бўларди. Бир куни ўша атрофга кўп қаватли турар жой бинолари қуриладиган бўлди. Паст-баланд уйлар бузилиб, катта-кичик дарахтлар кесилиб кетди. Бино қурилиши тўғри улкан чинорга қараб келарди. “Наҳотки чинор ҳам кесилиб кетса” деган ҳадик уйғонди барчада. Аммо чинор кесилмади. Бинони ундан қочиришди. Бир куни узун нарвонли машиналарда арра кўтарган кишилар келиб, чинор атрофидан роса айланишди. Болалар хавотирга тушиб қолишди.




- Чинорни кесишмоқчи.
- Кесолмайди.
- Нимага кесолмайди?
- Унинг тахтачаси бор.





Бу Равшан деган бола эди. У мактабга бориб, ҳарф таниб, тахтачадаги сўзларни илк бора ҳижжалаб ўқиган эди. У ҳозир 3-синфда ўқияпти. Уч йилдан бери чинорни ҳимоя қиладиган одамни кутади. У келмайди. У чинорга ариқда сув олиб келиши керак. Сувсизликдан чинор қурияпти. Арра кўтариб келганлар бирдан тахтачадаги ёзувни ўқиб, иккиланиб қолишди...

Э. Малик

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>		
	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>		<p><i>Муҳокама қилиш</i></p>

1. Воқеалар ривожини олдиндан мўлжаллаб, маттни давом эттиринг.
2. Арра кўтариб келганлар нега бирдан тахтачадаги ёзувни ўқиб, иккиланиб қолишди?
3. Чинор дарахтининг қандай хусусиятлари бор?



Якка тартибда ишлаш



Ёзиш

3. Сўнги хатбошини кўчириб ёзиб, синтактик таҳлил қилинг.
4. Маҳаллий турар жойингиздаги чинорларнинг ёши билан қизиққанмисиз?
5. Дарахтларнинг ёшини қандай билса бўлади?




Тақдимот

6. Қўшимча манбалардан фойдаланиб, чинор ҳақида тақдимот тайёрлаб келинг ҳамда синфга тақдим этинг.



Билиб олинг!





Ўқиш



Тинглаш



Сўзлаш

91-машқ.

Қозоғистоннинг “Қизил китоби”га киритилган жониворлар алоҳида ҳимояга муҳтож. Бу ҳайвонларнинг жуда камёб ва бетакрор турлари бўлиб, уларнинг йўқ бўлиб кетиши бутун ҳайвонот дунёси учун ҳалокатлидир. Китобга қор қоплони, манул, қизил бўри, гепард, жайрон, тўқай кийиги, қўнғир айиқ ва бошқа ҳайвонлар киритилган. Тўқай кийиги кийикларнинг 8 кенжа турларидан бири бўлиб, чўлда яшаш имкониятига эга, табиий муҳитда яшовчи тури эса уларни тўғрима-тўғри қириш натижасида йўқ қилинди.

Қизил китобнинг сўнгги маълумотларига таянсақ, гепард ҳам йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Уларнинг миқдори ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ






хамда гепардни энди бизнинг юртимизда учратиш мумкин эмаслиги тахмин қилинмоқда.

Уларнинг камёб бўлиб боришининг асосий сабаби қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, шу билан бирга, гепарднинг браконьер(ўғринча овчи)лар томонидан таъқиб этилишидадир.

Турон йўлбарси ҳозирги вақтга қадар қирилиб кетди. У нафақат Ўрта Осиё, балки Каспийнинг шарқий ва жанубий қирғоқ бўйлари – Кавказорти ва Эронни макон этган. Амударё, Сирдарё, Вахш, Панж, Мурғоб **дарёлари** ҳамда Балхаш кўли бўйларида кўпроқ учрар эди. 2019 йилда Қозоғистонда йўлбарс популяциясини тиклаш мақсадида Или дарёси ва Балхаш кўлининг жанубий қирғоқ бўйларида Миллий қўриқхона ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Қозоғистон “Қизил китоби”га архар (ёки тоғ эчкиси) ҳам киритилган. Қоратов, Тянь-Шань, Жунғор Олатови, Тарбағатай, Саур, Жанубий Олтой, Чу-Или тоғлари ва Қозоғистон ясси тоғ эчкиларининг асосий маконидир. Ҳозирги вақтда архарлар сони кўпайиб бормоқда. Ўғринча овлаш оқибатида Қозоғистоннинг жуда кўп қушлари ҳам қирилиб кетиш хавфи остида турибди.

(Муаллифлар таржимаси)

	<i>Савол ва топшириқлар</i>		
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>



“Қизил китоб”га хос хусусиятларни **“Кластер”** усули орқали тасвирланг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

1. Матн мазмунини очувчи 5 та таянч сўзлар топинг.
2. Жониворларнинг қирилиб кетиш сабаби нимада?
3. Шу сўзлар иштирокида 5та гап тузинг. Тузган гапларингизда **кимни?** ва **нимани?** сўроқларига жавоб бўладиган сўзларнинг тагига чизинг. Вазифасини аниқланг.



Билиб олинг!

Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб, унга бошқарув йўли билан боғланган бўлак **тўлдирувчи** дейилади.

Тўлдирувчи кўпинча кесимга боғланади. Меҳнатга ҳам зафарга ўзингиз ўргатдингиз. (Зулфия)

Тўлдирувчи икки хил бўлади:

1. Воситасиз тўлдирувчи.
2. Воситали тўлдирувчи.

Воситасиз тўлдирувчи **кимни?, нимани?, қаерни?** сўроқларига жавоб бўлиб, қўйидагича ифодаланади.

1. От ва олмош билан: Ҳамма нарсани биламан деган одам ҳеч нарсани билмайди! (Ў.Ҳошимов)
2. Отлашган сўзлар билан: Бўлинганни бўри ер. (Мақол)
3. Ибора билан: Отасининг ундан юз ўгиришини истамади.



Ўқиш



Тинглаш

92-машқ.



Инсон истайдими, йўқми – табиат билан бир тану вужуд ҳисобланади. Инсон табиат билан ҳам қалбан, ҳам жисман боғланган. Ҳатто, чирмаб, чандиб боғланган.

Табиатдаги ўзгаришлар, турли ҳодисалар инсоннинг ақлига, ҳиссиётига ва танасига кучли таъсир қилади. Масалан, чақмоқ чақса қўрқиб кетасиз; илиқ ёмғир ёғса, қалбингизда романтик кайфият уйғонади; зилзила,

сув тошқини ёхуд бўрон бўлса, ваҳимага тушасиз; осмондаги булут тарқамай тураверса, юрак сиқилиб кетади. Табиат ва руҳият бунчалик бир-бирига сирдош бўлмаса!

Аслини олиб қараганда, инсон жисми табиат тилини тушунмайди.

Келинг, таҳлил қиламиз.

Инсон фаровон яшашни истади. Тоғларни портлатди – тилла олди. Ерни ўйди – нефть қазиди. Океанга кирди – уни заҳарлади. Ўрмонни кесди – ҳавони “ўлдирди”. Ҳайвонларни қирди, қушларни отди, балиқларни қовурди – хуллас, вужуди ором олиши учун табиатнинг доду фарёдини эшитмади.


Аммо инсон қалби табиат тилини тушунади. Табиатнинг жони оғриганини хис қилади. Инсон қалби ва руҳи билан ёлғиз қолганида табиат бағрига чиқиб кетгиси келади.

Қизиқ ҳақиқат: инсон нафсига қул бўлгани сайин табиатни ҳалок қилади. Инсон маънавий жиҳатдан юксалгани сайин табиатни асраб-авайлайди.

Жисм истаги билан табиатга зарба берган инсоннинг жисми бугун озурда.

Энди у тоза қалб билангина табиатни қутқариши мумкин...

(Интернет манбаларидан)

	Савол ва топшириқлар
---	-----------------------------

	Жуфтликда ишлаш		Мулоқот
---	------------------------	---	----------------

1. “Инсон истайдими, йўқми – табиат билан бир тану вужуд ҳисобланади” деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?
2. Матндан фойдаланиб, табиатнинг инсонга таъсири ҳақида фикрларингиз билан ўртоқлашинг.

	Якка тартибда ишлаш		Ёзиш
---	----------------------------	---	-------------

1. Ёта таянч сўз топинг ва шу таянч сўзлар қатнашган гапларингиздаги тўлдирувчиларнинг тагига чизинг.
2. “Тоза қалб билангина табиатни қутқариш мумкинми?” мавзусида эссе ёзинг.

- ❖ Юмронқозиқ бир кечада 76 метр туннел қазиши мумкин.
- ❖ Чувалчангнинг тишлари 25 мингга яқин холос.
- ❖ Ерда яшаган барча ҳайвонларнинг 99%-и инсоният томонидан йўқ қилинган.
- ❖ Асалари 1 килограмм асал йиғиш учун 2 миллиондан ортиқ гулга қўниши керак.
- ❖ Пингвинлар 1,5 метрга сакрай олади.
- ❖ Шимпанзелар ўзини кўзгуда таний оладиган ягона ҳайвон ҳисобланади.
- ❖ Африкадаги баъзи қабилаларнинг тилида “орангутанг” сўзи “жунглидан келган одам” маъносини беради.
- ❖ Энг узоқ вақт сувсиз юра оладиган жонзот — каламуш.
- ❖ Бегемотлар сув остида дунёга келади.
- ❖ Орангутанглар юзага келаётган хавф ҳақида олдиндан хабар беради.
- ❖ Нил дарёсидаги тимсоҳлар туфайли ҳар йили 1000 дан ортиқ инсон ҳалок бўлади.
- ❖ Туяқушнинг тухумини қайнатиш учун 4 соат вақт керак бўлади.
- ❖ Шерлар галасида ўлжанинг 90%ини урғочи шерлар топиб келади.
- ❖ Колибри (қуш) юра олмайди.
- ❖ Мушукнинг бош суяги фақат тепа ва пастга ҳаракатланади. Итларнинг бош суяги эса тўрт тарафга ҳаракатлана олади.
- ❖ Жирафа туғилган заҳоти ҳаётдан оладиган илк таассуроти — 2 метр баландликдан боши билан қулаш.
- ❖ Африка туяқушининг 15 сантиметрлик тухуми 1,8 килограмм келади.
- ❖ Ялқов (ҳайвон) умрининг 75%ини уйқуда ўтказади.
- ❖ Урғочи гепардлар кийикнинг боласини тутиб келиб, болаларига ов қилишни ўргатишда кўргазмали қурол сифатида фойдаланади.
- ❖ Ўтхўр ҳайвондан йиртқич ҳайвонни фарқлашнинг энг осон йўли: йиртқичларда кўзлар ўз қурбонини кўриш учун юзнинг олд томонида жойлашган бўлади, ўтхўрларда эса юзининг икки четида — ўз душманларини кўриш учун.
- ❖ Кўршапалак — уча оладиган ягона сўт эмизувчи жонзот.
- ❖ Одам ва филлар — боши билан тура оладиган ягона сўт эмизувчилардир.
- ❖ Тимсоҳлар сув остига чуқурроқ шўнғиш учун оғир тошларни ютиб юборади.
- ❖ Қутб айиқлари 40 км/соат тезликда югура олади.

(С.Ҳошимова)

ҚАЧОН ЁМҒИР ЁҒАДИ?

- ❖ Агар Қуёш қора булутлар орасига ботса, ёғингарчилик бўлади.
- ❖ Агар Қуёш ботишдаги шафақ тилла-сарғиш бўлса, эртасига ҳаво очиқ бўлади.
- ❖ Турналар барвақт учиб келса, баҳор одатдагидан эрта бошланади. Турналар рақсга тушса кун исийди, улар қичқирса, ёмғир ёғади. Агар кузда баланд учса, куз давом этиши табиийдир.
- ❖ Ёғингарчилик олдидан товуқлар тупроққа ағанаб, қанотини қоқаверади.
- ❖ Хўрознинг кечки пайт, яъни бемаҳал қичқариши об-ҳаво ўзгаришидан далолатдир.
- ❖ Ўрдак ва ғозлар тумшукларини қанотлари остига беркитишса, совуқ бўлишини билдиради.
- ❖ Ўрдакларнинг қанот қоқиб патларини тозалаши ёмғирдан дарак беради.
- ❖ Қалдирғочлар ёмғир олдидан пастлаб уча бошлайди.
- ❖ Эрталабки шафақ қизил рангли бўлса ва ботаётган Қуёш қизғиш кўринса, кечаси момақалди роқ бўлишини кутиш лозим.
- ❖ Кундузи момақалди роқ кузатилса, лекин кечки шафақ зарҳал рангли бўлса, кечаси ёмғир ёғмайди.
- ❖ Йилнинг очиқ ва иссиқ кунларида эрталаб Қуёш чиққандан кейин осмонда юқори тўп-тўп булут ҳосил бўлиб, у тез катталаша бошласа ва баланд пахта хирмони шаклини олса, кечга яқин момақалди роқ бўлиб, жала қуйишини кутинг.

(Жасурбек Тожибоев)



Ёдда сақланг!

Воситали тўлдирувчи **кимга?, нимага?, кимда?, нимада?, кимдан?, нимадан?, ким ҳақида?, нима ҳақида?, ким билан?, нима билан?** каби сўроқларига жавоб бўлади.

Воситали тўлдирувчи кўпинча келишиқ қўшимчали ёки кўмакчили бўлиб, қуйидагича ифодаланади.

1. От ва олмош билан: Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик. (Мақол) Беҳруз сен билан кетган эдимми?
2. Отлашган сўзлар билан: Қўрққанга қўша кўринар (Мақол).
3. Ибора билан: Оғзи бўшга ишонма.



Ўқиш



Тинглаш



Сўзлаш

93-машқ.

Бедананинг “вит” дегани – қочгани.

Бўрининг озиғи – бурнида.

Зағизғон соғлигидан ўлмас, суқлигидан ўлар.

Зағизғон чақиб тўқ бўлмас.

Зағча сигирдан қўрқмас.

Итда жиян йўқ,

Бақада – қайин.

Итдан суяк ортмас,

Мушукдан – без.

От – йигитнинг йўлдоши.

От – йигитнинг қаноти.

От олсанг, ҳўкиз қориндан ол,

Ҳўкиз олсанг, от қориндан ол.

Тишини кўргунча, ишини кўр.

Той отга етказар,

От – муродга.

Тойни той деб хўрлама,

Эрта-индин от бўлар.

Тоғ бўрисиз бўлмас,

Тўқай арслонсиз бўлмас.

Тоғига қараб қулони,

Сувиға қараб – илони.

Туя тўпиғи ҳам тўпиқ,


Қўй тўпиғи ҳам тўпиқ.

Туя силкинса, эшакка юк чиқар.

Тўнғизни ботқоқда бос.

Чопқир от – ўткир пичоқ.

Қарға келди – қиш келди.



1. Берилган мақолларнинг маъносини шарҳланг. Синфга тақдим этинг.
2. Тире қўлланган гапларни изоҳланг.
3. Мақоллардан бирортасини танлаб, унинг мазмунини ёритувчи расм чизиб, “Қим топқир?” гуруҳлараро беллашувини ўтказинг.



94-машқ.



Бағримда қуруқликдаги жониворларнинг 80 фоизи яшайди, сиз инсонларнинг 1,6 миллиард нафарининг ҳаёти менга тўғридан-тўғри боғлиқ. Одамлар кундалик даромадининг 80 фоизи менинг маҳсулотларимдан олинади. Мени “Ернинг ўпкаси” дейишади. Бир вақтлар қуруқлик юзасининг 60 фоизини қоплаб олгандим, бироқ ҳозир бу майдоннинг учдан бири қолган, холос. Қимлигимни билган бўлсангиз керак.

Ҳа, мен бу – Ўрмонман. Мен шунча йил, шунча вақт яшаб сиздек очофат, нафси ўпқон мавжудотни сира кўрмаганман. Менинг нақ ярмимни еб битирдингиз. Лекин шу ҳолимда ҳам сиз учун жуда керакман. Иқтисодий ҳисоб-китобларингизга кўра, мендан олинadиган маҳсулотларнинг қиймати 330 миллиард АҚШ долларида зиёддир. Ҳозир ҳам экологларнинг огоҳлантиришларига қарамай, кўзларингизга фақат ёғочларим, меваларим, доривор ўсимликларим ва остимдаги унумдор тупроқлар кўринмоқда. Бироқ мен ҳавони мусаффо

қиламан, сувни фильтрлаб, уни тозалайман, тупроқни эрозиядан, ҳавони эса исиб кетишидан сақлайман. Бу ишларимни олимларингиз триллион долларга баҳолашган. Сизлар эса мени ҳали ҳам йўқ қилишга, кесиб, фақат кундаларимни қолдиришга ҳаракат қилмоқдасиз.

Аммо дарахтларим сиз учун оддийгина хом-ашё эмас, билиб қўйинг. Мендаги дарахтлар табиий кондиционерлар бўлиб, уларнинг айримлари кунига 350 литр сувни тупроқдан олиб ҳавога буғлатади, натижада ҳаво ҳарорати 3 даражача пасаяди. Буғланиш жараёни, шунингдек ёгин миқдори ва намликка ҳам таъсир қилади. Агар Амазонка ўрмонларини тўлиқ кесиб ташлашга муваффақ бўлсангиз, Жанубий Америкада ёгин-сочин 20 фоизгача камаяди ва дунё иқлимида ҳам салбий ўзгаришларга сабаб бўлади. Бунинг исботи бор. Африкадаги Килиманжаро тоғи атрофидаги ўрмонларнинг майдонини одамлар қисқартирганлиги туфайли ҳаво намлиги ва ёгин-сочин камайди, натижада тоғ чўққисидаги музликлар деярли эриб кетди. Ҳиндистон ва Бангладеш ҳудудидаги Сундарбан мангрозорлари қирғоқларни эрозиядан сақлайди, денгиз тўфонларидан ҳимоя қилади, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналаридан келаётган оқова сувларни тутиб қолиб, уларни тозалайди, денгиз балиқлари ва майда жониворларини бошпана ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаб, сизнинг оқсилга бўлган эҳтиёжингизни қондиради. Аммо мангрозорлар сиздан энг кўп азият чекаётган ўрмонлардир. Мангрозорларни тозалаб туристлар учун меҳмонхона ва дам олиш жойлари қурыпсиз. Яқин келажакда мангро ўрмонларини кесиш оқибатида олдини олиб бўлмас экологик фожеалар келиб чиқишини ўйлаб ҳам кўраётганингиз йўқ. Мен ўз бағримда 1 триллиондан зиёд карбонат ангидридни тўплай оламан. Ҳа, Ер сайёрасида сизлар тўхтовсиз кўпаймоқдасиз. Урушлар, касалликлар ва табиий офатлар ҳам сизни тўхтата олмаяпти. Нафсингизни тийишни ҳеч ўйламайпсиз. Қишлоқ хўжалигингиз учун менинг дарахтларимини ёқиб юборяпсизлар, бу ҳолни айниқса, Бразилиядаги соя плантацияларида ва Индонезиядаги пальмазорлар мисолида кўриш мумкин. Бразилиядаги соя плантацияларидаги аксарият экинлар ёқилғи учун ўстирилади. Қандай мантиқсизлик! Бир олимнинг гапи эсимда, у Индонезиянинг Борнео оролидаги пальма плантацияси олдида туриб, “кўзларимга ишонгим келмайди, бу Ерда аввал ҳар квадрат километрда 250 хил дарахт ўсарди, бу бутун Буюк Британиядаги ўсимликлардан ҳам кўп, энди эса



унинг ўрнида фақатгина битта дарахт – пальмалар экилган”, деган эди. Пальмадан олинадиган ёғ озиқ-овқат саноати ва парфюмерия ишлаб чиқаришда ишлатилади. Бу ҳам майли, шу Ердаги дарахтларимдан бой мамлакатлардаги қариндошларингиз (ахир ҳаммангиз битта ота-онадан тарқалгансиз) учун бир марта ишлатилган сочиқ ва ҳожатхона қоғози тайёрлашда фойдаланар экансиз! Қандай

дахшат! Ахир Борнео дунёдаги хилма-хил мавжудотлар макони-ку. Уларнинг ҳаёти нима бўлади? Наҳотки, улар сиздек фикрлай олмагани учун осонгина эҳтиёжингиз қурбонларига айланишса?! Тўғри-да, улар “тўхта” дея олмайди...

Ўрмонларни тозалашнинг осон усулини топиб олгансиз – ёқиш. Дарахтлар танасида карбонат ангидрид ва шунга ўхшаш, сиз учун заҳарли моддаларни тўплайди. Улар кесилганда ёки ёқилганда бағирда бор заҳар атмосферага кўтарилади. Исиб бораётган сайёрангизни янада аланга ичида қолдирмоқдасиз. 2015 йили жануби-шарқий Осиёда жуда катта ўрмон ёнғини туфайли ҳавони тутун қоплади. Индонезия, Таиланд, Малайзия ва Вьетнам осмонини бир неча ой тутун тарқ этмади. Бир кун шундай бўлиши аён эди. Компаниялар камбағалларга мўмайгина пул таклиф қилиб, ерларни ўрмонлардан тозалатишмоқда. Ўзлари эса четда қараб туришибди. Аммо бу ерлардан ҳам унумли фойдалана олмаяпсиз. Тупроғини заҳарлаб, уни тезда яроқсиз ҳолга келтирмоқдасиз. Биргина мисол, қоғозга бўлган талабингиз тинмай ўсиб бормоқда, яна ўша индонезияликлар бу эҳтиёжни қоплаш учун ҳотамтойлик қилиб, эвкалипт дарахтларини экишмоқда. Улар тез етилади, лекин бегона жойда ўсса, ўша ернинг тупроғини заҳарлайди. Айнан эвкалипт экилган жойда бошқа ўсимлик кўкармайди.


Биласиз... мендан жуда кўплаб азим дарёлар оқиб ўтади. Улардан олиниши мумкин бўлган электр қуввати оромингизни ўғирлаган. Биргина Амазонка дарёсида аллақачон 400 та тўғон қуришга улгургансизлар, яна ҳали бошқаларини бемалол лойиҳалаштиряпсизлар. Уларнинг аксари эса мегатўғонлардир. Ҳиндихитой ярим-оролидаги кўпчилик маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи Меконг дарёсига боғлиқ, аммо Лаос ҳукумати у Ерда ҳам улкан тўғон қуриш ниятида. Агар тўғон қурилса, сув сатҳи камаяди, дарахтлар қурий бошлайди ва одамларнинг ҳаёти оғирлашади. Оқибатини билиб турибсиз, лекин ...

Бир вақтлар инсон келмасидан аввал деярли бутун Европани қоплаб олгандим. Ҳозир эса... ортга қараб фақат ҳўнграб йиғлагим келади, холос. Африкадаги тропик ўрмонларим жангари ва қочоқларга тўла, улардан жониворлар азият чекишмоқда. Улар бу Ерда ҳам тижоратни бошлаб юборишган: ноқонуний дарахт кесиш, ноёб ҳайвонларни тутиб сотиш ва қимматбаҳо металлларни қазиб олиш, кейин уларни арзонроқ пуллаш. Шундай кемаларингиз борки, унга бутун бошли ўрмонни жойлаш мумкин. Ҳар йили мени Греция деб аталувчи мамлакат майдонига тенг миқдорда еб боряпсиз. Афсуски, менинг тупроғим остида сиз учун фойдали маъданлар: нефть, газ, алюминий ва олтин каби металллар бор. Канадада Атабаска дарёси бўйида нефть қум билан аралашган. Бу қумдан нефтни ажратиш учун катта қувват, сув ва маблағ талаб этилади. Шуни ҳам уддаладингиз, қойил! Ва... бунини инсон ақл-заковатининг ютуғи деб мақтанаяпсиз. У Ердаги заводдан чиқаётган заҳарли олтингугурт дарахтларимни қуришиб юбормоқда.

Эй одамзот! Ўзингизда яхшигина мақол бор: “Ўтирган шохингга болта урма”. Аммо ҳозирда сизнинг табиатга, менга нисбатан хатти-ҳаракатларингиз айнан ўз илдизингизга болта уришдан бошқа нарса эмас. Ўз фарзандларингизга, авлодингизга нимани қолдираяпсиз? Ям-яшил ўрмонларини ёки кесилган дарахт тўнкаларидан иборат яйдоқ чўлними? Ҳар бир дарахт ўзидан чиқарадиган кис-

лородга бой ҳавоними ёки ўпкаларингизга наштардек ботиб, тирнайдиган, нафас олишга қўймайдиган заҳарланган тутунними? Ўйлаб кўринг. Озгина вақтингиз қолди. Кейин кеч бўлади.

С. Абдураимов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

1. Матнни ўқиб, сарлавҳа қўйинг ва мазмунини қайта ҳикоя қилинг, уни ўзингиз 3–4 жумла билан давом эттиришга уриниб кўринг.
2. Матннинг асосий ғоясини, унинг тезисини аниқланг.
3. Матнда қандай факт ва далиллар келтирилган?
4. Ўқилган матннинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда ўзининг аниқ далил ва қарашларини ифодаловчи саволлар тузинг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	------------------------	---	-------------

4. Ўрмон нидосига жавобан газетага мақола тайёрланг.

	<i>Мулоқот</i>		<i>Сўзлаш</i>
--	----------------	--	---------------

5. “*Елпигич*” усули орқали очиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.



Билиб олинг!

Аниқловчи

Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки бир нарса-буюмнинг бошқасига қарашли эканини билдирган бўлак аниқловчи дейилади.

Масалан: Тоғ лоласи манзарали гулли ўсимликка киради.

Аниқловчи

1. Сифатловчи-аниқловчи.

2. Қаратқич-аниқловчи.

VI БЎЛИМ

АТРОФДАГИ ОЛАМ ВА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ



МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ИНСОНИЯТНИ ҚУТҚАРАДИ.

1

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

5 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ




Ўқиш



Тинглаш

95-машқ.

Ҳар бир бола бу дунёнинг гўзаллигини табиат орқали англайди. Айнан бу турфа олам унинг таассуротларини камалакнинг барча ранглари билан бойтади, турли болалар эртақларининг сюжетлари унга табиатни асрашни, ҳайвонлар ва ўсимликларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргатади. Бола мактабга янги билимлар олгани келганда болалар ва атроф-муҳит ўртасидаги бу нозик риштани узиб юбормаслик жуда муҳим...



Савол ва топшириқлар



Якка тартибда ишлаш



Ёзиш

1. Матн нима ҳақда? Эта таянч сўз белгиланг. Шу таянч сўзлар ёрдамида матнни давом эттиринг.



Муҳокама қилиш



Ёзиш

2. Атроф-муҳит нима? Унинг инсонга қандай алоқаси бор? Уни кимдан ёхуд нимадан муҳофаза қилиш керак? Нима учун?
 3. Қандай?, қайси?, қанча?, нечанчи?, неча?, қаердаги? каби сўроқларга жавоб бўладиган сўзларни ушбу жадвалга туширинг.

Қандай?	Қайси?	Қанча?	Нечанчи?	Неча?	Қаердаги?



Муҳокама қилиш




Гуруҳда ишлаш



Сўзлаш

3. “Ақлий ҳужум”. Гап бўлақларининг ўрни бузилса, қандай ҳодиса юз беради?



Тинглаш

4. “Табиат” сўзини “Ассоциация” усули орқали тасвирланг.





Ўқиш



Сўзлаш

96-машқ.


Она табиатга одилонга муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, келажак авлодга табиат бойликларини бус-бутун етказиш, глобал экологик инқирозга йўл қўймаслик — инсоният олдидаги долзарб вазифалардан бири.

1972 йили 5 июнда Стокгольм шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экологик масалаларга бағишланган конференциясида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шундан буён ҳар йили дунёнинг қатор давлатларида 5 июнь — **Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини сифатида нишонланади** ва бу сана муносабати билан турли тадбирлар, кўрик-танловлар, боғ яратиш, ободонлаштириш акцияларини ўтказиш яхши анъанага айланди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бетакрор табиатимиз ва ундаги биохилма-хилликни асрашда, бу борадаги экологик қонунчиликни ривожлантиришда Конституциямиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.


Н. Қосимова



	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

1. Инсоният олдидаги долзарб вазифалар яна нималардан иборат?
2. Флора ва фауна олами деганни қандай тушунасиз? Венн диаграммаси орқали ёритинг.





	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	---------------	---	----------------

3. *Тадқиқот иши.* Турар жойингизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан қандай тадбирлар ўтказилади? Берилган расмларни изоҳланг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

4. Матндан сифатловчи-аниқловчиларни топинг.
5. Ўзи билан боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

97-машқ.

Инсоният юксак мақсадлар сари интилаётган, тараққиёт йўлидан жадал илдамлаётган бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида глобал экологик муаммоларни ҳал этишдек жиддий вазифа турибди. Экологик инқироз, атмосферанинг ифлосланиши – иссиқхона эффекти, озон қатламининг емирилиши, дунё океанининг ифлосланиши, тупроқ унумдор қатламининг йўқолиб бориши, тропик ўрмонларнинг кесилиши, чўлланиш, чучук сув манбаларининг камайиши, ердаги биохилма-хилликнинг камайиши, маиший чиқиндиларнинг кўпайиши, кимё-



вий ва токсин моддаларни зарарсизлантириш, иқлим ўзгариши аллақачон бир давлат чегарасидан чиқиб, том маънода глобал экологик муаммоларга айланди.

Хўш, экология нима? Нега атроф-муҳит муаммолари айнан ана шу тушунча билан ифодаланади?


Экология (юн. Oikos – уй, турар-жой ва ... логия) – организмдан ҳар хил даражада юқори турадиган системалар; популяциялар, биоценозлар, биогеоценозлар (экосистемалар) ва биосферанинг тузилиши, уларда кечадиган жараёнларни ўрганадиган биология фанлари мажмуи. Экология ўрганадиган объектларига кўра, умумий ва хусусий экологияга ажратилади.

“Экология” атамасини 1866 йили немис олими Эрнст Геккель организмларнинг атроф-муҳит билан ифодалаш учун таклиф этган. Экологиянинг фан сифатида юзага чиқиши XVIII–XIX асрларда яшаган натуралистлар ва географларнинг ишлари билан боғлиқ.

Бугунги кунда экология – организмларни ўзаро ва атроф-муҳит билан бўлган муносабатларини ўрганадиган фан. Инсониятни кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва сайёрамизда камайиб кетаётган имкониятлари ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриш, табиатни муҳофаза қилиш учун ҳар биримиз экологик билимларга эга бўлмоғимиз зарур. Экологик таълим ва билим табиат муҳофаза-сидаги муаммоларни ечиш усули сифатида халқаро миқёсда тан олинди.

Сайёрамиз келажаги ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданиятига боғлиқ. Глобал экологик муаммоларни давлатлараро ва дунё миқёсида биргаликда ечиш мумкин, аммо яшаб турган жойининг экологиясини яхшилаш ҳар бир инсон вазифасидир. Экологик маданиятни одамлар онгига сингдириш – келажак авлод соғлигини сақлаш гаровидир.

Н. Қосимова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-----------------------	---	----------------------	---	----------------

1. Экология қандай фан? Ушбу саволга жавобни “Ассоциация” усули орқали ёритинг.



2. Экология фанини ўрганишнинг қандай фойдаси бор?
3. “Атроф-муҳит билан муносабатимиз қандай?” мавзусида газетага мақола ёзинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	---------------	---	-------------

4. Берилган гаплардан сифатловчи-аниқловчиларни топинг. Аниқловчиларга сўроқ бериб, унга боғланиб келган сўзлар билан кўчиринг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

98-машқ.

21 МАРТ – УМУМЖАҲОН КУРРАИ ЗАМИН КУНИ







Умумий уйимиз бўлган курраи замин инсониятни қанча сийлагани сайин, бунга жавобан биз инсонлар унга фақат азият етказмоқдамиз. Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, биологик хилма-хилликни сақлашга қанчалик ҳаракат қилинмасин, айрим одамларда экологик онг ва маданият етишмаслиги сабабли табиатга озор бериш ҳамон давом этмоқда. Жумладан, турли ёқилғилардан фойдаланиш туфайли сайёрамизда йилига бир неча милли-

ард тонна кислород беҳуда сарф бўлаётгани, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ва чучук сувларнинг аксарият қисми ўзлаштирилгани, ўрмон билан қопланган майдонлар йилдан-йилга камайиб, чўл зоналарининг майдони ортиб бораётгани ташвишли ҳолдир.

21 март – Умумжаҳон курраи замин куни деб эълон қилинишига ҳам глобал экологик муаммолар сабаб бўлди. Экологик муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш – соғлом ва фаровон ҳаёт кечирish имконини берибгина қолмай, она сайёрамиз жозибасини сақлаб, тириклик учун яроқсиз бўлиб қолишдан асрайди. Мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиий атроф-муҳитни асраб-авайлаб, келгуси авлод учун соф ҳолда етказиш борасида муҳим йўналишлар белгилаб олинмоқда...

Г. Менгзияева

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	---------------	---	-------------

1. Матн нима ҳақда? Матннинг тезисини аниқланг.
2. Нима учун инсоният табиатга озор беради? Сабабини аниқланг. Фикрингизни ёзма равишда ёки расм орқали ифодалашингиз мумкин.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------	---	----------------	---	-------------

3. **Тадқиқот иши.** Нима учун табиий ресурслардан оқилона фойдаланишимиз керак? Табиий ресурсларни суистеъмол қилиш оқибати нималарга олиб келиши мумкин? Далиллар келтиринг.

Сифатловчи-аниқловчи **қандай?, қайси?, қанча?, нечанчи?, неча?, қаердаги?** каби сўроқларга жавоб бўлади.

Сифатловчи томонидан аниқланган бўлак сифатланмиш деб юритилади. Сифатловчи ва сифатланмиш битишув йўли билан боғланади, масалан: Ҳисобли дўст айрилмас. (мақол)

Сифатловчи-аниқловчи қуйидагича ифодаланади:

1. Сифат, сон, олмош, сифатдош билан: Бекмурод **20-мактабда** ўқийди. Равшанбек **ювилган, артилган машина** олдида дадасига кулимсираб қараб турарди.
2. От билан: **Асфальт йўлдан** машиналар ғиз-ғиз ўтиб туради.
3. Ибора билан: Жасминанинг қизиқ хангомалар эшитганда **оғзи очилиб қоладиган** одати бор.



Ўқиш




Матнолди топшириқлар

99-машқ.

Матнни хатбошиларга бўлиб ўқинг.

БИОСФЕРА –ЕРНИНГ ҲАЁТ ҚОБИҒИ

Табиат ҳақида билимлар, ҳаёт асосини билиш ўзликни англашга, атроф-муҳит билан ҳамоҳангликда яшашга имкон беради. Ернинг бир неча қобиғи мавжуд бўлиб, шулардан асосийси биосферадир. Биосфера (юн. биос – ҳаёт, сфера – шар) – таркиби, тузилиши ва энергияси тирик организмлар томонидан аниқланган Ернинг қобиғи, тирик организмлар яшайдиган, улар фаолияти натижасида тинмай ўзгарадиган сайёрамиз қобиғининг бир қисмидир. Биосфера тушунчасини фанга биринчи бўлиб австриялик геолог олим Е.Зюсс 1875 йилда киритган. Биосфера ҳақидаги тўлиқ таълимотни рус олими В.И. Вернадский яратди ва ривожлантирди. Биосферанинг юқори қатлами баландликда, атмос-



феранинг қуйи қатлами тропосферада жойлашган. Бу оралиқда қуёш нурлари энергияси таъсирида кислород озонга айланади ва озон экрани ҳосил бўлади. У тирик организмга кўп миқдорда зарарли таъсир кўрсатувчи космик ва ультра-бинафша нурларининг асосий қисмини Ер юзасига ўтказмайди.

Сайёрамизда яшайдиган ҳамма тирик организмларнинг йиғиндиси биосферанинг тирик моддасини ташкил қилади. Биосферадаги тирик моддаларнинг умумий массаси биомасса дейилади. Ҳозирги даврда Ерда яшайдиган ўсимликларнинг 500 мингга яқини, ҳайвонларнинг 1,5 миллиондан ортиқ тури аниқланган. Шуларнинг 93%и қуруқликда, 7%и сувда яшайди. Қуруқликда ўсимликлар умумий биомассанинг 99 фоиздан ортигини ташкил этади. Ҳайвонлар биомассаси эса 1 фоиздан ҳам камроқ.

Океанлар биомассасининг асосий қисмини (93,7%) зообиомасса ташкил этади. Қутблардан экваторгача биомасса миқдори ва турлар хилма-хиллиги, ҳаёт зичлиги ортиб боради. Сув биосферанинг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, тирик организмларнинг яшаши учун энг зарур омиллардан бири ҳисобланади. Организмлар ҳаёти учун зарур бўлган кислород ва карбонат ангидрид газлари сувда яхши эрийди. Сувдаги ҳайвонлар нафас олиши жараёнида карбонат ангидрид ажратади, ўсимликлар эса фотозинтез натижасида сувни кислород билан бойитади.

Ерда моддаларнинг даврий айланишини таъминловчи бирдан бир манба қуёш энергиясидир. Яшил ўсимликлар қуёш энергияси таъсирида анорганик моддалардан органик моддаларни синтезлайди. Бошқа организмлар (гетеротрофлар) эса бу моддаларни парчалайди.

Инсоннинг биосферага таъсирининг бошланиши неолит даврига тўғри келади. Инсоният тарихининг дастлабки босқичларида унинг табиатга таъсири унча сезиларли бўлмаган, у табиатдан нимани олса, уни табиатга қайтарган. Биосферадаги моддаларнинг биотик даврий айланишини бузмаган. Аста-секин инсоннинг табиатга таъсири кучайиб борди. Бутун тарих давомида инсоният ўз меҳнат фаолияти билан атроф-муҳитдан иложи борича кўпроқ ва тез фойда олишга ҳаракат қилиб келди. Табиий ресурслар тобора камайиб кетмоқда. Кўп-лаб ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари йўқолиб кетди. Муҳит саноат, турмуш чиқиндилари, заҳарли кимёвий моддалар томонидан ифлосланмоқда ва заҳарланмоқда. Табиий экосистемалар, кўллар, ўрмонлар йўқолмоқда. Биосферадаги бундай ноқулай ўзгаришлар ўсимликлар ва ҳайвонот оламига, инсоннинг ўзига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда.

Суғориш ва саноат корхоналари учун сувдан исрофгарчилик билан фойдаланиш кичик дарёларнинг қуриб, йирикларининг сувини кескин камайиб кетишига олиб келмоқда. Бундай аянчли ҳодисаларнинг типик мисоли Орол денгизи муаммосидир. Минерал ўғитларнинг, чорвачилик чиқиндилари ва канализациянинг сув ҳавзаларига қўшилиши сувда азот ва фосфорнинг ортиб кетишига, сувўтларининг кўпайиши, кислород заҳираси камайиши натижасида сувдаги ҳайвонлар, айниқса, балиқларнинг қирилиб кетишига олиб келди.

Табиатни муҳофаза қилиш – табиат бойликларидан рационал, оқилона фойдаланиш демакдир. Бу эса табиатнинг хилма-хиллигини ўз ҳолатида сақлашга, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга олиб келади. Биосферани сақлашда табиий бойликлардан тежаб фойдаланадиган саноат ва қишлоқ хўжалиги технологиясига ўтиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун:

1. Қазиб олинadиган табиат бойликларидан тўлиқ фойдаланиш.

2. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қайта фойдаланиш, чиқиндисиз технологияни ривожлантириш.

3. Энергия олишнинг экологик тоза манбаларидан – қуёш, шамол, океанлар кинетик энергиясидан, Ерсти иссиқ сувлари энергиясидан фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.


Айниқса, чиқиндисиз технология катта самара беради. Бунинг учун ёпиқ циклларда ишлайдиган технологияни йўлга қўйиш керак.


Бизнинг вазифамиз узоқ йиллар эволюция жараёнида етиб келган ҳамма тирик организмларни сақлаб қолишдир. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида 1971 йили Халқаро “Биосфера ва инсон” дастури (МАБ) қабул қилинган. Бу дастурнинг асосий вазифаси ҳозирги даврдаги инсон хўжалик фаолиятининг келажакда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқлаш, биосфера бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишдир. Табиат томонидан яратилган бойликларни асраш ва кўпайтириш, биосферани муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Буни унутмаслигимиз лозим.

Ж. Даданова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>				
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>

1. Ҳар бир хатбоши мазмунини ёритиб берувчи таянч сўзларни белгиланг. Нима учун биосфера ҳаёт қобиғи ҳисобланади? Унинг тирик организмлар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сўзланг.
2. Биосферанинг қатламларини жадвалга жойлаштиринг.



	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

3. “*Елпигич*” усули асосида очиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.

4. Табиатни муҳофаза қилиш деганда нимани тушунасиз? Фикрингизни далилланг.




	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Тақдимот</i>
---	----------------------	---	-----------------

5. “Зарарли деб ҳисобланган турлар вақт ўтиши билан фойдали бўлиб қолиши мумкин”. Матндаги ушбу жумла устида *тадқиқот иши* юргизинг. Синфда тақдимот ўтказинг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
--	----------------------------	--	-------------

4. *Кимнинг?* ва *ниманинг?* сўроғига жавоб бўладиган сўзларни дафтарингизга ёзиб олинг. Қандай сўзлар билан боғланган? Уларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	----------------	---	---------------

100-машқ.

Матни овоз чиқариб ифодали ўқинг.

ҚУЁШ ИБОДАТИ

Биз қуёшга сиғинамиз
Безавол нурга.
Учқур унинг тулпорлари.
Қачон қуёш нур таратар,
Қачон илитадир, қуёш
Қойим турар юз минг адад
Маъбудлар...



Танлайдилар бахтин шундан маъбудалар,
 Қутлуғ мазда халқ айлаган бу заминга
 Оламларга нур этадир бахш
 Ҳақиқатга шудур ривож”.

“Авесто”дан

Офтоб дегани Ердан анчайин узоқда, ўзини-ўзи куйдириб ёндириб портлаб, порлаб яшайди. Қуёш замин фарзандларига масъул. Эҳтимолки, унинг еттиқат самога ҳам масъуллиги бордир. Жумла-жаҳонни асрамоқ унгагина хос.

Қадим ривоятда айтилишича, Қуёш кун бўйи заминни ёритиб, иситиб бор меҳрини бериб бани-башар зурриёдларини парвариш қилар, ҳаётни кузатар, наслий одамзотнинг оқибатсиз қилмишидан озорланиб, ҳориб-чарчаб этагига қайтар, яратганга узрини айтиб илтижо қилар экан:


– Аё ҳақ, амри фармони билан ич-ичимдан ёниб куррайи заминни ёритгани ҳар куни чиқаман. Бандаларинг қилмишидан бадтар куйиб кетяпман.

Яхшиси ҳақнинг жавобини кўринг:

– Эрта тонгда чиқиб баланд тоғ ортидан заминга боқ. Охирги бир бандам танҳо қолиб ибодатимга чоғланаётган бўлса, ўша итоаткор бандам учун ҳар кунги одатингни қанда қилмайсан. Бор ибодатингни қил.

Энг улуғ ибодат – Қуёш ибодати. Йўлингдан адашма, айланай Қуёш! Тескари томондан чиқишингга ҳали анча бор. Ҳали яхшилар кўп, уларни кўриб, кўрмасликка олма!

Ғ. Раҳмон

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	----------------

1. Матнинг асосий ғоясини аниқланг. Тезисини топинг. Матнинг тури қандай?
2. “*Ақлий ҳужум*”. “*Бандаларинг қилмишидан бадтар куйиб кетяпман*” деган илтижода нима ифода этилган? Қуёш нимадан шикоят этяпти?
3. Охирги абзацларни шарҳланг.

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

4. “Энг улуғ ибодат – Қуёш ибодати” мавзусида эссе ёзинг.
5. “*Иссиқ ўриндиқ*” усули асосида очиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.





Ўқиш



Сўзлаш

101-машқ.

“ЯШИЛ ҚУРИЛИШ” ЁХУД ЮРТИМИЗНИ БЎСТОНГА АЙЛАНТИРАЙЛИК”

Юртимизда она табиат жонланиб, дов-дарахтлар уйғонмоқда, яшил майсалар ял-ял товланиб, оламга хушбўй ифтор таратиб, кўклам шукуҳи кезмоқда.

Ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлар, боғ-роғлар, далаларда тозалик ва ободонлаштириш, теварак-атрофдаги дарахтларга шакл бериш, оқлаш, йўл, ариқ ва лотокларни тозалаш, чиқиндиларни белгиланган жойга ташиб кетиш ишларини амалга ошириш халқимизнинг баҳор ойларида амалга оширадиган эзгу ишларидандир. Бу халқимиз орасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш учун хизмат қилади.

“Яшил қурилиш” – шаҳарсозликни белгиланган архитектура-қурилиш меъёрлари ҳамда санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ кўкаламзор-



лаштириш ишлари билан уйғунликда олиб бориш жараёни бўлиб, бунда бир қанча масалаларга ижодкорона ҳолда ёндашиш талаб этилади. “Яшил қурилиш” ҳар хил тупроқ – иқлим шароитига мос равишда боғ ва хиёбонларни яратиш, архитектура – қурилиш иншоотлари, сув ҳавзалари, йўллар, майдончалар, ландшафтларга мос равишда ўсимлик турларини оптималлаштириш ва гуруҳлаш ҳамда уларни экиб парвариш қилиш ишларини ўз ичига олади. Шаҳарсозликда кўкаламзорлаштириш масалаларини малакали равишда ҳал этиш учун мутахассислар қурилиш, биология, экология, агротехнология, яшил экинзорларни лойиҳалаш, уларни яхши ҳолатда сақлаш учун олиб бориладиган асосий ишлар кўлами бўйича чуқур илмий ва амалий билимга эга бўлишлари лозим бўлади.

Шаҳарларда кўкаламзорлаштириш майдонларини ташкил қилишда шу ернинг иқлимига мос маҳаллий дарахтларни ҳамда уларни пропорционал равишда экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шаҳарларда айниқса, транспорт воситалари кўп қатнайдиган йўл ёқаларида мевали дарахтларни экиш тавсия қилинмайди. Сабаби мевали дарахтлар вояга етиб мева берганида атмосферага чиқарилган зарарли газлар (азот оксидлари, олтингугурт оксидлари, оғир металллар ва ҳ.)дан тўйинган меваларни истеъмол қилиш натижасида инсон организмида ҳар хил касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундан ташқари ўсимлик навларини чет элдан олиб келтирилишида жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш талаб этилади. Сабаби чет элдан кириб келаётган ўсимлик танасида ўша ерга хос бўлган зараркунандаларни ҳам олиб кириш эҳтимоли жуда катта бўлади. Бунинг оқибатида маҳаллий ўсимликлар чет кириб келган зараркунандаларнинг салбий таъсирига учраши мумкин.

Яна бир масала ҳар йили куз ва баҳор мавсумида мамлакатимиз бўйлаб катта маблағлар эвазига миллионлаб манзарали ва мевали кўчатлар экилади. Лекин уларнинг кўпчилиги эътиборсизлик ва қаровсизлик натижасида қуриб қолади.

Дарҳақиқат, яшил дарахтзорлар атмосфера ҳавосини кислород билан бойитиш ва заҳарли газлардан тозалашнинг ягона воситаси сифатида экотизим барқарорлигини таъминлашда хизмат қилади. **Ботаник олимларнинг маълумотларига кўра, фотосинтез жараёнида бир гектар ердаги яшил экинзорлар 200 нафар одамнинг нафас олишига етарли бўлган кислородни ишлаб чиқариш билан бир қаторда, бир соат мобайнида ҳаводаги 8 кг карбонат ангидридни ўзлаштиради. Бошқача айтганда, шаҳарда бир инсон нафас олиши учун зарур бўлган мўътадил ҳаво таркибини 50м² майдондаги яшил экинзорлар таъминлаб беради.** Лекин атмосферада карбонат ангидриднинг аксарият қисми тарқалиб кетади ва кўп бўлмаган қисмигина яшил экинзорлар томонидан ўзлаштирилади. Дарахт ва бута турларининг газ-ҳаво алмашинувидаги роли бир хил эмас. Агар оддий арча дарахтининг ҳавони тозалаш самарасини 100% деб олсак, унда қарағай 164%, йирик баргли жўкада 254%, эманда 450%, Берлин терагида 691% ни ташкил қилади.




Маълумки, ота-боболаримизда жуда ҳам ибратли удумлар бўлганки, улардан ибрат олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, бир оилада фарзанд дунёга келганда унга атаб 10 дона терак экишган. Фарзанд вояга етгунига қадар терак атмосферани зарарли газлардан тозаловчи фильтр вазифасини ўтаган бўлса, кейинчалик қурилиш хом ашёси сифатида фойдаланилган.

Шундан келиб чиқиб, кўкаламзорлаштириш мавсумида ҳудудларга кўпроқ мевали, манзарали дарахт, гул кўчатлари экиш давр талабидир. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолиси 17 млн.дан ортиб кетди. Ҳар бир инсон номидан 10тадан кўчат экилса, жами 170 млн кўчат экилади. Бу ўз навбатида маҳалларимизга фэйз бағишловчи янги боғлар барпо этилишига олиб келиши билан биргаликда аҳолимиз саломатлигини яхшилашга, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига ҳамда ҳудудлар иқлимини мўътадил сақлашга ҳам хизмат қилади.


Мухтасар қилиб айтганда, атроф-муҳит мусаффолиги йўлида кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасидаги тадбирларни ташкил этишда барчамиз муносиб улушимизни қўшишимиз лозим.

Ф. Қуватов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------	---	-----------------------	---	----------------

1. Атроф-муҳит мусавволигини асраш учун биз қандай ишлар қилишимиз даркор?
Жадвални тўлдилинг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	----------------------------	---	---------------

2. “Табиатга хиёнат қилмаслик даркор!” жумласига шарҳ беринг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>
---	------------------------	---	----------------

3. *Тадқиқот иши.* Қандай ўйлайсиз, нега дарахт ва бута турларининг газ-ҳаво ал-машинувидаги роли бир хил эмас?

	<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	---------------	---	-------------

4. Ота-боболаримиздан қолган атроф-муҳитни ҳимоя қиладиган яна қандай ибратли удумларни биласиз?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

5. Матндан қаратқич-аниқловчили гапларни териб ёзинг.



Ёдда сақланг!

Қаратқич-аниқловчи **кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?** сўроқларига жавоб бўлади.

Қаратқич томонидан аниқланган бўлак қаралмиш деб юритилади. Қаратқич қаралмиш билан мослашув йўли билан бирикади: Одамнинг қўли чўлни бўстон қилади.

Қаратқич-аниқловчи, одатда, қўйидагича ифодаланади:

1. Қаратқич келишиқдаги от, олмош билан: Шохиста йигитнинг сўзларини диққат билан тинглади.
2. Қаратқич келишиқдаги отлашган сўзлар билан: Бахилнинг кўнгли – доғ, сахийнинг кўнгли – тоғ. (Мақол) Саксоннинг ярми – қирқ. Бетга айтганнинг захри йўқ. (Мақол) Олмоқнинг бермоғи бор. (Мақол)
3. Ибора билан: Оғзи бўшнинг ичида гап ётмас.



Билиб олинг!

Қаратқич-аниқловчи қўшимчасиз ҳам қўлланади, масалан: ота-онанинг мажлиси, трамвай парки, болалар хонаси.

Баъзан қаратқич бўлмай, фақат қаралмишнинг ўзи ишлатилади. Бунда қаралмишдан қаратқич билиниб туради, масалан: Бизнинг боғимиз катта. – Боғимиз катта.

Изоҳловчи изоҳловчининг бир кўриниши бўлиб, бунда изоҳловчи от бошқа бир отни изоҳлайди. Изоҳловчи изоҳлаган от изоҳланмиш бўлади, масалан:



Мухандис Саидкаримов ишдан кеч қайтди.

Ўшатиш маънони билдирган изоҳловчи билан изоҳланмиш орасига чизиқча қўйилади: Она-Ватан, она-юрт.

*Ўқиш**Сўзлаш***102-машқ.****ЭКСПО-2017: “КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ”**

Қозоғистоннинг Астана шаҳрида “Экспо-2017” Халқаро кўрғазмаси ўтказилди.

Кўрғазманинг асосий мақсади дунё бўйича тикланмайдиган энергия ресурслари йил сайин қисқариб бораётган бир пайтда муқобил энергия манбалари ва улар асосида ишлайдиган техника ва технологияларни кенг жамоатчиликка тақдим этишдан иборат. Кўрғазма доирасида экология ва атроф-муҳитга жиддий зарар етказмайдиган, “яшил иқтисодиёт” тамойилига асосланган ғоялар, ўз-ўзини электр қуввати билан таъминловчи бинолар, электромобиллар ва биоёқилғи билан ишлайдиган автомашиналар ва бошқа кўплаб илм-фан ва техника “мўъжизалари” намойиш қилинди.





	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>
--	------------------------------------

	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>		<p><i>Муҳокама қилиш</i></p>		<p><i>Тинглаш</i></p>
--	-----------------------------	--	------------------------------	--	-----------------------

1. Матни ўқиб, жупликда муҳокама қилинг ва биргаликда расмларга асосланиб, ижодий давом эттиринг ва ҳикоя ёзинг.
2. «ЭКСПО-2017» Халқаро кўргазмаси қандай мақсадларда ўтказилди?





3. ЭКСПО-нинг тимсоллари қандай маъно англатишини биласизми?

	<p><i>Якка тартибда ишлаш</i></p>		<p><i>Ёзиш</i></p>
---	-----------------------------------	---	--------------------

4. “Оқилнинг олти қалпоғи” усули орқали ЭКСПО-ни баҳолаб, дафтарингизга ёзинг.



5. *Қаерга?*, *қаерда?* сўроқларига жавоб берадиган сўزلарни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

	<p><i>Видеолавҳа томоша қилиш</i></p>		<p><i>Сўзлаш</i></p>
---	---------------------------------------	---	----------------------

ЭКСПО – Халқаро кўرғазмалар тарихидан.

“Қозоғистон. ЭКСПО-гача уч йил” Интернет манбаларидан фойдаланиб, ҳужжатли фильм томоша қилинг.



Ўқиш



Сўзлаш

103-машқ.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ЗАРУРИЙ ЭҲТИЁЖМИ?

Хориж тажрибаси

Муқобил энергия тушунчаси фанда ўтган асрнинг бошларида қўлланила бошланди. Жаҳонда биринчилардан бўлиб ундан Япония, Германия ва бошқа давлатларда кенг фойдаланила бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири мазкур давлатларда ёқилғи қазилма бойликларининг деярли йўқлигидир. 2011 йилда Японияда бўлган табиий офат натижасида атом электр станциялари ҳамда йирик тўғонлардан фойдаланган ҳолда электр энергия олишдан воз кечилиб, энергия олишнинг муқобил йўлларига ўтила бошланди.

Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда у ёки бу давлатнинг барқарор ривожланиши учун энергетика тармоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоғига узвий боғлиқ бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг учун ҳар бир давлат мазкур соҳада қонунчилик базасини яратиб, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш тизимини йўлга қўймоғи лозим. Статистик маълумотларга кўра, ҳозиргача 80 га яқин мамлакатда муқобил энергия манбалари соҳасида миллий қонунчилик яратилган. Айниқса, сўнгги ўн йилликда мазкур соҳада Австралия, Австрия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Дания, Эстония, Чехия, Франция, Германия, Ирландия, Жанубий Корея, Нидерландия, Португалия, Сингапур, Швеция, Швейцария, АҚШ, Ҳиндистон ва Монголия каби мамлакатларда тегишли қонунлар қабул қилинган ҳамда амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. 50 дан ортиқ



давлатда қонун йўли билан давлат, бизнес ва нодавлат сектор эътиборини мазкур соҳага қаратиш, муқобил энергия манбаларининг ривожини учун давлат томонидан рағбатлантирувчи чораларни кўриш, субсидиялар сиёсатини қўллашга нисбатан муносабат шаклланган. Масалан, Хитойда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, қайта тикланувчи энергия манбани, хусусан, қуёш ва шамол энергиясидан олинган электр манбаини умуммиллий

электр тамроқларига улаш назарда тутилган. Бу давлатда қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида бир қатор имтиёзлар белгиланган. 2020 йилга бориб бу ерда мазкур манбадан олинган энергия ҳажми 15 фоизга етказилиши мўлжалланган. Амалдаги қатор қонунчиликка биноан, кўриладиган чоралар натижасида Европа Иттифоқида 2020 йилда қайта тикланувчи энергия манбаи соҳасида 2,8 млн.та иш ўрни яратилиши, қайта тикланувчи энергия индустриясининг иттифоқ ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 1,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Ҳар бир давлат муқобил энергия манбаи йўналишида ўз фаолиятини олиб боради. Масалан, Исландия геотермик, яъни ер бағридаги иссиқликдан энергия манбаи сифатида фойдаланиш борасида кенг салоҳиятга эга бўлса, Италия ва Испания қуёш энергиясидан фойдаланишда бир қатор устунликларга эга. Айниқса, Испанияда 2005 йилда Қуёш Ордонанси қабул қилинганидан сўнг, ушбу соҳада шиддат билан ўсиш кузатилмоқда. Дания ва Германия шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Европа Иттифоқида етакчилик қилишмоқда. 2008 йилда Еврокомиссия томонидан чиқарилган хулосага кўра, ушбу иттифоққа кираувчи аксарият мамлакатлардаги соҳани рағбатлантириш ва субсидиялар бериш сиёсатини жорий этиш муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Н. Қосимова





Савол ва топшириқлар

1. Муқобил энергиянинг маъносини **“Кластер”** усули орқали ёритинг.

2. **Тадқиқот иши.**

1. Бизнинг давлатимизда муқобил энергиянинг қай турларидан кенг фойдаланилади?
2. Қандай эҳтиёж эвазига муқобил энергия пайдо бўлган?
3. Ўқилган матннинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда ўзингизнинг аниқ далил ва қарашларингизни ифодаловчи саволлар тузинг.
4. **Қандай?, қай тарзда?** сўроқларидан бирига жавоб бўладиган сўзларнинг тагига чизинг.




	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

104-машқ.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ИНСОНИЯТНИ ҚУТҚАРАДИ

Буларга:

- энергетика тизими учун ишлаётган кичик гидроэлектр станциялар;
- энергетика тизимига уланган шамол генераторлари;
- иссиқлик ишлаб чиқариш учун табиий газ ўрнини босувчи ва қўшимча маҳсулот сифатида ўғит ишлаб чиқарадиган биогаз қурилмалари;
- электр энергиясини тармоқдан ташқари (мустақил) ишлаб чиқариш учун қуёш фотоэлектр тизимлари;
- **шаҳар маиший истеъмолчиларига** иссиқ сув ишлаб чиқариш учун алоҳида газ қозонлари ўрнини босадиган қуёш сув иситгич қурилмалари;
- шаҳар маиший истеъмолчилари учун алоҳида иссиқлик электр иситгичлар ўрнини босадиган қуёш сув иситгич қурилмалари;
- **қишлоқ маиший истеъмолчилари** учун (жамоат ҳаммомлари ва душхоналар) **иссиқ сув ишлаб чиқаришда** ўтин ёқиш ўрнини босадиган қуёш сув иситгич қурилмалари киради.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ўқиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------------	---	-------------	---	----------------

1. “Т-жадвал” усули. Жадвални тўлдириг.



<i>Муқобил энергия</i>	
<i>Афзаллиги</i>	<i>Камчилиги</i>

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------



2. Матн мазмунини ёритувчи икки-уч жумла билан фикрингизни ёзма равишда баён этинг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

3. Ажратилган сўз бирикмаларига изоҳ беринг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

4. *Тадқиқот иши.* Муқобил энергия инсониятни нимадан қутқаради?

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

105-машқ.



ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКАСИ

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида шамол энергетикасидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Голландия, Германия, Франция, Данияда шамол генераторлари ишлаб чиқарилаётган электр қувватини 80 фоизгача етказиб беради. Юртимизнинг кўпгина ҳудудларида доимий шамол эсишини инобатга олиб, шамол энергетикасидан фойдаланиш мумкин. Қозоғистонда биринчи шамол электр станцияси 2011 йилда Жамбул вилоятида ишга туширилди. Станция қуввати каттагина қишлоқни ёруғлик билан таъминлаш имконига эга. 55 метрли мачта билан иш юритиш учун фақатгина икки нафар ишчи талаб этилди, холос. Электр қуввати эса 50 хонадонни ёруғлик билан таъминлади. Бу ерда деярли йил бўйи шамол эсади. Жудаям кучли. Йил давомида 250 кун шамол эсиши – илмий-тадқиқот натижаси. Аммо асосийси – 20 метрли мосламани айлантира олиши зарур бўлган шамол тезлиги. Ушбу жойни экологик хавфсиз ва муқобил электр энергияси ҳақида сўз чиққандан бери бир неча йил давомида ўрганишган. Қўрдай лойиҳаси – энергия манбанинг тикланиш объекти. Бу Қозоғистондаги дастлабки шамол электр станцияси бўлиб, ҳудудда ягона энергетика тармоғига уланди.



Қайта тикланаётган энергия манбаи бу – шамол, қуёш, сув. Бу абадий энергия захираси. Кўмир, газ ёки нефть захиралари ҳақида сўз юритилганда, 50, 100 йил – бир асрдан ортиқ эмас вақт назарда тутилади. Шунинг учун қозоғистонлик олимлар тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш фикрини маъқуллашади. Юртбошининг ўзи ҳам бу ҳақда энергетикларга топшириқлар берди.



	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	---------------	---	----------------

1. Матнни ўқинг ва “Соябон” усули кўмагида мазмунини қайта ҳикоя қилинг.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	----------------------------

2. Матн тезисини топинг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

3. Абадий энергия захираси деган жумлани қандай тушунасиз?

4. Муқобил энергиядан фойдаланиш учун сизнинг яшаш жойингизда қандай тадбирлар қўлга олинаётганини биласизми?

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

5. Матндан иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилаётганини билдирувчи сўзларни топинг ва уларга савол беринг.




Ёдда сақланг!

Кесимга боғланиб, унинг белгисини билдирган бўлак ҳол дейилади.

Ҳол гапнинг бошқа бўлаклари сингари сўз ва иборалар билан ифодаланади:

Уйга меҳмонлар аста-секин кира бошлади. Ҳамма кўтаринки кайфиятда эди.

	Ўқиш		Сўзлаш
---	------	---	--------

106-машқ.

БИОГАЗ

Шимкент шаҳридан олима Бўтакўз Муталиева ва унинг ҳамкасблари йирик қорамол гўнғидан биогаз ишлаб чиқариш бўйича ўзига хос технология лойиҳалаштиришди. Биогаз билан биноларни иситиш ва ҳаттоки электр энергияси олиш мумкин экан.


Ҳозирги кунда бутун дунё иссиқлик манбалари ҳақида бош қотирмоқда. Мамлакатимизнинг ғарбий ҳудудида газ қазиб олиш оқибати сунъий зилзилага сабаб бўлмоқдаки, бу сейсмологларни ташвишлантирмоқда.

Бугунги кунда БМТТД ҳамкорлигида мамлакатимизнинг қатор ҳудудлари, ўрнатилган биогаз қурилмалари нафақат фермер хўжаликларидан чиқаётган чиқиндилардан халос бўлиш, балки улар асосида фойдаланиш учун 100 фоиз яроқли бўлган биогаз ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бундай технология учун вазият таҳлили, агар ишлаб чиқарилган ўғитнинг ҳар бир тоннаси 25 АҚШ долларидан сотилса, ушбу технологияларнинг молиявий жиҳатдан ишлаш қобилияти талабларига жавоб беради (харажатни қоплаш муддати 3 йил). Ҳолбуки, ишлаб чиқарилган ўғитнинг 25 фоизи ушбу тахминий нархда сотилса, харажатни қоплаш муддати 6-7 йилни, агарда ўғит сотилмаса, харажатни қоплаш муддати тахминан 30 йилни ташкил этади.

ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР ТИЗИМЛАРИ




Қуёш фотоэлектр тизимлари электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг энг қиммат усули бўлишига қарамай, улардан энергия тизими билан қамраб олинмаган қишлоқ туманларида фойдаланиш мумкин. Қуёш фотоэлектр тизимлари уйлар сийрак жойлашган қишлоқлар учун электр энергиясини ишлаб чиқариш учун дизель ёки бензинда ишлайдиган электр генераторларидан фойдаланишга қараганда арзон тушади.

Қишлоқ жойларни энергия билан таъминлаш бўйича танланган услубга қарамай (органик ёқилғида ишлайдиган двигатель, қуёш фотоэлектр тизими, микрогидроэлектрстанцияси) ушбу технологияларнинг қишлоқ аҳолиси учун арзон нархларда сотилиши асосий молиявий масала ҳисобланади.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------


1. Қандай ўйлайсиз, биогаз ишлаб чиқариш иссиқлик манбаининг ўрнини босарми-кан?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------------	---	---------------	---	----------------

3. “Ақлий ҳужум”. Агар сизнинг турар жойингизда электр энергияси танқислиги юз берса, қайси энергия туридан фойдаланган бўлардингиз?

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

4. Матндан *қаерга?*, *қаерда?* сўроғига жавоб берадиган сўзларни топиб ёзинг. Матнларнинг қайси услубга хослигини аниқланг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
--	-------------	--	---------------

107-машқ.

ҚУЁШ СУВ ИСИТГИЧ ПАНЕЛЛАРИ

Қайта тикланадиган энергетиканинг энг самарали шакли бу қуёш сув иситгич панеллари бўлиб, улардан кенг фойдаланилмоқда. Янги бинони барпо этишда қуёш сув иситгич тизими қурилмасини бир йўла ўрнатиш нархи сезиларли даражада паст бўлади.

Шу ўринда бугунги кунда ривожланган мамлакатларда қурилаётган “фаол” уйлар лойиҳасини кўриб чиқсак. Мазкур уйлар энергия қувватини кам истеъмол қилиши ва экологик жиҳатдан тоза бўлиб, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги билан истеъмолчиларга маъқул келмоқда.


“ФАОЛ” УЙЛАР ҚУВВАТНИ ТЕЖАЙДИ

“Фаол” уй қувватни табиатдан, муқобил энергия манбаларидан олади. Қувват йўқотилишининг олдини олиш учун унда “ақлли” ва “пассив” уйларнинг энг яхши технологиялари қўлланилган.

Бундай уйларни яратиш илк мартаба америкалик архитектор Фрэнк Лойд Райтга тегишли бўлиб, у “органик архитектура” деб ном олган қурилишнинг янги йўналишига асос солди. Аммо органик архитектура аллергик касалликларнинг кўпайиши натижасида экологик жиҳатдан тоза бўлган материаллардан қурилган уйларга бўлган талабни оширди. “Фаол” уйни қуриш, аввало, ҳудудни, яъни унинг рельефи, иқлими, ҳавонинг таркибини ўрганишдан бошланади. Бундай уйларда, асосан, каркас конструкциялар ишлатилиб, улар бир оз арзонроқ ва уйнинг планировкасини режалаштириш имконини беради. Албатта уйнинг юза қисми қуёшга қараган бўлиши лозим. Бу табиий иссиқликни ва ёруғликни таъминлаш, шунингдек қуёш батареясига етарли миқдорда қувватни тўплаш имконини беради. Деразалар асосий ёруғлик ва иссиқлик манбаи бўлганлиги боис, уларга ўрнатилган жалюзи автоматик равишда қуёш нуридан келиб чиққан ҳолда очилиб, ёпилади. Агарда уйда ҳеч ким бўлмаса, албатта жалюзи очилмайди.

Ижобий қувват балансига эга бўлган бундай уйларда қуёш батареялари ёки миниатюр шамол (шамолли ҳудудларда) электростанциялари ўрнатилади. Шунингдек уларда иссиқлик насосларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Қуёш батареяли ва шамол генераторлари иқлимга боғлиқ бўлиб, улардан кенг фойдаланилади.

Н. Қосимова

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
--	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------



1. Фаол уйлар бизнинг ҳудудларга мос келармикан?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------------	---	---------------	---	----------------

3. “Тасаввуримдаги келажак уйи” расмлар галереясини ташкил қилинг.

	<i>Ёзиш</i>
---	-------------

4. Матндан кесимга боғланиб келган бир неча сўз бирикмасини олиб, саволлар беринг.

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	----------------------	---	-----------------------

5. “Энергия” сўзига “*Синквейн*”, яъни беш мисрали шеър усулини қўлланг:

- 1 – битта от сўз туркуми;
- 2 – иккита сифат сўз туркуми;

- 3 – учта феъл сўз туркумига хос сўз;
- 4 – тўрт сўздан иборат гап;
- 5 – мавзуга доир бир синоним.



Билиб олинг!

ҲОЛНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ					
Ўрин ҳоли	Пайт ҳоли	Миқдор ҳоли	Равиш ҳоли	Сабаб ҳоли	Мақсад ҳоли





Ёдда сақланг!

Равиш ҳоли ҳаракатнинг қай тарзда, қай ҳолатда бажарилишини билдириб, **қандай?, қай тарзда?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Масалан, болалар **ёнма-ён** ўтирди. Ҳамма **гуриллаб** кулиб юборди.

Равиш ҳоли ҳолат равишлари, равишдош, от, сифат, сифатдош, тақлид сўзлар билан ифодаланиб, кесимга битишув йўли билан боғланади: **тез юрмоқ, ўқитувчи бўлиб ишламоқ, ёнма-ён ўтирмоқ, кулиб гапирмоқ, ғуж-ғуж ўсмоқ.**

Ўрин ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, **қаерга?** сўроғига жавоб бўлади. Ўрин ҳоли ўрин равишлари: **у ер, бу ер, шу ер;** жўналиш (келишик), ўрин-пайт ва чиқиш келишигидаги ўрин отлари: **уйда, мактабдан, кўчага** ва кўмакчи отлар билан ифодаланади: **уйинг ичида, бино олдида** каби.

Пайт ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, **қачон?** сўроғига жавоб бўлади. Мажлис **эртага** бўлади. Пайт ҳоли пайт равишлари ва от билан ифодаланади: **бугун, эрта, ўтган йил, уч кун** каби.

	Ўқиш		Сўзлаш
---	------	---	--------




108-машқ.

ҚУЁШ ҚУВВАТЛИ САМОЛЁТ ҲАВОГА КЎТАРИЛДИ



Швейцариянинг Пайернида SolarStratos'нинг биринчи парвози муваффақиятли якунланди. Стратосфера самолёти фақатгина қуёш энергиясидан фойдаланади. Учувчи Дамиан Хишье SolarStratos'ни 300 метр баландликка кўтариб, у ерда 7 дақиқа давомида бўлиб турган ҳамда ерга қайта муваффақиятли қўндирган. Барча конструкцияни етарли қувват билан таъминлаш учун унга жуда йирик қанотлар ўрнатилди, уларнинг узунлиги 25 метрга тенг. Қанотлар қуёш панеллари билан қопланган, улар двигателъ учун энергия ишлаб чиқаради. SolarStratos стратосферага эса 2019 йилда парвоз қилади.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------	---	-----------------------	---	----------------

1. Қуёш қувватидан яна қандай соҳаларда фойдаланиш мумкин деб ўйлайсиз?


	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

2. Мавзу бўйича фикрингизни ҳаёт билан боғлаб, мисоллар орқали баён этинг.

	<i>Ёзиш</i>		<i>Якка тартибда ишлаш</i>
---	-------------	---	----------------------------

3. “*Инсерт*” усули орқали қуёш энергияси ҳақида олган билимларни мустаҳкамланг.

<i>“V” – биламан</i>	
<i>“+” – билмайман</i>	
<i>“-” – янги ахборот</i>	
<i>“?” – тушунмадим</i>	

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

109-машқ.

ЙЎСИНДАН ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУМКИНИМИ?



Мохсимонлар оиласига мансуб бўлган йўсин ўсимлигини олимлар ўта қадимий, ҳатто археогинал ўсимликлар синфига мансуб деб ҳам ҳисоблашади. Чин илдиз ва ўтказувчан тўқимага эга бўлмаган бу ғаройиб ўсимликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг айрим турлари палеозой эрасида ҳам мавжуд бўлганидир. Шундан кўриш мумкинки, йўсин аслида сувўтларининг қадимий вакилларида келиб чиққан. Айни пайтда Ер юзи-

да йўсинсимон, яъни мохсимон ўсимликларнинг 40 000 га яқин тури мавжуд бўлиб, сизу бизга маълум торф ҳам айнан йўсиндан ҳосил бўлган.

Ҳозирги кунда сув, шамол, қуёш энергияси, борингки, биогаз ёнилғи турларидан электр қуввати ҳосил қилиш учун қатор тадқиқотлар олиб борилиб, сезиларли натижаларга эришилганини ҳисобга оладиган бўлсак, келгусида йўсин ва мохдан ҳам ўзига хос электр энергияси олиш имкониятлари борлиги исботини топмоқда.




Чунки машҳур дизайнерлардан бири Фабьена Фелдер бундан бир неча йил илгари “Боинг-747” самолётини йўсин билан қоплаш таклифини илгари сурганди. Унинг фикрича, бу ўсимлик самолёт салонига ўзига хос кўриниш ва кўрк бағишлаш билан бирга ҳавони ҳам тозалайди. Янаям муҳими, фотосинтез пайтида ўздан чиқадиган электр қуввати билан телевизион панелларни ҳам таъминлаши мумкин экан.

Албатта, кўпчилик бу ғояни жиддий қабул қилмаган ва шунчаки хомхаёллардан бири деб ҳисоблашганди. Аммо кембриджлик олимлар мазкур таклифни жиддий ўрганиб чиқишди. Эндиликда олимлар бу ўсимликнинг қуёш нурларини электр токига айлантириш каби ажойиб қобилиятини тадқиқ қилишмоқда. Ҳозирда улар қуёш нурларини электр энергиясига айлантирувчи ва ҳатто кичик радиоприёмникни ток билан таъминлайдиган “батарейка”, яъни “йўсин тахтаси”ни тақдим этишди.


Бундай тахтанинг усти махсус йўсин билан қопланган бўлиб, ўсимлик кичикроқ дисплейларни ҳам электр токи билан таъминлашга қодир.

Афсуски, бу ўсимлик ишлаб чиқараётган энергия радиоприёмникнинг бир неча дақиқа ишлашигагина етади. Узоқ давом этувчи эшиттиришлар эса табиийки, кўпроқ йўсин талаб этади. Аммо бир жиҳати қувонарлики, буларнинг барчаси илк тажрибаларнинг натижаси, холос. Гарчи амалга ошиши бир неча ўн йилликларни талаб этиши ҳозирданоқ маълум бўлиб турганига қарамай, келгусида йўсинли электростанциялар пайдо бўлиши муболаға эмас.

Д. Қодирова

	<p><i>Савол ва топшириқлар</i></p>		
	<p><i>Гуруҳда ишлаш</i></p>		<p><i>Мулоқот</i></p>

1. Матн сюжетини “Балиқ скелети” усули асосида ёритинг.



	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	------------------------	---	-----------------------	---	----------------

2. “*Ақлий ҳужум*”. Ушбу ўсимлик ишлаб чиқараётган энергиянинг келажаги бор деб ўйлайсизми?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	---------------	---	-------------

4. “*Кластер*” усули ёрдамида йўсин ўсимлигига хос хусусиятларни матндаги маълумотларга асосланиб тўплаштиринг.

5. Иш-ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзларни ёзиб олиб, ўзи билан боғланган сўзлар орқали тегишли саволларини қўйинг.

Сабаб ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдириб, нима учун?, нима сабабдан? сўроқларига жавоб бўлади: У шодлигидан қичқириб юборди.

Сабаб ҳоли сабаб равишлари –лик, -сизлик қўшимчаларини олган отлар, -гани қўшимчали сифатдош ҳамда учун, сабабли, туфайли кўмакчилари орқали ифодаланади: яхшилигидан, уқувсизликдан, ўқигани учун каби.

Мақсад ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдириб, нима учун?, нима мақсадда? сўроқларига жавоб бўлади: Китоб олгани дўконга кирдим. Мақсад ҳоли мақсад равишлари, -гани қўшимчали равишдош, шунингдек феълдан кейин, учун, деб, мақсадида сўзларини келтириш билан ҳосил бўлади: Ўқиш учун келмоқ, ишлаш мақсадида юрмоқ каби.

Миқдор даража ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш миқдорини, даражасини билдириб, қанча?, неча? сўроқларига жавоб бўлади: кўп гап, оз иш.

Миқдор-даража ҳоли миқдор-даража равишлари, шунингдек сон ва марта сўзларини келтириш билан ҳосил бўлади: Уни бир-икки марта кўрганман каби.



Ўқиш

110-машқ.


**ҲАР ЙИЛИ ЯНВАРЬ ОЙИ ОХИРГИ ЯКШАНБАСИ
ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ТАҚВИМГА КЎРА
“БУТУНЖАҲОН ТОЗА ҲАВО КУНИ”
ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН**

Халқимизда “Тоza ҳаво – танга даво” деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, тоza ҳаво, айниқса тонг пайтидаги кислородга бой мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, ҳузур қиласан киши. Лекин ҳар хил чанг-тўзонлар, автомашиналар, ишлаб чиқариш корхоналари, одамларнинг турли-туман хас-чўпларни, елим халта ва халтачалар, “баклашка”лар, пластик идишлар, резина буюмлари





ва ҳоказоларни ёқиш пайтида ажралиб чиқадиган заҳарли ис газлари аралаш ҳаводан нафас олиш ҳеч кимга ҳузур бағишламаса керак. Бундай ифлосланган заҳарли ҳаво соғлигимизга ҳам зарар етказишини ҳеч ким инкор қилолмайди. Ваҳоланки, биз ҳар йили куз ойларида ва баҳор ойларида хас-чўплар ва бошқа ташландиқ буюмларни маҳалладошларимизнинг, қўни-қўшниларимизнинг ёқиб, тутатаётганини кўрамиз. Аммо бунга эътироз билдирмасдан ўзларимиз ҳам уларга қўшилиб ёқамиз, тутатамиз. Бу билан барчамиз нафас олаётган тоза ҳавони ифлослаб, уни заҳарга айлантирамиз. Нега биз шундай қиламиз? Бу билан биз ўз соғлигимизга ўзимиз болта ураётганимиз йўқми? Нима, бу бизнинг ақл-фаросатимиз камлигиданми ёки хас-чўплардан осонгина қутулиш йўлини топганимизданми?

М. Абдраимов


	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	----------------------	---	---------------	---	----------------

1. “Тоза ҳаво – танга даво” деган нақл сўзининг маъносини қандай тушунасиз?
2. *Тадқиқот иши*. Хас-чўплардан қутулишнинг яна қандай йўллари бор деб ўйлайсиз?

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>
---	------------------------	---	-----------------------

3. “*Ақлий ҳужум*”. Кислородга бой мусаффо ҳаво нега айнан тонг пайтида мавжуд бўлади?
4. Матн сюжетини “*Балиқ скелети*” усули орқали тасвирланг.



	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

5. Матндан таркибида пайт равиши мавжуд гапларни кўчиринг ва ифодаланишини таҳлил қилинг.

	<i>Ўқиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	-------------	---	---------------

111-машқ.


АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ҳозирги вақтда экологик муҳитни муҳофаза қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ер юзида аҳоли сони йил сайин ўсиб бормоқда, табиий ресурсларни истеъмол қилишнинг кўлами кенгайиб, сурати ортиб бормоқда. **Инсоннинг** теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабати эса мураккаблашмоқда. **Одамларнинг** хўжасизлиги натижасида экология заҳарланиб, шундай муҳит юзага келдики, у бугунги кунда бутун ўсимлик, ҳайвонлар, шунингдек, **одамларнинг** яшашида турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан унумли фойдаланиш масаласи ҳозирги кунда инсоният учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун экология муаммоларини яхши англаб олиш ҳамда уларни тўғри ҳал қилиш **жамиятнинг** ва ҳар бир **кишининг** ҳаётини заруратига айланиши лозим.

Авваллари биз экология муаммоларини ўрганар эканмиз, фан ва **техниканинг** ривожланиши табиатга борган сари кўпроқ зиён етказяпти деган жуда содда хулосалар чиқарар эдик. Бу муаммони мукамалроқ ўрганар эканмиз, аста-секин фикрларимиз чуқурлашиб борди ва экологик **муаммоларининг** сабаби фан ва техниканинг ривожланиши эмас, балки инсон омили, унинг маънавияти даражаси ҳамда ички **дунёсининг** мукамаллик даражаси эканлигини тушундик.

Экологик муаммолар бошқа барча муаммолар сингари **инсоннинг** ички дунёси, унинг **маънавиятининг** даражаси билан боғлиқ бўлиб, инсон ички дунёсининг ташқи дунёдаги акси сифатида қаралиши керак. Ҳозирги экологик аҳволнинг асосий сабабчиси инсоннинг ички муҳити, унинг дунёқараши ва унинг идрок даражасидир.

	<i>Савол ва топшириқлар</i>
---	-----------------------------

	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Мулоқот</i>
---	----------------------	---	----------------

1. Матнни ўқинг ва мазмунини муҳокама қилинг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	------------------------	---	---------------

2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш деганни қандай тушунасиз?

	<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>
---	-----------------------	---	----------------

3. Экологик муаммоларнинг сабаби фан ва техниканинг ривожланиши эмасми, қандай ўйлайсиз?

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	----------------------------	---	-------------

4. Ажратиб кўрсатилган аниқловчиларнинг ўзи билан боғланган сўзларини намунадагидек кўчириб ёзинг ва ифодаланишини таҳлил қилинг.

Намуна: Инсоннинг (кимнинг?) муносабати,..

	<i>Ўқиш</i>
---	-------------

112-машқ.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Табиат ҳодисаларининг такомиллашиб, эволюцион тарзда ривожланиб боришидаги тушунча ва таълимотлар, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва табиатга хиёнат қилмаслик масалалари ота-боболаримиздан қолган маданий меросларда ўз ифодасини топган.

Она замин табиатнинг ажралмас бўлаги, шу сабабли аجدодларимизнинг ерга меҳри ўзгача бўлган. Она заминни эҳтиёт қилишда сир-асрор мўл-кўл, каромат каттадир, чунки ер барча бойликнинг асоси, бутун тирикликнинг манбаи





деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам маънавий қадриятлар мажмуаси умумий экологик дунёқарашнинг ривожланишидаги эстетик муносабат алоҳида аҳамиятга эга. Инсон бу фаолиятда табиат қонунларини билиб, уни ижод предметига айлантиришни мақсадга мувофиқ тарзда амалий жиҳатдан ўзгартириш билан, ўзини ҳам ўзгартириб боради. Экологик вазиятнинг кескинлашиши маънавиятдаги турғунлик, қадриятлардаги қашшоқлик, табиатдаги эстетик муносабатларни ёшларнинг умумий тарбиясида етакчи йўналишлардан бирига айлантиришни тақозо қилади. Шундай экан, ёшларга экологик тарбия беришда, биринчи навбатда, халқнинг тарихан таркиб топган экологик-маданий меросини ўрганиш зарур ҳамда унинг асосида жамият ҳаётидаги ҳозирги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиш қонунининг қатъий тизимини яратиш керак.

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи орасида қоғозларда ёзилмаган бир қонун мавжуд бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу ҳар қандай шароитда энг кам миқдорда хом-ашё, куч, вақт ҳамда инсон меҳнатидан фойдаланиш борасидаги қатъий қоидадан иборат. Халқимиз орасида “увол” деган сўз жуда кенг тарқалган эди. Лекин табиат унсурларини кераксиз сарфлаш: бевосита маҳсулотни ҳам, хом-ашёни ҳам, масалан: сув, тупроқ, ўсимлик ёки ернинг ўзидан бемақсад фойдаланиш увол ҳисобланарди. Увол қилмаслик, ноўя ҳеч қанақа иш бажармаслик, бекорга сарф қилмаслик, тежамкор бўлиш

барча замондошларимиз ўйлаганларидек хасислик белгиси эмас. Бу юксак маданият, шу жумладан, экологик маданият белгисидир. Агар чуқурроқ олиб қаралса, ишлаб чиқариш маданияти, истеъмол маданияти, турмуш маданияти, ўзаро муносабат маданияти ва ҳоказолардир. Тежамкорлик хислати ёш авлодга болаликдан сингдирилиб борилар ва бу хислат то умрининг охиригача сақланиб қолинган.

Ота-боболаримиз она ерни ҳурмат қилишган, уни ризқ-рўзимиз деб билишган. Ерга етарли ишлов бермасдан, текинга ҳосил ундиришга интилиш, бежиз таёқ уриш гуноҳ ҳисобланган. Ҳатто яроқсиз ерлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Ҳайдаладиган ерлар ҳамда яйловлар нисбати қатъий сақланарди. Аҳоли учун зарур бўлган ерлардангина фойдаланишга ҳаракат қилинган. Табиатнинг бир қисми асл ҳолида сақланарди ҳамда экологик мувозанатни сақлаш учун хизмат қилган.

Дарҳақиқат, халқимизнинг қадимги урф-одатлари, анъаналари, табиат тўғрисидаги катта маънога эга бўлган доно ҳикматларига минг йиллар давомида қулоқ солиб, ундаги тавсияларга итоат қилиб келинган, бундан буён ҳам айниқса, ҳозирги мустақиллик шарофати катта эркинликлар берган бир пайтда уларга катта ҳурмат билан қарашимиз ва ҳаётда жуда синалган одатларимизга, қадриятларимизга содиқ қолишимиз, ёшларга булар тўғрисида тез-тез гапириб туришимиз, ундашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

А. Машарипов

	<i>Савол ва топшириқлар</i>				
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>

1. Матнни ўқиб, жуфтликда муҳокама қилинг ва “*Соябон*” усули ёрдамида ижодий давом эттиринг.

	<i>Жуфтликда ишлаш</i>		<i>Сўзлаш</i>		<i>Ёзиш</i>
---	------------------------	---	---------------	---	-------------

2. Ўзбек халқи орасида қоғозларда ёзилмаган яна қандай қоидаларни биласиз?
3. *Тадқиқот иши*. Нега ҳозирги вақтда увол сўзи кам ишлатилмоқда.
4. “Табиатнинг бир қисми асл ҳолида сақланарди ҳамда экологик мувозанатни сақлаш учун хизмат қилган”. Ушбу жумланинг маъносини очинг.
5. Ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзларнинг тагига чизинг.
6. “Халқимизнинг қадимги урф-одатлари, анъаналари, табиат тўғрисидаги катта маънога эга бўлган доно ҳикматларига қулоқ солайлик, қадрлайлик, азизлар!” мавзусида газетага мақола ёзинг.



113-машқ.

ОНА ЕРНИ БИРГА АСРАЙЛИК!

Сайёрамиздаги ҳар тўққизинчи инсон бугун очликдан азият чекмоқда. 2012 йилда эса бу кўрсаткич 870 миллионни ташкил қилган эди. Яшашимиз учун зарур бўлган тўрт асосий унсурнинг биттаси ҳисобланган тупроқ унумдорлигини асрамасдан, серҳосил ерлар қисқаришини олдини олмасдан туриб юқоридаги рақамларни камайтириб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Халқаро ташкилотлар томонидан бу йўлда қанча кўп лойиҳалар ишлаб чиқилмасин, халқаро меъёрий ҳужжатлар имзоланмасин, агар инсон, аввало, ўз-ўзини тарбиялай олмаса, эко-



логик маданият этикасидан хабардор бўлмаса, “Нега шунча ҳаракатлар кутилган натижа бермаяпти?” деган савол дунё жамоатчилигини ўйлантириб тураверади.



Ҳеч қайси тил луғатида она ой, она қуёш, она сув деган ибора учрамайди. Лекин она ер тушунчаси барча халқлар учун бирдек тушунарли бўлса керак. Шундай экан, бизни боқаётган ерни фойдасиз қум уюмига айланиб қолишдан асрайлик.

С. Рўзиева

	<i>Савол ва топшириқлар</i>				
	<i>Гуруҳда ишлаш</i>		<i>Муҳокама қилиш</i>		<i>Тинглаш</i>

1. Матнни диққат билан ўқинг.
2. “*Елпигич*” усули ёрдамида матн юзасидан очиқ сўроқлар бекатини уюштиринг.



	<i>Мулоқот</i>		<i>Жуфтликда ишлаш</i>
---	----------------	---	------------------------

3. Нега сайёрамиздаги ҳар тўққизинчи инсон бугун очликдан азият чекмоқда.
4. “*Ақлий ҳужум*”. Тупроқ унумдорлигини асраш нима учун зарур деб ўйлайсиз?.

	<i>Якка тартибда ишлаш</i>		<i>Ёзиш</i>		<i>Сўзлаш</i>
---	----------------------------	---	-------------	---	---------------

3. Сўнгги хатбошини кўчириш ва равишларни топиб, турларига ажратинг.

114-машқ.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК



Қозоғистон табиати... Унинг пурвиқор тоғлари, зилол сувлари, салқин сабоси, чечаклар ифори уфуриб турган ҳавосидан неча асрлардан буён шоиру ёзувчилар ўз ижодларида ўз аксини топиб келмоқда. Аммо сўнгги йилларда тоғ ёнбағирларига дам олгани чиққан киши табиатдан завқ олиш ўрнига сой бўйларида, қир ёнбағирларида, дарахтлар тагида сочилиб ётган чиқиндиларни кўриб, кайфияти бузилади. Қишда улар чириб кетмаган, бунинг устига бу йилгилари ҳам қўшилган. Турли шакл ва рангдаги консерва банкалари, пластик идишлар, целлофан


ўрамлар, пакетлар, шиша идишлар. Бунга турли-туман темир-терсақларни, автомобиль шиналари ва покришкаларни айтмаса ҳам бўлади. Сув ҳавзасига қарасангиз, қирғоққа урилиб чайқалаётган “баклашка”лар, бир марта ишлатиладиган тарелкалар, целлофан пакетларни кўриш мумкин. Шубҳасиз, сув ҳавзасининг тубидаги чиқиндилар бундан кам эмас. Албатта, бундай манзара барчага таниш. Аввал аччиғимиз чиқади, сўнгра биз ҳам тозароқ жой топиб, еб ичиб, чўмилгач, кечга яқин ишлатилган қоғозу пакетларни шу ерга ташлаган ҳолда уйга қайтамиз. Албатта буни кўрган фарзандларимиз келгусида бу хатти-ҳаракатларимизни такрорланмаслигига ким кафолат беради? Бежиз доно ҳалқимиз, “қуш уясида кўрганини қилади” демаган. Бундай ҳолат такрорланмаслиги учун, келажак авлодга мусаффо ҳаво, тоза сув, кўркам табиатни мерос қолдиришимиз учун ҳар биримиз ўзимизга савол беришимиз зарур: “Мен Она табиатни асраш учун нима қилдим?”. Айнан шу саволни фарзандларга ҳам бериш, ўсиб келаётган авлод она табиатга нисбатан ўйламасдан, масъулиятсизларча муносабатда бўлмаслик кераклигини сингдириш лозим. Ҳар бир хатти-ҳаракатимизни назорат этишимиз, экологик тарбияни ўзимиздан бошлашимиз зарур.

Мана мактаб ўқувчиси чўнтагидан конфет олиб, уни очди-да, қоғозини ерга ташлади. Айнан шу, бир парча қоғозни икки метр нарида турган ахлат қутиси-

га ташлаш хаёлига ҳам келмади. Чунки у шундай қилиш керак деб ўйлайди. Атрофда сочилиб ётган қоғозлар ҳам ахлат қутисида эмас-да.

Икки яшар болани аравачада олиб кетаётган она пластик идишда қолган чойни фарзандига ичирди-да, бўшаган идишни йўлак четидаги ариқчага улоқтирди. Боланинг кўзи каламушлар югуриб юрган ариқчадаги ўнлаб ана шундай баклашқаларга тушди. Унинг онгида бу манзара муҳрланиб қолди. Катта бўлгач, бундай таниш манзараларга у бефарқ қарайди. Ўзи ҳам писта чақиб, тонг саҳарда фаррош томонидан супурилган кўчага пўчоғини ташлаб кетади, машинада кета туриб, бўшаган баклашқани онаси сингари деразадан улоқтиради, сигарета қутисини беписанд, атрофдагилардан уялмай истироҳат боғидаги тахта курсининг орасига тиқиб кетади. Хўш, шахсий тарбияни нимадан бошлаш керак?

Н. Қосимова




1. Матнни ўқиб, жуфтликда муҳокама қилинг. “Соябон” усули кўмагида матн мазмунини баён этинг.
2. “Қуш уясида кўрганини қилади” деган нақл сўзининг маъноси нимадур?
3. Кўпга ўрناق бўладиган жиҳатларингиз ҳақида сиздан кичик ёшдагиларга нималар айта оласиз?



4. Сўнгги хатбошини кўчиринг ва гап бўлакларини таҳлил қилинг.



5. “Мен Она табиатни асраш учун нима қилдим?” мавзусида баҳс- мунозара ўтказинг ва эссе ёзинг.



НУТҚ ҰСТИРИШ УЧУН МАШҚЛАР

ТИЛ – МИЛЛАТ КҰЗГУСИ

Миллати, урф-одати, дини, келиб чиқишидан қатъий назар, инсоннинг ўзлиги, энг аввало, она тили, она алласи орқали шуурига сингдирилади. Шу маънода айтиш мумкинки, сўз фикр қуролидир. Киши қанчалик кўп сўз билса, унинг фикрлаш доираси, дунёқараши ҳам шунчалик кенг бўлади. Сўз мулкининг султони ҳазрат мир Алишер Навоий сўзга «Кўнгил денгиздир, сўз эса кўнгил тубидаги олмосдир» дея таъриф беради. Кишилик жамиятида инсонлар ўртасидаги мулоқот воситаси ҳисобланган тил чиндан ҳам инсоннинг маънавий камолотини белгилайди, унинг ақл-заковоти ва хулқ-атвори шаклланишига катта ёрдам беради.

Дарҳақиқат, сўзни ўз ўрнида ишлата билиш, адабий тил меъёрларидан тўғри фойдалана олиш, айтаётган ҳар бир сўзимизни атрофдаги инсонларга, уларнинг руҳиятига қандай таъсир кўрсатишини мушоҳада этган ҳолда бирор фикр билдириш инсоннинг қай даражада маънавий етук шахс эканлигини кўрсатади. Шу боис тилимизнинг қадрига етайлик, ардоқлайлик. Қолаверса, тилимизни миллат кўзгуси сифатида бутун бўй-баста билан янада такомиллаштишига, келажак авлодларга ранг-баранглиги ва жозибасини йўқотмаган ҳолда етиб боришига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини асло унутмаслигимиз лозим!

Муаллифлардан

ОТА ҲАҚИНИ АДО ЭТГАН ҲҒИЛ

(Ибратли ҳикоя)

Қадим замонда қароқчилар йўлтўсарлик қилиб, ожиз ва заиф одамларни асир олиб бозорда қул қилиб сотардилар. Кунларнинг бирида қароқчиларнинг қўлига бир катта ёшли камбағал киши тушиб қолди. Қароқчилар бошлиғи унга: “Агар бозорда қул бўлиб сотилишни истамасанг, менга юз тилла танга келтирсанг, сени озод қиламан”, деди. Шунда камбағал киши оиласига хат ёзиб, унга шундай сўзлар битди: “Биламан, сизларда мени қутқариш учун тўлашга пулинглар йўқ. Аммо бу хатни мен бошимга тушган ишдан хабардор бўлишингиз учун ёзаяпман”.

Ўша кишининг ғоятда яхши ва жасур бир ўғли бор эди. Хат етиб бориши билан қароқчилар турган жойга етиб келиб, уларга: “Эй жаноблар! Мен отамни текиндан-текин олиб кетмоқчи эмасман, чунки, биламанки, сиз асло бундай қилмайсиз. Аммо отам қари, заиф ва ишга яроқсиз киши. Уни қул бозорида сотсангиз ҳам кўп пул беришмайди. Унинг ўрнига мана мени сотсангиз кўп пул оласиз”.

Қароқчилар унинг бу таклифига рози бўлишди ва бошлиқлари билан маслаҳатлашиб жавоб бермоқчи бўлишди. Қароқчилар бошлиғи бу гапни эшитганида ўз қулоқларига ишонмади ва қари кишининг ўғлига ажабланиб шундай деди: “Ё тавба! Бу дунёда мана шундай жасур ўғлонлар ҳам борми? Ўзини мана шундай қурбон қиладиган кишилар ҳам борми бу оламда?! Мендан одамгарчилик кетдими? Отангни сен туфайли авф этдим. Қани энди кета қолинглар”.

Фақир ота ва унинг учун ўзини қурбон қилмоқчи бўлган ўғли хурсанд бўлиб уйларига қайтишди.

ОДОБЛИ БОЛА БЎЛИШ ҚИЙИНМИ?

Одобли бола ғоятда қадрли ва бебаҳодир. Хўш, одоб-ахлоқ ҳар бир боланинг кўрки ва бойлиги экан, бунга қандай қилиб эришиш мумкин?

Бола одобли бўлиш учун кўп машаққат ва риёзат чекиши шарт эмас. Одобли бола бўлиш учун ҳамма мақталган сифатларни ўзига сингдириб, ахлоқ қоидаларига амал қилиш керак.

Шунда боланинг билим олиши ҳам, хулқи ҳам жойида бўлади.

Одоб бор жойида билим олиш ҳам осон ва баракали бўлади. Чунки одобли боланинг ҳар бир ишида тартиб ва самара бўлади.

Имом Аъзамнинг ўғлига насиҳатлари

– Эй ўғлим, сенга айтадиган бир қанча васиятларим бор. Уларни жон қулогинг билан эшитиб, амал қилсанг, икки дунёда бахт-саодат қозонасан:

- 1. Барча ишларингда ниятни холис қил. Ҳалол луқма ейишга ҳаракат қил.*
- 2. Барча аъзоларингни гуноҳ ва ёмон ишлардан сақла!*
- 3. Нимани билишга муҳтож бўлсанг, уни билмай қолма!*
- 4. Мусулмонга ҳам, гайримусулмонга ҳам душманлик қилма.*
- 5. Аллоҳ берган ризқингга қаноат қил.*
- 6. Бошқаларга муҳтож бўлиб қолмаслик учун қўлингдаги бор имкониятдан тadbиркорлик билан фойдалан.*
- 7. Одамлар сенга наст назар билан қарашиларига сабаб бўладиган ёмон ишларни қилма.*
- 8. Ҳожатингдан ортиқча нарсаларга берилишдан сақлан.*
- 9. Одамлар билан кўришганда гапни салом беришдан бошла, майин ва мулойим сўзла, яхшиларга ёқимли бўл, ёмонлар билан муроса қил.*
- 10. Одамлар орасида низо ва жанжал чиққанида душманларингдан кўра дўстларингдан эҳтиёт бўл. Зеро, душманинг дўстингдан фойдаланиши мумкин.*
- 11. Сирингни, пулингни ва борадиган жойингни бировга айтма.*
- 12. Яхши қўшничилик қил ва уларнинг азиятларига сабр қил.*

ҚУШЛАР МИГРАЦИЯСИ

Учиб ўтиш ёки миграция – қушларнинг ажойиб ва қизиқарли хусусиятларидан биридир. Ҳар йили улар қишни совуқ вақтларини мўътадил иқлимда ўтказиш учун минглаб километрга учиб кетадилар.

Қушларни миграция қилишларига асосий сабаб озуқа етишмаслигидир. Қиш фаслида совуқ ўлкаларда яшовчи қушлар – ҳашарот, мева ва уруғларни излаб топишлари қийинлашади, экваторга яқинлашган сари эса иқлим мўътадиллашиб, озуқани излаб топиш осонлашади.

Кўпчилик қушлар узоқ масофага учишга бардош беролмай нобуд бўладилар, аммо, асосий кўпчилиги яшаб қолиб, учиб ўтувчи қушлар ўз турларини сақлаб қолишларига имкон яратади. Бундай синовлардан ўтиш учун авваламбор, қушлар соғлом бўлишлари, тери ости ёғ захирасига ва янги патларга эга бўлишлари керак. Кўпайиш мавсуми тугагач ва йўлга чиқишдан олдин кўпчилик қушлар патларини “тўлиқ янгилайдилар”, яъни, эскирган патларини тўкиб, ўрнига янгиларини ўстирадилар. Танасининг кўпгина қисмида ёғ захираси тўпланади. Учиш пайтида, айниқса, озуқа етишмаганда бу захира ягона энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Қушлар учиб ўтишда атроф муҳитдан кўплаб маълумот оладилар. Булар асосан – қуёш, юлдузлар ва ернинг магнит майдонидир. Улар қушларга турган жойини аниқлашда ва тўғри йўналиш олишда ёрдам берадилар. Қушлар учиб ўтиш даврида қуёш ва юлдузларни жойлашган тартибини кузатадилар ҳамда ернинг магнит майдонидаги ўзгаришларни тумшуғи ортидаги махсус рецептор ёрдамида сезадилар. Ёш қушлар йўналишни аниқлашда улардаги ирсий ахборотлари ёрдамида ёки ўрганиш орқали билиб оладилар.

* * *

Кўп одамларнинг вақти уйда, маҳаллада ўтади. Шунинг учун ўтган замонда тарбия ва таълимда маҳалла катта ролни ижро қилар эди. Маҳаллада бир вақтлар оқ салла ва ришу соқолли мўътабар зотлар ҳар тонг эрталаб чойхонада ўтириб, керакли вақтда ёшларга панд-насиҳат қилар эдилар. Ҳамма вақтда ҳаво, сув, ер тозалиги тўғрисида гапирар эдилар.

Агар дарс жараёнида ўқитувчи шу ё бу мавзунини айтса, маҳаллада масалан, сувга туф қилган вақтга айтадилар, ё ерда бирон нарсани, ахлатни ташлаш пайтида гапирардиларки, буни таъсири дарсдан кучлироқ. Шундай эмасми, дўстим?

БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРУВЧИ ҚУВВАТ МАНБАЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Қадимги табобатнинг барча намояндалари узоқ ва бахтли ҳаёт кечиришнинг сирлари – инсон табиат унсурларидан нечоғлик тўлиқ фойдалана олишида, дея ҳисоблайдилар. Айнан табиатдан қувват олишнинг энг асосий йўли – ароматерапия усули ҳисобланаркан. Турли эфир мойларидан ўз ўрнида фойдалана билиш эса ароматерапиянинг бош мезонидир.

Саломатликнинг олтин қоидалари билан сизларни таништиришда давом этамиз. Табиатнинг шоҳ асари бўлмиш инсон бутун умри мобайнида табиатга интилиб, ундан баҳра олиб яшаш билан бир қаторда табиатдан қувват ҳам олади. Хоҳ у шамол, хоҳ у қуёш ҳарорати бўлсин, албатта инсон танасига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Хуллас, қувватлар мажмуининг инсонга таъсири каби масалалар бугунги куннинг асосий мавзусига айланди.

ШАМОЛ ҚУВВАТИ

Йўғ-э, шамолдан қувват олиб бўлармиди, дейсизми? Агар шундай ўйлаётган бўлсангиз, қаттиқ янглишасиз. Чунки танага шамол қуввати етишмаса, шлаклар ишлаб чиқариш ёмонлашади, яъни кераксиз моддалар танадан чиқиб кетолмайди. Тонус йўқолади, чарчоқ тўпланиб қолади. Бу эса ўз-ўзидан ички мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Киши руҳиятида депрессия пайдо бўлиб, хавотирлик ҳисси кучаяди. Шамол қувватининг етишмаслигида гайморит, зиққинафас (астма), атеросклероз каби касалликлар авж олади. Ароматерапия ёрдамида мувозанатни тиклаш учун апельсин, мандарин, лимон, грейпфрут каби цитрус мевалари эфир мойидан фойдаланиш лозим. Шунингдек, эвкалипт ҳамда ялпиз мойида ҳам шамол қувватини тиклаш хусусияти мавжуд.

Ароматерапия муолажаси ўтказиш учун 1 пиёла сувга 5–6 томчи эфир мойи қўшиб, лампага томизилади.

Шамол қуввати – ўсиш ва янгиланишга ёрдам беради. Қувват етарли бўлганда организмда қарши жараён секинлашади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I бўлим. ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁЗУВЛАР ВА ЎЗБЕК ЁЗУВИ

1-дарс. Қадимги туркий ёзувлар – тилимиз асоси	6
2-дарс. Ўзбек адабий тилининг тараққиёт босқичлари	11
3-дарс. Адабий тил – умумхалқ оммавий алоқа воситаси	13
4-дарс. Ўзбек адабий тилининг муқаммаллашишида буюк сўз санъаткорларининг роли	20
5-дарс. Ўзбек адабий тили ва адабий нутқ услублари	26
6-дарс. “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”	31
7-дарс. Тил билиш – баркамоллик белгиси	37
8-дарс. Тил ширинлиги кўнгилга ёқимлидир, мулойимлиги эса – фойдали	43

II бўлим. ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ОЛАМ МАДАНИЯТИ

1-дарс. Дунёда инсондан азизроқ не бор?!	52
2-дарс. Ватан меҳри – олий қадрият	56
3-дарс. Қадриятларнинг жамиятдаги ўрни	61
4-дарс. Маданият дурдоналари инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир	67
5-дарс. Юксак миллий маданият, маънавият – жаҳон халқларини бир-бирига яқинлаштирувчи воситадир	72

III бўлим. КАСБ ВА МЕҲНАТ. КЕЛАЖАҚДАГИ КАСБЛАР

1-дарс. Касб ва меҳнат	80
2-дарс. Касб ва меҳнат фаолияти фақат ҳаётий зарурат эмас... ..	85
3-дарс. “Одам – табиат” типигадаги касблар	90
4-дарс. “Одам – одам” типигадаги касблар	96
5-дарс. “Одам – белгилар тизими” типигадаги касблар	107
6-дарс. “Одам – бадиий образ” типигадаги касблар	112
7-дарс. Келажакдаги мутахассис нималарга қодир бўлиши керак?	116

IV бўлим. ФАЗОНИ ЗАБТ ЭТИШДАГИ ЮТУҚЛАР

1-дарс. “Космонавтиканинг истиқболи чексиз, келажаги худди коинотнинг ўзи каби бепоён”	120
2-дарс. Сайёралараро фазони забт этиш	124
3-дарс. Космонавтика бўйича мозийга назар.....	128
4-дарс. Хитой коинотни забт этган давлатлар қаторига қўшилди	132
5-дарс. Космонавтика соҳасида келажакка назар	136
6-дарс. Космонавтика соҳасида рўй берган энг муҳим ҳодисалар (1957–1966 йиллар)	141

V бўлим. БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК

ҚИЗИЛ КИТОБГА КИРИТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР

1-дарс. Табиатни асраш – фарзандлик бурчимиз	152
2-дарс. Биологик хилма-хиллик – ҳаёт мезонидир!	158
3-дарс. Қизил китоб аҳтиёжи.....	162
4-дарс. Ўсимликлар дунёси.....	172
5-дарс. Нима у – биоахлоқ?	181
6-дарс. Табиатни асрайлик!.....	188

VI бўлим. АТРОФДАГИ ОЛАМ ВА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ

1-дарс. Экология ва атроф-муҳит муҳовазаси.....	200
2-дарс. Ҳаёт манбаи	207
3–5-дарс. Муқобил энергия зарурий аҳтиёжми?.....	217
6-дарс. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	233
НУТҚ ЎСТИРИШ УЧУН МАШҚЛАР.....	243

Шахло Джамаловна Наралиева
Нуриниса Джамаловна Досметова
Шахноза Бабажановна Алиакбарова

ЎЗБЕК ТИЛИ

**Умумтаълим мактабларининг
8-синфи учун дарслик**

1-қисм

(өзбек тилинде)

Редакторы	Ш. Наралиева
Мұқабаның дизайнері	Н. Тазабеков
Техникалық редакторы	З. Бошанова
Дизайнын жасаған және компьютерде қалыптаған	Г. Өтенова

ИБ №7366

Басуға 17.05.2018 ж. қол қойылды. Пішімі 84×108¹/₁₆.


Қаріп түрі “SchoolBook Kza”. Офсетті басылым.

Баспа табағы 15,5. Шартты баспа табағы 26,04.

Шартты бояу көлемі 104,16.

Таралымы 7000 дана.

Тапсырыс №

 Қазақстан Республикасы “Жазушы” баспасы, 050009.
Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй.
E-mail: Zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-613-1



9

7 8 6 0 1 2 0 0 6 1 3 1